


74.00  
A15

Ф. Р. АБДУРАҲМОНОВ


# ПЕДАГОГИК СОЦИОЛОГИЯ



СН0000036503

Ф.Р.Абдураҳмонов

ПЕДАГОГИК  
СОЦИОЛОГИЯ



«Noshir» нашриёти  
Тошкент—2015

УЎК: 37.015.32

КБК: 28.03

A12

**Тақризчилар:**

- Э. Ғозиев – *психология фанлари доктори, профессор;*  
С. Ҳасанов – *педагогика фанлари доктори, профессор;*  
Х. Омонов – *педагогика фанлари доктори, профессор;*  
Г. Т. Махмудова – *фалсафа фанлари доктори.*

**Абдураҳмонов, Ф. Р.**

**A12** Педагогик социология./ Ф. Р. Абдураҳмонов; Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Тошкент: Noshir, 2015. – 248 бет.

ISBN: 978-9943-4466-2-5

Жамиятимиз тараққий этиб борар экан, бунда ёш авлоднинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти кун сайин ўсиб боради. Ёшлар бу жамиятнинг келажаги. Уларни жамиятга фойдали инсон қилиб тарбиялаш давлат ва жамият олдида турган долзарб масалалардан биридир. Инсон ижтимоийлашуви, унинг таълим-тарбияси масалалари кўпгина фанларнинг ўрганиш обьекти ҳисобланади. Педагогик социология эса, айнан шу масалалар билан шуғулланиб, инсон таълим-тарбияси ва ижтимоийлашувига таъсир этувчи омилларни ўрганади. Ушбу китоб педагогика, социология, ижтимоий педагогика соҳасида ўқиётган талабалар ва шу соҳага қизиқувчиларга тавсия этилади.

УЎК: 37.015.32

КБК: 28.03

ISBN: 978-9943-4466-2-5

© Ф. Р. Абдураҳмонов, 2015

© «Noshir» нашриёти, 2015

Уибу китобни падари бузрукворларимиз Раҳимжон Абдураҳмонов ва Эркин Юсуповларнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

## КИРИШ

Дунё манзараси кундан-кунга ўзгариб, ўзига хос тарзда ижтимоий-тарихий ҳодисалар юз берип бормоқда. Бу ўзгаришлар кўз ўнгимизда ва инсониятнинг иштироқи билан содир бўлмоқда. Бир авлоднинг ҳаёти давомида дунёда жуда кўплаб ўзгаришлар содир бўлади ва бу ўзгаришлар ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ҳам ижтимоий, ҳам тарихий жараён сифатида давом этиб келмоқда. Фан ва ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий муносабатларда инсон билан боғлиқ ўзгаришларнинг содир этилиши, жаҳон харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши, инсоннинг ҳаёт фаолиятига таъсир этиб бораётган экологик масалалар, инсонлар эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва энг муҳим масалалардан бири бўлган маънавий ўсиш, тақомил топиш каби кўплаб муаммолар борки, булар инсоннинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини ўтказиб борувчи муҳит ва шароитларни вужудга келтиради.

Ўзбекистонда ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритди, дунё мамлакатлари билан тенг муносабатларга киришиб, ўз имкониятларини, ютуқларини намойиш қилиб келмоқда. Кўриниб турибдики, дунё ўзгармоқда. Бу жараёнда инсоннинг ўзи ҳам ўзгармоқдами? Ҳа! Ўзгармоқда. У энди ўзлигини англаб бораётган, ўз хукуқи ва эркинлиги учун интилаётган инсонга айланиб бормоқда.

Албатта, инсоннинг онги, тафаккури, дунёқараши ўзгариб бормоқда, унга инсоният яратган янгиликлар, фан-техника ва технология ютуқлари, жамият ва табиатдаги ўзгаришлар ўз

таъсирини ўтказиб бормоқда. Жамият, инсоният ўзининг кела-жаги бўлган ёшлар тарбиясига, уларнинг жамият тараққиётига таъсирини ўрганишга жуда катта эътибор бериб келмоқда. Шуни айтиш жоизки, ёшларни тарбиялаш ҳамда уларнинг ижтимоийлашувига катта авлоднинг масъулияти улкандир. Лекин катта авлод ҳар доим ҳам янгиликни қабул килавермайди, янгича ўлашга, тафаккур қилишга, ўз ҳаёт услубини ўзгартиришга ҳар доим ҳам тайёр эмас. Дейлик, компьютерлаштириш тил ўрганиш билан боғлиқ жараёнлар, дунёга бўлган янгича қараш ва муносабатларни олиб кириш қийин масалалардан ҳисобланади. Лекин замонавий таълим-тарбия шуни талаб қилмоқда. Демак, инсоннинг ижтимоийлашувида ўзига хос янги қирралар пайдо бўлдики, болалар ва ёшлар уни реал ҳодиса сифатида қабул киладилар.

Бошқача айтганда, инсоннинг ривожланиши ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда уни ўраб турган борлиқ билан боғлиkdir. Инсоннинг уни ўраб турган борлиқ билан ўзаро алоқаси «ижтимоийлашув» деган ном билан аталади. Ижтимоийлашув жараёнида жуда кўплаб омиллар инсоннинг таълим-тарбияси шакланишига ўз таъсирини ўтказади. Ўзгариб борувчи инсоннинг жамиятда ижтимоийлашувига ва унинг шаклланишига таъсир этувчи мухитни ўрганадиган фан – педагогик социология деб юритилади. Биз юкорида кўрсатиб ўтган кўплаб омиллар айнан инсонга таъсир этиб, педагогик социологиянинг ўрганиш обьектига киради. Инсон атрофдаги мухит асосида, уларнинг берадиган билимлари натижасида шаклланиб боради. Педагогик социология – бу педагогика соҳасида давлат ва жамият олиб бораётган амалий ва назарий ишларни социологик қонунлар асосида ўрганиш, таҳлил қилиш орқали жамиятда инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этаётган педагогика, таълим-тарбия қонунларини инсонга, гурухга, жамиятга таъсирини ўрганувчи фандир.

Педагогик социология – таълим-тарбиянинг инсон ижтимоийлашувидаги ўрни ва аҳамиятини, бу таълим-тарбияяга

таъсир этувчи ижтимоий мухитни, инсонга хос бўлган ва уни таълим-тарбия олишга таъсир этиб турувчи индивидуал-психологик хусусиятлар, жараёнлар ва унинг натижаларини, гурӯхларда ва жамоаларда юз берувчи мулоқотларни, инсонга хос бўлган фаолият турларини ўрганиш орқали педагогик социологиянинг фан сифатида ўзига хос бўлган қонун-коидалари, механизмларини очиб беради.

Педагогик социология фанини жамиятнинг тараққиётига таъсир этувчи энг асосий омил, яъни инсоннинг таълим ва тарбия бериш орқали ижтимоийлашувига таъсир этувчи мухитни, уни ташкил этувчи элементларни, тизимларни, таъсир этувчи механизмларни ўрганиш орқали ижтимоийлашиб бораётган инсоннинг жамият учун фойдали шахс сифатида шакланишига ўз таъсирини ўтказадиган ва таҳлил қиласиган фан деб баҳоласак бўлади.

Ушбу китоб шу соҳага тегишли бўлган билимлар тизимиши шакллантириш билан бирга талаба ёшларга, педагогика соҳасида фаолият юритадиган мутахассисларга педагогик социологияга тегишли бўлган билимларни ўзлаштириш ва ўз меҳнат фаолиятларида ундан унумли фойдалана олиш мақсадида ёзилди. Педагог ўз фаолиятида педагогик социологияга хос бўлган қонунлар ва механизмлардан фойдаланиш орқали таълим-тарбия ишини унумли ва фойдали олиб боради, деган умиддамиз.

# **ПЕДАГОГИК СОЦИОЛОГИЯ ИЛМИЙ БИЛИШНИНГ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА**

## **Ҳозирги замон педагогикаси ва педагогик социологияси тараққиёти**

Ўзбекистонда маънавий баркамол, жисмоний соғлом ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борада белгиланган режаларни амалга ошириш Ватанимизни келажакда ривожланган дунёвий демократик давлатлардан бирига айлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Буюк давлатнинг пойдеворини соғлом, билимдон, зукко ва келажакни аник кўра оладиган ёш авлодларгина барпо эта олади. Бунга ёш авлодни тарбиялаб бориш, уларнинг тафаккур чегараларини кенгайтириб, билимдон, зийрак ва интилувчан қилиб вояга етказиш орқали эришиш мумкин. Болалар тарбиясига жуда кўп омиллар таъсир этади. Шундай омиллардан бири – бу унга таъсир этаётган ижтимоий муҳит ҳисобланади. Ёшларни тарбиялашда педагогика, педагогик социология ва бошқа қатор фанларнинг таъсири жуда каттадир. Педагогик социология ёш фан бўлиб, узоқ вақтлар социология, педагогика фанларининг таркибида ривожланиб, уларнинг шаклланиши учун ўз ҳиссасини кўшиб келган алоҳида фандир. Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш ва таълим беришга жуда катта эътибор бериб келинаётган соҳалардан биридир. Бу ҳақда И. А. Каримов шундай фикр билдиради: «Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлако йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб киладиган умуммиллий масаладир»<sup>1</sup>.

Жамиятимиз учун зарур бўлган шахсни тарбиялаш ва унга таълим бериш – бу педагогика ва бошқа фанларнинг асосий вазифаси хисобланади. Педагогик масалаларни ечишда эса бу фанга жуда қўплаб фанлар ўз улушкини қўшиб келмоқда. Булар қаторига фалсафа, социология ва социологик педагогика фанларини киритиш мумкин.

Педагогика – бу таълим-тарбия ҳақидаги алоҳида фан хисобланади. Педагогика сўзи юононча *pais* – бола, *agogos* – раҳбар сўзларидан ташкил топган. Педагогика тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари, қонунлари, унинг жамият ижтимоий тараққиёти ва шахс ривожланишидаги ролини аниклаб беради. Педагогика сертармоқ ва у инсон ҳаёт жараёнининг ҳамма соҳаларини ўрганишни ўзига қамраб олади. У тарбия назарияси ва дидактикани ўз ичига олади. Дидактика – педагогиканинг маълумот олиш, таълим ва тарбия назариясига оид соҳаси. Дидақтика мактаб ўкувчиларини маълумотли қилиш вазифаларига ва шу маълумот мазмунига, ўкувчиларнинг билимларни ўзлаштириш ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёнига, таълим принциплари, методлари ва уни ташкил этишга оид ҳамма масалаларни ўрганади.

Маълумки, социология – бу жамиятни ўрганувчи фан. Бунда у ижтимоий муносабатларни, жамиятдаги социал уюшмаларнинг ривожланишини ва уларнинг амал қилувчи қонунларини ўрганиб боради. Педагогик социология эса – бу янги ташкил топган фан ва у социология фанининг таркибида шаклланиб келаётган, ўзига хос бўлган масалаларни жамият олдида таҳ-

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 61-бет.

лил қилаётган фан ҳисобланади. Бу ерда педагогикага хос ма-салаларни, унинг конунларини, моҳиятини ва вазифаларини, жамият тараққиётига таъсирини, жамият томонидан тарбияга яратилаётган шароитларни, табиий шароит ва имкониятларни, бола тарбиясига таъсир этаётган мухитни ва шу кабиларни педагогик социология ўзининг ўрганиш обьекти сифатида қарайди. Педагогик социология социал педагогикадан фарқ қиласиди. Социал педагогика энг умумий тарзда социал тарбияни ўрганади, бу инсоннинг бутун умри давомида рўй берадиган ижтимоийлашишни ёки ижтимоий тарбияни ўрганадиган соҳа ҳисобланади. Педагогик социология эса, социал педагогикадан фарқ қилган ҳолда инсоннинг тарбияланишига таъсир этувчи мухит, яъни жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг таъсирини, бунда катта-кичик гурухларни, жамиятдаги ривожланиб бораётган тизимларни, алоҳида олинган инсонларни, жамоа ва оиласларни, шунингдек, табиий мухитни ҳам ҳисобга олган ҳолда ўрганади. Педагогик социология бола тарбияси ва ундан кейинги тарбия йўналишларини ўрганиб, ижтимоий муносабатларда ўз имкониятларини кенгайтириб боради. Бунга жамиятнинг ўзи имкониятлар яратади. Чунки жамиятга янги кўринишдаги инсон, жамиятнинг ривожланиши учун керак бўлган шахс типи керақдир. Шунинг учун ҳам педагогик социология тарбияга хос бўлган янги усусларни излайди. Бунинг учун у жамиятдаги мавжуд бўлган кўплаб ижтимоий муносабатларни ўрганади ва уларнинг бола тарбиясига таъсирини кўрсатиб беради. Маълумки, бола ҳар хил кўринишга эга бўлган жамоаларда тарбия топади, унинг тарбиясига ҳар хил кўринишга эга бўлган жамоалар таъсир этади. Уларни жамиятга керак бўлган шахс сифатида тарбиялашга таъсири, албатта, бўлади. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия ва унга яратилаётган мухит бола ва бошқалар тарбиясига ўз таъсирини кўрсатади. Бу фаннинг пайдо бўлиши ва тараққий этиб боришига жуда кўп омиллар таъсир этган. Бу омиллар обьектив ва субъектив томонлар билан боғлиқдир. Биринчидан, жамиятнинг ўзгариб

бориши билан, ундаги салбий ва ижобий омилларнинг таъсири натижасида шаклланаётган инсон ва унинг онги, дунёкараши-нинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Иккинчидан, ҳар бир жамиятда мавжуд бўлган миллӣ ва умуминсоний кадриятларни тўғри тушуниш, уларга амал қилиш, ўз ҳаёти давомида улардан фойдаланишини англаш. Учинчидан, ёшларга берилаётган билимларни, амалий тажрибаларни уларнинг онгига нечоғлик сингиб бораётганлиги, янги авлод бўлиб дунёга келган инсонларни тўғри тарбиялаш ва бу тарбиянинг роли, аҳамиятини билишга интилиш. Тўртинчидан, дунёга кенг тарқалган интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари бола тарбиясига нечоғлик таъсир этиб, уларни жамиятга ва инсониятга керакли қилиб тарбияланишини билиб бориш. Бешинчидан, ёшларга маънавий таъсир этиб, инсоният маданиятини янада юксакликка олиб чиқиши, янги билимларни вужудга келтириш.

Педагогик социология ўз олдида турган масалаларни ҳал этиш учун ўзига хос бўлган усуллардан кенг фойдаланади. Усул – бу масалани ечишнинг йўли. Педагогик социология ўзига хос янги фан сифатида шаклланиб бориш билан бирга кўпгина фанларнинг методларидан фойдаланади. Дейлик, педагогика ва социология, психология ва фалсафа фанлари методларидан ўз масаласини ҳал этишда фойдаланади. Педагогик социология таълим ва тарбия масаласининг жамият тараққиёти учун зарурлилик даражасини, унга бўлган муносабат ва ижодий ёндашиш қирраларини, ёшларни тарбиялашда кўлланаётган кўплаб усуллар, методологик йўналишларни ўрганиб бориб, умумий ва хусусий усуллардан кенг фойдаланиб боради. Педагогик социология энг умумий фалсафий методлар, уларнинг ўзига хос томонларидан фойдаланади. Бу методлар педагогик социология олдида турган масалаларни кенг ва ҳар томонлама чуқур ўрганиш учун зарур ва унинг тараққиёти учун методологик аҳамиятга эга бўлган методлар ҳисобланади. Масалан, диалектик метод, унинг қонун ва категориялари, синергетика, унга хос бўлган хусусиятларни кўрсатиш мумкин.

Педагогик социология, шунингдек, ўзига хос бўлган хусусий методларга ҳам суюнади. Дейлик, кузатиш, эксперимент, сұхбат, анкета, хужжатларни таҳлил қилиш, моделлаштириш, статистик метод, олинган материалларни анализ ва синтез қилиш, умумлаштириш каби методлардан фойдаланади. Бу усууларнинг ҳар бири ўзига хос томонлари билан ажралиб турди. Педагогик социологияда кузатиш – бу таълим ва тарбия масалаларини индивидда ва жамиятдаги ўзлаштириш, мухит, шароит билан таълим ва тарбиянинг боғликларини даражасини таҳлил қилишда, жамиятдаги тизимларнинг жамият ва инсон муносабатлари шаклланишидаги таъсири каби қатор масалаларни ўрганишда кенг фойдаланилади. Яъни педагогик масалаларнинг жамиятдаги ўрнини, аҳамиятини, ролини ва, шунингдек, унга яратиб берилаётган шарт-шароитларни, мухитни кузатиш орқали ўрганади. Мисол учун, оиласидаги бола тарбияси, мактабдаги таълим ва тарбия, яқин инсонлар билан боғлиқ мухитни кузатиш орқали ўрганилади ва таҳлил қилинади. Педагог социолог кузатишдан ва унинг кўринишларидан кенг фойдаланади. Кузатиш педагог социолог учун кўплаб манбаларни беради, яъни психологияга хос жараёнларни ўрганиш, педагогик масалаларни ҳал қилишдаги йўналишларни билиш кабиларни. Социолог педагогик масалаларни ўрганиш орқали жамият тараққиётига ўз таъсирини ўtkазиб бораётган ёшлар таълим ва тарбиясини шу жамият учун, унинг тараққиёти учун зарурлигини жамият тараққиётига таъсир этаётган қонуниятлар бирлигига кўриб чиқади.

Педагогик социология жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос бўлган вазифаларни ўтайди. Жамият ўзи бошқараётган ва тарбиялаётган аҳолини ижодий томонлар билан таъминлаб бориб, янги кўринишга эга бўлган инсонни тарбиялаш вазифасини мақсад қилиб қўйгандир. Педагогик социология шу мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда ўз олдига қуйидаги функцияларни қўяди: 1) жамият учун, унинг тараққиёти учун хизмат қиладиган тарбияга таъсири бор бўл-

ган объектив ва субъектив омиллар таъсирида пайдо бўладиган билимлар тизимини ўрганиш – гносеологик функцияси; 2) олинган билимлар асосида таълим ва тарбияни янада такомиллаштириш учун йўл-йўриқлар ва тавсиялар бериш – методологик функцияси; 3) таълим ва тарбиядаги орттирилган билимларни инсоният учун қадриятга эга бўлганларини келажак авлодларга етказиш ва маданият сифатида кенг фойдаланишга тавсия эта олиш – қадриятшунослик функцияси; 4) ёш авлодни жамиятга хос ҳолда ва фойдали инсон сифатида шакллантириш – тарбия ва таълим бериш функцияси; 5) олиб борилаётган амалий ва назарий ишлар бажарилишини, унинг тўғри эканлигини кузатиш – назорат қилиш функцияси; 6) таълим ва тарбиядаги ишлар йўналишларини ва олиб бориладиган амалий ишларни олдиндан кўрсатиб бориш – прогноз қилиш функцияси. Педагогик социология бу каби функцияларни, ўз олдида турган мақсад ва бажариши керак бўлган фаолиятни амалга оширади.

Педагогик социология ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни бажариб бориб, бунда бошқа фанларнинг ютуқларидан ҳам кенг фойдаланишга интилади. Педагогик социология, энг аввало, социология, педагогика, ижтимоий педагогика, тарих, этика ва эстетика, фалсафа каби ижтимоий фанлар билан узвий bogliq va, shuningdek, aniq fanlar bilan ham bogliq holda ўз фаолиятини олиб боради. Педагогик социология учун фалсафа ва uning yotuklari metodologik axamiyatga ega. Falsaфа ўзининг metodlari va konunlari, kategoriyalari bilan bu fanning hamma masalalarini echisha, ularni taхлил kiliшda asosiy roль ўйновчи fan xisoblanadi. Педагогик социология ўз масалаларини кенг фалсафий taхliл қilmasdan turib, uni chukur va tўғri echa olmайди, bunda falsaфа fani yotuklariidan foydalaniishi zarur bўlib қoladi. Falsaфа fani ham ўз ўrниda педагогик социологиянинг ютуқлariidan foydalananadi, яъни инсон muammosi, жамият ва tarakkiёт kabi masalalarни kengroq ўрганиш учун ёрдам beradi. Xuddi shu kabi pedagogik

социология бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боради.

Педагогик социология таълим ва тарбияга таъсир этувчи муҳит, шарт-шароитларнинг узвий боғликлигини ўрганади, бу соҳада инсоният тарихига тегишли кўплаб илмий тадқиқотлар қилинган. Агарда таълим ва тарбияга таъсир этувчи муҳит ҳақида фикр билдирысак, унинг бола ва катталар тарбиясига таъсири жуда катта эканлигини кўриш мумкин. Бола яхши муҳитда тарбия топса, у жамият ва яқинлари учун фойдали инсон бўлиб шаклланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки. муҳитга бўлган муносабат ҳар бир даврда ўзига хос ҳолда таърифланган. Буни кейинги бўлимларда кўриб чиқамиз. Муҳит деганда нимани тушунамиз? Муҳит – бу таълим ва тарбияга таъсир этувчи ташки таъсирлардир. Бола тарбиясига жуда кўп омиллар таъсир этади. Дейлик, табиий муҳит, атрофдаги катталар муҳити, оилавий муҳит, тенгдошлар муҳити, қон-қариндошлар ўртасидаги муҳит, ишдаги жамоа муҳити ва шу кабилар. Умуман олганда, инсонга жуда катта таъсири бор бўлган муҳит – бу иқтисодий муҳит ҳисобланади. Бола моддий ва маънавий жиҳатдан таъминланганда гина маълум бир тарбия ва таълимнинг таъсири кучли бўлади. Ёзувчи А.Н.Толстой боладаги таълим ва тарбияни шакллантиришга муҳитнинг таъсирини кўрсатиб, шундай дейди: «Одамда чексиз ижодий кувватлар мужассамки, акс ҳолда, у одам бўла олмасди. Бу кувватларни рӯёбга чиқармоқ ва очмоқ лозим. Буни адолатга чакирувчи ҳамду санолар билан эмас, балки инсонга кулай ижтимоий ва моддий шарт-шароитларни яратиб бериш билан ҳал этмоқ зарур»<sup>1</sup>. Бу шарт-шароит ҳақида Суқрот шундай дейди: «Тарбия қийин иш ва тарбиявий шарт-шароитларни яхшилаш – ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир»<sup>2</sup>. Демак, кўриниш турибдики, муҳит тарбиянинг муҳим бўлаги.

<sup>1</sup> В. Воронцов. Тафаккур гулшани. – Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти. 1981. – 156-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар.

Бу соҳада уларнинг конуний боғликларини асослаш бериш мақсадида кўплаб амалий экспериментлар ва социологик, педагогик изланишлар олиб борилмоқда.

Педагогик социология инсон тарбияси ва таълим минни ташкил этишда, унинг сифати ва ёйилиш даражасини билишда, таълим ва тарбияга таъсир этувчи омилларни, муҳитни, инсонга бериладиган тарбия ва таълим сифатини илмий ўрганади, яъни инсоннинг ижтимоий муносабатлари орқали ўсиб келаётган авлоднинг тарбияси ва таълимига таъсир этаётган омилларни илмий асослаган ҳолда ўрганиб боради. Илмийлик – бу унинг асосланганлигида, таҳлил қилинганлигида, қўйилган муаммонинг ечилганлигида, масалаларни ечиш учун берилган тавсияларда, масалаларни ҳал этиш учун яратилган усулларда ва шу кабиларда кўзга ташланади. Педагогик социология олиб борган кузатишлар орқали педагогика фанини ва социология фанини янги маълумотлар билан бойитиб боради. Шунингдек, ўз масалаларини ечишда экспериментлардан, кузатишлар орқали олган маълумотлардан, жамиятдаги таълим ва тарбияни янада ривожлантириш учун моделлаштириш каби усуллардан фойдаланиб, фанни янги маълумотлар билан бойитиб боради.

Педагогик социология жамият эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда янги типдаги шахсга бўлган эҳтиёжни қондириш устида амалий ишлар олиб боради. Жамият талаб қилаётган янги типдаги шахс – бу унинг талабларига мос тушадиган шахс ҳисобланади. Яъни, жамият ҳар томонлама етук бўлган ва жамият учун, унинг манфаат ва эҳтиёжларига жавоб бера оладиган шахсни талаб қиласи. Бу ҳар доим энг долзарб бўлиб келаётган масалалардан ҳисобланади.

Педагогик социология ўзига хос тарихий тараққиёт йўлига ҳам эга. Педагогик социология масалалари педагогика тарихида педагогика билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланиб келган. Қадимги антик даврларда ёқ келажак авлодни тарбиялаш масаласи ва уни ўрганиш жуда кўплаб мутафаккирларнинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил ҳам қилинган.

Уларнинг асарларида инсон, шахс, жамият, давлат, бошқарув каби масалалар қаторида инсонга тарбия бериш, педагогикага хос бўлган усусларни, тарбиянинг таъсирчанлигини оширувчи омилларни ўрганишга қаратилган фикрлар ҳам учрайди.

Педагогик социология, юқорида айтганимиздек, педагогик масалалар билан бирга ўрганилган. Педагогик социология таълим ва тарбияга таъсир этувчи, инсоннинг ижтимоийлашувига олиб келувчи муҳитни ўрганади. Муҳитнинг ижтимоий – педагогик имкониятларини, инсоннинг ёшлик даврларида унга таъсир этувчи, тарбияловчи педагогик муҳит масалалири кўпгина олимларни, мутафаккирларни бавосита ва бевосита қизиқтириб келган. Булар қаторига: П.Наторп, П.Бергаманн, К.Д.Ушинский, Н.И.Пирогов, Ж.Дьюи, Г.Кершенштейнер, Р.Зейдель, С.Т.Шацкий, А.С.Макаренко, Б.Т.Лихачев, В.Д.Семёновлар киради.

Инсон ижтимоий мавжудот сифатида табиат қонунлари ва маълум бир ижтимоий муҳит, жамият ва индивид эҳтиёжлари асосида тарбияланади. Бу соҳада кўплаб олимлар фаолият олиб борганлар. Булар қаторига К.Магер, Х.Мискес, М.А.Глагузова, А.В.Мудрик, Б.Т.Лихачёв кабилар киради.

Ўтган асрнинг 20-йилларида педагогика соҳасини ижодий ўзгартириш ва ёшлар тарбиясига янги бир назар билан қараш бу соҳада кўплаб изланишларни талаб қилди. Янги педагогик йўналишни ижодий изланган ҳолда фаол таҳлил қилган педагоглардан бири – бу С.Т.Шацкий (1878–1934) ҳисобланади. У педагогика соҳасидаги биринчи тажриба марказига раҳбарлик қиласиди. Шу вақтгача педагогика соҳасидаги тажрибаларни ўргангандан бола тарбияси ва мактаб тарбиясига янгича қараш кераклигини тажрибаларда кўрсатиб ўтади. С.Т.Шацкий бошқа тадқиқотчилар каби мактабнинг ҳаёт ва ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрларни билдириди. Мактаб жамият ҳаёти ва унга таъсир этувчи муҳит билан узвий боғлиқ жараён эканлиги кўрсатилди.

Педагогика соҳасини янада ривожлантириш, тарбия, таълим тизимини тараққий эттириш мақсадида биринчи ўқув кўлланмалари ёзилади. «Педагогика», «Педагогика асослари» китобларини П.П.Еланский (1884–1941) ва «Педагогика» китобини А.П.Пинкевич (1884–1939) яратади. Бу китобларда янги давр педагогикаси, тарбия ва таълим тизими ҳақида сўз боради. Бола тарбиясида унга таъсир этётган муҳит, яъни мактаб, оила, атрофдаги катталар, дўстлар, қавму қариндошлар ҳам ҳисобга олиниши кўрсатилади.

Педагогика тарихи жуда кўп педагоглар томонидан бойитилди. Педагогикани янада тараққий эттириш, таълим ва тарбияни такомиллаштириш мақсадида ҳар хил тажрибалар ўтказилди. Дейлик, 50-йилларнинг охирида мактаб таълими мазмунини такомиллаштириш йўлларини назарий ва экспериментал асосда қидириш ишлари бошланди. Шу муносабат билан кенг доирадаги масалалар: таълим мазмунни иқтисод, фан, техника ва маданиятнинг ривожланганлик даражаси ва характеристига боғлиқлиги, ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг илмий-техник тараққиёти билан боғлиқ янги талаблар, ўқитишнинг турли босқичларида ўқувчиларнинг ёшига қараб ривожланиш хусусиятлари, тарбиявий ишлар дастури тузилишининг принциплари каби масалалар ўрганилди. Бунинг учун умумпедагогик ва дидактик масалаларни ишлаб чиқиш билан бирга шахсни ҳар томонлама камол топтиришдек чинакам социал педагогик масалалар юзасидан жиддий педагогик социологияга асосланган текширувлар олиб борилди.

Политехника таълимотининг ташкил этилиши ва методларга бағишлиланган педагогик социологияга хос бўлган тадқиқотларнинг яқин вақт ичидағи мақсади политехника циклидаги янги дастурларни тузишдан иборат эди. Бу педагогик социологияга хос тадқиқотларнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг фан асосларини, машинасозлик, электротехникани ўрганиш жараённида политехника билимлари ва кўнукмаларини эгаллаб, педагогик шароитни аниклашдан иборат ҳисобланган. Шу

маънода физика, химия, биология, чизмачилик ва политехника циклидаги маҳсус фанлар ўртасидаги алоқалар ўрнатилди.

Педагог социологлар томонидан 7–10 ёшли болаларнинг бошлангич мактабда ўқиш жараёнидаги умумий ривожланиш масалалари текширилди. Л.В.Занков раҳбарлигида «Таълим ва ривожланиш» (бошлангич мактаб доирасида) масалалари ўрганилди. 2–4-синфда фанларни ўқитиш, шунингдек, олти ёшли болаларни саводга, ҳисобга ва ёзишга ўргатиш юзасидан тажрибалар олиб борилди. Бу тажрибалардан олинган ижобий натижалар умумлаштирилди. Педагогика соҳасида олиб борилган социологик тажрибалар болаларни тарбиялаш, таълим тизимини шакллантириш билан узвий боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни ечишга имкон берди. Ўқитувчиларнинг ижодкорлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш орқали мактаб таълим-тарбия ишларига кўплаб янгиликлар киритилди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида психологиянинг назарий шаклланишида катта ютуқларга эришилди. Бунга, энг аввало, Л.С.Выготский (1896–1934) томонидан яратилган назария ва бу жараёнда иштирок этган А.Р.Лурия (1902–1977) ва А.Н.Леонтьевларнинг биргалиқдаги ишларини кўрсатиш мумкин. Бу назария психиканинг маданий-тариҳий тараққиёти назарияси деб юритилади. Боланинг туғилиши биологик тип сифатида унинг мавжудлигига якун ясади ва уни янги ривожланиш типига ўтганлигини кўрсатади. Бу тип кўриниши ижтимоий деб юритилади. Боланинг ҳаёти давомида бошқа одамларнинг фаолияти энди муҳим аҳамият касб этади. Бунда улар болани бокиш, парваришлаш ва тарбиялаш билан унинг эҳтиёжларини қондириб борадилар. Бу эса, болани бошқа одамларга бўлган эҳтиёжларини вужудга келтиради. Боланинг нарсалар ва катталар билан бўладиган муносабатларини Л.С.Выготский ҳаракатлантирувчи куч сифатида тушунтиради ва инсоннинг психик ҳаётини шакллантирувчи омил сифатида белгилайди.

Л.С.Выготскийнинг назариясига биноан, боланинг руҳий ривожланиши туғилганидан эътиборан ижтимоий қонунятла-

ри билан аникланади, инсоннинг туғилипидан тортиб то бутун умр бўйи уни куршаб турган борлик билан ўзаро таъсирида муомала мухим ўрин эгалтайди. Л.С.Выготский боланинг руҳий дунёсида ва ташқи хатти-харакатида ҳал қилувчи қонуниятни қуидагича изоҳлайди: «Боланинг шахсий фаолияти намоён бўлишининг асосий йўли – катталар билан муомала ҳисобланади... Унинг ташқи оламга муносабати ҳамиша бошқа одам орқали муносабат билдиришдир».

Л.С.Выготский психика шаклланишида атроф-мухитнинг таъсирини тушунишга ҳаракат қилди. Бу масалани ечишда Л.С.Выготский бола психикаси шаклланишида ҳаёт шароитлари етарли имкониятлар бера олмаслигини кўрсатади. Бир хил бўлган шароитларда ҳар хил психик хусусиятлар шаклланиши мумкин. Уларнинг ривожи, энг аввало, боланинг ўзи қандай ўзаро муносабатлар муҳитида эканлиги билан боғлиқ. Мухит, – дейди Л.С.Выготский, – болага ҳар хил таъсир этиши мумкин. Унинг таъсирини тушуниш учун нафақат муҳитда бўлган ўзгаришларни, балки боланинг ўзида содир бўлган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бола психикаси ривожланишида муҳитнинг ролини шундай тушунтириш олимга тараққиётнинг ижтимоий вазияти тушунчасини киритишга имкон беради. Л.С.Выготскийнинг фикрича, бола муҳитга «аффектив муносабат» кўринишида намоён бўлади.

Л.С.Выготский таълим ва тараққиётнинг ўзаро муносабатини қайта кўриб чиқди. Боланинг мураккаб психологик ҳаёти мулокот жараёнида шаклланади. Демак, мулокот ва унинг яхши тизимлаштирилган шакли – таълим бериш, янги психик жараёнларни вужудга келтиради ва, шунингдек, шакллантиради. Инсондаги олий психик вазифаларни ривожлантиради. Бу айтилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда таълим бериш психика шаклланишида етакчи роль ўйнайди, унинг шакли эса, ривожланиб бориш давомида ўзгаради ва такомиллашади.

Л.С.Выготский ҳар қандай таълим бериш натижали бўлавермайди, натижали бўлиши учун эса таълим бериш тараққиётдан

М-8873½

үтиб кетган ва ўзини кетидан эргаштира оладиган бўлиши кепрак, дейди. Ривожланаётган таълим бериш боланинг мустақил фаолияти жараёнида нима мумкинлигини ва, шунингдек, у ёши катта инсонлар билан биргаликда нима қила олишини ҳам ҳисобга олади. Кўриниб турибдики Л.С.Выготский бола тарбиясини ташкил этишда илғор педагогик билимлар, ёши катта одамлар билан мулоқотда бўладиган натижаларни ҳар доим ҳисобга олиш кераклигини кўрсатади.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари ўзларининг таълим ва тарбияга, ахлоқий ва эстетик тарбияга, педагогика ва фалсафий масалаларга тегишли бўлган фикрларида бола тарбияси ва, умуман, тарбия масалаларини кенг ёритиб беришга ўз дикқатларини қаратгандар. Ҳар бир замонда жамият келажагини кўрсатиб берувчи авлодни тарбиялаш масаласи чуқур ўрганилган ва ҳар бир миллатга хос бўлган ахлоқий қонунлар уларга сингдирилиши билан ўзига хос бўлган инсонни тарбиялаш долзарб масалалардан ҳисобланган. Педагогик социологияга тегишли фикрлар ва маҳсус асарлар бўлмаса-да, лекин уни қизиқтирган масалалар Шарқ мутафаккирларининг асарларида учрайди. Қадимги асарларда, қўлёзмаларда бола тарбияси ва унга бўлган жавобгарлик ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. Дейлик, «Авесто»да бола тарбиясига таъсир этадиган омиллар ҳақида, болани тарбиялашдаги шарт-шароитлар ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. «Авесто»да ўғил болалар билан олиб бориладиган тарбия каби қиз болаларга ҳам яхши тарбия берилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. «Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илм олишга жиддийроқ киришсинлар. Зероки, улар ота-она хонадонида бўлган вактларида ота рўзгорини тартибга солиб, зийнат бериб борсалар, жуфти ҳалоли манзилига боргач, болалар тарбияси, таълим, келажак насл тарбияси билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади»<sup>1</sup>.

«Авесто»да бола тарбиясига эътибор, яъни унга яратилаётган муҳит бола она қорнидалигиданоқ бошланиши кераклиги,

<sup>1</sup> Ҳамиджон Ҳамидий. Авестодан Шоҳномага. – Т.: «Шарқ», 2007. – 71-бет.

болани табиий мұхитда қандай тарбиялаш кераклиги, табиат-нинг болага таъсири кабилар ҳам күрсатиб үтилган. Ҳомиладор аёл изтироб чекмаслиги, асабийлашмаслиги, күпроқ мева, гүшт истеъмол қилиши, фактат ҳалол меҳнат эвазига топилган ризқни ейиши уқтирилган. Болани тарбиялашда узвийликка амал қилинган, яъни чақалоқ икки ёшга қадар она сути билан тұла таъминланиши, учинчи ёшга үтгандагина мол сути ва сутдан тайёрланған овқатлар билан парвариш этиш лозимлиги уқтирилган. Она сутидан ажралған гүдак, албатта, 5 ёшга-ча сигир сутини истеъмол қилишни канда қылмасликка риоя қилишлик алоҳида таъкидланған<sup>1</sup>. Қуриниб турибиди, Шарқнинг дурдона йўл-йўрикларида бола тарбиясига катта эътибор берилған. Тарбияда болага таъсир этадиган табиий мұхит, ижтимоий мұхит каби томонлар, албатта, ҳисобга олининиши шартлиги уқтирилади. Бу каби фикрлар ҳозирги замон учун ҳам долзарб ҳисобланади. Ундан фойдаланиш, уни эътиборга олиш бугунги кун учун ҳам зарур ва шарт ҳисобланади.

Абу Наср Форобий «Инсон танасининг аъзолари ҳақида» рисоласида организм билан мұхитнинг үзаро алоқасига, инсоннинг рухий ва жисмоний ҳолатининг ташқи омиллари, атроф-мұхит таъсирига боғлиқлигига алоҳида эътибор беради<sup>2</sup>. Бола тарбиясига у яшайтган табиий мұхитнинг таъсири борлигини Форобий алоҳида күрсатар экан, инсоннинг рухий ва жисмоний ривожланишида табиатнинг мұхим омил эканличини алоҳида уқтиради.

Абу Наср Форобий «Бахт саодатга эришув түғрисида» рисоласида «Ақл ва нафс» ўзининг чексиз камолоти билан борлиқда инсон бўлиб гавдаланади, деб фикр билдиради. Аммо бу бошланғичлар одамзоднинг шу табиий бошланғичлар таъсири остида камол топиб, инсонга айланиши учун кифоя қымайди,

<sup>1</sup> Ҳамиджон Ҳамидий. Авестодан Шоҳномага. – Т.: «Шарқ», 2007. – 83-бет.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 5-бет.

чунки инсон инсон бўлиб. инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш ва касб-хунарга муҳтождир.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, нутк инсоннинг камолга етишувининг ягона сабабларидан бири эмаслиги ҳам очик-ойдин аёндир. Камолга етишиш қуруқ интилишгина бўлиб қолмасдан, балки табиатдаги жуда кўп нарсалардан фойдаланиш йўли билан ёки шу табиагдан ташқарида бўлган жуда кўп ишларни амалга ошириш йўли билан қўлга киритилади. Бир кишининг ўзи ёлғиз (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдами-сиз) камолотга етиша олмайди. Ҳар бир инсон ҳаётида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлади, ўзаро алока қиласди. У ҳар қандай камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир<sup>1</sup>. Форобий мана шу асарида инсондаги гўзал хусусиятларни, касб-хунар орттириш учун куч ва қудрат талаб қилинишини кўрсатади. «Бу икки йўл билан, яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз – халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги тугма фазилат ва амалий касб-хунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир»<sup>2</sup>. Форобий бу билан инсондаги орттириб бориладиган билимлар жамият билан боғлиқлигини, инсоннинг ўзидаги эҳтиёжларини қондириш давомидаги ҳаётий малакалари, тажрибалари, ўзини англаши ва қизиқишлари билан узвий боғлиқликда эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Бу фикрда тарбия ва таълим тушунчасини жамиядаги ёйилиш даражаси, инсонларни жамият ҳаётига тайёрлаш каби масалалар очиб берилгандир. Жамиядаги муҳит, жамиятнинг тарбия ва таълимга бўлган талаби ва амалий даражаси ҳам бунда ўз ифодасини топади. Инсонга хос бўлган ақл

<sup>1</sup> М. Хайруллаев. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: «Ўқитувчи», 1967. – 58-бет.

<sup>2</sup> М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: «Ўзбекистон», 1971. – 299-бет.

бу ҳаёттің тажрибалар, авлодлар қолдирған мерослар, жамият-даги мавжуд әхтиёжлар ва уларни қондириш йўллари, ўзидаги ортирилған билим ва малакалар каби томонлар билан боғлиқ ҳолда шаклланиб борар экан, у инсоннинг ҳаётга мослашиши-га ва тараққий этишига имкониятлар яратади. Таълим ва тарбия инсондаги энг ноёб бўлган жиҳатни тарбиялаб бориб уни шакллантиради. Форобий педагогик социологияга тегишли бўлган бу фикрларни ўз асарларида ёритиб бера олган. У жамиятни ўрганиш орқали таълим ва тарбияни жамият ҳаётида жуда катта ўрин олишини айта олган. Форобий ўзининг «Ақл тўғрисида» рисоласида инсонга хос бўлган ақл тўғрисида шундай таърифлар берган: «Ақлли деб шундай кишига айтамизки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилат ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи, деб аташ мумкин.

Ақлли, деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир муҳокамали, яхши фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни қашф ва ихтиро этишда зўр истеъоддга эга; ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Шундай кишиларни «оқил» дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топишда зеҳн-идрокка эга бўлганларни «ақлли» деб бўлмайди, уларни «айёр», «алдоқчи», деган номлар билан атамоқ лозим<sup>1</sup>. Бу билан Абу Наср Форобий инсонлар ҳаёт кечириши давомида жамиятда ҳар хил табиатга эга бўлган кишилар шаклланишини, ёшларни тарбиялашда ва таълим беришда жамиятга ўз ижобий ҳиссалирини қўша оладиган тўғри тарбияни шакллантириш масаласини ўйлашни асосий мақсадлардан бири қилиб қўя олгандир. Бола тарбиясида эса, бунинг ўрни жуда каттадир. Бундай инсонларни тарбиялашда мухитнинг, яъни боланинг атрофидаги-

<sup>1</sup> М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: «Ўзбекистон», 1971. – 297-бет.

лар, унинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсата оладиган катталарнинг ўрни борлигини кўриш мумкин.

Абу Наср Форобий таълим беришда тарбиянинг ролини таъкидлаб, «Ихсо ал-улум» асарида шундай дейди: «Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба ортиргаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин кўринади. У билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади»<sup>1</sup>. Форобийнинг фикрича, болага яхши таълим берилиши, ҳамма шароит ва малакага инсон ўз меҳнати билан эришиши, меҳнатсиз малака бўлмаслиги, яшаши учун инсон зарурий амалларни бажариши шарт эканлиги айтилади.

Дунёнинг буюк мутафаккирларидан бири Ибн Сино ҳисобланади. У инсон тарбиясида унга берилаётган билим, атроф-муҳит, табиий шарт-шароит, урф-одатларнинг аҳамияти жуда катталигини ўз асарларида кўрсатиб ўтади. Ибн Сино: «Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади»<sup>2</sup>, – дейди. Болага яратилаётган шароитларни ҳисобга олган ҳолда у шундай ёзади: «Ҳамма вақт боланинг истаган нарсасини муҳайё қилишга, истамаганини узоқлаштиришга тайёр туриш керак». Ибн Сино бу ерда болага яратилаётган шарт-шароит ва эътибор катталар томонидан назорат қилинishi, болани меъёр билан тарбиялаб бориш кераклигини кўрсатиб беради. Ибн Сино бола тарбиясидаги муҳит, шароит ҳақида ҳам фикр билдириб: «Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади», – дейди. Боллада меҳнат қилишга хоҳиш, ўз кучи билан малакага эга бўлиши учун шароит яратиш кераклигини айтиб ўтади. Шарқнинг буюк алломалари билдирган кўплаб фикрлар ҳозирги вақтда

<sup>1</sup> М. Хайруллаев. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: «Ўқитувчи», 1967. – 60–61-бетлар.

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино. Ҳикматлар. – Т.: «Ўзбекистон», 1980. – 33-бет.

ҳам ўрганиш керак бўлган масалаларни таҳлил қилишда керак бўлади.

Ўзбекистонда педагогик социология янги фан сифатида энди ривож топаётгандиги билан ажралиб туради. Бу фаннинг ижтимоий педагогикадан фарқи ва зарурлиги қадимги мутафаккирларнинг фикрларида ҳам кўринади. Педагогик социология бола тарбиясига хос бўлган кўплаб социологик масалаларни ҳал этиб бориши билан бирга бошқа фанларни, айниқса, педагогика фани тараққиёти учун кўплаб таҳлилий билимлар бера олади. Социологиянинг бир тармоги бўлган педагогик социология педагоглар, тарбиячилар, ўқитувчилар учун ўрганиш керак бўлган фанлар қаторига киради ва бола тарбияси ҳақида, тарбиянинг натижалари, ёйилиш даражалари, бола ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар, уларга хос ахлоқий, психологик жараёнлар ва уларнинг таъсири каби кўплаб жараёнларни ўрганиб боради. Булар ҳақида кейинги мавзуларда фикрлар билдирамиз.

## СОЦИОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ИЗЛАНИШ ВА СОЦИАЛ ТАРБИЯ

Жамият тараққиётида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти катта бўлганлиги сабабли, уни янада такомиллаштириш ва тараққий эттириш ҳар доим асосий масалалардан бири бўлиб туради. Педагогик социология ўз олдига кўйган мақсадларни амалга ошириш учун педагогиканинг ва социологиянинг изланиш услубларидан кенг фойдаланаади. Педагогик социология таълим ва тарбия масалаларини ўрганиш учун унинг амалга оширилаётган мухитини ўрганиши ва таҳлил қила олиши керак. Маълумки, таълим ва тарбия иши маълум бир мухитда кечади. Шундай экан, мухит тушунчасини бир бутун жараён сифатида ўрганишимиз ва унинг қирраларини таҳлил қила олишимиз керак. Бизга маълумки, микромухит болага таъсир

этаётган шарт-шароитларни ташкил этади, яъни булар оила, атрофдаги қавму қариндошлар, тенгдошлар, маҳалла ва таниш-билишлар кабилар. Бола ва барча ёшдаги инсонларнинг тарбиясига бу каби муҳит таъсир этади. Шунинг учун ҳам педагогик социология муҳитни бир бутун жараён сифатида ўрганади ва тарбияга таъсирини таҳлил қилиш орқали бола тарбияси ҳакида таҳлилий маълумотлар бера олади.

Социал психология кенг фан бўлғанлиги сабабли таълим ва тарбия билан боғлик масалаларни ҳам, унинг субъектлари ва обьектларини ҳам ўрганиш орқали педагогик социология учун кўплаб материаллар яратиб бера олади. Дейлик, оила ва унда тарбиялананаётган бола, унга берилаётган тарбия ва таълим орқали шаклланаётган психологик хусусиятлар ва жараёнлар айнан оиласда, оиласвий шароитда, оила аъзоларининг иштироқи орқали содир бўлади. Бир хил тарбия олаётган болалардан ҳар хил даражадаги шахсларнинг улгайиши, уларнинг жамиятда тутган ўринлари ҳам турлилиги социал психология ва педагогиканинг ўрганиш обьекти, шунингдек, социологик педагогикани ҳам ўрганишга сабаб бўла олади. Абатта бу ерда инсонга хос бўлган субъектив томонлар муҳим роль ўйнайди. Бу каби кўплаб мисоллар орқали кўрсатиш мумкинки, социал-психологик таҳлил қилмасдан туриб, бундай масалаларни ўрганиш мушкулдир. Педагогик социология ўз масалаларини ечиш давомида кўплаб фанларнинг усулларидан фойдаланиб келади. Бунга мисол қилиб, педагогик ва социологик методларни кўрсатиш мумкин. Жамият олдида турган кўплаб масалалар қаторида педагогик социология масалалари ҳам мавжуд. Педагогик социология турли фанларнинг методларидан кенг фойдаланиб, ўз олдида турган масалаларни ўрганади. Умуман олганда, кенг маънода усул – билимлар тизимини асослаш ва қуришдир. Социологияда умумсоциологик принциплар, ҳодисаларни билишнинг аниқ усуллари – математик, статистик, социологик маълумотлар йиғиш; сўров, кузатиш, тажриба, хуж-

жатларни таҳлил қилиш, моделлаштириш кабиларни ташкил этади.

Социологиянинг таркибий қисмига кирувчи ва ўзига хос мустақил фан бўлган педагогик социологиянинг изланиш усули – бу эмперик маълумотларни тартиблаштиришда, йифишда, педагогиканинг тараққиётига таъсир этувчи социологик билимларни таҳлил қилган ҳолда янги тавсия ва хulosалар беришда кўзга ташланади. Педагогик социология умумий кўришицда мантиқий кетма-кет, фалсафий-методологик, усул ва ташкилий томонлар бирлиги асосида олиб борилади. Педагогик социологиянинг ўзи ҳам ижтимоий эҳтиёжлар асосида, фалсафий мушоҳада қилинган ҳолда пайдо бўлди ва жамият учун керак бўлган фан сифатида шаклланиб бормоқда. Ижтимоий тарбияни ўрганиш жамият учун кенг тараққиёт йўлини кўрсатиб беради. Келажак авлодни жамиятга фойдали инсон қилиб тарбиялаш учун унга таъсир этаётган кўплаб омилларни ўрганиш, уларнинг тарбия ва таълимга таъсирини кўрсатиб бериш ҳамма даврнинг долзарб масалалари қаторига кирган. Педагогик социология янги фан бўлишига қарамай, унинг илдизлари қадимга бориб тақалади. Бу фан педагогика, социология, ижтимоий педагогика фанлари билан биргаликда педагогикани, яъни таълим ва тарбиянинг янада тараққий этишини ва инсоният учун керак бўлган баркамол шахсни табиялашни ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Шунинг учун ҳам педагогик социология ўз методларини, изланиш усусларини бойитиб боришига ва бу соҳада барча фанларнинг ютуғидан кенг фойдаланишга интилиб келмоқда.

Педагогик социология изланишининг аниқ шакли ёки кўришини унинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ. Таҳлил қилинаётган предметнинг қанчалик чукур, масштаблилиги ва мураккаблигига асосланиб, педагогик социологиянинг уч асосий кўринишини фарқлаш мумкин. Бу разветка қилувчи, таърифловчи ва таҳлилий изланиш кўринишлиариdir.

Разветка килувчи изланиш<sup>1</sup> аниқ социологик изланишнинг энг содда таҳлилидир. У жуда чекланган вазифани адо эгади. Бу таҳлил унчалик катта бўлмаган изланишни, содда дастурни, шунингдек, сиқилган кўринишдаги инструментарийни<sup>2</sup> қамраб олади.

Разветка килувчи изланиш чуқур ва кенг масштабли изланишларни ўтказишдан олдин таҳминий бир боскич сифатида ишлатилиши мумкин. Бунга эҳтиёж умуман изланиш олиб борилмаган соҳаларни ўрганишда пайдо бўлади. Мисол учун, бу изланиш кўриниши ўрганилаётган предмет ва объект ҳақида, унинг гипотеза ва вазифаларини аниклашда чуқур ва кенг ўрганилаётган изланишнинг инструментарийси ва чегаралари, шунингдек, бу изланишни ўтказиш давомида юз берувчи қийинчиликлар ҳақида қўшимча маълумотлар олиш учун ишлатилиши мумкин.

Разветка килувчи изланиш ёрдамчи вазифани ўтаб, маълум социологик маълумотларни етказиб беради. Бу маънода олганда, разветка килувчи изланишнинг экспресс – сўров кўриниши ҳақида фикр билдириш мумкин. Унинг мақсади шу пайтда изланишга керак бўлган маълумотларни бериш ҳисобланади.

Оператив сўров – одамларнинг долзарб ҳодиса ва фактларга муносабатини ўрганишга қаратилган. Бу ижтимоий фикр зондаж, деб айтилади. Дейлик, ўқилган маърузани ўрганишда экспресс сўровдан фойдаланиш мумкин. Разветка килувчи изланишда кўпинча социологик маълумотларни йиғиш учун оддий, тез тушуниш мумкин бўлган усуллардан фойдаланилади. Масалан, анкета-сўров ёки сўров-интервью. Булар қисқа вақтида сўров ўтказишга имконият беради.

Таърифловчи изланиш – аниқ социологик таҳлилнинг мураккаброқ кўринишидир. У ўз олдига қўйган мақсад ва вазифа-

<sup>1</sup> Социологик адабиётларда бу айрим холларда пилотаж ёки зондаж изланиш деб юритилади.

<sup>2</sup> Амалий социологияда «инструментарий» деганда методик ҳужжатлар тушунилади.

ларидан келиб чиқкан холда ўрганилаётган ҳодисанинг тизими ва ўзи ҳакида бир бутун эмперик маълумотлар олишни мақсад қиласди.

Таърифловчи изланиш яхши ишланган дастур ва тажрибадан ўтган методик инструментарий асосида ўtkазилади. Унинг методик жиҳатдан яхши тайёрланганлиги текширилаётган муаммони объектларнинг у ёки бу хусусиятли томонлари билан боғлаган холда гурухлашга ва таснифлашга имкон беради. Таърифловчи изланишнинг таҳлил обьекти, нисбатан каттароқ жамоаларни ўрганишда ишлатилади. Масалан, таълим ва тарбияни янада такомиллаштириш учун жамиятни, йирик ҳудудларни, шаҳар, туман ва унда яратилган мухит, шарт-шароитларни ўрганиш кабилар.

Таърифловчи изланишнинг маълумот йигиш методлари унинг вазифалари ва мақсадларига боғлиқ бўлади. Дейлик, бола тарбиясини, унинг тарбия ва олаётган таълимини кузатиш орқали, унга хос бўлган усуллардан фойдаланиб, бундан ташқари анкета-сўров, сўров-интервью кабилар орқали тўлдириб бориш мумкин. Бундай методик ёндашиб социологик маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлалиги, асосли эканлигини кўрсатиб бера олади. Бундан хулоса ва тавсияларни янада тақомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Учинчи кўринишга таҳлилий изланишни киритамиз. Таҳлилий изланиш – социологик таҳлилнинг энг чукур, кенг ўрганишга асосланган тури. У фақат ўрганилаётган ҳодисанинг элементларинигина эмас, балки ҳодисанинг келтириб чиқарган сабабларини, ҳодисанинг қанчалик ёйилганлигини, дол зарблигини ҳам кенг таҳлил қиласди. Ижтимоий ҳаётдаги ҳар хил ҳодисаларни кенг ўрганишда ва улар ҳакида маълумотлар йигишда бу изланишнинг аҳамияти каттадир.

Таҳлилий изланишга кўп вақт талаб қилинади, унинг дастури ва инструментарийси синчковлик билан тайёрланади. Бунинг учун эса, юқорида кўрсатиб ўтилган разветка қилувчи изланиш ва таърифловчи изланишлар ёрдамида маълум бир

билимлар, ахборотлар йигилади. Бу маълумотлар эса, таҳлил учун энг қулай йўлни топишга шароит яратади.

Социологик таҳлил асосида йигилган социологик маълумотлар комплекс ва тизимли хусусиятга эга. Бу ерда бир-бирини тизимли тўлдирган ҳолда ҳар хил усуслар орқали, яъни сўров, ҳужжатларнинг таҳлили, кузатиш шакллари ишлатилиши мумкин. Албатта, бу изланишлардан ҳар хил йўллар орқали олинган маълумотларни бир-бири билан боғлашни талаб киласди, яъни комплекс ёндашиш кераклигини асослайди. Шу билан бирга, таҳлилий изланишнинг тайёргарлик даври ва биринчи маълумот тўплаш даври кескин фарқ қилибгина қолмай, балки таҳлилга ёндашиш билан, олинган маълумотларни умумлаштириш ва тушунтириш билан ҳам фарқланади.

Таҳлилий изланишнинг ўзига хос усусларидан бири – бу эксперимент ҳисобланади. Эксперимент тадқиқот ўтказиладиган обьектга ўзгартиришлар киритиш орқали ўрганиладиган усуслардан биридир. Педагогик социологияда таълим ва тарбия масалаларини янада тараққий эттириш учун ўзига хос бўлган экспериментлар ўтказилган. Бу ҳақда олдинги бўлимда кисман кўрсатиб ўтган эдик.

Ҳар қандай фаннинг изланиш мантиғи унинг таснифи билан узвий боғлиқдир. Фан ҳақида таниқли файласуф олим Омонулла Файзуллаев шундай фикр билдиради: «Одамнинг кенг маънодаги ташки ва ички моддий ва маънавий борлиғини ўрганиб, яъни кузатиб ва тафаккур қилиб, оғзаки ёки ёзма кўринишда ифодаланган тушунчалар, фикрлар, мулоҳазалар, қонун-қоидалар мажмуаси фан деб аталади»<sup>1</sup>. Бундан педагогик социологиянинг изланиш мантиғи айнан таълим ва тарбия масалаларини ҳал қилишда очиб бериладиган тушунчалар, фикрлар, қонун-қоидаларга асосланган ҳолда таълим ва тарбияни янада такомиллаштириш, жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган янги авлодни тарбиялаш ҳисобланади.

<sup>1</sup> О. Файзуллаев. Фалсафа ва фан методологияси. – Т.: «Фан», 2006. – 31-бет.

Иzlаниш мантиғи – бу шу фан соҳасидаги олиб борилаётган ижод билан, унинг кирралари билан боғлиқдир. Педагогик социология соҳасида олиб борилаётган izlaniш, мантиқан ижод, унга хос бўлган izlaniш билан боғлиқ ҳисобланади. «Ижод деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий оламни инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкор фаоллиги тушунилади»<sup>1</sup>. Педагогик социология соҳасида олиб борилган izlaniшлар натижасида маълумотлар йигиш, бу маълумотларни қайта ишлаш, тартибга солиш ва конструктив хулоса, тавсиялар бериш амалга оширилади.

Педагогик социологиядаги izlaniш учун, энг аввало, маълумотлар берувчи жараён – бу усуллардир. Усул – бу кутилган натижани эгаллаш учун қаратилган хатти-ҳаракатлар йиғиндишидир. Олиб борилаётган илмий izlaniш объектини инъикос этишда қўлланиладиган йўл усул дейилади. Усул билиш воситасидир. Билиш эса, назария билан тўлароқ бўлади. Гегель таъбирича, усул – тадқиқот мазмунининг жони ва билишнинг зур воситасидир.

Педагогик социологияда худди илмий тадқиқотлардагидек усулларнинг иккига бўлинини кўриш мумкин. Бу амалий (эмперик) ва назарий методлар. Амалий усулларга кузатиш, тасвирлаш, ўлчаш, таққослаш, эксперимент ва шу кабилар киради. Кузатиш – объектив борлиқни мақсадли идрок этиш; тасвирлаш – объектив сунъий ёки табиий тил орқали кўрсатиб бериш; ўлчаш – объект хусусиятларини сонлар орқали характеристерлаш; таққослаш – объектларнинг маълум томонларини бир-бири билан солиштириш; эксперимент – ташкил этилаётган ва бошқарилаетган ҳодисаларни кузатиш.

Назарий методларга эса, формаллаштириш, аксиоматизациялаш, гипотетик-дедуктив усуллар киради. Формаллашти-

<sup>1</sup> Н. Саифназаров, Г. Никитченко, Б. Қосимов. Илмий ижод методологияси. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 12-бет.

риш – ўрганилаётган жараённинг моҳиятини очиб беришда мавҳум – математик моделларни куриш; аксиоматизациялаш – аксиомалар асосида назарияларни куриш; гипотетик-дедуктив – ўзаро дедуктив тизим асосида боғланган гипотезаларни яратиш, булар асосида эмперик омилларнинг келиб чиқиши кўринади.

Усулларни яна бошқа кўринишда таснифлайдиган бўлсак, инсон фаолиятининг барча кўринишида иштирок этувчи; ҳамма фанлар соҳасида; алоҳида олинган фан соҳасида фойдаланиладиган усулларни ажратиб кўрсатили мумкин. Энг умумий усулларга анализ, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, индукция, дедукция, аналогия, моделлаштириш, таснифлаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Умуммилмий усулларга кузатиш, илмий эксперимент ва бошқаларни киритиш мумкин. Ҳозирги замон фанида катта аҳамиятга эга бўлган усул – бу статистик усул ҳисобланади. Бу ўрганилаётган ҳодисанинг ўртacha аҳамиятини кўрсатиб берувчи усуладир. Бунга қарши бўлган барча усуллар эса, динамик усул деб юритилади. Социология фанидаги усуллардан педагогик социология фани ҳам кенг фойдаланади. Аниқ бигта фаннинг ҳам ўз муаммоларидан келиб чиккан ҳолда алоҳида усуллари мавжуд: Педагогик социология ҳам энг умумий, умуммилмий усуллардан фойдаланиш билан бирга ўзига хос бўлган усуллардан ҳам фойдаланади. Социология фанидаги усуллар педагогик социологияда янада аниклаштирилади.

Ҳар қандай социологик тадқиқотда унинг дастури мавжуд бўлиб, бу социологик тадқиқот учта босқичга ажратилади. 1) тайёргарлик кўриш (изланиш дастурини ишлаб чиқиш); 2) асосий босқич (тадқиқот ўтказиш); 3) охирги босқич (маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, хуроса ва тавсиялар бериш). Таъкидлаш керакки, педагогик социологияда социолог учун бериладиган мажбурият – бу маълум бир жараёнлардан ёки таълим, тарбия масалаларини янади такомиллаштириш учун берилади. Бунда икки томонлама, яъни гносеологик ва

предметли ўргании томонларига ажратиб кўрсатиш мумкин. Гносеологик – бу кишиларнинг эҳтиёжлари ҳақидаги билимлари ва уни таъминлаш билан боғлик бўлган манба ўртасидаги қарама-каршилик асосидаги йўналишдир. Муаммонинг предметли томони ижтимоий қарама-каршиликлар билан боғлик. Бунда ижтимоий муаммонинг бир томонини олиб ташлаш асосида тараққиёт учун имконият яратиш билан боғлик бўлади. Ижтимоий муаммолар социал психологик бўлиши мумкин, яъни аҳолининг ижтимоий гурухи ёки инсонлар онгидаги мавхум, ҳал қилиниши керак бўлган масалалар. Шунингдек, институционал даражадаги, яъни жамиятдаги катта ижтимоий жамоа, институт ва корхоналарга тегишли бўлган ижтимоий муаммоларни ўзида қамраб олади. Юқори асосда ижтимоий муаммолар жамият манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлик бўлади. Педагогик социология дастурдаги ҳамма талабларга асосланган ҳолда изланиш учун керак бўладиган усулларни ҳам танлаб олади. Педагогик социологиянинг ўзига хос бўлган ва умумсоциологик усуллари қўйилган изланиш муаммолари ни ҳал қилишда ва маълумотлар йигишда энг асосий бўлим ҳисобланади.

Иzlaniш ва маълумотлар берувчи усуллардан бири – бу кузатиш ва эксперимент ҳисобланади. Педагогик социологияда кузатиш усули – бу асосий маълумотлар берувчи изланиш йўлларидан ҳисобланади. Кузатиш ижтимоий омилларни белгилайди ва уларни мақсадга мувофиқ, тизимли, олдиндан белгиланган ҳолда таҳлил қиласди. Бу усул бошқа усулларга нисбатан изланаётган обьектнинг юз бериши жараёнини ўзида кузатади. Бошқа методлар эса, индивидни ретроспектив ёки тахминий хукмлар асосида муҳокама қиласди. Илмий кузатиш умумий кузатишдан фарқланган ҳолда аниқ изланиш мақсадига, олдиндан ўйланган ва режалаштирилган жараёнларга бўйсунган бўлади ва ҳамма маълумотлар маълум бир тизим асосида аникланади, олинган ҳамма маълумотлар асосланган ва барқарорлиги текшириб борилади. Кузатиш методи социал

педагогикада ўзига хос томонлар билан ажралиб туради ва кўпроқ ишлатиладиган метод ҳисобланади. Бу педагог, изланувчи, тарбиячи ва бошқалар томонидан амалий татбиқ этиладиган усул ҳисобланади. Бу усулдан оммавий равишда мактаб, коллеж, лицей, олийгоҳларда ва бօгча ёшидаги болаларда таълим-тарбиянинг долзарб, изланишни талаб қилаётган масалаларини ўрганишда фойдаланилади. Шуни ҳам айтиш жоизки, бу усулдан ҳар бир санаб чиқилган тарбия ўчоқларида масала-га мос ҳолда фойдаланилади. Бунда ёшига қараб бу усулдаги талаблар ҳам ўзгариб боради.

Кузатиш усули қуйидаги асосларда таснифланади: тартиблаштириш даражасига қараб; изланувчининг ўрганилаётган шароитда қатнашиш даражасига қараб; кузатиш ўтказиш тартибига қараб. Кузатишни ташкил қилишга қараб дала (табиий ҳолат)даги кузатиш ва лаборатория ҳолатидаги кузатишга ажратиш мумкин. Шунингдек, ташқи ва ички кузатиш шаклларини ҳам курсатиш мумкин. Бу кузатиш шакллари ҳар бир масалага ёндашилаётганда ўзига хос ҳолда ҳал этилади. Ички кузатиш олиб борилаётган масалани гурухнинг ичидан туриб кузатиш ҳисобланади. Яъни, изланувчи шу гурухнинг ичидан, унинг аъзоси сифатида фаолият кўрсата туриб кузатилади. Ташқи кузатиш гурухга таъсир этмасдан, узоқдан туриб кузатилади. Дейлик, боланинг хулки, ўзаро муносабатлардаги ахлоқий томонлар ташки кузатишлар орқали баҳоланиши мумкин. Ҳозирги кунда ёшлиар ўртасидаги саломлашиш, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сўрашиш удумини бузганлигидан далолат беради. Бундай саломлашиш, яъни калласини калласига тегизиб сўрашиш, худди уларни жуда яқин эканлигини билдиради, деб ҳисоблашади. Бу эса унақа эмас. Инсон яқинлари билан саломлашганида ҳам одоб ва ахлоқ доирасида, сўрашиш қонун-қоидасига асосан амалга ошириши зарур. Яқинлик эса, унинг ўзини тутиши, одамларга қиласидиган муносабатида кўринади. Бошини уриштириб саломлашиб, душманлик қилаётган қанчадан-қанча инсонларни кўриш мумкин.

Демак, бу яқинлик белгиси эмас. Яқинлик – бу инсон муносабатларида, ахлоқий хатти-харакатларида күрінади. Бу каби ташки кузатишлар инсонларға тұғри хulosса чиқаришни талаб қилади. Бунинг оммалашыб кетиши эса, одамларда ахлоқ ва одоб қонун-коидаларидан, яъни тарбиядан четга чиққанини күрсатади. Бу каби кузатишлар илмий асосда таҳлил қилиніб, асосланиб берилса ва, әңг асосийси, ахоли ўртасыда үзбөшімчалик эмас, балки жамият талаб қилаётган урф-одатларға ва қонунларға амал қилиш йүліга қўйилса мақсадға мувофик бұлар эди. Бу яна инсоний гигиенага, унинг талабларига мос тушар эди. Педагогик социология үз кузатишлари орқали инсониятта тұғри тарбия ва таълим бериш усуулларини излайди ва бунда кузатишнинг ҳамма жабхаларидан кенг фойдаланади.

Педагогик социологияда синалган методлардан бири – бу эксперимент усулидир. Экспериментда таълим ва тарбияни янада мустаҳкамлаш, тизимлаштириш, такомиллаштириш мақсадида қўйилған муаммони маълум бир режалар, дастурлар асосида синалади. Педагогик социология таълим ва тарбияни янада такомиллаштириш учун, унга таъсир этаётган мұхитни, мұомала ва муносабатларни ўрганиш мақсадида, уларни таҳлил қилиш ва ташкил этишга тегишли бўлган экспериментларни амалга оширади. Педагогик социологияда экспериментнинг икки асосий тури – табиий ва лаборатория экспериментлари қўлланилади. Экспериментда изланувчи ўзини қизиқтираётган томонни қандайdir вазиятда намоён бўлишини кутиб ўтиrmайди, балки уни намоён бўлиши учун тегишли вазиятни қатый хисобга олган ҳолда шароитларни ўзи яратади. Агар бу шароитлар тарбияланувчи ҳаёти ва фаолиятининг одатдаги, табиий шароитлари бўлса, у ҳолда бу табиий эксперимент бўлади. Лаборатория эксперименти эса, маҳсус равишда ташкил қилинган ва маълум маънодаги сунъий шароитларда ўтказидади. Педагогик социология бу усуулдан ўрганилаётган муаммони янада чукурроқ ва аникроқ ўрганиш учун фойдаланади.

Педагогик социологияда табиий экспериментнинг яна иккি томонини ажратиш мумкин. Бу аниқловчи (таъкидловчи) ва ўзгартирувчи турларидир. Биринчи турида тадқиқотчи ўз олдига фактик ҳолатни аниқлашни мақсад килиб қўяди, яъни педагогик социологияга хос бўлган масаланинг намоён бўлиши ва кўринишини у ёки бу томонини аниқлашни мақсад килиб қўяди. Масалан, индивидга таъсир этаётган муҳитни, дейлик ота-онаси билан бўладиган муносабатини, болалик, ўсмирлик ва ўспирийлик давридаги ҳолатининг ўзгариб бориши, тарбиялаш, профилактика қилиш каби томонларини ўрганиш учун синаб кўриш шаклидаги экспериментларни ўтказиш мумкин. Иккинчи ўзгартирувчи тур – қайта курувчи, яъни таълим берувчи ва тарбияловчи бўлиб, инсонга хос бўлган муносабатларни ва психик ҳолат, сифатларни таркиб топтириш, ўзгартириш билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Масалан, изланувчи бола тарбиясидаги ёмон шароитни, ҳолатни ўзгартиришга ва уни тўғри тарбияланишига таъсир этувчи муҳитни яратиш учун ўз тавсия ва хуносаларини беради.

Педагогик социологияда лаборатория эксперименти инсон психикасига таъсир этувчи муҳитни ва шулар таъсирида юз берувчи психик жараёнларни (идрок, хотира, хаёл ва шу кабиларни), шунингдек, инсонда шаклланувчи кўникма, малака, мотив, устқурмани тадқиқ қилишда кенг қўлланилади. Лаборатория эксперименти инсон таълим ва тарбияси шакллантирилаётганда унга таъсир этувчи муҳитнинг ролини ва аҳамиятини маълум бир муҳит таркибиغا кирувчи элементлар таъсирида ўзгаришини, шаклланишини, таркиб топишини сунъий тарзда вужудга келтириб ўрганилади. Бу соҳада кўплаб экспериментлар ўтказилган. Бунда оила, мактаб, ўртоқлар, яқин кишиларнинг бола тарбиясидаги ўрнига хос бўлган экспериментлар ўрганилган.

Ҳамма фанлар каби педагогик социологияда ҳам эмперик билимларни – эксперимент орқали илмий фактлар топиш, бу фактларни тушуниб етиш ва қайта ишлаш орқали олинади.

Эксперимент сўзи лотинча «experimentum» сўзидан олинган бўлиб, ўзбекчада «си nab кўриш» ёки «синов», деган маънони билдиради. Демак, эксперимент бу илмий билиш усули сифатида ўрганилаётган жараёнларни назорат қилувчи ва бошқарувчи шароитларда синаб кўриш демақдир. Шуни кўрсатиш керакки, экспериментни ўтказишдан олдин жуда катта ижодий ишлар амалга оширилади:

1. Эксперимент дастури, уни ўтказиш ва якунлаш жараёни пухта ишлаб чиқилади.
2. Зарур бўлган аппаратлар, мосламалар тайёрланади.
3. Экспериментни ўтказиш шарт-шароитларига аниқлик киритилади.
4. Тадқиқот обьекти танланади.
5. Эксперимент хулосаси ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Эксперимент ҳар бир фанда ўтказилади. Педагогик социологияда ҳам бундай экспериментлар ўтказилган ва ўтказиб келинмоқда.

Педагогик социологияда муҳим маълумотлар йигища сўров усули ҳам мавжуд бўлиб, бу усулдан кўпгина фанлар фойдаланади. Педагогик социология ўз муаммоларини, изланиш масалаларини кўраётганида бу усуллардан кенг фойдаланади. Сўровнинг икки кўриниши мавжуд: бири анкета, иккинчиси интервьюидир. Анкета сўровини ўтказиш индивидга ва гурухга мўлжалланган бўлади. Гурухий анкета сўровини ўтказиш иш жойида, ўқув масканларида олиб борилади. Анкета ўтказишида респондент аудиторияларга, бирор хонага анкетани тўлдириш учун чақирилади. Одатда, бир анкетани тўлдириш учун 15–20 кишилик гурух билан ишланади. Бу ҳолда анкеталар юз фоиз кайтариб олинади. Анкета – изланишнинг мақсадидан келиб чиқиб тузилган саволлар бирлиги бўлиб, таҳлил обьекти ва предметининг миқдор, сифат томонидан характеристикасини кўрсатиб беради. (Анкета бўйича кенгроқ тушунчаларни социология бўйича дарслклардан олиш мумкин.) Шуни айтиш керакки, анкетада ишлатиладиган ҳамма саволларни куйида-

гича таснифлаш мумкин: маъносига кўра – респондент шахси, онг ва хулқ-автори ҳакидаги саволлар: шаклига қараб – очик ва ёпиқ, билвосита тўғридан-тўғри ва бевосита айлантириб бериладиган саволлар; вазифасига қараб – асосий ва асосий бўлмаган саволлар.

Сўровнинг иккинчи томони – бу интервью олиш ҳисобланади. Интервью ўтказиш интервью олувчи билан респондент ўртасида бўлиб, ҳар хил саволлар орқали таҳлил обьекти ўрганилади. Бунда саволларни тўғри тузиш, уни тўғри ташкил этиш ва инструкция бўйлаб бориш интервьюнинг сифати ошиб боришига имкон беради. Интервьюнинг куйидаги қўринишлари бор: иш жойидаги интервью, яшаш жойидаги интервью, тартиблаштирилган интервью.

Педагогик социологияда интервью олиш кўпгина маълумотлар беради. Айниқса, сухбат қилиш орқали ўрганилаётган масаланинг ўзига хос бўлган томонлари очиб берилади. Ўрганилаётган обьектлар, воқеалар, жараёнлар ҳакида тадқиқотчими қизиқтирувчи маълумотларни ўрганилаётган шахснинг ўзлари ёки алоқада бўлиб турадиган кишилари билан сухбат ўтказиш орқали билиб олиш мумкин. Масалан, болалар, уларнинг таълим ва тарбиялари ҳакидағи маълумотларни уларнинг ўзларидан, педагоглардан, ота-оналаридан ва уларни яхши биладиган кишилардан билиб олиш мумкин.

Педагогик социология бўйича олиб борилган изланиш натижасида йигилган маълумотлар қайта ишланади. Маълумотлар йигиш жараёни тугагандан сўнг уни программистга қайта ишланашга берилади, яъни керак бўлган натижаларни таҳлил қилишга маълум ишловлар берилади. Бунда изланувчининг қизиқиш ва изланишларини мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ўрганилаётган мавзуга керак бўладиган масалалар рўйхати, кўйилган мақсадни тасдиқловчи ёки инкор этувчи гипотезаларни берувчи маълумотлар, бу маълумотларни аниқлик дараҷаси ва қимматдорлигини кўрсатувчи асосли таҳлилий қайта ишланган материаллар берилади. Олинган тадқиқот маълумотларни таҳлил этишни ўзининг тадқиқотчими қизиқтирувчи сабаби меборади.

мотлари кодлаштирилади, берилган саволларнинг бир-бирига якинлари таснифланади, яъни маълумотлар, олинган натижалар изланишнинг мақсадидан, вазифасидан, маъносидан келиб чикқан ҳолда бирлаштирилади. Натижада жавобларнинг тартиблаштирилган варианtlари вужудга келади. Олинган маълумотлар мақсаддан келиб чикқан ҳолда жадвалларда ўз аксини топади. Бу натижаларни янада кенгроқ тушунтириш учун графиклардан фойдаланилади.

Олинган натижаларни изланувчи тушунтириб бериши, хулоса қилиши, тавсиялар бериши керак бўлади. Педагогик социология тадқиқотлари натижаси сифатида олинган маълумотлар ва уларнинг кайта ишланиши изланувчи томонидан кенг шарҳланиб, тушунтириб берилади. Социологик тадқиқотлар натижалари умумлаштирилади ва хулоса қилинади. Қилинган хулосалардан келиб чикқан ҳолда изланувчи тавсиялар ҳам беради. Бу тавсиялар ўрганилаётган муаммони янада яхшилаш мақсадида қандай татбиқ этиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради.

Педагогик социологияни ўрганиш обьекти – бу мұхит ва унинг кўринишлари ҳисобланади. Чунки педагогика таълим-тарбия билан шуғулланар экан, унга таъсир этаётган омиллар нималарда кўринишини таҳлил қилиб борилади. Педагогик социология таълим ва тарбия масалаларини ўрганишда унга таъсир этаётган мұхитни танлаб олиш имкониятига ҳам эгадир.

Педагогик социология ўрганилаётган муаммоларни таҳлил қилишда обьектни танлаб олади ва бунда маълум бир методлардан фойдаланади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ўрганилаётган обьект ва унинг сони жуда кўп, дейлик, ўн минг ва ундан ортик инсонлар, туманлар, ҳудудлар, вилоятлар, шаҳарлар бўлиши мумкин. Албатта, изланувчи бу инсонларнинг ҳаммасини бирма-бир ўрганишга қизиқади. Мисол учун, агарда анкета орқали сўралаётганлар 20–30 та бўлса, ҳаттоқи 200–500 та бўлса, буларнинг борини қамраб олиш мумкин. Лекин 300 та

кишидан бир кунда интервью олиб бўлмайди. Бу мушкул иш, чунки бу интервьюлар ҳақиқатга мос тушмайди. Интервью бир кунда бешта кишидан олинганда ҳақиқатга яқин ва аниқлилик, қимматдорлик даражасига мос тушади. Бундан ортиғи нотўғри ҳисобланади. Агарда шаҳарда, туманда, вилоятда ва ҳаттоқи республика миқёсида педагогик социология муаммоси ўрганиладиган бўлса, у ҳолда буларнинг ҳаммасини сўров қилиш қийин бўлади. Бунда жуда кўп харажат, вақт кетади, бунга банд бўлган инсонларнинг сони кўпаяди, бир сўз билан айтганда, катта ҳажмдаги тадқиқотларни ўtkазиш жуда қийин бўлади. Шунинг учун 500 ва ундан ортиқ инсонлардан сўралаётганда объектни танлаш зарур бўлиб, танлаб олиш методидан фойдаланилади. Социологияда танлаш шунинг учун зарур ҳисобланади.

Педагогик социологияда ҳам худди социологиядаги каби танлашнинг ўзига хос талаблари мавжуд. Объектни танлаш жараёни, биринчидан, ўрганилаётган ижтимоий объективнинг белгилари ва характерли томонлари ўзаро боғлиқлигига ва ўзаро муносабат, ўзаро таъсир кўрсатишига таянади. Иккинчидан, бир бутуннинг бир бўлагини ўрганиш орқали, бутун ҳақидаги холосаларнинг тўғрилиги, бунда қисм ўзининг тузилиши билан бутуннинг микромодели бўла олишига суняди.

Объектни танлашни шакл ва методлари ҳар хилдир. Танлашнинг эҳтимоллик ва мақсадга қаратилган томонларини ажратиш мумкин. Танлашнинг эҳтимолликка асосланган кўплаб кўринишлари мавжуд. Дейлик, хусусий – эҳтимоллик методи, эҳтимоллик – қайтарилмас методлари, эҳтимоллик – қайтарилувчи методлари ва шу кабилар. Бундан ташқари, мақсадга қаратилган методлар ҳам мавжуд. Бунга кўр-кўrona танлов, асосий массив ва квотли танловлар киради. Бу танловлар асосида педагогик социологиянинг педагогика билан боғлиқ масалалари кенг ўрганилади.

Бу педагогик социология тадқиқотлари таълим ва тарбия соҳасини ўрганишда, асосан, муҳитнинг таъсирини, тарбия-

ланувчининг тарбиясида мухитнинг ролини, мухитни шакллантириш орқали жамият учун керакли бўлган шахсни кенг ўрганишнинг педагогик томонларини таҳлил қилиб боради. Серкирра микромухит компонентлари ўзида тарбия билан боғлик бўлган томонларни ҳам олиб юради. Бунда микромухит шароитида бола тарбиясига таъсир этадиган ва педагогикага хос бўлган омиллар мавжуд бўлиб, улар инсоннинг ҳамма даврлари учун аҳамиятли ҳисобланади. Микромухит бу ўзига оилани, қўни-қўшниларни, ўртоқлар ва дўстларни, қавму қариндошларни, маҳаллани, ўқиш масканларида синфи, талабалар гурухини, турли тарбияловчи муассасаларни, давлатни, диний, хусусий ташкилотларни ва шу кабиларни қамраб олади. Албатта, бу микромухитни ташкил этувчи масканларда бола ҳар доим эътиборда ва тарбия таъсирида бўлади. Ўзи учун керакли бўлган малака, билимларни улар таъсирида ўзлаштириб боради.

Ижтимоий тарбия масалалари жамият тараққиётiga ҳар доим таъсир этиб турган. Буни инсоният тарихини ўрганиб билиб олиш мумкин. Жамият тараққиёти ва инсонларнинг маънавий камолоти, яъни таълим-тарбияси бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисисиз воқе бўлмайдиган мураккаб жараёндир. Ҳамма даврларда инсоният бу жараённинг ички моҳиятини, қонунларини англашга ва уларга йўналиш беришга харакат қилганлар. Ижтимоий таълим-тарбиянинг заминида барча даврларда муайян манфаатлар билан боғлиқ мақсадлар ётади. Бу мақсадлар тизими ва уларнинг моҳияти давлатлар, турли сиёсий кучлар яратган ва амал қилган мафкурада ифодаланган. Ҳар қандай мафкура ҳам жамият маънавий камолотини, унга замин бўладиган таълим-тарбия ишлари тизимини муайян ижтимоий, сиёсий мақсадлар билан боғлашга қаратилган ғоялардан иборат. Ижтимоий тарбия, таълим заминида ётган ҳар қандай ғоя ижтимоий адолат, инсонпарварлик, етук ахлоқ, демократия, ҳуқуқ мезонларига, илм-фан ютуқларига

асослангандағина жамият маңнавий камолотига ижобиј таъсир этиши мүмкін.

Ижтимоий тарбия масаласи жамият учун керакли бұлған жараёнлардан бұлғанлиги учун бу терминни күпчилик ишлатади. Тарбия сүзи ва унинг маңносига хос муносабатлар матбу- отда ва ҳаётда ҳар куни құплада ишлатилади. Лекин ҳамма ҳам тарбиянинг моҳияти нимада эканлигини мулоҳаза қылавермайди. Тарбиянинг моҳияти ҳақида турли мулоҳазалар мавжуд. Тарбиянинг моҳиятини күрсатиб берувчи энг кенг тарқалған тушунчалардан бири – бу катталар (табияловчилар, үқитувчилар, мураббийлар, ота-оналар)нинг тарбияланувчиларга таъсир күрсатиши деб тушунилади. Вокелик шуни күрсатады, тарбия жараёнида икки томон яъни катталар, тарбиячилар – билим, тажрибага эга бұлған кишилар; болалар, ёшлар – билим ва тажриба ўрганувчи кишилар бұлади. Шуни айтиш керакки, тарбияланувчилар муайян даражада фаоллық күрсат- масалар, билим ўргана олмайдилар ва тажрибага эга бўлмайдилар. Бунда инсоннинг ёши улгайгани сари ундаги фаоллик оша боради ва мустақиллик хусусияти кенгаяди, чукурлашади. Тарбияланувчилар ўзларида дунёқарашни таркиб топтиришга, турмушда учрайдиган ҳодисаларни тушунишга ҳамда нимани идрок этсалар, шу нарсага танқидий карашни ўзлаштириб борадилар ва янги ҳаёт яратишга интилиб, ижодий ёндашишга ҳаракат қиласылар.

Юкорида тарбиянинг моҳиятига кенг маңнода қарадик. Уни тор маңнода эса, қуйидагича тушуниш мүмкін. Тор маңнода тарбия деганда тарбияланувчиларда маданий хулк-атвор мала- калари ва одатларни, меҳнатда уюшқокликни шакллантириш, шахснинг ахлоқий сифатларини, характер хусусиятларини, ахлоқий ва эстетик идеалларни, хис-туйғуларни, юксак ин-сонийликка хос туйғуларни таркиб топтиришни тушунамиз. Шуни айтиш керакки, үқитиши ва тарбиялаш таркибий жиҳат- дан бирдек. Үқитар эканмиз, болаларни тарбиялаймиз, шу- нингдек, тарбиялаш вазифаларини амалға ошириш учун, авва-

ло, ўқитиши жараёнларидан фойдаланамиз. «Таълимни тарбиядан. тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шаркона караш. шаркона ҳаёт фалсафаси»<sup>1</sup>.

Болани тарбиялашда ижтимоий билиш ва уddyалаш унинг ижтимоийлапнувида асосий омиллардан ҳисобланади. Бола дунёга келибдики, у жамиятга ҳос бўлган маданиятни оиласида, атрофдаги инсонлар орасида билиб боради. Жамиятда шаклланган ва мавжуд бўлган билимлар тизимини, малакаларни ўзлаштирибгина инсон ижтимоийлашиб боради. Инсоннинг ижтимоийлашувида у дунёга келгандан бошлаб жамиятда мавжуд бўлган маданиятни болалигидан унга ота-она бош-кош бўлиб ўргата бошлайди. Кейинчалик уни ўраб турган инсонлар ўз улушларини кўшадилар.

Ижтимоий билиш – бу жамиятда инсоният томонидан яратилган маданиятни билиб бориш ҳисобланади. Бу ҳар бир миллатга ва, умуман, инсониятга хос урф-одатлар, аньяналар, билимлар тизимиdir. Жамиятдаги бу каби билимларни ёшларга ўргатишда ҳиссий билимларни ўзлаштиришдан бошлаб то ақлий билимларни ўзлаштиришгача бўлган жараёнларни ўзлалига сингдириб боришда кўринади. Ўсиб бораётган фарзандлар ўз ҳаёт фаолиятлари давомида миллатга, инсониятга хос билим тизимини ҳиссий, жонли мушоҳадаларда билиб борадилар. Болаларнинг бу билимларни ўзлаштира олишлари, уни уddyалай олишлари энг муҳим жараёнлардан биридир.

Ижтимоийлашув жараённида болаларнинг тарбия ва таълим соҳасидаги кўнникмаларни, малакаларни, билимларни ўзлаштиришни уddyалай олишлари жамият учун, ота ва оналар учун муҳим ҳисобланади. Уddyалаш – бу бирор ишни бажара олиш, ўринлаштириш, амалга ошириш, эплаш демакдир<sup>2</sup>. Болаларга таълим-тарбия берилар экан, уларга ўргатилган билимларни уddyалай олишлари, тарбияга хос амалларни бажаришлари на-

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 62-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – 264-бет.

зарда тутилади. Педагогик социология айнан улдалай олишга, эплай олишга мос бўлган ёшларни ўрганар экан, уларни жамиятга фойдали инсон қилиб тарбиялашда муҳитнинг ролини таҳлил қилиб боради. Болалардаги инсониятга, миллатга хос бўлган маданиятни улдалай олиш қобилияти болаларнинг ижтимоийлашувига олиб келади ва ижтимоийлашувнинг асоси ҳисобланади. Демак, ёшлар улдалаш орқали маданиятни, билимларни ўзлаштирадилар ва ижтимоийлашиб борадилар.

Ёшларни тарбиялаш – бу ижтимоийлашув, жамиятга мос бўлган шахсни тарбиялаш ҳисобланади. Ижтимоий ўрганишнинг моҳияти бу инсонни тарбиялаш, ҳаётга мос бўлган дараҷадаги шахсни шакллантиришдир.

Ижтимоий тарбиянинг характеристики ва тизими ўзаро боғлик. Ижтимоий тарбия, асосан, жамиятда олиб борилаётган ғоялар билан характерланади. Инсонга бериладиган тарбия тизимига қўйидагилар киради: ахлоқий тарбия, эстетик тарбия, меҳнат тарбияси, жисмоний тарбия, экологик тарбия ва ш.к. Буларнинг ҳаммаси ўзига хос тарбия тизими бўлиб, инсоннинг баркамол бўлиб етишишига хизмат қиласди.

Ҳозирги шароитда ижтимоий билиш ва ижтимоий тарбия масалалари долзарб масалалар қаторига киради. Ижтимоий билиш соҳасида кенг имкониятлар вужудга келди. Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан кейин таълим ва тарбия соҳасида ўзига хос миллий тарбия масалалари ва умуминсоний тарбия масалаларини ўрганиш, ўзлаштириш учун имкониятлар кенгайди. Ҳозирги тарбиянинг аҳамияти ҳакида И. Каримов шундай ёзади: «Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот; ё нажот – ё ҳалокат; ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳа-

мият касб этади»<sup>1</sup>. Ёшларни тарбиялаш ўзининг асл моҳияти билан жамият, давлат томонидан олиб бориладиган назарий ва амалий фаолият билан боғлиқдир.

Педагогик социологияда олиб бориладиган тадқиқот ишлари фанга хос бўлган принцип ва қонунларга сужнади. Принцип (лот. ибтидо, асос илк сабаб) икки маънода ишлатилади: 1) турли аҳамиятга эга бўлган омиллар ва билимлар мажмуининг асоси, пойдевори; 2) ҳар қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор ва фаолиятнинг бошланғич қоидалари ҳисобланади. Ҳозирги замон педагогика фани олиб бораётган тарбия ишларида, уни фалсафий билиш принципларига асосланган ҳолда икки кўришишга асосланади: а) объективлик, тизимлилик, тарихийлик, диалектик ва синергетик багликлар; б) тадқиқот давомида қўлланиладиган принципларнинг туркумига мавҳумликдан аниқлик томон бориш, мантиқийлик ва тарихийлик бирлиги ва ш.к. Фанда яна қонун тушунчasi бўлиб, у ўзига хос ҳолда таърифланади. Қонун – объектив олам, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликнинг шакли, бирор-бир нарсанинг «зарурий мавжудлик қоидаси», шунингдек, инсоннинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи йўл-йўриқ, қоидалар йигиндиси<sup>2</sup>.

Ижтимоий тарбияда асос бўлувчи ва унинг қонунларини ўзида акс эттирувчи қоидалар тарбия масаласига жиддий қарашни, жамиятга хос бўлган долзарб талаблар билан боғланганликни талаб қиласди. Ижтимоий тарбия принциплари ва қонунлари тарбия зарурлигини, бу принцип, қонунларга амал қилиш жамиятга керак бўлган шахсни тарбиялашга, ундан жамиятнинг тараққиётига хизмат қилувчи инсонни шакллантиришда муҳим роль ўйновчи жараён сифатида фойдаланишни

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 62-бет.

<sup>2</sup> Фалсафа қомусий лугат. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий нашриёти, 2007. – 479-бет.

зарур қилиб күяди. Ижтимоий тарбияда мухим роль ййновчи принцип ва қонунларга тарбиянинг табиийлиги, маданиятга хослиги, гуманизм, тарбия беришнинг чексизлиги киради.

Ижтимоий тарбиянинг табиийлиги – бу тарбияланыётган болани биосоциал мавжудотлигини ҳисобга олишдир. Ундағи биологик ҳолатларни ва қонунларни яхши билган ҳолда тарбия қилишда фойдаланиш. Бола тарбияси уни атроф-мухит билан боғлаб турувчи, уни ўраб турған муҳит ҳақида маълумотлар етказиб берувчи сезги аъзолари билан боғлиқдир. Шуларга асосан болага, унинг тарбиясига таъсир этувчи психик жараёнлар ва психологик ҳолатлар, психофизиологик қонунлар, физиологик имкониятлар ва принципларга риоя қилиш назарда тутилади. Дейлик, бола биологик мавжудот сифатида озиқланиши, эҳтиёжларини қондириши, ёшидан келиб чиқкан ҳолда ҳаракатланиши каби қатор биофизиологик хусусиятларга әгадир. Тарбия жараённанда унга эътибор бериш ва гигиена қоидаларига риоя қилишни ўргатиш ҳам тарбиячининг мухим вазифасидир. Ёшларнинг ўсмирлик давридаги психофизиологик ўзгаришларини билган ҳолда ўқитувчи тарбияга ўзгача ёндашиши кераклигини талаб қилади. Демак, тарбиянинг табиийлиги – бу болани тарбиялашда унга хос бўлган томонларни ҳисобга олиш, ёшига қараб ва боладаги психик жараёнлар, психологик ҳолатларни ўрганиш орқали муносабатда бўлишидир.

Ижтимоий тарбиянинг мухим томони – бу инсониятга ва миллий қадриятларга хос бўлган маданиятни ҳисобга олган ҳолда ёндашиши ҳам талаб қилади. Умуминсоний маданият талаблари ва миллий маданият ютуқларини уйғунлашган ҳолда ёшларни тарбиялаб бориш зарурий, долзарб масалалардан бирини ташкил этади. Дейлик одамийлик, инсонпарварлик, тинчликни севиш, меҳнатсеварлик, инсон манфаатлари учун меҳнат қилиш ва шу кабиларни санаб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, дунё маданиятига фан соҳасидаги ютуқлар ҳам кири-

тилган бўлиб, буларни ўрғаниш ҳам тарбиянинг муҳим томони ҳисобланади. Миллий маданиятга кирувчи кўплаб урф-одаглар, анъаналар, қадриятлар, мерослар ҳам мавжудки, уларни ўрганиш ва уларга амал қилиш ҳам тарбиянинг долзарб томонини ташкил этади. Миллий маданиятдаги инсоният таракқиётига таъсир этувчи кўплаб қадриятлар борки, улар инсон ва инсоният манфаатларига хизмат қиласиди. Бу қадриятларни ёшларга тарбия сифатида етказиб бериш ва уларга амал қилишини талаб қилиш маданиятнинг муҳим томонини ташкил этади.

Ижтимоий тарбиядаги гуманизм – бу тарбиянинг муҳим жиҳатини ташкил этиб, инсоният учун керак бўлган, унинг таракқиёти учун хизмат қиласидиган ижтимоий жараёндир. Гуманизм – (лот. – инсонийлик, инсонпарварлик, инсон ҳакида ғамхўрлик) бу инсонни улуғлаш, инсон манфаатларини ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда унинг келажаги учун энг илғор билимларни бериш. Гуманистик тарбия орқали инсон мустақиллигини ифодаловчи энг муҳим ижтимоий билимлар (аклий, зукколик, ахлоқий поклик, эстетик гўзаллик, ҳуқукий етуклиқ, меҳнатга ҳалол муносабат, сиёсий камолот, маданий савия, экологик тозалиқ, иктисадий режалилик, маънавий билимлилик)нинг асосида гуманистик эътиқод вужудга келтирилади. Ижтимоий тарбия ёшларни инсонпарварлик асосида тарбиялаб бориш билан бирга уларнинг тарбияси ҳам гуманизм принципларига асосланишини ва уларни гуманистик эътиқод руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Ижтимоий тарбия жамиятнинг таракқиётига улкан таъсир кўрсатувчи омилдир. Чунки ёшларни тарбиялаб бориш келажакда жамиятга фойдали инсонлар авлодини тақдим этади. Ёшлар – бу жамиятнинг келажаги, жамият ёшлар билан, уларнинг янги куч бўлиб кириши билан тўлдирилади. Шунинг учун ҳам ёшларни тарбиялаб бориш жамият ва давлат олдида турган энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу жараён

ҳеч вақт тугамайди. Ҳар бир даврда ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган кўплаб масалалар кўтарилади ва бу ҳар доим бойитиб борилади.

## **ИЖТИМОЙЛАШУВ – СОЦИАЛ-ПЕДАГОГИК ХОДИСА СИФАТИДА**

Инсон табиатнинг бир қисми, тараққиётнинг олий маҳсулидир. Жамият ривожланиши ва унинг тараққиёти табиат тарихи тараққиётининг бевосита давомидир. Табиат ривожланиши қонунлари билан ижтимоий тараққиёт қонунлари ўртасида кўргина умумий томонлар, шу билан бирга, улар ўртасида тафовут ҳам мавжуд.

Жамият – маълум онгли фаолиятга эга бўлган, ўзларининг тарихини ўзлари яратган, ўз интилишларини бирон-бир мақсадни амалга ошириш учун қаратадиган кишиларнинг муносабатларидан иборат, мураккаб ижтимоий организмни ташкил қиласадиган яхлит тизимдир. Бу тизимнинг асосини инсон, шахс ташкил этади. Жамиятнинг яхлит тизимининг асоси – бу табиат томонидан вужудга келган ва жамият ижтимоий билимларини ўзлаштириб бораётган инсондир. Инсон жамиятда ижтимоийлашиб бориб, унинг муҳим долзарб қисмини ташкил этади. Ижтимоийлашган инсон жамиятнинг тараққиёти учун хизмат қиласади.

Инсон боласи дунёга биологик организм сифатида келади. Маълум вақт ўтгандан кейин инсон ўз дунёқарашига, қизиқишлиари, интилишлари, йўналишлари, қадриятлари, билимлари, малакалари ва ўз мақсадига эга бўлган одамга айланади. Инсон бу ҳолатга ижтимоийлашув орқали эришади.

Ижтимоийлашув шундай ҳодисаки, бунда ўз «мен»ини шакллантираётган индивид ўзи тегишли бўлган гурӯҳнинг нормаларини ўзлаштириб бориб, ўзига хос қайтарилмас индивид сифатида шахсга айланаб боради.

Инсоннинг ижтимоийлашуви мураккаб, серкирра ҳодиса бўлиб, ташки мухит таъсирида, шунингдек, маҳсус ташкил қилинган ва онгли тарзда туриладиган тарбиявий ишлар таъсирида амалга оширилади.

Социология инсоннинг ижтимоийлашувини, биринчидан, инсоният яратган маданиятни ўзлаштиришда, иккинчидан, ижтимоий мухит билан боғлиқ ҳолда шахснинг шаклланишида, учинчидан, инсонлар билан нормал мулоқот қилишда, туртингидан, жисмонан ва руҳан соғлом бўлишида кўради.

Инсон ўз ҳаёт йўлининг илк даврларида ўз «мен»ига эга бўлмайди. У онасининг бир бўлаги тарзида мавжуд бўлади, кейинчалик атрофидаги ҳар хил ҳаракатлар, шовқинлар ўзидан ташқаридаги ҳодиса эканини сеза бошлайди. Бу эса, ўзгаришлар, мослашиблар, кузатишлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Бола энди инсониятга тегишли бўлган маданиятни кўникмалар, малакалар орқали билиб боради ва уларни ўзлаштиради. Дейлик, ҳар бир бола ўзидан ёши катта бўлган инсонлар ёрдамида овқатланади, нутқ орқали мулоқот қиласди, атрофидаги ҳодисалар билан танишиб боради. Болада янги ва янги тажрибалар ортиб бориб, нима яхши ва нима ёмонлиги, жазоланиш ва рағбатланиш каби тажрибалар вужудга келади. Инсон маълум бир маданият билим, тажриба, малакага эга бўлиб, унинг онги ривожланиб боради. Маданият ҳар бир миллатда ўзига хос бўлиб, умуминсоний маданият кўринишига эга бўлган билимлар тизимини ҳам ташкил этади. Инсон фақат кишилик жамиятида ижтимоийлашиб борибгина шахс бўлиб боради. Жамиятдан ташқарida қолган киши шахс бўла олмайди. Бу инсон кўринишидаги ҳайвон инстинктларига эга бўлган жонзод бўлиб қолади. Бунга инсоният тарихидан мисоллар келтириш мумкин. Дейлик, ҳайвонлар орасидан топиб олинган инсон болаларида фақат ҳайвонга тегишли бўлган инстинктлар мавжуд бўлади. Уларнинг кўринишигина инсонни эслатиб, хулиқ-атворлари эса, ҳайвонларга хос бўлади. Бундан кўриниб турибдики, инсон

факатгина инсонлар орасида ижтимоийлашиб борибгина шахс бўлиб етишади. Масалан, 1920 йилда Хиндишонда бўрилар уясидан икки киз ажратиб олинган. Уларнинг кўринишигина инсон, лекин бутун турмуши бўриларга хос бўлган. Улар инсонлар орасига қайтгандарида жуда кийналғанлар. Тез орада бу шароитга мослашпа олмай, дунёдан кўз юмғанлар. Бундай мисоллар инсоният тарихида кўплаб топилади. Жумладан, 1661 йилда Литвадаги айик яшайдиган фордан 12 яшар ўғил бола, 1671 йилда Ирландиядан ҳам шундай бола топилгани хақида маълумотлар бор.

Шахснинг ижтимоийлашуви асосида ва тарбиялаш давомида унга таъсир этувчи қуйидаги объектив ва субъектив омилларни кўрсатиш мумкин: 1) ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар; 2) ижтимоий ҳолатлар ва вазиятлар; 3) хулқ-авторни шароитдан келиб чикқан ҳолда ташкил этиш; 4) ижтимоий фаоллик. Инсон ижтимоийлашув давомида ривожланиб, жамиятга фойдали инсон бўлиб етишади. Инсоннинг ижтимоийлашув жараёни унинг ривожланишига, онгининг шаклланишига, жамият ҳаётига мослашишига олиб келади. Инсон ижтимоийлашиб борар экан, биологик мавжудотдан ижтимоий инсонга айланиб боради. У ўзи тегишли бўлган гурухнинг урф-одатлари, анъаналярини, қадриятларини ўзлаштириб бориб ижтимоийлашиб борар экан, уни катталар, яъни ота-онаси, қавму қариндошлири, қўни-қўшилари, маҳалласи, тенгдошлари, таниш-билишлари, тарбиячилари, билим берувчи муаллимлари, инсонлар ҳар доим назорат қилиб турадилар.

Шахснинг ижтимоийлашуви, табиийки, узлуксиз жараёндир. Бу жараён билан инсоннинг келажакда шахс сифатида қандай бўлиши, ҳаётда ўзини қандай тутиши ва даражаси, ўзининг ва бошқаларнинг ҳаёт фаолиятига қандай таъсир этишига боғлиқ бўлади. Инсоннинг ўз муаммоларини мустакил равища ҳал қила олиши кўп жиҳатдан унинг ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ бўлади.



Ривожланиш – бу инсоннинг (ниманидир) ташқи ва ички омиллар асосида қонуний ва зарурий ўзгаришидир. Ривожланиш натижасида миқдорий ва сифатий ўзгаришлар юз беради. Шахснинг ижтимоий ривожланиши – бу инсон шаклланиши жараёнида юз берадиган миқдорий ва сифатий ўзгаришларнинг бўлиши, унинг ижтимоийлашуви ва тарбияланишидир. Бу түгилгандан бошлиб ижтимоий муҳитда яшаётган инсонга хос бўлган табиий ва қонуний ҳодисадир.

Инсоннинг ижтимоий ривожланиши узлуксиз ва бир текисда бўлмаган характерга эга. Узлуксизлик ҳар доим ижтимоий ўзгаришларга эҳтиёж борлигини билдиради, ижтимоий ўсип учун ижтимоий малака талаб қилинади. Ижтимоий жараён шахсни бойитади, ниманидир ўзлаштириш ёки йўқотиш, нима биландир ўз даражасини саклаб қолиш учун имконият яратади.

Ижтимоий ривожланишнинг бир текисда бўлмаслиги унда мунтазамлик ва доимийлик характеристи йўқлигидадир. Бу жараён кўп омиллар таъсирида ўзгариб туради, дейлик ёшига, эҳтиросларига, инсоннинг ҳолатига, яшаётган муҳитига, ўзини фаоллаштиришига қараб ва ш.к.

Ижтимоийлашув жараёнини ўрганган қўпгина мутафаккирларни биламиз. Улар ижтимоийлашувни ўзига хос ҳолда тур-

лича таърифлаганлар. Бу терминни фанда биринчи маротаба америкалик социолог Ф.Г.Гидденс ишлатган. Гидденс 1887 йилда ўзининг «Ижтимоийлашув назарияси» китобида «ижтимоийлашув» терминини ишлатган эди. Ушбу китобда «ижтимоийлашув» термини хозирги замон тушунчасига яқин бўлган талқинда ишлатилган, яъни «индивиднинг характеристики ёки ижтимоий табиатини ривожлантириш», «инсон материалини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш», деган маънода.

Ижтимоийлашув термини кенг ёйилгунча ижтимоийлашув муаммоси жамиятда илгаритдан ишлатиб келинган. Ижтимоийлашув муаммоси ҳар доим файласуфларни, адабиётчиларни, тарихий мемуарлар ёзувчиларнинг диққат эътиборида бўлган. XIX асрнинг охирларида бу муаммони ўрганишга социологлар (Э. Дюргейм) ва ижтимоий психологлар (Г. Тард) катта эътибор қаратдилар. Ҳозирда ижтимоийлашув муаммоси ва унинг алоҳида ўналишларини файласуфлар, этнологлар, социологлар, психологлар, педагоглар криминологлар ва бошқа фан на民政дадарни ўрганиб келмоқдалар.

Социология ижтимоийлашув жараёнини жамиятнинг макротизимида таҳлил қиласи. Уни ижтимоий тизим билан ўзаро муносабатда, ишлаб чиқаришда, ижтимоий муносабатлар тизимида, сиёсий тузилиш, жамоа ва давлат ижтимоийлашув институтлари билан боғлаган ҳолда ўрганади.

Ижтимоийлашув ҳақида фикр билдирилганда ҳар доим инсонни болалигидаги, ўсмир ва ўспирийлик давридаги ривожланиш назарда тутилар эди. Фақат охирги ўн йилликларда болалиқдан ташқари етуклик даври ва кексалик (геронтология) давридаги ижтимоийлашув ҳақида фикр юритила бошланди.

Ижтимоийлашувга икки хил ёндашиш мавжуд – бу субъект–объект ва субъект–субъект ёндашувлардир.

Биринчи ёндашув инсоннинг ижтимоийлашув жараёнинда пассив эканлиги, унда ҳеч қандай фаолият бўлмайди, деб қараш билан боғлиқ. Бу назарияда инсоннинг ижтимоийлашув жараёнини жамиятга адаптация (мослашиш), яъни жамиятда

бор бўлган маданиятга инсоннинг мослашиши деб каралади. Бу ёндашув субъект – объект муносабати, яъни жамиятнинг субъектга таъсири, инсонни эса, унинг обьекти сифатида кўрилади.

Субъект-объект ёндашуви қадимдан келаётган йўналиш бўлиб, унга тегишли кўплаб мактаблар ва назариялар мавжуд. Шундай ёндашувнинг асосчиларидан бири – бу француз социологи XIX асрда яшаган Э. Дюркгеймдир. У ўз тадқиқотларида жуда кўп маротаба ўсив келаётган ёшларнинг тарбиясига ва ижтимоийлашувига мурожаат килган. Э.Дюркгейм тарбия асосида «ҳар дақиқада унга таъсир этаётган ижтимоий муҳитни, ўзининг намунаси асосида унга таъсир этувчи ота-она ва ўқитувчиларни тарбиялашини»<sup>1</sup> тушунган. Дюркгейм ҳар бир жамиятда унинг учун ахлоқий, интеллектуал, жисмоний жиҳатдан намуна бўладиган идеал инсон бўлишини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга, ҳар бир жамиятда идеал инсон шу жамиятга хос бўлган хусусиятлар ва жамиятда яратилган шаротлардан келиб чиқишини айтиб ўтади. Лекин бу хусусиятлар, Дюркгеймнинг фикрича, аҳамиятга эга эмас. Унинг фикрига кўра, инсоннинг ижтимоийлашувида асосий фаоллик жамиятга тегишилдирир.

Дюркгеймнинг тутган позициясининг моҳияти шундаки, ижтимоийлашув жараёнида жамиятнинг инсон олдида устуннлигини ва унга нисбатан фаоллигини кўрсатиб беради. Дюркгейм билдирган фикрлар кўпгина олимларнинг ўзига хос бўлган гоялари пайдо бўлишига олиб келди.

Америкалик социолог Т. Парсонснинг<sup>2</sup> инсоннинг ижтимоийлашув тизимида интеграция (қўшилиш) жараёнини ишлаб чиқишида Э. Дюркгеймнинг жамият яшашининг социологик назарияси асос бўлиб хизмат қилди.

Ижтимоийлашувни Т. Парсонс «бода туғилган жамият маданиятини интернализацияси» сифатида билди. Т. Парсонс-

<sup>1</sup> Э. Дюркгейм. Метод социологии. – Киев: Харьков, 1899. – С. 12–13.

<sup>2</sup> Қаранг: T. Parsons. The Social System. – Glencoe, 1952.

нинг фикрича, ижтимоийлашув жараёнининг асосида «инсон организмининг генетик маълумотлари эгилувчанлиги ва унинг ўрганишга бўлган иқтидори» ётади. Парсонснинг фикрича, инсон ўзи учун ҳурматга эга бўлган бошқа кишилар билан мулоқотда бўлганида ўзи учун қадрли бўлган қадриятларни ўзлаштириб боради. Унга кўра, ижтимоийлашувнинг биринчи жараёни оиласда содир бўлади. Оиласда, – деб таъкидлайди Т.Парсонс, – инсоннинг асосли мотивацион установкалари вуждуга келади.

Т.Парсонс махсус изланишлари асосида ижтимоийлашув жараёнининг вазифаларини шакллантириди: бу боланинг оиласга боғлик илк давридан эмансипацияси (озод бўлишга интилиши); ижтимоий қадрият ва меъёрларни юксак даражада интернализацияси, оиласда ҳам; болаларнинг ютуғи ва баҳоси асосида дифференциацияси; инсон ресурсларини катта ёшдаги жамоаларда ўйналадиган ролларга асосан селекция қилиш ва ролларни бўлиш.

Т.Парсонсга асосан, ҳар қандай роллар (эркак, аёл, ишчи ва ш.к.)нинг ижтимоийлашви уларнинг ижтимоийлашви жараёнидан қониқмаганлик ҳиссини пайдо қиласди. Бу ўйналаётган роллар, шунингдек, ёш давларига ва жинсига нисбатан ҳам олганда атрофдаги кишиларнинг муҳокамасида бўлади ва уларга бир хил бўлмаган баҳолар ҳам берилади. Бунинг натижасида баҳоланаётган кишининг ўз-ўзига берадиган баҳоси пасайиб кетади ва ўзи ўйнаётган ролидан қониқмаслик ҳисси пайдо бўлади.

Иккинчи ёндашув намояндаларига эса, инсоннинг ижтимоийлашув жараёнида фаол қатнашади, деб ҳисобловчилар киради, яъни субъект – субъектив ёндашувчилардир. Бу ёндашувни У.И.Томас, Ф.Знанецкий, Чарльз Кули ва Жорж Герберт Мидлар асослаганлар.

У.И.Томас ва Ф.Знанецкийлар ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларга инсоннинг онгли фаолияти сифатида қараш кераклигини, у ёки бу шароитни, ҳолатни ўрганишда нафақат

ижтимоий ҳолатни, балки индивидларнинг фикрларини ҳам хисобга олиш кераклигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу йўналиш намояндалари ижтимоийлашиб бораётган инсон ижтимоийлашиш давомида фаол қатнашчи бўлишини, маълум соҳаларда ўз фикрини айта олиш, керак бўлса ўзгартириш, бойитиш имкониятлари борлигини айтиб ўтадилар.

Субъект – субъектив ёндашувга асосланган ижтимоийлашувни инсоннинг маданиятни ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш жараёнидаги ривожланиши сифатида тушунтириш мумкин. Ижтимоийлашувнинг моҳияти маълум бир этнос шароитида яшаётган инсоннинг унга мослашиши ва ўзига хос ҳолда ажрабиб туриши, деб қараш мумкин. Демак, ижтимоийлашувнинг моҳиятини субъект–субъект ёндашишига асосланган ҳолда, ижтимоийлашув маданиятини қайта ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш жараёнида инсоннинг ўз-ўзини ўзгартириши ва ривожланиши сифатида тушунтириш мумкин. Бу инсоннинг ҳамма ёш даврларида ҳаёт томонидан яратилган мақсадга мувофиқ ва йўналтирилган шароитининг табиий (стихияли) ҳолда юз беришидир. Ижтимоийлашувнинг моҳияти мослашиш ва ажрабиб туриш жараёнини аниқ жамият шароитидаги мувофиқлашишидир.

Мослашиш (ижтимоий адаптация, уйғунлашув) – бу субъект ва ижтимоий мухитнинг ўзаро фаоллиги ва уйғунлашиш жараёнидир (Ж.Пиаже, Р.Мертон). Мослашув – бу инсонга тегишли бўлган установка ва ижтимоий хулқ-атворлар билан бирга унинг ижтимоий мухитнинг талаби ва кутаётган натижаларининг ўзаро келишувидир. Мослашув – бу индивиднинг ижтимоий мавжудот бўлиш жараёни ва натижасидир.

Инсон ижтимоийлашув давомида факат жамиятга уйғунлашмайди, балки ўзига хос томонлар билан ажрабиб ҳам турди, яъни алоҳидалиги билан ҳам кўринади. Алоҳидалик – бу инсонни жамиятда автономлашиш жараёнидир. Бу жараённинг натижаси – инсоннинг ўзига хос ва мос бўлган эҳтиёжларга эгалиги (қадриялар автономияси); атрофдагиларга боғлик

бўлмаган ўзининг хусусий боғликлари (эмоционал автономия); ўзига тегишли бўлган масалаларни ўзи ҳал қилиши, ўзини белгиловчи, ўзини ўзгартиравчи, ўзини кўрсата олиши, ўз ўрнини белгилаб олишга халақит берувчи хаётй қарама-қаршиликларга қарши тура олиши (хулк-атвордаги автономия).

Алоҳидалик – бу инсоннинг индивидуаллашиб жараёни ва натижасидир. Юқорида айтилганлардан шу нарса кўринадики, ижтимоийлашув жараёнида инсоннинг жамиятга мослашиши ва алоҳидалигини кўрсатувчи ички, охирига етмаган зиддиятлар жараёни ётади. Бошқача айтганда, эффектив ижтимоийлашув бу мослашиш ва алоҳидалик ўргасидаги балансни кўрсатади.

Хозирги замон жамиятида ижтимоийлашув ўзига хос хусусиятлар, яъни муҳитга, маданиятга ва умумий характерларга боғлиқдир. Ҳар қандай жамиятда инсоннинг ижтимоийлашуви турли босқичлардан келиб чиқкан ҳолда ҳар хил хусусиятларга эга. Энг умумий ҳолда бу босқичларни инсоннинг ёши билан боғланган ҳолда кўриб чиқиш мумкин. Бу бўлиниш шартлардир, лекин етарли кулайликка ижтимоий педагогика нуқтаи назаридан ёндашилади. Инсон ижтимоийлашув даврида куйидаги босқичлардан ўтади:

1. Гўдаклик (тугилгандан то 1 ёшгача).
2. Илк болалик (1 дан 3 ёшгача).
3. Мактабгача болалик (3 дан 6 ёшгача).
4. Кичик мактаб ёши (6 дан 10 ёшгача).
5. Кичик ўсмирлик даври (10 дан 12 ёшгача).
6. Катта ўсмирлик ёши (12 дан 14 ёшгача).
7. Илк ўспиринлик ёши (15 дан 17 ёшгача).
8. Ўспиринлик даври (18 дан 23 ёшгача).
9. Ёшлик даври (23 дан 30 ёшгача).
10. Илк етуклик даври (30 дан 40 ёшгача).
11. Катта етуклик даври (40 дан 55 ёшгача).
12. Кексалик даври (55 дан 65 ёшгача).
13. Қарилик даври (65 дан 70 ёшгача).

#### 14. Узок умр кўриш (70 ёшдан катталаар).

Бундан кўриниб турибиди, инсон бутун умри давомида ижтимоийлашиб боради. Инсоннинг ижтимоийлашувида маданият, тарбия, муҳит, миллий қадрият ва инсонга хос бўлган биологик жараёнларнинг аҳамияти муҳимдир. Инсон бутун умри давомида ўзида йўқ бўлган янги кўнилмаларни, малакаларни, билимларни ўзлаштириб, ўзи яшаётган жамиятга хос бўлган шахс сифатида тарбияланади.

Инсондаги ижтимоийлашувни ҳосил қилувчи жараёнлар ўзига хос бўлган томонлар билан ажralиб туради. Умуман олганда, ижтимоийлашув жараёни тўртта қисмдан иборат:

- табиий (стихияли) ижтимоийлашув инсоннинг жамият билан табиий (стихияли) ўзаро таъсир жараёни ва ҳаётдаги ҳар хил шароитларининг инсонга табиий таъсири;

- ижтимоийлашувга нисбий йўналиш берувчи, бунда у ёки бу фуқаролар ҳаётига давлат томонидан таъсир этилиши жараёни;

- ижтимоийлашувни нисбий социал назорат қилиш инсонни тарбиялаш учун жамият ва давлат томонидан яратилаётган шароитни режали асосда ташкил этиш жараёни;

- инсоннинг ўзини у ёки бу даражада онгли ўзгартириш.

Ижтимоийлашувнинг бу тўртта қисмини кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз. Биринчиси – табиий (стихияли) ижтимоийлашув. Табиий ижтимоийлашув инсоннинг бутун ҳаёти давомида жамият билан ўзаро таъсири жараёнида содир бўлади. Инсон аниқ бир жамият билан муносабатда бўлмайди, балки унинг бирор-бир бўғини билан алоқада бўлади. Жамиятнинг бундай бўғинлари: оила, қон-қариндошлар, кўни-кўшнилар, тенгдошлар гурухи, яшаш жойидаги жамоа (ҳамкишлоқлар, шаҳарда яшаётган микрорайон, маҳалла), ҳамюртлар агарда яшаш жойидан узилган бўлса (армия, бошқа ерларда бўлса), ўқув масканларида, касбий гурӯҳлар, сиёсий манфаат ва қизиқишлиар асосидаги бирликлар ва бошқа шу кабилар.

Инсоннинг жамиятдаги бўғинлар билан боғлиқлиги бу унинг жинсига, ёшига, индивидуал хусусиятларига, яшаш жойига, қайси этноса киришига, инсоннинг ижтимоий маданиятта тегишлилигига боғлиқ бўлади.

Табиий ижтимоийлашув инсоннинг жамиятдаги у ёки бу бўғинлар билан танлаш асосида муносабатда бўлиши бўлса, шунингдек, инсон қайсиdir бўғинлар билан зарурӣ боғланнишда (мисол учун мактаб, армия ш.к.), шунингдек, мажбурий ўзаро мулоқотдаги бўғинлар (хукуқни бузувчиларни жазолаш жойлари) билан боғлиқ бўлади.

Иккинчиси – нисбий йўналтирилган ижтимоийлашув. Инсоннинг нисбий йўналтирилган ижтимоийлашуви унинг давлат ва давлат органлари, ташкилотлари билан бўладиган ўзаро алоқасида юз бериб, бунинг натижасида жамият бошқарилади.

«Нисбий йўналтирилган ижтимоийлашув» термини – бу давлат фаолиятини фуқароларнинг ҳаёт йўлига, у ёки бу ёш жиҳатига тегишлилиги, ижтимоий маданиятга, этноса ва бошқа аҳоли қатламларига объектив тарзда таъсир этишини билдиради.

Нисбий йўналтирилган ижтимоийлашув давлат доирасида ва унинг бошқарув органлари рамкасида – республика, шаҳар, вилоят, туман кўзда тутилади.

Ҳар бир шу даражадаги қонун чиқарувчи ва амалга оширувчи органлар ўзларининг компетентлигидан келиб чиқиб, ижтимоийлашув масалаларини ҳал қиласи. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат, вилоят, шаҳар аҳолисининг ижтимоийлашувига таъсир этади.

Юкоридаги ҳолатга мисол сифатида қуйидагича жараённи кўрсатиш мумкин. Давлат даражасида қабул қилинган қарорлар, дейлик, автомашиналарга тўланадиган пул маблағини кўпайтириш. Бу худди ижтимоийлашувга таъсир қилмайдигандек туюлади. Лекин бу аҳолининг катта гурухини автомашина олишини чеклайди. Бу чекланиш одамларни айрим имкониятлардан, яъни имкониятларини кўрсатишдан, ҳаётда ўз

ўрнини белгилашдан, ўзини ривожлантаришдан маҳрум этади. Демак, айтиш мумкинки, жамиятда юз бераётган ҳар қандай ўзгариш инсоннинг ижтимоийлашувига, бу жамиятда ярати-лаётган мухитнинг шахс бўлиб шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.


Учинчиси – нисбий социал назорат қилиш ижтимоийлашуви – бу инсоннинг маълум бир гурӯҳ ва ташкилотларнинг маҳ-сус максадларини ўйлаган ҳолда ва мақсадга йўналтирилган ҳолдаги тарбияси деб тушунилади. Инсон тарбияси жамиятнинг бир қанча бўғинларида юз берадиган жараёндир. Бирин-чидан, тарбия оиласда амалга оширилади, яъни оилавий тарбия. Иккинчидан, тарбия диний ташкилотлар томонидан амалга оширилади, яъни диний тарбия. Учинчидан, тарбия давлат ва маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар (ясли ва мактабдан то олий ўқув юрти ва касбий тайёрланадиган ташкилотларгача), уларда ижтимоий тарбия татбиқ этилади. Тўртингчидан, тарбия криминал, тоталитар сиёсий, экстремистик диний жамоаларда олиб борилади. Бунда биз ижтимоийлашувга қарши тарбияни кўрамиз. Бешинчидан, коррекцион тарбиянинг ҳар хил кўри-ниши мавжуд (аутиген болаларни адаптациясидан тортиб, то ҳукуқни бузувчиларни тарбиялашгача).

Тўртингчиси – инсоннинг ўзини онгли ўзгартириши. Ижти-моийлашув жараённада инсон пассив бўлиб қолмайди. У юқо-рида куриб чиқилган учала йўналишда ҳам фаол бўлади. Бу жараёнда инсон ўзида ниманидир ўзгартиришни ҳис қилган ҳолда ёки онгли равишда эҳтиёж сезади ва бунда фаоллик кўр-сатади. Бунинг учун у:

- социум кутаётган ёки талаб қилаётган жараёнларга мос келиш. Бу ўзгариш ижобий ёки салбий ҳодисалар бўлиши мумкин;

- социумнинг талабларига у ёки бу даражада қарши туралошилик. Унинг ҳаётида пайдо бўлувчи муаммоларни натижали ҳал қилиш;

- ижтимоийлашув ҳолатига ва шароитига таъсир этаётган ноқулай, у ёки бу шароитнинг қурбони бўлмасликдан қочиш;
  - ўзининг образини «мавжудлик менига» (бунда шу вактда инсон ўзини қандай кўриши) ва «ўзи хоҳлаган Менига» (ўзини қандай кўришни хоҳласа) караб тобора кенг ва тор даражада яқинлашиб бориши.
- Яъни, инсон ижтимоийлашув жараёнида ўзини у ёки бу даражада ўзгартириб боради.



Ўзини ўзгартириш – бу инсонни ўзини у ёки бу даражада онгли равиша, режали ва муваффақиятли ўзгартириш жараёни ҳисобланади.

Инсоннинг ўзаришига қаратилган қучли хатти-ҳаракати қуйидагиларга қаратилган бўлиши мумкин:

- ўзининг ташқи ва жисмоний хусусиятларига;
- ўз шахсига хос хусусиятларига;
- интеллектуал, иродавий, эҳтиёжи, маънавий, ижтимоий соҳаларига (билими, эплай олиши, кадриялари, установкалари ва ш.к.ларга);

- ўзини тутиш ҳолатларига;
- образи ёки ўз хаёт образига;
- ўзига бўлган муносабатни (ўз-ўзига баҳони), ўзлигига бўлган муносабатни (ўзини хурмат қилиш, ўзини қабул қилиш), дунёга бўлган муносабатини (дунёни идрок этиши, дунёни кўриш – дунё харитаси), дунё билан муносабати (ўз имкониятларини сарф қилиш ва ўз ўрнини топиш).

Инсоннинг ўзини ўзгартириши қуидаги характерга эга бўлиши мумкин:

- ўз-ўзини такомиллаштириш, ривожлантириш, ўзидаги бор бўлган қобилиятларни, билимларни, томонларни қайта шакллантириш;
- ўзини қайта куриш, инсонга тегишли бўлган хусусиятларни шакллантириш;
- ўзида мавжуд бўлган жисмоний, маънавий, ўз шахсига хос, ижтимоий хусусиятларни бузиш (натижа – алкоголизм, наркомания, жисмоний, маънавий, ижтимоий таназзул).

Ижтимоийлашувнинг ўзига хос омиллари ёки факторлари мавжуд. Омил – бу юз бераётган жараённинг зарурий таъсир этувчи шароити ҳисобланади. Инсоннинг ижтимоийлашуви ҳақида гапирганда уни қандай шароитда юз бераётганига эътибор бериш керак. Ижтимоийлашувнинг таснифига ва шароитларига алоҳида эътибор берган ҳолда уни таърифлашда ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Ижтимоийлашувнинг шароити ёки омилини умумлаштирган ҳолда тўртга гурухга ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, мегафакторлар (мега – жуда катта, энг умумий) – космос, планета, дунё, Интернет – булар тўғридан-тўғри ёки бошқа факторлар орқали ердаги ижтимоийлашувга таъсир этади.

Иккинчидан, макрофактор (макро – катта) – мамлакат, этнос, жамият, давлат – маълум бир мамлакатда яшаётган аҳолининг ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсатади. Бу тўғри-

дан-тұғри ёки бошқа гурухий факторлар асосида таъсир этиши мүмкін.

Учинчидан, мезофакторлар (мезо – үрта, оралиқдаги) катта гурухга киравчи инсонларнинг ижтимоийлашув шароитлари. Буларга ахоли яшаётган ва жойлашган ер (регион, қышлок, шаҳар, посёлка)лар, шунингдек, у ёки бу субмаданиятта киравчи ахоли киради. Мезофакторлар ижтимоийлашувга тұғридан-тұғри ёки тұрткынчи омил орқали таъсир этишлари мүмкін. Бу гурухға – микрофакторлар киради. Микрофакторларга инсонға тұғридан-тұғри таъсир этувчи, аниқ факторлар киради. Бу факторлар – оила, құни-құшнилар, тенгдошлар гурухи, маҳалла, тарбияловчи муассасалар, диний ташкилотлар, хар хил ижтимоий, давлат ва хусусий ташкилотлар микросоциум киради.

Ижтимоийлашув жараёнидаги маданиятта қарши турувчи ташкилотлар (криминал, хукуқни бузувчи ва ш.к.)га киравчиларни ижтимоийлашувни бузувчи микрофакторларга киритилади.

Ижтимоийлашув воситалари – бу үзиге хос бұлған жараёнлардан иборатdir. Шуни айтиш жоизки, микрофакторлар инсон ривожланишига ижтимоийлашув воситалари орқали үз таъсирини күрсатади, яъни бунда ижтимоийловчининг ҳәстига бевосита яқин муносабатда бұлувчиларни күрсатиш мүмкін. Турли ёш босқичларида бу воситалар үзиге хос күринища бўлади. Оилавий ҳолатига кўра, булар ота-оналар, бошқа оила аъзолари (бобоси ва бувиси, хола ва амакилари, ақа ва укалари, опа ва сингиллари ва бошқа қавму қариндошлар), шунингдек, қариндош бўлмаганлар (құшнилар, ўртоқлар, ўқитувчилар) бўлиши мумкиндиr. Ёшига нисбатан ижтимоийлашув воситалари бўлиб ёши катталар, тенгкурлар, катта ёки кичик шериклар (сиблинг – ақа-укалар ўргасида муносабат, ўртоқлар ва ш.к.) бўлиши мумкин.

Ижтимоийлашув жараёнида унинг мұхим воситаси бўлған ёши унчалик катта бўлмаган, яъни бир-икки ёш катталарга

эътиборни күпроқ каратиш зарур. Чунки улар билан муносабатда бўлаётган кичик ёшдагилар улардан күпроқ нарсани ўрганишга интиладилар. Бундан ташқари, уларга оиласидаги турмуш қурғанлар, ишлаётган жойидаги ҳамкаслар ҳам ўз таъсиirlарини ўтказадилар.

Ижтимоийлашувнинг юз бериш механизmlари ўзига хос томонлар билан ажралиб турди. Инсоннинг ижтимоийлашуви ҳар хил омиллар ва воситалар билан ўзаро алоқада бўлган ҳолда маълум бир механизмларда содир бўлади.

Ижтимоийлашув механизмларини кўрсатиб берувчи ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Француз социал психологи Г.Тард ижтимоийлашувнинг асосий механизми – бу тақлид қилиш деб ҳисоблайди. Америкалик олим У.Бронфенбрениер инсон ҳаёт кечираётган ўзгариб турувчи шароит билан фаол ўсиб борувчи инсон ўртасида тобора ижобий аккомадация (мослашиб борувчи) бўлишини тушунган. Яна бир американлик олим Н.Смелзер тўртта муҳим психологик механизмни – имитация, идентификация, уялиш ва айбдорлик ҳиссини кўрсатган. Биринчи иккитаси ижобий, кейинги иккитаси салбий жараён сифатида қаралган. В.С.Мухин эса, ижтимоийлашувнинг механизми сифатида идентификацияни ва шахснинг ўзини алоҳида ажратишини кўрсатган. А.В.Петровский адаптация, индивидуализация ва интеграцияни шахснинг ривожланиш жараёнидаги қонуний ўзгариб туришини кўрсатган.

Берилган маълумотларга асосан, бир қанча умумий психологик ва ижтимоий-педагогик ижтимоийлашувнинг механизmlарини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ижтимоийлашувнинг психологик механизmlарига куйидагиларни киритиш мумкин:

**Импринтинг** (эсда қолмоқ, таъсиrчанлик) – инсон томонидан унинг учун ҳаётий зарур бўлган обьектлар хусусиятларини рецепторлар ва онг ости даражасидаги таъсирини қайд қилиш. Импринтинг гўдаклик даврида кўпроқ учрайди. Лекин кейинги ёш даврларида ҳам образларни эсда қолдириш ва ҳис этиш мумкин. Масалан, болалик (6 ёшгача) давридаги травматик ма-

лака, хўрланиш, қаттиққўллик ва бошқа жараёнлар шахснинг эмоционал ҳолатида из колдиради. Бошқа мисол, ўсмир ёки ўспиринлик давридаги эсда қолган «гўзал аёл» образи аёллар билан нормал муносабатга халақит беради ёки оиласвий ҳаётга салбий таъсири этиши мумкин.

**Экзистенциал босим** (лот. мавжуд бўлмоқ) – инсонни мавжудлик, яшаш шароитини она тилини эгаллашга (илк болаликда) ва бошқа тилларни ёши катта бўлиши билан (тил ўрганиш шароити ўзгариши билан) эгаллашга таъсири, яъни босими. Шунингдек, ижтимоий хулқнинг англанмаган меъёрини эгаллаш, социум бўлмаган ва яшаш учун керак бўлган ҳолатларни ўзлаштириш.

**Тақлид қилмоқ** – қандайдир хулқ-атворга ихтиёрий ёки ихтиёrsиз равишда эргашиш. Бунда инсоннинг ўз атрофидаги одамлар билан алоқада бўлиши ва уларга тақлид қилиши (бунда хурматли инсонлар назарда тутилади), шунингдек, оммавий коммуникация тавсия этган воситалар асосида тақлид қилиш тушунилади.

**Идентификация** (тengлаштириш, ўхшатиш) – инсоннинг хурматли кишилар билан ва референт гуруҳлар билан ўзаро мулоқотда бўлган даврида уларга тегишли бўлган меъёр, қадрият, установка, хулқ-атвор моделини худди ўзиники сингари эмоционал – когнитив жараёнда ўзлаштирилиши.

**Рефлексия** – инсоннинг ички диалоги бўлиб, бу жараёнда киши маълум бир меъёрларни, қадриятларни, хулқ-атворларни, оиласвий томонларни, хурматли кишиларни, тенгдошлар жамоасини, ҳар хил ижтимоий-касбий ва этноконфессиал қатламларни баҳолайди, уларни қабул қиласди ёки инкор этади.

Рефлексия бу инсоннинг ҳар хил реал ёки хаёлий кўринишга эга бўлган «Мен»лиги билан унинг ички диалоги ҳисобланади. Рефлексия ёрдамида инсон ўзини шакллантиради ва ўзгартириб боради.

Юқорида санаб ўтилган ижтимоийлашувнинг психологик механизmlари ижтимоийлашувнинг ижтимоий-педагогик ме-

ханизмлари асосида таъсир этади. Уларга кўйидагиларни киритиш мумкин:

**Ижтимоийлашувнинг традицион механизми** (табиий, стихияли) – бу инсоннинг оиласига ва яқин атрофдагиларига (кўни-кўшилар, ўртоқлар) тегишли бўлган меъёрларни хулқатвор эталонларини, стереотипларини, қарашларини ўзлаштириб боришидир. Конкрет худудларда, аҳоли яшайдиган жойларда, этноконфессион ва ижтимоий қатламларда инсонларнинг хулқатворини бошқарадиган ва ижтимоийлик жараёнига қарши бўлган (ичкиликка ружу кўйиш, ўғирлик, сўкиш ва ш.к.) ва ижтимоий ахлоқлар (урф-одатлар, анъаналар, одатлар, оммавий хулқатвор стереотиплари ва ш.к. киради.

**Ижтимоийлашувнинг институционал механизми** – бу номидан кўриниб турибдикি, инсоннинг ижтимоийлашуви учун жамиятда яратилган маҳсус институтлар ва ҳар хил ташкилотлар билан алоқаси кўзда тутилади. Булар ўзининг асосий вазифалари билан параллел равища инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этади. Буларга ишлаб чиқариш, ижтимоий, диний ва, шунингдек, оммавий ахборот воситалари киради. Инсоннинг ҳар хил институтлар ва ташкилотлар билан алоқаси натижасида маълум бир билимлар тизими вужудга келади ва кучайиб боради.

Инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи оммавий коммуникация институтлари (матбуот, радио, кино, телевидение) нафакат маълум маълумотларни бериш билан таъсир этади, балки китоблардаги, кинолардаги, телекўрсатувлардаги қаҳрамонлар орқали ҳам уларнинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсатади. Инсонлар ёшига ва индивидуал хислатларига қараб ўзларини шу қаҳрамонларга ўхшатишга (идентификация қилишга), уларнинг ҳаётидаги ўзига ёққан томонларни олишга, уларнинг ҳаёт кечириш образларидан намуналар олишга итиладилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида санаб ўтилган ижтимоийлашув механизмининг барча кўринишлари институционал механизмда ўз аксини топади.

Услуга солинган ижтимоийлашув механизми – бу маълум бир субмаданият доирасида таъсир этади. Субмаданият тушунчаси асосида умумлашган ахлокий-психологик комплекс белгилари ва маълум бир ёшга тегишли бўлган инсонларнинг хулқ-автори, ўзини тутиши ёки маълум касбга, маданият қатламига тегишлилигини билдиради. Бу маълум бир ҳаёт тарзи ва фикрлаш билан боғлиқ бўлиб, у ёшига, касбига, ижтимоий гурухларга, этноконфессияларга ўзига хос тегишли бўлганлиги билан ажралиб туради. Демак, ижтимоийлашувни услугба солиш механизмида, биринчи навбатда, тақлид қилиш ва идентификация юз беради.

**Ижтимоийлашуниң шахслараро механизми** – бу ерда шахснинг унинг учун хурматга эга бўлган инсонлар билан муносабати, бунинг асосида психологик механизм бўлган идентификация жараёни ётади. Хурматли инсонлар деганда ота-она (ҳар қандай ёшда) хоҳлаган хурматга эга бўлган катта ёшдаги инсон, тенгдош ўртоқ ёки қарама-қарши жинсдаги шахс ва шу кабилар билан муносабати, мулоқоти тушунилади. Улар ўртасидаги мулоқот ўзига хос таъсирга эга бўлади.

Шуни айтиш керакки, инсон ижтимоийлашув жараёнida бир хил ҳолатда бўлмайди. Балки инсоннинг ижтимоийлашувига халақит берувчи нокулай шароитлар мавжуд бўлиб, инсон унинг курбонига айланб қолиши мумкин. Педагогик социология бу каби шароитларни ҳам ўрганиш орқали инсон ижтимоийлашувини ва ривожланишини таҳлил қилиб боради.

**Десоциализация** (француз – ижтимоийлашувнинг инқизози) – бу инсоннинг қандайдир сабабларга асосан ёки унинг ҳаёт фаолиятига салбий таъсир этувчи омиллар (узоқ вакт касал бўлиш, табиий муҳитдан ажралиши, бошининг қаттиқ лат ейиши, ўзини кўрсатишга имконият бермайдиган шароит ва б.) ижтимоий малакалар, ҳаёт фаолияти шароитида ўзини кўрсата олишга имконият йўқлиги сабабли юз берадиган жараён. Десоциализациянинг асосий сабаби ҳар хил омиллар билан боғлиқ.

Бу жараёнда шахсий омиллар, мұхит ва тарбия омиллариға кatta ўрин берилади.

Негатив ҳолат – бу шундай характерға эга бўлган жараёнки, унда тараққиёт чекланиши ёки бутунлай тўсиб қўйилиши билан боғлиқ жараёнлар кўзда тутилади. Педагогик социологияда бундай негатив ҳолатларни икки фактор асосида тушунтириб берувчи назариялар мавжуд. Бу назарияларнинг бири – **биогенетик**, иккинчиси – **социогенетик** йўналишлардир. Биогенетик йўналиш томонидагилар инсоннинг ривожланиш тараққиёти наслий ҳолатга боғлиқ деб тушунтирадилар. Бу айнан инсоннинг келажакда ким бўлишини белгилаб беради. Салбий ҳолатлар эса, оиласдаги ота-оналарнинг ичкиликка, наркотик моддаларга ружу қўйиши, психик ҳолати носоғлом бўлиши capability билар билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Булар эса, авлодлардаги ҳолатларни бола тараққиётига таъсири билан боғланади.

Бундай болалар билан ишлаш ва унинг ривожланишига таъсир этаётган шароитлар, бола тарбияси ва унга таъсир этаётган негатив ҳолатларни олдини олиш масалаларини қўяди. Бу эса, болани тарбиялашдаги педагогик социологиянинг профилактика иш жараёни ҳисобланади. Бу жараёнда мұхитни ўзгартириб, болани тўғри тарбиялаш масаласини ўз ичига олади.

Социогенетик йўналиш намояндалари эса, инсон тугилишидан динамиқдир ва унда тарбиячи ҳар қандай нарсани, ҳолатни шакллантира (ясай) олиши мумкин, деб таъкидлайдилар. Лекин ҳаёт шароити унақа эмас, тарбиячи хоҳлаган нарсасини ясай олмайди. Бунда болада тараққиётга етакловчи имкониятлар бўлмаса, у чекланган ҳолда бўлиб қолади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тарбиячи ўзида бор бўлган имкониятларни бола тарбиясига қарата олмаслиги натижасида, болада негатив ҳолатлар – ўз-ўзини тарбиялаш ҳолатлари пайдо бўлади. Бола имкониятлари билан ҳисоблашмаслик уни «синишга» олиб келади. Умуман олганда, бу икки жараённи, яъни биогенетик ва социогенетик жараёнларни бир-биридан ажратмасдан, бола тарбиясида кенг фойдаланиш кўп натижалар бериши мумкин.

Боланинг ижтимоий тараққиётида ва тарбиясида унга хос бўлган индивидуал томонларни ва имкониятларни хисобга олиш ва ундан кенг фойдаланиш жоиздир. Бу жараёнлар билан баравар тарзда бола тарбиясини тўла таъминлаб берувчи муҳитни ҳам яратиш ва тарбияга ижобий таъсир этувчи жараёнларни шакллантириш шарт ҳисобланади.

Ижтимоийлашпув жараёнида инсон маълум бир жамиятта, маданиятга, давр билан боғлик ҳолда норма ва меъёрларни ўзлаштириб боради ва унга амал қилади. Ижтимоий нормалар бу инсонни маълум бир жамиятда ўзини тутиши ва хулқ-атвори меъёрлари ҳисобланади. Бу норма ва меъёрларнинг бузилиши эса, инсоннинг меъёрлардан оғиши ва маълум бир негатив ҳолатларни вужудга келтиради. Бу меъёрлар жамиятда қабул қилинган бўлиб, уни бажариш шарт қилиб қўйилади, унинг зарурлиги эса, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Ижтимоий меъёрлар – бу илгариги жамиятнинг малакаларидан амалий суръатда келиб чиқсан қонунлари ҳисобланади. Ижтимоий меъёрларни гурухларга ажратсак, улар қуидагича бўлинади: хукуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқалар. Булар эса, инсонни ҳар доим ва ҳар вақт баҳоловчи меъёрлар ҳисобланади.

Инсон жамиятда бир вақтнинг ўзида бир қанча ролларни бажаради – булар фуқаролик, мутахассислик, оила аъзоси, жамоа аъзоси. Инсон бу жараён давомида шу ролларга хос бўлган меъёрларни ўзлаштириб боради ва ўзини шахс сифатида намоён этади. Ҳаётда бундай томонларни курсата олмайдиганлар – индивидлар ижтимоий оғишган деб юритилади.

**Ижтимоий оғиши** – бу жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга мос келмайдиган қонун-қоидаларни бузувчи хатти-харакатларнинг ижтимоий ривожланишдаги кўринишидир. Асоциал хулқ-атвор (грекча *a* – инкор белгиси ва лот. *soiolis* – ижтимоий, жамиятдаги инсонларнинг ҳаёти ва муносабатлари билан боғлик) – бу инсонни жамиятда қабул қилинган меъёрлар билан тўғри келмайдиган хулқ-атвори ҳисобланади, лекин

булар ҳукуқ нормалариға карши бўлмайди. Антисоциал (грек-ча сўз – карши ва ижтимоий) – бу ҳукуққа тўғри келмайдиган хулқ-автор ҳисобланади.

Социологияда бундай хатти-ҳаракатлар ўрганилган бўлиб, инсоннинг ижтимоий муҳитга мос бўлмаган хатти-ҳаракатлари, яъни аномия деб юритилади. «Аномия» термини фанга француз социологи Д.Дюргейм томонидан киритилган. Бу термин хулқ-авторда меъёрларнинг йўқлиги, унинг камлигини кўрсатади. Америкалик социолог Р.Мертон ўтган асрнинг 30-йилларида ижтимоий аномия назариясини олдинга сурди. Бу назарияга асосан, жамиятдаги «ахлоқизлик» индивиднинг ижтимоий меъёрлардан оғишга хос бўлган хатти-ҳаракатларини назарда тутади. Р.Мертон аномияда инсоннинг куйидаги типларини ажратиб кўрсатади: конформизм, инновативлик, ритуализм, ретризм ва бунт.

**Конформизм** (ўхаш, мос келиш) – жамиятда вужудга келган ижобий мақсад ва унга етишиш йўлларида тенг (ҳамма билан) бўлган муносабат.

**Инновативлик** (лот. – янгидан бошламоқ, алмаштириш, ўзгартириш) – инсон фаолиятидаги янгиликларга олиб борувчи мақсадларга ижобий муносабат ва воситани танлашдаги чекланганликни инкор этиш.

**Ритуализм** – мақсадларни инкор этиш муносабати, уларнинг асосий воситалариға эътибор бериш давомида ритуалларга амал килиш (мас., диний фаолият, бирократизм ва ш.к.)

**Ретризм** – ҳар қандай мақсадни ва унга етишиш воситаларини инкор этиш (алкоголизм, наркотиклар ва ш.к.)

**Бунт** – жамиятда қабул қилинган мақсад ва воситалардан воз кечиши, уларни янги мақсад ва воситалар билан алмаштириш. Буларга қўзғолон, революцион ўзгаришларни ошкора этиш, ижтимоий меъёрлар ва қадриятларни ўзгартирган ҳолда эълон қилиш.

Инсон нафақат ижтимоийлашувнинг обьекти ва субъекти, балки у ёки бу даражада ижтимоийлашувнинг қурбони ҳам-

дир. Бу, авваламбор, инсоннинг ички қарама-қаршилигига кўринади. Бунда инсоннинг жамиятга уйғунлашуви ва унинг жамиятда алоҳидалик даражаси кўзда тутилади. Жамиятга тўла уйғунлашган инсон, шунингдек, қандайдир даражада унга қарама-қарши ҳам бўлади, яъни конформист сифатида ижтимоийлашув қурбони бўлади.

Шунингдек, инсон жамиятга мослаша олмайди, бу ҳолатда ҳам у ижтимоийлашув қурбонига айланади – диссидент (уйғунлаша олмаслик), хуқуқбузар ёки жамиятда қабул қилинган ҳаёт образидан четга чиқиш. Бундан ташқари, қабул қилинган ҳаёт тарзидан оғишмаган ҳолда маълум бир ҳаёт кечириш инсонни ижтимоийлашув қурбони қилиб кўяди. Дейлик, ўзини гояларда ва амалий ишларда яккалигини сезиб бориш орқали кўрса, маълум бир гоя учун амалий ишлар олиб борса-ю, лекин ўзининг дунёқарashi бутунлай бошқа бўлса, бу гояга адашиб кириб қолган ва мажбуран унинг ишларини олиб борса, у ҳолда ижтимоийлашув қурбонига айланади.

Инсоннинг ижтимоийлашуви давомида қандай турдаги жавобгарликни ҳис этувчи шахс кўриниши ташкил топиши муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, қандай локус назорати инсонга характерли эканлиги кўринади. Локус назорати тушунчаси америкалик психолог Ж.Роттер томонидан киритилган. Локус назорати ҳақида гапирганда инсон ўз ҳаётини бошқаришнинг асосини кўпроқ ташки муҳитга ёки ички, яъни ўз-ўзида кўриши назарда тутилади.

Локус назоратининг иккита турини ажратиш мумкин: **интерналь** ва **экстерналь**.

Интерналь (ички) локус назоратидаги киши ўз ҳаётида юз берәётган жараёнларнинг кўпроқ кисмини ўзи билан ўзининг хулқ-автори, қобилияти билан боғлаб тушунтиради.

Экстерналь (ташки) локус назоратида киши юз берәётган жараёнларга бошқа ташки факторларни сабабчи деб билади (бошқа одамлар сабабчи, тақдир, тасодиф ва б. ш.к. сабабчи, деб билади).

Интерналь ёки экстерналь ҳолати якқол күринган кишилар ҳаётда кам учрайди. Бу икки ҳолат үртасида асосан ушбу жарайн кечади: интерналь типдаги кишилар үзига күпроқ ишона-диган, анчайин босиқ ва яхшилик гилайдиган бўладилар. Бу типдаги одамлар ҳаётида юз берадиган ҳодисалар унинг ўзи билан күпроқ боғлиқлигига ишониб, уни ўз қобилияtlари ва имкониятлари билан боғлаб. ўз ҳаётларининг маъносини ҳам тушуниб борадилар.

Экстерналь типдаги одамлар хавотирлик, чидамсизлик, агрессивликнинг кўплиги билан ажралиб туради ва улар асосан конформликка асосланади.

Хар қандай жамиятда инсоннинг ижтимоийлашуви ҳар хил шароитларда юз беради. Инсонни ривожлантирувчи ижтимоийлашув жараёнига жуда кўп салбий омиллар таъсир этиши мумкин. Шунинг учун объектив ҳолатда кўпгина кишилар ижтимоийлашув жараёнининг нокулай шароитлари курбонла-ри бўлиб қоладилар. Ижтимоийлашув жараёнининг нокулай шароитларининг курбонларини шартли равишда **реал, потенциал ва латент даврларга** бўлинади.

Ижтимоийлашув жараёнининг **реал** қурбонлари ногиронлар бўлиши мумкин. Бу ногиронлар: болалар, ўсмирлар, ўспиринлар, қизлар, психосоматик деффектларга ва оғишларга эга бўлган катталар, яъни давлат томонидан ёки ижтимоий ташкилотлар қарамоғида бўлган етимлар ва бошқа категорияларга кирувчи болалардир.

Потенциал қурбонлар психик ҳолатнинг чегараларига яқин бўлган ва ўз характеристини кўрсатишга, ажралиб туришга интилганлар: уларга бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга, шаҳардан кишлоққа ва қишлоқдан шаҳарга кўчиб юрувчилар (мигрантлар); жуда паст иқтисодий, ахлоқий ва таълим олишга имкониятлари паст бўлган оиласида тугилган болалар; метист ва бошқа этнос орасида яшовчи миллат намояндлари киради.

Латент қурбонларга бу ижтимоийлашув жараёнида унга берилган билимлар, имкониятлардан объектив шароитда етарли фойдалана олмайдиган кишилар гурухи киради. Масалан, маълум бир мутахассисларнинг айтиб ўтишича, қобилиятлик ва ҳатто гениаллик туғилган мингта болалардан бирида акс этиши ёки этмаслиги мумкин. Ижтимоийлашув жараёнидаги етарли шароитларда ҳам уларнинг юз бериши қийин бўлади. Бу имкониятлар миллионлаб инсонлар ўртасидан фақат биттасида кўриниши мумкин.

Инсон ижтимоийлашув давомида унга таъсир этувчи нокулай шароитлар унинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини ўтказиб, инсонни бу шароитнинг қурбонига айлантириб қўяди. Бунга хавф солувчи ва уни бундай ҳолатга олиб келувчи манбалар инсонни девиант ҳолатга олиб келади. Инсоннинг ижтимоийлашувига хавф солувчи ва шундай ҳолатга олиб келувчи манбаларни кўплаб олимлар ўргангандар. Олимлар инсондаги бундай оғишни, ижтимоийлашувга хавф солувчи ҳолатни «девиант хулқ-атвор» (лот. *deviation* – оғиш) ёки «делинквент» хатти-ҳаракат (*delinguens*) – ҳуқуқни бузувчи деб баҳолагандар.

Девиант хулқ-атвор – бу жамиятда қабул килинган меъёрлардан оғиш бўлса, делинквент хатти-ҳаракат – бу ҳуқуқни бузиш билан боғлиқларини кўрсатади ва инсоннинг ижтимоийлашув жараёнидаги камчиликлардан келиб чиқади.

Америкалик социолог А. Коэн ўтган асрнинг 1950 йилларида делинквент субмаданият назариясини таклиф этади. Бу назариянинг асосида делинквент типдаги одамларга хос бўлган субмаданият тушунтирилади. Уларнинг, «катта» жамиятдан фарқли ўлароқ, ўзига хос бўлган салбий ютуқларини ажратиб кўрсатади. Делинквент, яъни ҳуқуқни бузишга кирувчи томонларга кичик ўғирлик, тажовузкорлик, вандализм кабилар киради.

Инсондаги девиант хулқ-атворнинг шаклланишини тушунтириб берувчи ҳар хил назариялар мавжуд. Булар биологик

ташқи мұхиттіннің үзігі хослиги, инсон ҳуқукны бузишга мөйиллігінің ізага келтирады (Ломброзо, Шелдон). Инсоннинг психик үзігі хослиги уни конфлікттегі, ҳуқукны бузишга мөйиллігінің күрсатады (Фрейд). Социологик – инсоннинг девиант хулқ-атвори негатив ижтимоий малакаларни үзлаштириш натижасыда пайдо бўлади (Дюркгейм, Мертон Миллер ва бошқалар).

Биологик ва психологик назарияларни таҳлил қилиш шуни күрсатады, шахсдаги үзігі хос жиҳатлар тарбиялаш давомида девиант хулқ-атвортининг вужудга келишида кўзга ташланади. Инсон туғилишидаёқ тажовузкорликка мойил бўлади, бу эса, уни девиантликка оғиши учун имкон беради. Лекин девиантликка мойиллик инсоннинг ноқулай ҳаёттій мұхити ва тарбия шароитидагина ривожланади.


Инсонни оғиши билан боғлиқ бўлган хулқ-атвортининг асосида унинг биопсихологик характеристикаси, яъни унинг ижтимоий тарбия жараёнлари ва натижалари, хулқ-атвортининг негатив ижтимоий малакаларини үзлаштиришлари ётади. Булар шахснинг салбий кўринишга эга бўлган йўналишлари (манфаатлари, эҳтиёжлари, мотивлари, мақсад ва гоялари), негатив одатлари ва шунга мос бўлган хатти-харакатлари (салбий йўналишлари ва одатлари), ижобий ҳиссиёт (бу ҳолатларни пайдо бўлишидан қониқиши), яъни ижтимоийликка қарши бўлган ахлоқсиз хулқ-атворт, таъсир ва ҳаракатлардан қониқиши.

Киши аста-секинлик билан девиант бўлиб боради, яъни ижтимоийлашувдан оғади. Девиант бўлиб боришнинг куйидаги кўринишлари мавжуд:

- ижтимоий меъёрлар билан шахс ўртасыда пайдо бўладиган қарама-қаршилик;
- норозиликнинг пайдо бўлиши, бола томонидан ижтимоий талабларнинг рад этилиши;
- қонунга хилоф хатти-харакатларнинг пайдо бўлиши (кичик қонунбузарлик, алдаш, ўғирлик ва ш.к.);

- рецидив қонунбузарлук ҳолатлари;
- ижтимоий хулқ-атворга қарши малака күпайиб бориши (зўрлик, безорилик, фохишиалик ва ш.к.);
- ижтимоий хулқ-атворга қарши бўлган гурухларга кўшилиш;
- қонунларни бузиш;
- жиноят қилиш.

Ижтимоий негатив (девиант) хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан курашиш учун унинг шаклланишига шароит яратиб берувчи асосий омилларни кўрсата олиш зарур. Бундай омил гурухларига қуидагиларни киритиш зарур ҳисобланади:



### **Инсоннинг девиант ҳатти-харакати шаклланишига таъсир этувчи омиллар гурухи**

**А. Психологик ва физиологик тараккиётдаги оғиш:** тугилгандаёқ ақли заиф бўлган ёки мияга лат етишидан келиб чиқадиган жараён; эмоционал ҳолатдан келиб чиқсан оғиш ёки фаол – иродавий ҳолатлардан келиб чиқадиган оғиш; тез қўзғалишга мойиллик қилувчи ҳолатлар. Аффектив хулқ-атвор, ҳатти-харакатларда импульсив бўлиш, роҳатланишига жуда ҳам интилиш, бошқаларга ёмонлик қилиб роҳатланиш, атрофадигиларнинг устидан кулиш, деспотизм, савдойи бўлиб қолиш, шахс бўлиш жараёнидаги оғиш.

Б. Боланинг индивидуалликка мос бўлган тарбияси. Болада-ги хар хил оғишларни унинг тарбиясида ҳисобга олиш. Булар болани у ёки бу тарзда рағбатлантириш ёки ўзини босишига қа-ратилган бўлиши керак.

В. Ёшига хос ҳолдаги тарбиянинг мос келмаслиги. Мисол учун, ўсмирлик даврида (11–13, 14–16 ёш). Бунда ўтиш дав-ри тарбия беришига қийин давр ҳисобланади. Ижтимоий режа бўйича ўсмирлик даври – бу ижтимоийлашувнинг биринчи даврининг давомидир. Бу даврда ўсмирлар мактаб ўқувчилари ва ота-онанинг қарамоғида (ёки давлатнинг) бўладилар. Ўсмирларнинг асосий фаолияти бу даврда ўқиши ҳисобланади. Бу даврни яна бошқача таърифласак, болаликнинг тугаши ва болаликдан «ўсиб чиқиши» даври ҳисобланади.

Ўспиринлик ёши (17 дан 23 ёшгacha) – бу давр болалик ва кат-талик ўртасидаги даврdir. Ўсмирда бу давр биологик нуқтаи назардан физиологик етилиш, яъни жинсий етилиш давридир.

Г. Шахс шаклланишига таъсир этувчи салбий факторлар. Шахс шаклланишига салбий фактор сифатида оиланинг таъсири:

а) оиладаги ахлоқсизлик шароити: ичкилик, жанжаллар, урушлар, ўзаро муносабатдаги қўполликлар, ёлғон ишлатиш кабилар болани тақлид қилиши учун салбий ҳолатларни пайдо қиласди ва шундан келиб чиқиб, унда ўзига хос дунёқарашиб шаклланади;

б) оила тузилиши муаммоси: тўлиқсиз оила, бир болали оила, кўп болали оила кабилар болага педагогик таъсирнинг етишмаслигига олиб келади.

Бу салбий омиллар болада уйига, оиласига, ота-онасига нисбатан инкор этувчи муносабатни шакллантиради. Бола уйидан кетиб қолишга, қўпроқ вактни кўчада, уйидан ташқарида ўтказишга интилиши вужудга келади. Бунга сабаб:

– уйидаги тажовузкорлик ҳолати, болага нисбатан қўполлиқ, унинг қизиқишлирига ва муаммоларига эътибор бермаслиқ, ота-онасига муносабатда бўлишдан қочиш, улар билан муносабат қилишини хоҳламаслиқ;

- бола ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсири (кўча, шаҳар);
- уй шароитидаги салбий ҳолатларнинг кўпайиб бориши, бола ривожланишида уйдаги педагогик бўлмаган ҳолатларнинг вужудга келиши;
- болани ўраб турган яқинларининг унга салбий таъсири, энг аввало, ота-онасининг педагогикага хос бўлмаган хулқ-атворлари, шунингдек, катталарнинг, тенгдошлари;
- оммавий ахборот воситаларининг салбий таъсири, айниқса, телевидение, видеомаҳсулотлар.

Д. Ўсмирни, болани тарбиялашдаги камчиликлар:

- а) оиласвий тарбиядаги хатолар;
- б) болани ҳар қандай ҳаётий муаммолардан ҳимоя қилиш, уни авайлаб ўстириш, фаоллик кўрсатишга имконият бермаслик, ҳаётий қийинчиликларни ўзи ҳал қилишига йўл қўймаслик;
- в) болани ўқитиш, ўргатиш, тарбиялаш давомида хатоларга йўл қўймаслик;
- г) болани тарбиялашда нотўғри ахлоқий йўналиш бериш.

Е. Боланинг, ўсмирнинг шахс сифатидаги нотўғри позицияси:

- а) ўсмирнинг ўзига нотўғри баҳо бериши, ўзига жуда юқори баҳо бериши ва ўзига жуда паст баҳо бериши;
- б) шахс сифатида ўсмирнинг ўз талабларидағи оғишлар. Бу ўсмирнинг ўзига берадиган баҳосидаги оғишдан келиб чиқади. Ўсмирнинг ўз мақсадига дағдаға қилиб етишиши;
- в) ўсмирнинг ахлоқий қадриятларни эгаллашдаги ва ўзининг ўсиб боришига бефарқлиги. Кўп ҳолларда уларга ахлоқий намуна бўлишнинг йўқлиги ва улардан буни талаб қилувчиларнинг ҳам йўқлиги;
- г) ўзини кўрсата олиши ва ўзаро муносабатдаги ҳолатларда ўз эҳтиёжларини салбий йўл билан амалга ошириши;
- д) ўсмирнинг ўз хатоларини тўғрилашдаги қийинчиликлар;
- е) ўсмирнинг ноформал гурухлар билан мулоқотда бўлишига интилиши.

Инсон тарбиясига хавф солувчи омилларга қарши профилактик ишлар жамият учун жуда зарур бўлган жараённи ташкил этади. Профилактика – бу ҳар қандай салбий жараёнлар амалга ошмасдан туриб олдини олиш учун қилинадиган амалий ишлар ҳисобланади. Худди шунингдек, инсон ижтимоийлашувига ўзининг салбий таъсирини кўрсатувчи жараёнларни олдини олиш ва профилактика ишларини амалга ошириш жамият учун зарур бўлган ҳодисадир. Бу жараёнда ижтимоийлашувга таъсир этаётган омиллар ва уларни олиб ташлаш масаласи ётади. Инсоннинг тўғри ижтимоийлашиб бориши жамиятга жуда катта фойда келтириб, шахснинг шаклланишига ва жамиятга етук инсон тарбиялаш учун имкониятлар беради.



**Болаларнинг девиант хулқ-атвори ва профилактика  
қилишининг асосий педагогик фаолияти**

Үсмир ва болаларнинг девиант хулқ-атворини олдини олишга каратилган асосий профилактик ишлар қуидагиларда күзга ташланади:

А. Ижтимоий оғишдаги үсмирларни тарбиялашдағи профилактик ишларда оиланинг роли ошиб бориши:

а) бўлғуси ота-оналарни оилавий ҳаётга ва ўз болаларини тўғри тарбиялашга тайёрлаш:

- оиласдаги ўзаро муносабатларни тарбиялаш;
- оиласда содир бўлувчи зиддиятлар, уларнинг содир бўлиш сабаблари, олдини олиш ва уни огоҳлантириш;
- оилавий хўжалик ишларига кириш, оила иқтисоди;
- болани, үсмирни ёш даврларига қараб тарбиялашнинг оилавий асоси;
- оила хукуқининг асослари;

б) оиласда яхши ахлоқий муносабатлар шароитини вужудга келтириш – оиланинг ахлоқий-психологик иқлими;

в) оилавий тарбиядаги ахлоқий хатолардан огоҳлантириш;

г) болада қатъий ахлоқий тарбия ва ҳолатни вужудга келтириш;

д) ёшлик чогидан болада инсонга хос бўлган ахлоқий-иродавий хусусиятларни тарбиялаш;

е) болага тайзиқ ўтказмаслик, унда иродасини, ўзлигини, шунингдек, бунга қарши бўлган кучсизларга тажовуз килишга йўл қўймаслик;

ж) болаларда ва үсмирларда спиртли ичимликларни истеъмол қилишга, чекишга, азарт ўйинларни ўйнашга йўл қўймаслик;

з) болага, үсмирни ўзини ўзи ва ўз устида ишлаш методикасини қўллаш.

Б. Билим берувчи муассасаларда болаларни ва үсмирларни девиант хулқ-атворни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган тарбиявий ишларни олиб бориш.

В. Болалар ва үсмирлардаги девиант хулқ-атворларни тарбиялашда оила ва мактаб, маҳаллий яшаш жойидаги бошқарув

органдари, оила ва мактабнинг алоқасини қучайтириш, мустаҳкамлаш.

Д. Девиант хулк-авторни енгиб ўтиш учун мактабдан ташқарида бўладиган муносабат тизимини тўғри ташкил этиш.

Е. Девиант хулк-авторни тарбиялашда ОАВни тўғри ташкил этиш.

## ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВ ОМИЛЛАРИ

Жамият ҳаёти бу инсонлар ва уларнинг фаолиятлари билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Инсонлар жамиятга қўшилиб борар эканлар, унинг энг муҳим талабини бажармасдан туриб, унинг аъзоси бўла олмайдилар. Бу инсоннинг ижтимоийлашиб бориш жараёни ҳисобланади. Инсоннинг ижтимоийлашиб боришига таъсир этувчи кўплаб омилларни санаш мумкин. Бундай омиллардан бири – бу макрофакторлар ҳисобланади. Бундай макрофакторларга мамлакат ва унинг географик-маданий томонларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакат – бу географик-маданий феноменdir. Мамлакат маълум бир географик майдонга, ўзининг табиий бойликлага, тарихий ва табиий чегараларига эга бўлган жараёнdir. Мамлакатга инсоннинг ижтимоийлашуви ва ҳаёт фаолиятига ўзининг объектив географик, табиий иқлим шароитлари билан таъсир этувчи ижтимоийлашувнинг макрофактори сифатида қаралади.

Мамлакат мустақил ёки бошқа давлатнинг таъсирида (колония ёки таъсир майдонида) бўлади. Бир мамлакат майдонида бир қанча давлат бўлиши ҳам мумкин (масалан, Германия, Россия, Вьетнам, Хитой, Корея ва ш.к.).

Мамлакатнинг географик жойлашиши кам аҳамиятга эга эмас, унинг табиий иқлими, шунингдек, қайси мамлакатлар би-

лан чегарадошлиги, улар билан бўладиган иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлари ҳам жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Мамлакатнинг географик жойлашиши, унинг дарё ва океанларга чиқа олиши, планетадаги бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатиши муҳим омиллардан ҳисобланади. Мамлакатлар табиий иқлиmlари билан бир-биридан ажралиб туради ва аҳолининг ҳаёт жараёнларига бевосита ёки билвосита ўз таъсирини ўтказади. Географик ва табиий иқлиmlари мамлакат аҳолисини қийинчилкларга қарши курашиб бориб, ўз меҳнатларини енгиллаштиришга ўргатиб боради.

Қадимги антик давр грек мутафаккирлари табиат жамиятнинг тараққиётига қаршилик қилиши ёки унга ривожланиш учун имкониятлар яратиши мумкин, деб ўз фикрларини билдирган эдилар.

Ҳозирда инсонлар ўз аждодларидан қолган генетик меросга эгадирлар. Инсондаги бу генетик мерослар уни табиат инжикликларига мослашишга, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қаратилган ўзига хос қайтарилмас тизимдир. Дейлик, инсонларнинг табиатга мослашиши натижасида маълум бир ирқлар келиб чиққан ва анатомик-физиологик тузилишида ўша иқлиmgа мослашиш пайдо бўлган. Бунга ер куррасининг ҳамма жойларидан мисоллар келтириш мумкин. Масалан, монголоид ирқига мансуб инсонларнинг тузилиши, ранги, кўзининг қисқлиги ўзига хос ҳолда эканлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Ушбу ҳолат қумли саҳроларда яшаган одамларда шаклланади ва авлодларга мерос бўлиб ўтади. Улар Хитой, Монголия, Марказий Осиё худудларида яшайдган аҳоли ҳисобланади.

Географик шароит ва иқлиm тугилишга, аҳолининг зич яшашига таъсир этади. Бунга мисол қилиб икки орол майдони жиҳатидан бир хил бўлган Куба ва Исландияни олиб кўрайлик. Бу ерда шуни кўрсатиш мумкинки, географик жойлашиши ва иқлиmi уларга шундай таъсир этганки, Куба аҳолиси Исландия аҳолисидан йигирма маротаба кўп. Исландияда ҳаёт кечириш

даражаси Кубага нисбатан бир неча маротаба юқори бўлишига қарамай, Кубанинг аҳолиси кўпроқни ташкил этади. Албатта, бу ерда географик ва табиий шароитлар мамлакатнинг ўсишига жуда катта таъсир этмайди. Шу билан бирга, айтиш керакки, бу ердаги маданият, маънавият ҳам ўзига хос таъсир омилига эга. Деярли табиий қазилмалари бўлмаган Япония ўзининг тўғри иктисадий сиёсати ва миллий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари билан жуда кўп имкониятларга эга бўлган Россиядан иктиносид соҳасида олдинда туради. Саҳрода жойлашган Саудия Арабистони буғдои экспорт қиласидан мамлакатга айланган бўлса, унинг қўшниси бўлган Яман озик-овқатга кўпроқ муҳтожлик сезади ва шу билан бирга у нефтдан кўпроқ фойда кўради.

Бошқача айтганда, маълум бир мамлакатнинг ривожланиши унинг табиий бойликлари ва инсонлар билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги вактда қандай маданиятли жамият бўлиши, унинг ҳаёт кечириш тарзи, кўп жиҳатдан одамларга ва уларнинг маданиятига боғлиқдир. Ижтимоийлашув жараёнда жамият учун зарур бўлган инсонни тарбиялаш жамиятга хос бўлган маданиятга, бу маданиятни ўзлаштириб бораётган инсонларга боғлиқ бўлади. Мамлакатнинг табиий бойликларини қандай ишлатиш, жамиятнинг илгор ва зукко аҳолисига, билимли, уddyабурон инсонларига боғлиқ бўлади.

Мамлакат аҳолисининг ижтимоийлашувида унинг географик муҳити, маданияти маълум бир «чегара» сифатида қўзга ташланади. Ҳар қандай мамлакатнинг тарихий ривожланиши унга хос бўлган географик шароитлар билан боғлиқ бўлади, лекин уни географик муҳит ва ижтимоий-иктисадий жараёнлар билан бирёклама боғлиқ, деб бўлмайди, айниқса, инсоннинг ижтимоийлашуви билан уни боғлаб бўлмайди. Шунга қарамай, айрим мамлакатларнинг табиий географик шароитларини, аҳолисининг ижтимоийлашувига таъсирини кўрсатувчи бир қанча мисолларни келтириш мумкин.

Геоиклиний шароитлар мамлакат аҳолисининг соғлиғига, маълум бир касалликларнинг тарқалишига, ҳаттоқи бу ердаги аҳолининг анатомик тузилишига ўз таъсирини кўрсатади. Бунга юқорида келтирилган монголоид ирқига тегишли инсонларнинг кўз тузилиши кабиларни мисол қилиш мумкин.

Мамлакатнинг географик ҳолати, ўз она ерига боғлиқликнинг ўзига хос томонларини кўрсатади. Бунга мисол қилиб, Балтика халқлари ичидаги ўзининг мобиллиги билан ажralиб турувчи литваликларни олиш мумкин. Ўз мамлакатлари ташкарисида литваликларнинг жамоалари эстон ва латвияликларга нисбатан жуда кўпчиликни ташкил этади. Литваликларнинг бундай мобиллиги, балки уларнинг географик шароитлари билан боғлиқдир. Тарихий жиҳатдан улар континентал (куруқ иқлим) халқларга тааллуқлидир. Латиш ва эстонлар эса денгиз бўйи халқларига тегишилди. Бошқа томондан денгиз – бу касб берувчи, ҳаётини таъминлаб берувчи омил бўлгани учун табиий ҳолда бу халқни миграциядан саклаб туради. Бу ҳолатлар, шунингдек, ботқоқлик бўлган кам озуқа бўлувчи шароитлар, уларда ўз майдонига чукур боғланиб қолиш психологиясини ва шунга хос дунёқарашибни шакллантиради.

Эстониялик учун она-юрт – бу ўзининг бир бўлаги, яъни асосий қадриятларидан бири, бунинг асосида она юртга боғлиқлиги, ўтган авлодлар хотираси ҳисобланади.

Иқлим азалдан тарихий жараёнларда халқнинг ҳаёт ритми ни белгилаб келган ва бу ҳозирги вактда ҳам белгиланмоқда. Иссик ўлкаларда кўп ухлашади. Айникса, кундуз куни, пешиндан кейин ҳаёт бутунлай тўхтайди. Бунга сабаб иссиқлик эмас, балки қуёш радиациясининг юқори бўлишидир. Бу шароитда ишга лаёқатлилик пасайиб кетади. Шунинг учун тушликдан кейинги уйку Ўрта ер денгизи, Яқин Шарқ, Ҳиндистон ва Лотин Америкасидаги халқларнинг ҳаёт образига мустаҳкам ўрнашгандир.

Бугунги кунда иқлим ва табиий шароит инсоннинг кийинишига, овқатланишига, қандай уйда яшашига, қандай ишла-

шига ва қанча дам олишига ўз таъсирини кўрсатишига шубҳа килмасак ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўз ўрнида маълум бир хулқ-авторни, урф-одатни, маданий анъаналарни, шунингдек, маълум бир этнос турмуш тарзининг шаклланишини ва ташкил топишини тушунтириб беради.

Ижимоийлашув жараёнида шаклланаётган мамлакат аҳолисининг миллий характер хусусиятлари геоиклим шароитлари таъсир этади. Геродот, кейинчалик Мишель Монтең, одамлар ўзлари яшаётган жойнинг табиий иқлимидан келиб чиқиб, у ёки бу даражада жангари ва у ёки бу даражада босиқ бўладилар ва фан, санъатни ўрганадилар, деган эди. Бу фикрлар ҳозирги замон одамларига ҳам тегишлидир.

Булардан келиб чиқиб мамлакатнинг табиий географик шароитлари, ижтимоий бошқарилувчи ижтимоийлашувга, ижтимоий тарбияга таъсири борлигини ҳисобга олиш зарур. Тарбиявий ишларни ташкил этишда иссиқ, мұғтадил ва совук иқлиmlарни ҳисобга олган ҳолда архитектура ва техник таъминланган ҳолдаги биноларни куриш лозим. Таълим-тарбия берувчи муассасаларнинг ҳам иш режимини айнан иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда, дам олишини, овқатланишини (овқатланишнинг ўзини ҳам иқлимга мослаган ҳолда) ташкил қилиш лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, табиий геграфик шароит ижтимоийлашув жараёнининг ўзига хос бир «чегараси» холосдир. Булар инсон ижтимоийлашувининг объектив шароити бўлиб, у ерда яшаётган этнос, жамият ва давлат қандай қабул қилиши билан боғлиқдир.

Этносга ижтимоийлашувнинг макрофактори сифатида қаралса миллат, унинг маданияти, урф-одати, анъаналари, тили, миллий психологик характеристи инсоннинг ижтимоийлашувига жуда катта таъсир этади.

Грек тили лексиконидаги «этнос» сўзи – бу миллат, элат, қабила кўрсатадиган умумий ном ҳисобланади, яъни камида

маълум бир тилда ва майдонда жамоа бўлиб бирлашган инсонларнинг бирлигидир.

Инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи ҳар хил кўринишдаги жамоалар, яъни жамият, давлат ва этносларни фарқлаш керак.

Этносга таъриф берадиган бўлсак: этнос – бу инсонларнинг тарихий ташкил топган бирлашмаси бўлиб, умумий менталитетга, маданиятининг ўзгармас хусусиятларига, шунингдек, бошқа тузилмалардан ўзининг фарқли ва ўхшашлигини англаниши асосида шаклланган кишилар бирлигидир.

Олиб борилган тадқиқотлар ҳар бир этноснинг ўзига хос белгилари борлигини, бу эса кўп асрлик табиий иклимининг таъсири остида, тарихий, иқтисодий, ижтимоий, диний ва бошқа шароитлар таъсирида шаклланганлигини кўрсатади.

Инсоннинг ҳаёти давомидаги ижтимоийлашувида этнос омилини бир томондан инкор этиб бўлмайди, иккинчи томондан эса, уни мутлақлаштириб ҳам бўлмайди.

Ижтимоийлашув жараёнини у ёки бу этносга тегишли хусусиятларини бирлаштирган ҳолда икки гурухга бўлиш мумкин. Бу витальний (бунда ҳаёт жараёни «ҳаёт кучига» боғлиқлиги ёки физик-биологик жараёнга боғлиқлиги) ва ментальний – (фундаментал маънавий хусусият)га бўлинади. Бу икки сўзнинг маъноси қуйидагича: витализм (лот. *vitalis* – ҳаётий) – биологияда шаклланган таълимот. Организмда ҳаётий ҳодисаларни бошқарадиган, номоддий, ғайритабиий («ҳаётий куч» «жон») бор деб тушунирадиган таълимот. Менталитет (лот. *mentalis* – ақлий) айрим киши ва ижтимоий гурухга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳият<sup>1</sup>.

Бу ерда ижтимоийлашувнинг виталь хусусиятлари, деганда болаларни озиқлантириш усуллари, айниқса, уларнинг жисмоний ривожланиши кабилар назарда тутилади. Болаларнинг озиқланиши уларнинг ақл ва жисмоний етуклигига ўз таъси-

<sup>1</sup> Фалсафа: энциклопедик лугат. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 2010. – 67–81-бетлар.

рини ўтказади. Бу жараён барча этносларда ўзига хос ҳолда кечади ва этноснинг маданияти, иқтисодий ривожланганлиги каби омиллар билан боғланган бўлади. Хар хил континентларда ташкил топган маданият асосида этнос озиқланишининг ўзига хос фарқи кўзга ташланади.

Агарда Угандага дикқатни қаратсак, бу ерда она гўдагини ўзи билан ҳар доим олиб юради ва биринчи талабдаёқ унга кўкрагини беради. Бундай ҳол кўпгина Африка ва айрим Осиё мамлакатларига тегишилдири, лекин бундай ҳол европаликларда учрамайди. Биринчи ойларда бундай тарзда боқилган бола тез ўсади, уч ойлигига тура олади, тўқиз ойида юра бошлайди. Лекин 1,5 ёшида онадан ажратилгандан сўнг унинг ўсиши секинлашади. Бунинг сабаби унга берилаётган озиқа ва унинг етмаслиги ҳисобланади.

Физик ўсиш озиқланиш билан жуда ҳам боғлиқдир. Буни биз Япония мисолида кўришимиз мумкин. Японлар жуда тез иқтисодий ўсиш ва Америка ҳаёт тарзини қабул қилиш билан бирга овқатланиш рационини ҳам тубдан ўзгартирилар. Уларнинг соматик тараққиёти сезиларли тарзда ўзгарди, яъни катта авлод кичик авлодга нисбатан бўйи жиҳатидан ва оғирлиги жиҳатидан орқада қолди, кичик авлод катта авлодга нисбатан ўсиб кетди. Овқат рационларига денгиз маҳсулотларининг кириб келиши уларнинг умри узайишига олиб келди. Ўзбек миллатининг фарзандлари ҳам ўз озиқланишига эътибор бериши, бу уларнинг физик ва ақлий ривожланишига, жисмонан бақувват бўлишига олиб келади. Дунё ҳалқларида ўзига хос миллий озиқланиш маданияти мавжуд.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида илмий-техник прогресс билан боғланган ҳолда жисмоний ҳаракатларнинг камайиши инсонларда спортга бўлган эътиборнинг кучайишига олиб келди. Спорт ҳаёт тарзининг муҳим элементи бўлган мамлакатларда, одамларнинг жисмонан яхши ривожланиши кўзга ташланади. Бундай шароитларнинг бўлмаслиги мамлакатда инсонларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласди. Этно-

маданият шароитларини инсоннинг ижтимоийлашувига таъсирини менталитет, деб аталади.

Этноснинг менталитети унинг намояндаларининг умумий дунёқарашини, уни ўраб турган аторф-муҳитни билимлар асосида, аффект ҳолатида ва амалий даражада ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туришида кўзга ташланади. Бундан келиб чиқсан ҳолда, менталитетнинг маълум бир этносга хос бўлган томонлари унинг намояндаларида акс этиши ҳисобланади.

Бунга мисол сифатида ҳар бир халқда мавжуд бўлган томонларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, Финляндия аҳолиси XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда қўзиқоринни умуман овқат сифатида истеъмол қилмаганлар. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, финлар узоқ йиллар давомида кийин табиий иқлим шароитида яшаб, инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқатни, нарса ва маҳсулотларни қийин меҳнат натижасида табиатдан олганлар. Қўзиқорин табиатнинг маҳсулли бўлиш билан бирга уни табиатдан енгил меҳнат натижасида олиниши финлар учун ва уларнинг менталитетига тўғри келмаганлиги учун инсон ҳаётига керак, деб ҳисобламаганлар ва истеъмол қилмаганлар.

Шунга ўхшашиб яна бир мисолни миллатларга тегишли бўлган маданиятдан, яъни XX асрнинг 80-йилларида бешта Европа мамлакатларида ўtkазилган тадқиқотлардан мисол келтирамиз. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инглизлар орасида санъат асарларига қизикувчилар аниқ фанлар (физика, химия)га нисбатан камчиликни ташкил қиласар экан. Немислар ҳам бу соҳада инглизларга яқин турар эканлар. Француздар, италияниклар, испанлар эса, аниқ фанларга нисбатан санъат асарларини кўпроқ қадрлар эканлар. Бундай менталитетга хос томонлар ҳар бир миллатда мавжуд.

Бу каби ҳар хил маълумотларни таҳлил килиш шуни кўрсатадики, этноснинг менталитети унинг маданиятида яққол намоён бўлади ва уларнинг ҳаётга бўлган муносабатларини, ҳаётни ва унинг муаммоларини қандай идрок қилишини чукур

күрсатиб беради. Инсоннинг ижтимоийлашувига этнос менталитетининг таъсири жуда каттадир. Бу ҳақда қуйидаги мисоллар күрсатади.

Инсоннинг жинсий жиҳат билан боғлиқ ижтимоийлашувига менталитетнинг таъсири эталонларга, яъни «эркаклик» даражаси ва «аёллик» даражасига боғлиқ бўлади. Америкалик антрополог М.Мид ўзи олиб борган тадқиқотларида, яъни Янги Гвинеядаги учта қабилада «эркаклик» ва «аёллик» эталонларини кўрсатиб беради. Арапеш қабиласида икки жинс кооператив ва жангари эмас, яъни Фарб маданияти ва меъёrlарига асосланган холда феминизациялашгандир. Чамбил қабиласида Фарб маданиятининг тескариси, аёллар ҳукмронлик қиласди, эркаклар уларга боғлиқ бўлиб қолганлар.

Этнос менталитетининг оиласиб ижтимоийлашувга таъсири каттадир. Ўзбекистонда ота-онанинг фарзандларга таъсири, Россия ва Прибалтика давлатларига қараганда жуда катта ва намуналидир, айниқса, бу уларнинг тарбиясида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистонда 80% ёшлар ота-онасининг розилиги билан оила қурадилар ва болалари бўлган оиласарда ажралишга йўл қўйилмайди. Эстонларнинг 80% оила куришда ота-онадан розилик олиш шарт, деб ҳисобламайди.

Этноснинг менталитети шахсларро муносабатларда жуда яққол кўзга ташланади. Этник меъёрлар кичик авлод билан катта авлод ўртасидаги муносабатлардаги йўналишларда, ўзини тутишда катталар билан кичиклар ўртасидаги оралиқни сақлаб туришларида, ўзаро муносабатдаги сухбатдошини тұғри идрок этишда, умумий муносабатларда, алоҳида бўладиган муносабатларда кўзга ташланади.

Этноснинг менталитети ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясига ижтимоийлашувнинг ижтимоий назорати сифатида таъсир этиши билан шахс ва тарбиянинг имплицит концепциясини ўзида боғлайди.

Имплицит – бу назарда тутилган, лекин шакллантирилмаган, деган маънени англатади. Бундай шахс назариясини ҳар

қандай этносда топса бўлади. Инсон имкониятлари ва табиати қандай, у ким, у қандай бўлиши ва бўла олиши мумкин каби. саволларга жавоб берувчи тушунчалар ва тасаввурлар мавжуд бўлади. Бу саволларга жавобни шахснинг имплицит назарияси (И.С.Кон) беради.

Этноснинг менталитети унда мавжуд бўлган шахснинг имплицит тарбия назариясига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бунда катталарнинг ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга таъсири, воситалари ва услуби билан боғлик.

Шахснинг имплицит назарияси ва тарбиясидан келиб чиқсан ҳолда уни миллий жамоадаги адаптацияси ва интеграцияси (сингиб кетиши) кўзга ташланади. Шахснинг имплицит назарияси ва тарбиясидан келиб чиқсан ҳолда этник жамоа у ёки бу инсоннинг ижтимоийлашувнинг нокулай шароитининг қурбони, шунингдек, атрофдагиларни унга бўлган муносабатини белгилайди.

Бу назариянинг моҳияти инсон ижтимоийлашувнинг объекти сифатида позициясини белгилайди, шунингдек, аниқ бир этносга хос бўлган кутилаётган имкониятлардан келиб чикиб, унга, яъни субъектга хос бўлган характер ва меъёрларнинг ижтимоийлашув жараёнида ўзига хос субъектлигини кўрсатиб ҳам беради.

Жамоа бу инсонларнинг биргаликда ҳаёт кечириш ва ўз эҳтиёжларини қондириш усулидир. «Жамъа» сўзи кишилик дунёсига нисбатан барқарорлик, доимиilikни билдириб «жамият» шаклини олади. Жамият (араб. – умумий) табиатнинг бир қисми, одамлар уюшмасининг маҳсус шакли, кишилар ўртасида амал қиласидаган ҳар хил муносабатлар мажмуасидир. Жамият, асосан, сиёсий-социологик тушунча. Жамият мамлакатда шаклланган одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни характерлаб берувчи тушунча бўлиб, унинг тизимига оила, этник бирлик, барча ёшдагилар, касбий, ижтимоий, но-минал ва реал гурухлар, шунингдек, давлат киради.

Хар бир жамиятда инсоннинг ўзига хос бўлган ижтимоий-лашувига таъсир этувчи ўзига хос шароит бўлади. Улар аниқ бир жамиятнинг ўзига хос тарихи ва маданияти, гендер (жинсий роллари), ёш даврлари, жамиятнинг ижтимоий тизими, жамиятнинг иктиносидий такомиллашган даражаси ва маданияти тараққиёти, ижтимоий-психологик иқлими ва шу кабилар билан боғлик бўлади.

Жамиятнинг тизимли тузилишида ҳозирги замон фани биологик репродуктив жинсни (яъни индивидларни эркак ва аёллардан) ташкил топади, деб ажратади ва, шунингдек, ижтимоий жинсни ижтимоий маданиятнинг йигиндиси сифатида ва маълум бир аниқ жамиятда эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва хуқуқий статусини, шахсни ўйнайдиган роллари ва хулқ-атвор характеристикасини кўрсатиб беради.

Ижтимоий жинсни гендер, деб аталади. Гендер (лат. *gender* – уруг)га инсоннинг анатомик ва физиологик тузилишидан ташқари ҳамма хусусиятлар ва муносабатлар киради. Инсондаги жинсни эмас, балки жинсга тааллукли хусусиятларни гендер деб номланади. Бунга мисол қилиб гендер роллар, меҳнатнинг гендер бўлиниши, гендер стереотипларни кўрсатиш мумкин. Лекин, шу билан бирга, «гендер» ва «жинс» (ёки секс), «гендер роллар» ва «жинсий роллар», «гендер ориентация» ва «сексуал ориентация» кўп ҳолларда синонимлар сифатида ишлатилади.

Инсоннинг ижтимоийлашув жараёнига хусусий жинсий (биологик) ва, айниқса, жамиятдаги жинсий роллар тизими жуда катта таъсир ўтказади.

Жамиятдаги эркак ва аёлларни таққослайдиган бўлсак, у ёки бу жамиятнинг жинсий (биологик) тизимини кўриш мумкин. Агарда дунёни бир бутун ҳолда олиб, эркак ва аёлларнинг сонини таққослайдиган бўлсак, улар деярли бир хилдир. Аёллар эркакларга нисбатан 1% камчиликни ташкил этади. Тенглик бу ўғил болаларнинг кўпроқ туғилиши, уларда ўлим ҳолатлари қўплиги ва кам ҳаёт кечириши билан боғлиқдир. Эркак ва

аёллар айрим жамиятларда күп ёки камлиги билан ажралиб туради. Тенг бўлмаган туғилиш ёш давр гурухларида ҳар хил бўлади. Дейлик, Хитойда бир болали оила рафбатлантирилади, у ерда кичик ёшдаги гурухларда ўғил болалар кўпроқни ташкил этади. 2002 йилда Россияда ўtkазилган аҳолини ҳисобга олиш жараёнида эркакларга нисбатан аёллар 10 миллион нафар кўпчиликни ташкил этишини кўrsatган.

Тарихдан маълумки, бир мамлакатда ўғил ва қизларнинг туғилишига бўлган муносабатлар ҳар хил бўлган. Масалан, XX аср бошларига қадар янги туғилган ўғил болаларни чакалоқлигиданоқ йўқ қилиш анъанаси мавжуд бўлган, бунинг сабаби бозорда сотиш, фойда кўриш қийин деб ҳисобланганлигидир. Бошқа халқларда, дейлик, канадалик эскимосларда қиз болаларни чақалоқлигига ёк йўқ қилишга ҳаракат қилганлар. Исломгача бўлган даврда арабларда ҳам шундай ҳоллар бўлган.

Қиз болалар ёшлигиданоқ она, ўқитувчи, врач, тарбиячи ролларини ўйнаши, ўғил болалар эса, машиналар, конструкциялар билан қизиқиши бежиз эмас. Болаларнинг ўз жинсига мувофиқ ижтимоийлашувида маданий мухит катта роль ўйнайди. Маданий мухит эркак ва аёл қандай бўлишини белгилайди. Гендер муносабатларнинг бошқа мезонлари ҳам мавжуд. Одатда, эркаклар ташабусскорлиги, агрессивлиги, ҳукмронлик қилишга мойиллиги, авторитаризм, лидерликка интилиш, ўз мулоҳазалари ва хатти-ҳаракатларида рационаллиги, монологта интилиши, ўз «Мен»лигини қарор топтириш учун зўр бериш, худбинлиги билан характерланади. Аёлларда бундай ҳислар бўлса, у жамоатчилик томонидан қораланади. Аёллар ўз хулқ-атворидаги юмшоқлик, кўнгилчанлик, меҳрибонлик, сабр-тоқатлилик, ғамхўрлик, альтуризм, эмоционаллик, жозибадорлик, мулоқотга интилиши, муросасозлиги, тенглик, одиллик ва эркинликни қадрлаши билан характерланади.

Жамиятнинг гендер тизими жамиятда эркак ва аёлларнинг ўзаро муносабатларини акс эттиради. Биринчи навбатда, эркак

ва аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий статуси қандай эканлигини кўрсатади. У турлича, айрим жамиятларда – матриархат, айрим Осиё ва Африка мамлакатларида – патриархат, Европа мамлакатларида эса – биархат кўринишига эгадир.

Эркак ва аёлларнинг муҳим томони уларнинг маълумотлилиги ҳисобланади. Россияда аёллар эркакларга нисбатан юқори даражадаги маълумотга эгадирлар. 2002 йилда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида аёлларнинг улушки эркакларнинг улушкига нисбатан анча юқорилигини кўрсатди. Аёлларни жамиятнинг ижтимоий соҳасида иштирок этиши фаоллашиб бориши билан бирга, улар уйдаги ишларга ҳам вақт ажратиб борадилар. Бу – уйдаги кирларни ювиш, овқат пишириш, болалар тарбияси, уйга бозор қилиш ва шу кабилар. Эркаклар эса, аёлларга нисбатан кўпроқ таъмир ишлари, спорт ва бошқа нарсалар билан машғул бўладилар.

Юқорида айтилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкин – аёллар оиласа, уйга, болаларга йўналтирилгандир. Эркаклар уйдан ташқарида пул топишга, оиласини боқишига, ўртокларга, ишга йўналтирилгандир. Шу билан бирга, янги тенденция куч олиб бормоқда, яъни аёлларни уйдан ташқари бандлик даражаси ошибб, бизнес ва бошқарища катта ўрин эгалламоқда.

Жамиятнинг гендер тизими инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этмоқда, биринчи навбатда, кутилаётган гендер (жинсий) характерни ўзлаштириб бориб, у ёки бу жинсга тегишли хулқ-атворнинг шаклланишига олиб келади.

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, гендер роли – бу хатти-харакатнинг маълум бир модели бўлиб, маълум бир фаолият кўринишларини, ижтимоий статусини, ўзини ушлаб туриш одатини қамраб олади, эркак ва аёлларга хос критериялар ва уларнинг психологик хусусиятлари, шулар асосида берилган маданият эркак ва аёлларни дифференциялаб, маълум бир нормативларни беради.

Гендер ролларнинг моҳияти маълум бир жамиятдаги маданият билан боғлиқ ҳолда тубдан фарқланади. Дейлик, американлик тадқикотчилар эркакка хос типик образ – бу чекланмаган хулқ-атвордаги томонларнинг йифиндиси, компитенция ва рационал қобилиятлар, фаоллик ва эффективлик каби томонларни кўрсатади. Типик аёллар образи, аксинча, ижтимоийлик ва коммуникатив ундишаш, эплаш иликлилик ва эмоционал қўллаш билан боғлиқ томонларга эга, деб кўрсатадилар. Эркакларга хос типик салбий сифатлар деб улар қўполлик, авторитарлик, ортиқча ақллиликни, аёлларда эса, расмиятчилик, пасивлик, ортиқча эмоцияга берилишни кўрсатадилар. Умуман олганда, эркакларга хос сифатлар, аёлларга нисбатан ижобий роль ўйнайди.

Ҳар қандай жамиятга ёш жиҳатидан стратификациялаш хосdir. Ҳамма тилларда «ёш», «катта», «бола», «ўсмир», «ўспирин», «қиз бола», «ўғил бола», «чол», «кампир». «қария» каби сўзлар инсоннинг ёшигагина эмас, балки уларни жамиятда тутган ўрни (статуси), ҳукуқи, мажбуриятлари ва маълум ахлоқий нормаларини, хулқ-атворларини бажаришларини ҳам талаб қиласди. Ёш жиҳатидан стратификация ўзининг тарихига эга бўлиб, у ёки бу ёшдаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатиб беради.

М.Мид Жамиятда ёш асосидаги тизимнинг ижтимоийлашувдаги аҳамиятини ўз назариясида кўрсатиб беради. М.Мид уч хил жамиятни унинг тараққиёти ва модернизациялашганлик даражасига қараб ажратиб беради. Бу постфигуратив, конфигуратив ва профигуратив кўринишлардир. Унинг фикрича, инсоннинг ижтимоийлашуви авлодлар ўртасидаги характерни билдиради.

Постфигурал типдаги жамиятда (индустрлашгунгача, саноатлашгунчча), ҳозирда эскирган (архаичний) ва мафкуравий берк, ёши катта одамлар ёши кичик одамларга хулқ-атворнинг модели бўлиб хизмат қиласдилар, бунда аждодлар анъаналари сақланади ва авлоддан-авлодга етказиб берилади.

Конфигуратив типдаги жамиятда (саноатлашган ва модернизациялашган) одамлар учун замондошларининг хулқ-автори намуна бўлади. Бунда болалар ҳам, катталар ҳам замондошлиридан ўрганадилар, яъни авлоддан-авлодга ўтувчи маданият ўтмишдан бугунги кунга ўтади.

Профигуратив типидаги жамиятда нафақат ёшлар катталардан ўрганади ёки замондошларининг хулқ-автори уларга намуна бўлади, балки катталар ҳам ёшлардан ўрганади.

Бундан ташқари, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир жамиятда М.Мид ажратган типларнинг учаласи ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ёш авлодни тарбиялаш ва ижтимоийлашувига сабаб бўлувчи амалларни бажариш – бу педагогиканинг иши бўлиш билан педагогик социология ушбу тарбия ва таълимни беришдаги ижтимоий муҳитни ўрганиб бориб, педагогика фанига ўз ёрдамини беради.

Тарбия сўзи жуда кўп ишлатилади. Тарбия жамиятнинг ижтимоий институти сифатида шаклланиб, маълум бир вазифаларни ўтаб боради. Тарбиянинг моҳиятини ёритиб берувчи жуда кўп назариялар бор. Тарбияни катталар (ўқитувчилар, мураббийлар, ота-оналар)нинг болаларга ва ўсиб келаётган ёш авлодга таъсир кўрсатиши сифатида тушуниш энг кўп тарқалган йўналишdir. Бунда катталар тўғри деб ҳисоблайдиган фоялар, анъаналар, урф-одатлар, мақсадлар, вазиятлар, меъёrlар талабларга мувофиқ таъсир ўtkазиши кўзда тутилади.

Тарбия сўзи аслида арабча сўз бўлиб, «парвариш қилиш, таълим бериш, ўргатиш» деган маънони англатади. Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсdir. Тарбия бу педагогиканинг асосий тушунчаси, категориясидир. Шунга қарамай, унга берилган аниқ таъриф йўқ. Тарбияни ижтимоий ҳодиса, фаолият, жараён, қадрият, тизим, таъсир, ўзаро таъсир сифатида учратиш мумкин.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири бўлган Абу Наср Форобий таълим-тарбия ҳақида ўз фикрларини айтиб, шундай ёзади: «Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек,

инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан якунланади»<sup>1</sup>. Таълим ўз натижалари билан инсон тарбиясида ўз аксини топади. Таълим орқали инсон бойиб боради ва янги таълим учун асос яратади.

Тарбия ҳақида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги Эркин Юсупов шундай дейди: «Тарбия – инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тарбия тизимиdir. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга ҳунар ўргатиш, билим беришдир. Инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган жараёндир»<sup>2</sup>. Бу фикрда тарбия инсон ижтимоий-лашувиға олиб келувчи муҳим жараён эканлиги, таълим олиш учун ҳам инсонда тарбияга хос бўлган томонлар мавжуд бўлиши, инсон тарбияси туфайли билим олиши кўрсатилади. Тарбияли инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билади, миллӣ, умуминсоний билимларни ўзлаштириб, таълим олиш учун ўзида ахлоқий билимларни тарбиялаб боради. Тарбияли инсон ҳар доим ўзида бор бўлган имкониятлардан фойдаланиб, ўзи, яқинлари, жамият учун керакли инсон бўлиш имкониятларини излайди. Атрофдагиларнинг унга бўлган муносабати айнан унинг тарбияли эканлиги даражасидан келиб чиқади.

Ўзбек педагогикасининг асосчиларидан бўлган Абдулла Авлоний таълим ва тарбиянинг муштараклиги ҳақида шундай дейди: «Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирга бойланган жон ила тан кабидир... Чунки дарс оловчи тарбия оловчи, амал қилувчи демакдир»<sup>3</sup>. Авлоний бу ерда тарбия ва таълим бир бутун жараён эканлигини, таълим тарбиясиз, тарбиясиз эса таълим бўлмаслигини кўрсатиб ўтади.

<sup>1</sup> М. Ҳайруллаев. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: «Ўқитувчи», 1967. – 69-бет.

<sup>2</sup> Э. Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет», 1998. – 118-бет.

<sup>3</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 15–16-бетлар.

ди. Тарбияланиш учун инсон ўзидан катта авлоддан тарбия сирларини билиб бориши ва уларни ўзлаштириши зарур бўлади. Тарбия таълим олишнинг асоси ва унинг зарурий бўлаги ҳисобланади. Бу ҳақда файласуф олим Э.Юсупов шундай фикр билдиради: «Инсон шахси шаклланишида тарбия устувор аҳамиятга эга бўлади. Умуман айтганда, тарбия таълим бериш жараёнини, барча маърифий тадбирлар мажмуасини ҳам ўз ичига олади. Ҳар кандай таълим-тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга замин бўлади»<sup>1</sup>.

Тарбия, хусусан, миллий тарбия, унинг моҳияти ёш авлоднинг ахлоқи ва одоби, имони ва виждони, билими ва малакасини давр талаб ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб, шакллантиришга қаратилгандир. Инсонга берилаётган тарбиянинг моҳияти, мақсадлари, усуслари унинг ўзига хос тарихий, маънавий қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш билан боғлиқдир. Умуман олганда, шахсни тарбиялашнинг вазифаси – унинг ижтимоийлашувини ташкил этиш, инсониятга хос бўлган ахлоқ ва одоб, психология, турмуш тарзи, фаолият, имон ва эътиқод, инсониятга хос бўлган билимларни бериш ҳисобланади.

Тарбия – бу инсоннинг мақсадга йўналтирилган ва шакллантирилган, уни секин-асталик билан жамиятга, кейинчалик маълум бир групхга ва ташкилотга мослашишига олиб келади. Ҳозирги замон педагогикасида тарбияни тушунтириб берувчи ҳар хил ёндашишлар мавжуд. Тадқиқотчилар «тарбия»ни тушунтириб беришда куйидаги томонларга эътибор қаратадилар.

1. Тарбия кенг ижтимоий маънода жамият таъсирида инсоннинг шаклланиши. Бу ерда тарбия ижтимоийлашув билан тенглаштирилади.

2. Тарбия, кенг маънода, мақсадга йўналтирилган тарбияни назарда тутган ҳолда ўқув-тарбия масканлари томонидан амалга ошириш ҳисобланади.

<sup>1</sup> Э. Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет», 1998. – 118-бет.

3. Тарбия, тор маънода, болаларда маълум бир сифат, дунё-қараш, ишончни шакллантириш ҳисобланади.

4. Тарбия яна ҳам тор маънода – аниқ тарбиявий вазифаларни ҳал этиш (дейлик, маълум бир ахлоқий сифатларни) ҳисобланади.

Тарбияга умумий баҳо берган ҳолда тадқиқотчилар ақл, меҳнат ва жисмоний тарбияни ажратсалар, бошқалари эса, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний тарбияни кўрсатадилар, учинчилари эса, ҳуқуқий, иқтисодий тарбияни кўрсатадилар. Албатта, бундай ажратиш тарбияни бир бутунликдан яккалика олиб боради. Умуман олганда, тарбия бир бутун ҳодисадир.

Бу тадқиқотни олиб боргандарнинг фикрича, тарбия катта авлоднинг кичик авлодга мақсадга йўналтирилган таъсири ва намунаси ҳисобланади. Тарбиячиларнинг тарбияланувчиларга таъсир усули ва устун турувчи томонларига асосан, тарбияни авторитар, либерал, демократик жиҳатларга бўлиш мумкин.

Чет эл педагогикасида тарбияга умум қабул қилинган, яъни Э.Дюргейм берган таъриф Европа ва Америка педагогикасида XX асрнинг ўрталаригача эътироф этиб келинди. Э.Дюргейм «Тарбия – бу катта авлоднинг, ҳали ижтимоий ҳаётга етилмаган авлодларга таъсири. Тарбиянинг мақсади болада жисмоний, ақлий ва ахлоқий ҳолатларни ривожлантириш ҳисобланади, буни ижтимоий муҳит, сиёсий жамият талаб қиласиди» деб айтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тарбия, унинг жамиятдаги вазифаси, моҳияти ҳақида сўз юритиб, шундай ёзади: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса, таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё најот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ўтган асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб

бўлса, ҳозирги вактда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади»<sup>1</sup>.

Инсоният тарихининг ҳамма даврларида ҳам ижтимоийлашувни ташкил этувчи инсонлар, тарбиячилар ёш авлоднинг ахлоки ва одоби, имони ва виждони, билими ва малакасини давр талаби ва эҳтиёжи, манфаати ва мақсади билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Фаззолий тарбия ҳақида шундай дейди: «Шайхнинг (тарбиячининг) муридини тарбиялаш калити ердан унган неъматнинг яхши ҳосил бермоги учун деҳқон унинг атрофини бегона ўтлар, тиканлардан тозалаганлиги каби бир ҳол»<sup>2</sup>. Тарбиянинг моҳияти, мақсадлари, усуллари инсониятнинг ўзига хос тарихий, маънавий қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Тарбияга мақсад ва йўналиш берадиган йўллар ҳам, асосан, муайян этник бирликнинг ўзига хослигини билдирувчи маънавий асослар ҳисобланади.

Инсоният тарбияси билан боғлиқ илдизлар қадимги даврларга бориб тақалади. Қўхна сарчашмаларда ва муқаддас «Авесто»даги далиллар шуни кўрсатадики, тарбия, таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўргатилган, ўқитилган. Одамлар онгига илм, қалбига рўшнолик, назарига некбинлик, қўлига ҳунар сингдиришга, беришга интилишган, тўғри йўл тутиб, рост сўзлашга, вижданан ишлашга ўргатилган. Таълимнинг амалий моҳияти, устознинг ёш авлод тарбияси, жамият олдидаги бурчи, масъулияти ҳақидаги мулоҳазалар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Инсониятнинг тарбия билан боғлиқ билимлари кейинчалик Платон, Аристотель ва шу каби қатор буюк философларнинг асарларида инсон муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ масалаларда ўз аскини топган. Марказий Осиё ҳалқларининг тарбия ва миллий тарбияга хос тажрибаси ва назарияси Беруний,

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас қуч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 62-бет.

<sup>2</sup> Абу Ҳомиდ Муҳаммад ал-Фаззолий. Охиратнома. – Бухоро, 1992. – 18-бет.

Форобий, Ибн Сино, Маҳмуд Кошгарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Насриддин Тусий, Жалолиддин Даввоний, Ғиёсиддин Мансур, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида кенг муҳокама қилиб берилган. Шарқона маданият, ахлоқ ва одоб – бу халқимизга тегицили бўлган мерослар асосида шаклланиб келмоқда. Инсонларнинг ижтимоийлашувида бизга хос бўлган маданият, анъана, урф-одатлар бошқа халқларнинг маънавиятидан тубдан ажралиб туради. Шунингдек, айтиш керакки, ёшлар ўртасида кенг таркалаётган Гарбнинг бузғунчи маданияти миллий маданиятимизнинг бузилишига ва ёшларнинг ўзларига ёт бўлган маданиятга берилишига сабаб бўлмоқда. Биз учун ёт бўлган «оммавий маданият» ҳақида Юртбошимиз шундай фикрларни билдирадилар: «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришига қартилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай кўймайди»<sup>1</sup>. Ўз келажагимиз бўлган ёшларни тарбиялашда бизнинг шарқона маданиятимизга таъсир ўтказиши мумкин бўлган маданиятдан, уларни қабул қилишдан воз кечишимиз зарурдир. Шарқона тарбия, унинг ижтимоийлашувга таъсири кўп ҳолларда баркамол инсонни тарбиялашга қаратилгандир.

Шуни айтиш жоизки, ҳар бир жамиятда у ерда яшаётган халқларнинг маданиятидан, меросидан келиб чиқкан ҳолда ўзига хос қайтарилмас маданияти, тарбия асослари шаклланади. Давлат эса, ўзи учун зарур бўлган шахсни тарбиялаш учун имкониятлар яратади. Давлат инсон ижтимоийлашувига имкониятлар яратиб бериб, унга таъсир этувчи омилларни шакллантириб боради.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 117-бет.

Давлат – бу сиёсий, юридик тушунча ва уни кўплаб фанлар ўрганади. Давлат – жамият сиёсий тизимининг бир бўғини, у бошқариш вазифаларига эга. Давлат ўзаро боғлиқ бўлган корхоналар ва ташкилотлар (давлат аппарати, административ ва молиявий, суд ва бошқа органлар) йигиндиси бўлиб, жамиятни бошқаришни амалга оширади.

Давлатга стихияли ижтимоийлашув омили сифатида караш мумкин, чунки олиб борилаётган сиёсат, иқтисодий ва ижтимоий амалиёт унинг фуқароларининг ривожланиши ва ўзини йўналтириши учун маълум бир шароитлар яратади. Болалар, ўсмирлар, ўспиринлар, қиз болалар, ёши катталар у ёки бу даражада ушбу шароитларда муваффакиятли функцияларни амалга оширишлари мумкин.

Давлат ўз фуқароларининг жинсига, ёшига, ижтимоий касбкорига, миллий-маданий гуруҳларига эътибор бериб, уларнинг ижтимоийлашувига маълум бир йўналиш бериб боради.

Давлат ўз фуқароларини химоя қилиш ва хафсизлигини таъминлаш учун давлат ҳарбий доктринасини қабул килади, шунга асосан ҳарбий хизмат ихтиёрий-контрактли асосда ёки умум ҳарбий хизмат шаклида ёки иккала принцип асосида олиб борилади. Шунга асосан, маълум ёшдаги эркаклар (айрим давлатларда аёллар)нинг белгиланган ёшгача ҳарбий хизматни ўташлари юкорида кўрсатилган ҳолларда олиб борилади.

Давлат ўзининг ижтимоий-иктисодий сиёсатида маълум бир минимум ва максимум ёш чегараларини, фуқароларнинг меҳнат қилиш фаолияти чегараларини кўрсатиб беради. Бу ҳақда қонун қабул қиласи, уларни тартибга солади. Миллий-маданий сиёсатда давлат хукуқий, ташкилий, моддий шароитларни ташкил қилиб, аҳолининг ҳамма йўналишларда тенг бўлишини таъминлаб беради. Бундан ташқари, давлат мажбурий ўқиш ва унинг давомийлигини, никоҳга кириш ёшини, нафақага чиқиш ёшини ва шу кабиларни белгилаб беради.

Давлат ўз фуқароларининг ижтимоийлашувини у ёки бу даражада бошқаришга йўналтирилган амалий ишларни ҳаётга

татбик этиб бориб, маълум бир ёш гурӯҳларига тегишили тарбия ишларини амалга оширади. Давлат доимо ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ маҳсус тарбия тизимини тарбия ташкилотлари орқали амалга ошириб боради. Тарбия XX асрнинг ўрталаридан давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланиб борди. Маълум бир жамият ва давлат тизимиға, ижтимоий талабга мос келувчи шахсни тарбиялашга хос бўлган жараёнларни давлат ҳар доим такомиллаштириб боради. Бу маълум моддий асосни яратиш, уни бошқаришнинг энг оддий йўлларини қидириш ва тарбия билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини координация қилиш, педагогик кадрларни тарбиялаш, қайта тарбиялаш кабилар киради.

XX асрнинг ўрталарида ривожланган давлатлар нисбий ижтимоий назорат қилинадиган ижтимоийлашувга катта эътибор бера бошладилар, бу нафақат ўсиб келаётган ёшларга, балки ёш авлодга, ёши катта ва кекса авлодга нисбатан ҳам олиб борилди.

Давлат ташкилотларининг асосий эътибори аҳолининг катта ва ёш қатламларининг касбий ва қайта тайёргарлигига эътибор бериш, бундан ташқари, кам таъминланганларга, қарияларга ёрдам бериш, аҳолининг маданий савиёсини ошириш ҳисобланади.

Давлат ўз фуқароларининг нисбий ижтимоий назорати орқали ижтимоийлашувни ташкил этишда маълум бир тарбия билан боғлиқ сиёсатни олиб бориб, давлат тарбия тизимини шакллантиради.

Давлатнинг тарбия соҳасидаги сиёсати – бу тарбия масаласига оид вазифаларни белгилаш ва уни ечишнинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва унга ресурсларни ажратиш, тарбияга хос ташабbusларни қўллаб-қувватлаш, бу эса, жамиятда тарбия билан боғлиқ шарт-шароитларни ва маънавий қадриятларга асосланган фуқароларни шакллантириш учун жамиятда имкониятлар яратишга олиб келади.

Давлатнинг тарбия тизими – бу давлат томонидан тарбия соҳасида вазифа қилиб қўйилган масалаларни амалга ошириш билан боғлиқ ташкилотлар фаолиятларининг бир бутун йигиндисидир.

Шахс ижтимоийлашувига таъсир этувчи омиллардан бири – бу мезофакторлар ҳисобланади. Мезофакторнинг муҳим қисмларидан бири ҳудуддир. Ҳудуд бу бутун бир мамлакатнинг бир қисми ёки бутун бир мамлакатнинг ўзига хос томонлари билан ажралиб турадиган қисми ҳисобланади. Дейлик, Фарғона водийси. Ҳудуд бир бутун ижтимоий-иктисодий тизимга, умумий тарихга, маданиятга ва ижтимоий ўзига хос томонларга эга бўлади. Ҳудудни икки кўринишга ажратиш мумкин. Бу географик ва маъмурий кўринишлар.

Ҳар бир мамлакат ўз географик ҳудудини объектив, табиий-географик, субъектив ҳолда аҳолининг онгига қараб майдонларга ажратиш мумкин. Бу жуда катта бўлмаган майдон бўлиши мумкин. Мисол учун Италиядаги Ломбардия ёки Тоскана каби. Россияда географик ҳудудларни қўйидагича ажратилади: Шимолий-Фарб, Марказий, Марказий Қора ер, Поволжье, Шимолий Кавказ, Урал, Фарбий Сибирь, Шарқий Сибирь, Узок Шарқ.

Ўзбекистонни ҳам географик ва маъмурий кўриниши асосида бўлиш мумкин. Дейлик, Фарғона воҳаси, Сурхон воҳаси, Хоразм воҳаси каби. Маъмурий кўринишга асосан 12 та вилоятга, 163 та туманга, 119 та шаҳарга бўлинишини кўрамиз. Вилоятлар Андижон, Бухоро, Жizzах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё ва Қоракалпогистон Республикаси киради.

Ҳудудлар бир-биридан нафақат географик жойлашганлиги билан, балки табиий иклим шароитлари, иқтисоди, аҳолининг демографик хусусиятлари, маданий анъаналари ва бошқа характеристерли томонлари билан ажралиб туради.

Ҳудуд – бу географик макон бўлиб, унда инсоннинг стихияли ижтимоийлашув жараёни юз беради, бунда ҳаёт тарзи шакл-

ланади, сакланади ва келажак авлодларга етказиб берилади, маданий бойликлар эҳтиётланиб, ривожлантириб борилади.

Худуддаги шарт-шароит стихияли ижтимоийлашувга таъсир этади. Бу худуднинг ўзига хос хусусиятлари ва характеристи бошқа худудлардан фарқланиб туради. Худуднинг географик тузилиши, уни бошқа худудлардан фарқланиб туриши ўзига хос бўлган маданиятнинг шаклланишига олиб келади. Худуднинг табиий иқлими унинг урбанизациялашганига, иқтисодининг характеристига, аҳолининг бир хиллигига сабаб бўлади. Табиий иқлим инсоннинг соғлиғига таъсир ўтказади.

Ўзбекистон ўзининг иқлими ва табиий шароитлари билан бошқа давлатлардан фарқланиб турувчи мустақил давлатдир. Ўзбекистон 448, 9 минг кв. км майдонга ва чегаралари 6221 км га эга бўлиб, у Буюк Британия Швейцария, Дания, Австрия, Бельгияларни бирга олганда ҳам каттароқ майдонга эгадир. Ўзбекистон административ майдон бўлинишига кўра 12 та вилоят, 163 та туман, 119 та шаҳардан ташкил топган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон океандан узок масофада жойлашган, шунинг учун унинг иқлими иссик, ўта қуруқ, континентал иқлим ҳисобланади. Бу эса, унинг табиатига ўз таъсирини ўтказади. Ўзбекистонда тоғли ва тоғ олди жойлар 1/5 қисмни ташкил этади. Ўзбекистоннинг ҳар бир йирик табиий райони ўз рельефининг шакли жиҳатидан ажралиб туради.

Ўзбекистон ўзининг бой иқлими, ерлари, суви ва табиий ресурслари билан кўзга ташланади. Шу билан бирга, бу ерда тоза сувга эҳтиёж борлиги, ўрмонларнинг камлиги каби томонлари мавжуд. Ўзбекистон ўзининг йирик шаҳарлари ва ишлаб чиқариши билан ажралиб туради. Булар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Андижон, Марғилон, Ангрен, Олмалиқ кабилардир.

Ўзбекистон ўзининг ранг-баранглиги билан ақлни шоширади. Бир хил кўринишга эга бўлган чўллар ва жуда баланд қор-

<sup>1</sup> А. Т. Азизхонов, Л. П. Ефимова. Теория и практика строительства демократического общества в Узбекистане. – Т.: «Университет», 2005. – С. 10–12.

ли төглар, суви сероб ариқлар – сувсиз кенг чўлли ерлар, юксак индустриал ҳудудлар, серунум қишлоқ хўжалиги, кенг далалиари, боғлари – буларнинг бари унинг чиройини акс эттиради.

Ўзбекистон майдонида жойлашган у ёки бу ҳудуд ўзининг географик жойлашганлиги, бошка ҳудудлар билан боғланганлиги ўзига хос хусусиятлари билан шу ҳудудда яшайдиган аҳолининг маданиятига, ижтимоий-демографик томонларига, руҳиятига таъсир этади. Шунингдек, регионга хос бўлган табиий иқлим унинг урбанизациялашганлигига, иқтисодига, аҳолининг стабиллигига, яъни аҳолисининг ижтимоийлашувига таъсир этади. Иқлим инсоннинг соғлигига, ишига қобилиятлигига, психологияк хусусиятларига, ҳаётининг давомийлигига таъсир этади.

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги – бу у ердаги ишлаб чиқариш, ҳудуднинг келажакдаги ривожланиши, аҳолининг қасбий таркиби ва уларни ҳаёт кечириш дараҷаси, бошқа ҳудудлар билан иқтисодий боғлиқлигидан келиб чиқади.

Худуднинг ижтимоий-демографик хусусиятлари – бу аҳолисининг миллий тузилиши, оила типлари (тўлик, тўлик бўлмаган, бир болали, кўп болали ва ш.к.), миграцион жараёнларга боғлик.

Ижтимоийлашиб бораётган аҳолининг жойлашиши унинг яшаш жойига, майдонига, тарихий жараёнларига, ўзига хос анъана, урф-одатларига боғлиқ бўлади. Аҳоли жойлашишининг 4 та типини кўриш мумкин. Булар қишлоқ, шаҳар, кичик шаҳар ва посёлкалар. **Қишлоқ аҳолиси** – бу битта ҳаёт образи, қишлоқ ҳаёти билан боғланган ҳолда бир ерга тўпланган аҳоли ҳисобланади. **Шаҳар аҳолиси** – бу ўзида катта ҳажмга эга бўлган аҳолини мужассамлантирган макон бўлиб, аҳолисининг зичлиги юқори бўлади ва унда инсон учун керак бўлган ҳамма фаoliyatnинг хилма-хил кўринишлари мавжуд.

Қишлоқ жойларида ижтимоийлашув шаҳардагига нисбатан бошқача юз беради. Албатта, бу ерда биринчи шароит оилада-

ги мухит, қавму қариндошлар ўртасидаги муносабат, яшаётган жойидаги құни-қүшниларнинг таъсири катта бўлади. Ижтимоийлашувга табиий мухит: кенг далалар, боғлар, тоғли мухит, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш, чўлли ерлар, ўрмонли мухит ва бошқа шу кабилар ўз таъсирини ўтказади. Бундан ташқари, у ерда кечадиган ҳаёт тарзи, атрофдаги мавжуд бўлган маданият ўчоклари: кутубхоналар, маданият саройлари, касбга йўналтирувчи масканлар ўз таъсирини кўрсатади. Яна шуни айтиш жоизки, матбуот, радио-телевидение ва уларда акс этаётган маълумотлар ҳам ёшларга, уларнинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсатиб боради. Ижтимоийлашувнинг энг мухим томонларидан бири ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз-ўзини тарбиялаш, олдига қўйган мақсади, манфаатига асосан ҳатти-ҳаракатларини режалаб боришдан иборат ҳисобланади. Атрофдаги мухит уни қишлоқ ҳаётига мослаштирса, унинг орзу-ҳаваслари инсонни ўз мақсадлари йўлида фаолият кўрсатишга ундейди. Ўсиб келаётган ўсмирга тенгдошлиари, атрофдаги қавму қариндош ва катталар, бундан ташқари, инсоннинг анатомик-физиологик тузилиши, унинг ўзлигини англаши ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ўзлигини англашан фарзанд бошқалардан ажралиб туради, яъни мустакил бўлишга, мустакил фикрлашга, мустакил қарор қабул қилишга ва атрофдагиларни ўз қарорига ишонтиришга интилади.

Кишлоқда ҳамма нарса очиқ ва кўз ўнгидан бўлади. Одамлар ўртасида ижтимоий фикрнинг жуда ҳам таъсири катта бўлади. Ҳар бир хонадонда оила аъзоларининг тақдирни, мақсади ва манфаати қишлоқ аҳолисининг дикқати эътиборида бўлади.

Аҳоли яшайдиган жойларда инсоннинг ижтимоийлашувини мухитнинг таъсири ва унинг инсон онгига таъсир этиши дара-жасидан келиб чиқади. Ҳар қандай аҳоли яшайдиган жой аҳолининг ҳаёт фаолиятини ва инсоннинг ижтимоийлашувини кўз ўнгидан тасаввур қилиш имкониятини беради. Бунга тегишли қирралар куйидагилар:

– мухит инсонни ҳар томонлама ўраб олади ва инсон мухит қаърига сингиб кетади;

– инсонга таъсир этувчи мухит хилма-хилдир: географик мухит, режали архитектура, физик хусусиятлардан ташқари бу мухит ижтимоий ва психологик маъноларни, шунингдек, рамзли белгилар орқали таъсир этади;

– мухит инсонга маълумотлар беради – бу маълумотлар жуда ҳам кўп бўлиши ва етарли бўлмаслиги, шунингдек, қарама-карши ҳам бўлиши мумкин;

– мухит инсонга бир бутун тарзда таъсир этиб, унинг «ауласи» мухим ижтимоий, психологик ва эстетик билимлар беради;

– мухит инсоннинг ҳаёт фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон мухит ҳақидаги маълумотни ўз сезги органлари орқали олади.

Бу билдирилган фикрлар инсоннинг мухитга таъсири даражасидан келиб чиқсан ҳолда ижтимоийлашувини кўрсатади. Буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, инсонга мухитнинг эмоционал таъсири натижасида унда, яъни инсонда мухитни идрок этиш билан боғлиқ аффект ҳолат юз беради.

Иккинчидан, инсонни **мухитда ориентация олиши** уни мухит билан бўладиган муноқоти натижасида ҳар хил малакаларни йигиши ва пайдо бўладиган муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олишида кўринади.

Учинчидан, инсонда мухит тўғрисида тушунчаларнинг пайдо бўлиши.

Тўртинчидан, **мухитнинг тизимли образи пайдо бўлиши** – сабабий муносабатлар борлиги ўзига хос ҳодисалар аникланганда ва тасдиқланганда, у мухит ҳақида тасаввурлар юзага келганда ва мухитнинг мураккаб кўриниши, ўзаро элементлари билан алоқаси ҳақида тушунчалар шаклланганда содир бўлади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, ҳар қандай аҳоли яшаётган жой инсоннинг ижтимоийлашиш жараёнида қуйидагича бўлади:

- моддий ва ижтимоий маданий мұхит сифатида унинг шаклланиши ва тараққиеті учун ҳар хил шароитлар яратади;
- ҳар хил ҳаёт фАОлияты учун керак бўлган шароитларни ва ижтимоий йўналишларни яратиб берадиган мұхитни яратади;
- инсонга йўналиш берувчи ва ўз-ўзининг ҳаётини белгилаши, ўзини тараққий эттириш учун керак бўлган тизимни яратади.

Ҳар бир аҳоли яшайдиган жойлардаги ижтимоийлашув билан боғлик шарт-шароитлар педагогик социология орқали ўрганиб борилади ва ўзига хос ҳолда хуносалар берилади. Шаҳар ёки қишлоқ жойларидағи мұхит, таълим билан боғлик амалий ишлар шу ердаги маҳаллий бошқарув органлари имкониятлари, мақсад ва манфаатлари, эҳтиёжлари билан боғлик бўлади. Педагогик социология эса, шарт-шароитларни таҳлил қилиб, ижтимоийлашув учун қулай имкониятларни кўрсатиб боради.

Субмаданият (лот. *sub* – тагида, остида) – махсус ижтимоий психологик белгиларнинг йигиндиси (меъёр, қадриятлар, стереотип, дид ва шу каби) ҳаёт тарзига ва тафаккур қилишга айрим номинал ва реал кишилар гурухининг таъсири ва ўзларида «биз» тушунчасини англашга ва бошқалардан (улардан) ўзларини ажратиб туришга тегишилдир.

Субмаданият – бу автоном, нисбатан, бир бутун бўлган түзилмадир. У ўзида у ёки бу тарзда кўзга ташланадиган белгиларни: махсус танлаб олинган қадриятларни; уни ўзида олиб юрувчиларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсиридаги хулиқ-атворларни; реал гурухлардаги тизимли ҳолат; маълумотлар асосидаги иерархияни тан олиш; ўзига хос дид, машғулот, эркин вақт ўтказишнинг усувлари; жаргон, фольклор кабиларни акс эттиради.

Жамиятда фундаментал қадриятлардан ташқари, оддий ҳаётий қадриятлар ҳам мавжуд. Қадриятларнинг ҳамма учун қабул қилинган кўринишлари бор, шу билан бирга айрим ин-

сонларга, гурухларга тегишли қадриятлар тизими ҳам борки, бу қадриятлар бошқалар учун қадрли бўлмаслиги мумкин. Дейлик, болалар, ўсмиirlар, ўспириналар, қизлар учун қадрли бўлган, катталар учун эса, бекорчилик деб ҳисобланадиган (мусиқа, техника ёки санъат билан шуғулланиш) қадриятлар мавжуд. Катталардан топа олмаган бу қадриятларга эътиборни улар ўз тенгдошларидан топадилар. Яна бир мисол, ҳозир болаларнинг қизиқишлари жуда кўп ва улар дифференциялашган. Кўпчилик ҳолларда улар ўз қизиқишларини, қадриятларини катталардан яширишга ёки уларнинг нигоҳларидан нари тутишга ҳаракат қиласидилар. Бу қадриятлар улар учун шундай қадрият ҳисобланадики, бундай қадриятларни улар тенгдошлири билан айирбошлайдилар. Айнан шу қадриятлар кўплаб гурухларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, уларнинг алоҳида субмаданиятлари кўзга ташланади. Ёшлар ичидаги кўплаб шундай гурухларни санаб ўтиш мумкин. Дейлик, панкалар, металлистлар.

Айрим болалардаги бундай қизиқиш ижобий ҳамда улар ҳагто умумқадрият тизимига фойдали бўлиши мумкин. Лекин бундай қадриятларни олиб юрувчилар синфда ўзларини кўрсатмайдилар, балки синфдан ташқарида ўзини шундай субмаданиятни олиб юрувчилар тарзида кўрсатишлари мумкин.

У ёки бу субмаданиятнинг асоси бўлиб, маълум бир номинал гурухлар бўлиши мумкин, яъни аҳолининг маълум қисми жинсий, ёшига қараб, ижтимоий ва касбий томонига қараб, оммавий неформал оқимлар (феминистлар, экологистлар, антиглобалистлар ва ш.к.) криминал қатлам, маълум ишлар билан қизиқувчилар (овчилар, коллекция қилувчилар ва ш.к.).

Субмаданият доирасида ўзига хос ҳусусиятлар шаклланади, бу маълум бир номинал гурухларга тегишли бўлади. Дейлик, денгизчиларнинг ўзига хос субмаданияти яққол кўзга ташланади, бунда савдо-сотик ва балиқчилик билан шуғулланувчи денгизчиларнинг субмаданиятида ўзига хос фарқлар кўзга

ташланади. Ҳарбийларда ҳам хизматдаги зобитлар, сержантлар, оддий солдатларга хос субмаданиятни фарқлаш мумкин.

Субмаданиятни уч гурухга ажратиб ўрганиш мумкин: 1) ижтимоийликка мос субмаданият; 2) ижтимоийликка мос келмайдиган субмаданият; 3) ижтимоийликка қарши бўлган субмаданият.

Ижтимоийликка мос субмаданият – ижтимоий нормаларга қарши бўлмаган, балки уни тўлдирадиган, ўзига хос яшаш шароитини акс эттирадиган қадриятлар тизимиdir.

Ижтимоийликка қарши бўлган субмаданият – бунда ҳаёт тарзи ва қадриятлар йўналиши жамиятдаги ва қисман ижтимоийликка қарши бўлган нормаларнинг қўшилиши тарзидаги субмаданиятга айланади.

Ижтимоийликка қарши – бу субмаданият нормалари ижтимоий меъёрларга тубдан қарама-қарши нормаларни кўрсатувчи, шунингдек, бунда «ўзимизники», «бегона»ларга ажратувчи субмаданият ҳисобланади. Ўсмир ва ўспиринларга тегишли субмаданият ўзига хос ҳусусиятлар билан ажралиб туради, бу унинг қайси ҳудудда яшашига қараб кўринади.

Субмаданиятнинг ахборот воситалари, телевидение, радио каналлари, газета ва журналлар, Интернет сайтлари ҳамда бошқа ОАВ ҳисобланади.

У ёки бу субмаданиятнинг ўзига хос томони ундаги жаргон ҳисобланади. Жаргон – бу маълум бир субмаданиятни ўзида олиб юрувчиларнинг ўзига хос диалекти, мулоқот тили ҳисобланади. Бу жаргон ўзида тафаккурнинг сўз манбаларини бирлаштиради. Жаргон ўзгариб туради ва бутунлай йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Ижтимоийлашувнинг муҳим томонларидан бири – бу микрофактор ҳисобланади. Микрофакторга инсонни ўраб турган оила, қавму қариндошлар, қўни-қўшнилар, тенгдошлар гурухи, диний ташкилотлар, тарбияловчи муассасалар киради. Оила – бу ижтимоийлашувнинг энг биринчи зарурый бўлими ва жамиятнинг муҳим тизимининг ўзига хос кўриниши-

дир. Оилада бола ижтимоийлашуви мұхити яратилади. Инсон ижтимоийлашувининг, яъни маънавиятининг биринчи куртаклари оилада шаклланади. Оила – ижтимоий, табиий омиллар асосида шаклланган кичик жамоа сифатида, икки жинсга мансуб бўлган шахслар ўртасидаги муносабатларнинг бирга ҳаёт куриб, насл қолдириш эҳтиёжидан келиб чикқан шаклидир. Насл қолдириш фақат фарзандларни дунёга келтириш эмас, балки уларни маънавий ва жисмоний камол топтириб, ҳаётга мустақил қадам қўйишига, жамиятда ўз ўрнини топишига, жамиятга фойдали инсон қилиб тарбияланиши учун имконият яратиш, яъни ижтимоийлашиб боришига ёрдамлашишдир. Оила инсоннинг ижтимоийлашиб бориши учун ўзига хос бўлган мұхитни яратиб, уни оиласи, миллий, жамиятдаги мавжуд бўлган ва у ўзи дикқатини қаратган қадриятлар тизимини ўзлаштириши учун шароитлар яратиб берадиган жараёндир. Оиладаги мұхит бола учун қулай бўлса, у ўзини қизиқтирган ва дикқатини тортган жараёнларга интилиб боради. Оила эса, уни назорат қилиб бориб, тўғри тарбияланиши учун, боланинг қизиқишиларидан келиб чикқан ҳолда келажакда маълум бир касбнинг эгаси бўлишига шароитлар яратиб беради. Дейлик, бола ёшлигида жониворлар билан қизиқса, уларни ушлаб ўрганса, кесиб кўрса, ичини титиб ўрганса, кўпинча ота-оналар уни келажакда қассоб бўлади ёки жиноятчи бўлади, деб ўйлашлари мумкин. Лекин у ўз қизиқишиларини қондириб, жониворнинг ҳаракатланиш манбасини, тузилишини билмоқчи бўлади. Болага тўғри тарбия бериб борилса, ундан врач, техник ходим чиқиши мумкин. Бу эса, жамиятга керакли инсонларнинг оғирини енгил қилувчи касб эгасини тарбиялашга олиб келади. Агарда унинг тарбиясига эътибор берилмаса, ҳақиқатан ҳам, юкорида айтилганидек, жиноятчи бўлиб вояга етиши мумкин. Демак, кўриниб турибдики, оилада яратилган мұхит боланинг тарбиясига таъсир этади. Бола учун энг муқаддас инсон унинг ота-онаси бўлиши ҳаммага маълум. Лекин буни ҳам тарбия орқали сингдириб борилади.

Оиланинг жамият ҳаётида ва унинг тараққиётидаги аҳамияти – бу унинг бағрида ривож топаётган инсонларнинг ижтимоийлашиб боришида кўзга ташланади. Абдурауф Фитрат оиланинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида шундай деган эди: «Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлик. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади»<sup>1</sup>. Бундан кўриниб турибдики, инсоннинг ижтимоийлашиб бориши ва яхши тарбия кўриши оиласа, ундаги мухитга боғлик экан.

Оилани ижтимоийлаштирувчи омиллар – бу ота-онанинг болага берадиган тарбияси, оилада тарбиялашга қаратилган мухит, оиладаги қадриятлар, ота-онанинг дунёқараси ва билимлари, оиладаги ота-она ва болалар ўртасидаги, оиладаги ахлоқий ва эстетик муносабатлар, оиланинг иқтисодий даромади, оиладаги ўзаро ҳурмат даражаси кабиларни кўрсатиш мумкин. Оилада бола ижтимоийлашувига таъсир этадиган яна бир омил – бу унинг атрофидаги ака-укалари ҳисобланади.

Микрофакторларни ўрганишда қўни-қўшниларнинг, микросоциумнинг ўрни ва аҳамияти улкандир. Микросоциум (инсонга таъсир этувчи мухит)ни белгилаш осон иш эмас. Қишлоқ жойларида, овулларда, кичик шаҳарларда унинг чегараси шу жой билан белгиланади. Лекин ўрта ва катта шаҳарларда унинг чегарасини белгилаш муаммолидир.

Шаҳарда микросоциум маконини кичик болалар учун маҳалла билан, кичик мактаб ёшидагиларни квартал билан, каттароқ ёшдагиларни микрорайон билан чегаралаш мумкин. Амалда эса, микрорайон микросоциум сифатида қаралади.

Микросоциум – бу маълум бир майдонда таъсир доирасига эга бўлган жамоа бўлиб, у ўзига оилани, тенгдошлар гуруҳини, давлат, дин, хусусий корхоналар, тарбия ва маданиятга қаралади.

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. – Т.: «Маънавият», 1998. – 8-бет.

ташкилотлар, шунингдек, ахоли, ҳар хил норасмий гурӯхларни қамраб оловчи жамоалар бирлигидир.

Қўни-қўшнилар – бу яқин майдонда истиқомат қилувчи кишилар бирлиги бўлиб, унга кўп қаватли биноларда яшовчи, маҳаллада эса ёнма-ён уйда, бир кўчада яшовчилар киради. Бу жамоалар ўзаро мулоқотда маълум бир умумий манфаатларда ва биргаликда фаолиятда бўлувчилардир.

Шарқда қўни-қўшничилик хақида кўплаб ҳикоялар, масаллар, доно фикрлар айтилган. Дейлик, «ҳовли олма, қўшни ол», «узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши», шунингдек, қўшнининг ҳаки ҳакида шундай фикрлар айтилган: «Қўшнининг ҳак-хуқуқларидан бирини айтсам – бу қўшнига ҳеч вақт озор бермаслик ва хафа қилмаслиқdir. Қўшни касал бўлса, ундан ҳол сўраш, бошига мусибат тушса, ёрдам қилиш, ғамили ва шодлик кунларида ғам-шодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса, кечириш, ахлу аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, бирор ёққа кетса, уйидан хабардор бўлиб туриш – буларнинг ҳаммаси ҳам қўшнининг ҳак-хуқуқларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, қўшни қарз сўраса, қарз берилади, мева-чева терилса, мева билан йўқланади.

Бир киши бир донишманддан сўрабди:

– Айтинг-чи, мен яхши одамманми ёки ёмонми, буни қандай билса бўлади?

– Қўшниларингдан сўра, агар улар сени яхши десалар, демак, яхвисан! – деб жавоб берди донишманд<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, қўни-қўшни бу «энг яқин бўлган бегона-дир», маконий яқин маънавий узоқ бўлган кишиидир. Бу айтилган фикрлар катталарга тегишлидир. Қўшнилар ўртасида бўладиган мулоқот ҳам уларнинг маълумотидан, маънавияти, маданиятидан, касбий фаолиятидан келиб чиқади.

Қўни-қўшничилик бу боланинг ижтимоийлашувида жуда катта таъсир этувчи муҳит ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги,

<sup>1</sup> Обод бўстони ва ахлок гулистони. Махмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: «Фан», 1994. – 40-бет.

кичик мактаб ёшидаги болалар ва кичик ўсмирлик ёшидаги болалар қўни-қўшнилар билан фаол муносабатда бўладилар. Улар учун бу мулокот оиласдан ташкаридаги янги роллар билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Болалар қўшни тенгдошлар билан бўлган муносабатда улардан қўпгина янги қирраларни ўзлаштириб борадилар. Булар янги сўзлар, янги меъёрлар, ижтимоий малакалар, янги роллар, муҳитга мослашиш даражаларидир.

Тенгдошлар гуруҳи – бу ўзига хос ва мос бўлган кишилар ийғиндисидир. Бунда, албатта, тенг ёшдагилар бўлиши шарт эмас. Бу гурухда ёши ҳар хил бўлган, лекин маълум бир муносабатлар асосида бирлашган, максад ва манфаатлари бир бўлган ва ўзларини бошқалардан «Биз» ҳисси билан ажратиб турган кишилар, инсонлар йийиндисидир.

Тенгдошлар гуруҳини **хронологик** ёши жиҳатидан ажратиш мумкин – бунда инсон қанча ёшга кирганлиги аниқланади. **Физиологик** – инсоннинг физик тараққиёт даражаси. **Психологик** – шахснинг маънавий ривожланганлик даражаси. **Педагогик** – жамиятдаги маданиятни эгаллаганлик даражаси. **Ақлий** – маълум бир ақлни ўлчовчи тестлар орқали билиш ва бошқалар.

Тенгдошлар гуруҳининг бир неча автоном параметрлар асосида классификация қилиш мумкин.

Социал-психологик статус бўйича (мактаб синфлари, спорт секциялари, клуб ёки дўстлар кампанияси) инсон шу реал гурухларда бўлишига қараб, шунингдек, инсон ўз хатти-ҳаракатида ва ўзига баҳо беришда фикран суюнадиган референт гурухларга бўлинади.

Лидерлик гурухига қараб демократик ёки авторитар бўлиши мумкин. Маконда жойлашиши жиҳатидан улар маҳаллада, кварталда бўлиши ва мактаб, клуб, барлар доирасида фаолият кўрсатишлари мумкин.

Қадриятлар йўналишида бу гурухлар ижтимоий ижобий, ижтимоий бефарқ ва ижтимоийликка қарши бўлиши мумкин.

Хукукий статуси ва маҳаллий ижтимоий тизимда тенгдошлар гурухи расмий ёки норасмий бўлади. Расмий гурух бу маълум бир давлат ташкилоти билан ёки ижтимоий ва хусусий ташкилотлар билан боғланган бўлиб, жамият томонидан тан олинган бўлади. Норасмий ташкилот – бу ўз-ўзидан пайдо бўлиб, эътиборга лойик бўлган уюшмалардир.

Ижтимоийлашув жараёнида дин ҳам ўзига яраша катта роль ўйнайди. Болаларни, ёш авлодни тарбиялашга дин ўз таъсирини ўтказади. Инсоннинг ижтимоийлашувида дин оиласдан кейин келувчи асосий омил ҳисобланади. Собиқ Иттифоқда динга беэътибор бўлинган. Натижада диннинг жамоага таъсири камайиб борди ва бу инсоннинг ижтимоийлашувида ҳам ўз аксини топди. Шунга қарамасдан, ҳозир диннинг роли, биринчидан, муҳим бўлиб қолди; иккинчидан эса, у мамлакатлардан келиб чиқсан ҳолда ҳар хил тарзда ўринга эга бўлди; учинчидан, баъзи мамлакатларда унинг таъсир доираси ошиб бормоқда.

Бу жараён Ўзбекистон мисолида жуда яхши кўринади. Ҳозирда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллатлар истиқомат қилмоқда. Улар ўз миллий маданияти, дини билан фарқланиб турадилар. Ўзбекистонда 16 та диний конфессия мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий бандлари (18-, 31-, 61-моддалар) ҳамда «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири 1998 йил майдада қабул қилинган) ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хукуқини таъминлайди, диний қарашларни мажбуран сингдиришни тақиқлади.

Республикада 16 та конфессияга мансуб 2225 та диний ташкилот, жумладан, 2038 та масjid расмий рўйхатдан ўтган (1991 йилда 146 та эди)<sup>1</sup>. Ҳозирда унинг майдонида 4 та дунёвий динлар – насронийлик, ислом, буддизм ва иудаизм фаолият

<sup>1</sup> Ўзбекистон этноконфессионал атласи. – Т.: «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси, 2011. – 8-бет.

күрсатмоқда. Бу ерда шуни айтиш керакки, ақолининг ижтимоий-психологик ҳолати жуда тез үзгарди. Илгари таъсир кучи бўлган атеизм ўрнига энди динга ишонувчилар сони кўпайди. Одамлардаги ижтимоий-психологик ва диний психологик муносабатлар тубдан бошқача бўлиб боряпти. Айримлар динни никоб қилиб олиб, жамиятга заар келтирувчи ишларни амалга оширмоқда. Динни ўз манфаатлари йўлида қурол қилиб ишлатишига интилмоқда.

Инсоннинг оиласда, жамоада ижтимоийлашиб бориши даврида дин ва диний муносабатлар ўзига хос бўлган таъсир кучига эгадир. Дин – бу маданият, авлодларни асрлар давомида тўғри ахлоқий, ижтимоий муносабатларда диний таълимотлардан келиб чиқсан ҳолда тарбия беришга қаратилгандир. Албатта, оиласдаги шароитдан келиб чиқсан ҳолда ва атрофдаги муҳитнинг таъсирида ижтимоийлашиб бораётган бола ўзига хос бўлган дунёқарашни шакллантириб боради.

Инсоннинг ижтимоийлашувида унга таъсир этувчи муҳит сифатида тарбияловчи муассасаларни кўрсатиш мумкин. Тарбияловчи муассасалар – бу давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан маҳсус ташкил этилган корхоналар ҳисобланниб, уларнинг асосий вазифаси ақолининг маълум бир ёшдаги гурӯҳларини ижтимоий тарбиялаш ҳисобланади. Бу ташкилотларга ҳар хил типдаги ўқув-тарбиялаш муассасалари киради. Булар – болалар ясли ва боғчалари, умумтаълим ва касб-таълим мактаблари, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари.

Ижтимоийлашув жараёнида тарбияловчи муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагиларда кўринади:

- инсоннинг жамият маданиятига қўшилишида;
- индивидуал тараққиёт ва маънавиятга эга бўлиш учун шароит яратилишида;
- тарбияланувчиларнинг шахсий имкониятларини қўллаган ҳолда уларни жамиятнинг ижтимоий-касбий тизимга дифференциацияси;
- катта авлодлардан ўсиб келаётган ёшларнинг мустақил бўлиши (автономлашиши).

Инсоннинг тарбияланишида бу тарбияловчи муассасаларнинг ўрни жуда каттадир. Бу ташкилотлар ўзига хос таъсирга эга бўлиб, инсонни тарбиялашда катта амалий иш фаолиятларини олиб борадилар. Педагогик социология бу тарбияловчи муассасаларни ўрганиб бориб, уларнинг тарбия ва таълим тизимига таъсирини, ёшлардаги психологик жараёнлардаги ўрнини ўрганиб боради. Педагогик социология ўзига хос ҳолда ёшларга ва уларнинг тарбиясига таъсир этувчи бундай ташкилотларни ҳар доим ўрганиб боради. Жамиятдаги тарбияловчи муассасалар ва уларнинг таъсиrlари педагогика фани учун ўрганиш зарур бўлган жараёнларни ташкил этади. Педагогик социология эса, уларни ўрганиб, педагогика фани ривожига ўз хиссасини кўшади.

## ПЕДАГОГИК СОЦИОЛОГИЯНИНГ МУОМАЛАДАГИ ТУШУНЧАЛАРИ

Инсоният манфаатларига хизмат қилувчи кўплаб фанларнинг ўзига хос бўлган тушунчалари, категориялари бор. Педагогик социологиянинг ҳам худди шундай ўзига хос категориялар тизими мавжуд. Умуман олганда, категория сўзи юонча сўз бўлиб, *kategoria* – белги, изоҳлаш, деган маънони билдиради. Категория шу фан текшираётган ҳодиса ва предметларнинг мухим томонларини, муносабатларини ўзида акс эттиради. Педагогик социологияга хос бўлган категориялар тизими ҳам бола тарбиясига ўз таъсирини ўtkазаётган, бола тарбиясидағи ўзгаришларни, ривожланишларни, алоқадорликни ва узвий боғликларни хос бўлган жараёнларни акс эттиради, бола тарбиясига таъсир этувчи мухитни ўрганиш билан улар ҳақида билимлар бериб боради.

Педагогик социология ўз изланиш жараёнида ёш авлоднинг тарбиясига таъсир этувчи кўплаб тушунчаларни ишлатиб боради. Булар, албатта, ёшлар тарбиясига таъсир этувчи жараён-

лар ва ҳодисалар бўлиб, уларни қуидаги жиҳатларга ажратиш мумкин, яъни мегамухит, макромухит, микромухит. Булар инсоннинг ижтимоийлашувига мегофактор, макрофактор, микрофактор сифатида ўз таъсирини ўтказади.

Мегомухит – бу инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи мегофакторлар хисобланади. Мегомухит – бу инсон ҳаётининг космос билан боғлиқ томонини ташкил этади. Бу ерда инсонга таъсир этаётган жуда кўплаб факторни кўрсатиш мумкин. Маълумки, инсон истиқомат қилаётган ер – бу Қуёш тизимида кирувчи планеталардан биридир. Ернинг яшаси ва давомийлиги космосда бўлаётган жараёнлар билан боғлиқ. Жамики тирик мавжудотнинг ҳаёти ер билан узвий боғлиқ. Шу жумладан, инсон ҳам ўз ҳаётини ерсиз тасаввур қила олмайди. Ер инсоннинг яшаси учун шароит яратади, ернинг ўзи эса, Қуёш тизими ва коинотдаги юз бераётган жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлади.

Хозирда космосни ўрганаётган астрономлар, коинотда инсонга ўхшаш бирор жараён йўқлигини тасдиқламоқдалар. Ерга эса, коинотдаги жуда кўплаб метеоритлар, қуёш, ой, қуёш тизимидан ташқарида бўлган жуда кўплаб тизимлар ўз таъсирларини кўрсатиб келмоқда. Демак, айтиш мумкинки, коинотдаги хозирча якка бўлган тирик мавжудотлар яшаси учун имконият яратиб бераётган планета бўлган Ер мегомухит остида яшаб келмоқда.

Мегомухитнинг таъсири ҳақида жуда кўплаб олимлар ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Дейлик, В.М.Бехтерев шундай ёзади: «... ижтимоий мухитдаги муносабат бизни ерда ўраб турган табиат билан чекланмайди, балки у жуда кенг маконга эга, коинотнинг чуқур маконларига ёйилиб кетган дунёвий энергия билан ҳам боғлиқ» (таржима муаллифники)<sup>1</sup>.

Яна бир россиялик олим А.Л.Чижевский олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Қуёшнинг фаоллиги айрим ижтимоий ҳаракатларни ва тарихий шахсларнинг фаолияти

<sup>1</sup> В.М.Бехтерев. Коллективная рефлексология . – Петроград, 1921. – С. 409.

фаоллашганлиги билан боғлайди. Олиб борилған тадқиқотдан күриниб турибиди, Куёшнинг фаоллиги инсон фаоллигига ўз таъсирини ўтказар экан. Тадқиқотчи Куёш активлиги билан боғлаган ҳолда бир қанча мисоллар келтиради. Дейлик, 1492 йилда Американинг очилиши, 1648 йилда Англиядаги революция, 1905–1917 йилларда Россиядаги революция, 1941 йилда инсоният тарихидаги энг қонли уруш бошланганлиги ва шу кабилар.

ХХ асрнинг иккинчи ярмидаги космосни тадқиқ этиш масалалари ва дунё астрономлари олиб бораётган тадқиқотлар коинотда юз берәётган ўзгаришлар куёш тизимиға ҳам ўз таъсирини ўтказаётганини кўрсатмоқдалар. Космосдаги ўзгаришлар ерга ҳам таъсир этиб, инсон ҳаёти ўзига хос ҳолда ўзгаришига олиб келишини кўрсатади. Космос ерга таъсир этиб, инсоннинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини ўтказади. Буни биз инсониятнинг фаоллашувида, соғлигига таъсир этувчи космос билан боғлиқ жараёнларда кўришимиз мумкин.

Космосдаги планеталар ва улардаги химиявий, физикавий жараёнлар, коинотда учеб юрган минглаб метеоритлар, албатта, ерга ўз таъсирини ўтказади. Планета – бу астрономик тушунча бўлиб, коинот жисми эканлигини англатади. Планета шакли жиҳатидан шарга ўхшаган, куёшдан иссиқлик ва нур оловчи, Куёш атрофига айланувчи жисмдир. Биз биламизки, Куёш тизимидағи планеталарнинг биттаси – бу она ер бўлади. Шунинг учун бу тизимдаги ҳар қандай ўзгаришларнинг ерга таъсир этмай иложи йўқ.

Дунё – бу социологик ва сиёсий тушунча бўлиб, бизнинг планетамиизда яшовчи инсоний жамоаларнинг йигиндишидир. Узоқ минг йилликлар давомида ўзаро ҳамкорликда бўлган инсонларнинг ўзига хос аҳоли сифатида шаклланиши унинг дунё деб аталишига олиб келди. Ўзининг узоқ тарақкиёти жараёнида дунё Ерга, планетага ўз таъсирини ўтказди. ХХ асрга келиб дунёвий – планетар жараёнлар ва муаммолар пайдо бўлдики, уни дунёнинг глобал масалалари деб аталди.

Глобал муаммолар – бу ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқаришнинг жуда кучли ривожланиши, табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши натижасида пайдо бўлган муаммолардир. Глобал муаммолар умуминсоний характерга, планетар даражадаги масалаларга тегишли бўлган, долзарб, динамик жараёнлардир.

Бугунги кунда энг глобал масала, деб атроф-муҳитнинг булғаниши, ифлосланиши ҳисобланмоқда. Бундан ташқари, яна баъзи аҳолининг камбагаллигини мисол келтириш мумкин. Ер юзида 1 млрд. 300 млн. одам абсолют камбагаллик шароитида яшаб келмоқда. Шунингдек, кўпгина ривожланаётган мамлакатлардаги аёллар кўп болали бўлишни хоҳламаяпти. Ҳозирда айрим мамлакатларда кексаларнинг сони ортиб бориб, ёшларни, яъни моддий бойлик яратувчиларнинг сони камайиб бормоқда. Натижада аҳолининг ва меҳнат қилувчиларнинг умумий сони камайиб бормоқда.

Бугунги кунда инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи планетар муаммолар кўпайиб, уларга экологик, демографик, иқтисодий, ҳарбий, сиёсий жараёнлар таъсир этмоқда.

Инсон ижтимоийлашувига таъсир этадиган яна бир омил – бу макромуҳит ҳисобланади. Макромуҳит бу макрофактор сифатида инсон шаклланишига, тарбияланишига ўз фаол таъсирини ўтказувчи жараёндир. Макромуҳитга маълум бир мамлакатнинг майдони, унда яшаётган этнослар, миллатлар, уларга хос бўлган менталитет, табиат, жамият, тарихий жараёнлар, жамиятнинг ижтимоий тизими, яшаш жараёни, ҳаёт кечириш тарзи, давлати ва унинг кўриниши, давлат томонидан тарбияга бериладиган эътибор, аҳолининг миллий тузилиши, миллатга хос бўлган анъаналар, урф-одатлар, маросим ва мерослар, шунингдек, ижтимоийлашувга таъсир этувчи мезофакторлар – бу ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни, уларнинг кўринишларини, маҳалла кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу ерда ҳам педагогик социологияга хос бўлган кўплаб тушунчаларни, кате-

горияларни кўрамиз. Булар инсоннинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини, албатта, ўтказиб туради.

Инсон ва унинг ижтимоийлашуви балан бавосита эмас, балки бевосита алоқада бўлувчи микромухит таркибига оилани, қавму қариндошларни, кўни-кўшниларни, микросоциумни, тенгдошларни, тарбияловчи муассасаларни, диний ташкилотларни, жамоа ташкилотларини, жамоаларни ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Булар бола тарбиясидаги энг муҳим, дол зарб таъсир этувчи микрофакторлар ҳисобланади. Бундан ташқари, инсоннинг ўзига бўлган эътибор, ўзлигини таниши, ўз-ўзини тарбиялаши, билимга бўлган қизиқиши, касбни тўғри танлай олиши каби томонлар ҳам борки, улар инсонга субъектив омил сифатида ўз таъсирини ўтказади.

Кўриниб турибдики, педагогик социология ўз олдига кўйган мақсад ва манфаатларни ечиш давомида кўплаб тушунчалардан фойдаланар экан. Бу тушунчалар бошқа фанларни ўрганиш билан боғлиқ томонларга ҳам эга. Лекин педагогик социология уларни ўрганаётган фанлар ютуғидан фойдаланиш билан бирга ўз олдига кўйган масалаларни ечишда ўзига хос ҳолда ёндашади.

Педагогик социология ўз категориал тузилиши давомида педагогиканинг кўплаб тушунчаларидан кенг фойдаланади. Чунки педагогик социология ўз изланишларини педагогикани ривожлантириш, яъни бола тарбияси, билим олиш имкониятлари ва унга таъсир этаётган мухитни билиш орқали тарбиялашга таъсир этаётган омиллар, унинг сифати ва таъсирчанлиги ортиб боришини ўрганади. Педагогикадаги тушунчалар педагогик социологияда ҳам кўлланилади.

Педагогик социология – бу социологиянинг йўналиши бўлиб, у инсоннинг тарбияланиши билан ижтимоийлашиб боришидаги мавжуд бўлган мухитни, инсон тарбиясига таъсирини ўрганиб, унинг асосий қонунлари, механизмларини таҳлил қиласи. Педагогик социологиянинг ўрганиш объекти – бу бола, шахс ҳисобланса, унинг ўрганиш предмети – бола тарбияси-

га таъсир этаётган мухит, шарт-шароит ва унинг қонун-механизмлари ҳисобланади.

Педагогика эса, асосан, ўзи, оиласи, жамият учун керакли бўлган ахлоқли, билимли, малакали инсонни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган фандир. «Педагогика» термини грекча икки сўздан, яъни «пайс» – бола ҳамда «эгейн» – бошлиб бориш, бошқариш, тарбиялаш, деган сўзлардан ташкил тошгандир. Педагогиканинг ривожланиш тарихи ҳам жуда қизиқ кечади, бола тарбиялашга тегишли бўлган бой маълумотларда ўзлигини кўрсатади. Педагогика тарихи шуни кўрсатадики, инсонни тушуниш, тарбиялаш, унинг ижтимоийлашувига тегишли бўлган бой инсоний маданият билан таъминлаш ҳар доим бир хил бўлмаган. Жамиятнинг мақсади ва манфаатидан келиб чиқсан ҳолда инсоният тарихида педагогикага хос кўплаб жараёнлар юз берган ва ҳозирда ҳам юз бермоқда.

Жамият олдида педагогика фани учун керакли бўлган кўплаб масалалар турибди. Ҳар бир жамият ўз шароитидан ва имкониятидан келиб чиқсан ҳолда педагогикага хос бўлган тарбия ишларини олиб борган ва олиб боради ҳам. Чунки жамиятга унинг тараққиёти учун керак бўлган кўплаб кадрлар керак. Педагогика ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ёш авлодни тўғри тарбиялашга ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Педагогика ўз олдига қўйган мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда кўплаб тушунчалардан ва бошқа фанларнинг қонун ва категорияларидан фойдаланиб келмоқда. Педагогикадаги кўплаб категорияларни ёритиб беришда, уларнинг ишлаш механизмларини тушунтириб беришда педагогик социологиянинг ўрни ва роли каттадир. Педагогик социология тарбияга хос бўлган жараёнлар юз беришида, уларга таъсир этаётган мухитнинг жамият ва давлат билан боғлиқ имкониятларини ўрганиб бориб, тарбия масалаларини, уларни янада самарали бўлиш қонунларини очиб беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, педагогик социология жуда кўп фанлар билан узвий боғлиқликда ўз олдидаги мақсадларни

амалга оширади. Бу фанлар педагогик социология фанининг тараққиёти учун имкониятлар яратади. Биринчи навбатда, педагогик социологияни социология ва педагогика фанлари тармоқлари билан узвий боғликлигини кўрсатиш ўринлидир. Социологиядаги тармоқлар педагогик социологияга унинг дол зарб масалаларини ечишда ўз ёрдамини беради. Дейлик, Оила социологияси педагогик социологиянинг муҳим категорияларини ечишда, яъни оиласидаги бола тарбиясига таъсир этувчи муҳитни кенгроқ ўрганишга ёрдам беради ва бу йўналиш билан чамбарчас боғлик бўлади. Шунингдек, педагогик социология педагогиканинг бошқа тармоқлари билан ҳам боғлиқдир. Дейлик, педагогика тарихи қиёсий педагогика, оила педагогикаси, коррекцион педагогика каби тармоқлар билан жуда яқиндир. Бундан ташқари, педагогик социология фалсафий фанлар тизими, ижтимоий педагогика, психология ва ижтимоий психология, антропология каби фанлар билан ҳам ўзаро боғлиқдир.

Педагогик социология ўз муаммоларини ўрганаётган шароитда фалсафий фанлар ютуғига сужяди. Энг аввало, фалсафа ҳар қандай фан учун методологик фан ҳисобланади. Фалсафа борлиқдаги жараёнлар билан бирга инсон оламини, унинг ривожланиш, ўсиш жараёнларини гармоник фан сифатида ўрганади. Инсоният жамияти борлиқ сингари ҳар доим ҳаракатда, ўзгаришда, унинг атрофида юз бераётган жараёнлар билан ўзаро таъсирда ва динамик тараққиётда бўлади. Фалсафа табиатни, жамиятни ва инсонни ўрганишда уларни гармоник муносабатда бўлгандағина тараққиёт юз беришини кўрсатади. Ижтимоийлашиб бораётган инсон ўзи яшаётган муҳитни табиат, жамият билан ўзаро боғламас, ўзини шу табиат ва жамиятнинг бир бўлаги сифатида тасаввур қилмас, улар билан уйғунликда бўлмас экан, унда ривожланиш, тараққиёт бўлмайди. Асрлар давомида орттирган билимлари, тажриба ва малакалари туфайли инсон табиатта мослашади. Лекин ўзига кўпроқ эътибор бераб, табиатни унутса, у ҳолда жуда кўп талафотли ишлар содир бўлади. Дейлик, ҳозирда инсоният олди-

да турган экологик муаммолар, озон қобиғининг ёмирилиши, сув муаммоси, демографик муаммо ва шу каби бошқа муаммолар. Инсон ишлаб чиқаришни ўз эҳтиёжларини қондириш учун тараққий эттириб, янги техника, янги технология билан таъминлаш уларни ҳар доим янгилаб туриш орқали жамият эҳтиёжларига керак бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Шу билан буларни яратища унинг табиатга зарарини ҳам хисобга олиши, керак бўлса, табиатта зарар келтирмаслиги учун зарур бўлган техника ва технологияларни яратиши мухим. Бу эса, инсоннинг ўзи, инсониятнинг яшаши учун имкониятларни яратади. Бундай кўплаб мисоллар инсон ўз ҳаётини таъминлаш учун мухитни яхшилаши ва табиат билан гармонияда яшаши, педагогик социологиянинг фалсафий муаммоларга суюнишини, унинг категория ва қонунларидан кенг фойдаланишини кўрсатади. Фалсафа фани педагогик социологияга унинг ечиши керак бўлган кўплаб масалаларни кўндаланг қўйишини кўришимиз мумкин.

Фалсафа инсон борлиғи билан боғлиқ бўлган аниқ масалаларни қўяр экан, унда инсоннинг ўрнини, дунёнинг ривожланиб бориши ва унинг асосини ташкил этувчи инсон тараққиётини кенг ўрганади. Шунингдек, педагогик социология олдига аниқ масалаларни қўйиш билан инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи мухитни ва асосий омилларни кенг ўрганиш орқали жамиятда ўз ўрнини топа олган тарбияли инсонни шакллантириш масаласини қўяди. Бунда педагогик социологиянинг тарбия шаклланишига таъсир этувчи мухит билан боғлиқ бўлган «Ижтимоий тарбия фалсафаси» йўналишини ўрганиш асосий масалалардан биридир. Бу педагогик социологияга ўрганиш керак бўлган масалаларни, унинг долзарблигини, жамият ва табиат ўртасида гармония зарурлигини кўрсатиб, уни ўрганиш йўналишларини аниқлаб беради. Инсоннинг ижтимоийлашувида фалсафий фан бўлган этика ва эстетиканинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Инсоният ўз тарбиясида инсонга ахлоқий ва эстетик тарбия бериб боради. Инсоннинг ахлоқ-

лилиги, тартибилилиги, гўзаликка интилиши у фаолият олиб бораётган ҳамма йўналишда мавжуддир. Жамиятга ҳам гўзал ахлоқли, ижтимоий муносабатларда жамиятга ва инсониятга зарар келтирмайдиган инсонларни тарбиялаш муҳимдир.

Педагогик социология психологик фанлар билан ҳам уз-вий боғлик ҳисобланади. Педагогик социология ўз масалаларини таҳлил қилишда кўпгина психологик фанларга сунади. Муҳитнинг шаклланишида, бола тарбияланишига таъсир этувчи оила психологияси, шахс психологияси, онтогенез психология, ижтимоий психология ва психология фанининг бошқа тармоклари ўз таъсирини ўтказади.

Педагогик социология мустакил фан сифатида ўзининг категорияларига ва қонунларига эга бўлиши керак. Педагогик социология ёш фан бўлганлиги учун ўзининг кўпгина категориялари билан бир қаторда бошқа фанлар категорияларидан ҳам фойдаланади.

Педагогик социология шахснинг ижтимоийлашув жараёнини ўрганар экан, бу ҳолатни инсон туғилганидан то охирги кунигача содир бўладиган жараён сифатида, унинг ижтимоийлашувига таъсир этадиган шарт-шароит, муҳит ва ижтимоий тарбия беришнинг натижаси сифатида карайди. Жараён сифатида педагогик социология шахснинг тарақкиёти ва ижтимоий шаклланиши бўлиб, инсоннинг ўзи яшаётган муҳит билан ўзаро муносабати, индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда унинг мослашишини билдиради. Шароит сифатида – инсоннинг шахс сифатида ижтимоий тараққий қилиши учун етарли бўлган социумнинг мавжудлигини тан олиш ҳисобланади. Унинг юз бериши жиҳатидан кишининг ёшини ҳисобга олган ва аник ижтимоий муносабатлар тизимидаги ижтимоий тараққиётидан келиб чиқсан ҳолда инсоннинг ижтимоий реакцияси ҳисобланади. Бу асосда ижтимоий тараққиёт даражаси хақида фикр юритилади. Натижа сифатида ижтимоийлашув инсоннинг асосий характеристикаси ва унинг хусусиятларини ёшига ва жамиятга хос ижтимоий кўриниши ҳисобланади.

Бола ўз ривожланишида тенгдошларидан оркада қолиши ёки ўтиб кетиши мумкин. Бу ҳолатда ижтимоийлашув натижа сиғатида боланинг ижтимоий статусини тенгдошларига нисбатан характерлаб беради.

Шахснинг ижтимоийлашувида муҳим томонлардан бирі – бу ижтимоий қадриятларни эгаллаб бориши ҳисобланади. Ижтимоий қадриятларни кенг ва тор маънода таҳлил килиб кўриш мумкин. Кенг маънода улар жамият эҳтиёжларига мос келганда ёки келмаган холда жамоага зарур бўлган ҳодисаларни белгилайди. Торроқ маънода – бу инсоният ишлаб чиқсан маданият ва ижтимоий онгнинг маҳсули бўлган ахлоқий ва эстетик талаблардир.

Шахс ижтимоийлашувининг яна бир муҳим томони – унинг ижтимоий малакаси ҳисобланади. Ижтимоий малака ижтимоий билимлар йиғиндиси, шахснинг маълум бир социумдаги кўникма ва бажара олишларни эгаллашдир. У шахснинг маълум бир йўналишларда муҳит ҳакидаги билимларни эгаллашида ва ўзлигини англашида, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатида, касбий фаолиятида, ҳар хил ижтимоий ролларни бажаришида кўзга ташланади.

Авлоддан-авлодга берилувчи ва пайдо бўлувчи түфма хусусиятлар шахснинг ривожланиши, тараққий этиши учун имкониятлар яратади. Инсондаги бу хусусиятлар унинг тарбияланиши ва ижтимоий ривожланиши давомида юзага чиқиши, амалга ошиши, кўпайиб бориши, сусайиши ёки бутунлай намоён бўлмаслиги мумкин. Инсоннинг шаклланишида ижобий ва салбий шароитлар унинг шахс бўлиб етишишига таъсир этади.

Шахснинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи омиллар унинг шаклланишини таъминлайди. А.В.Мудрик инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи уч факторни кўрсатиб ўтади. Булар мегафактор ва макрофакторлар, яъни космос, планеталар, дунё, мамлакатлар, этнос, давлат ва бошқалар; мезофакторлар – этномаданият, регионал шароитлар, аҳоли яшайдиган жойларнинг кўринишлари, оммавий ахборот коммуникация-

лари; микрофакторлар – ижтимоийлашув институтлари (оила, мактабгача тарбия ўчоқлари. мактаб, колледж, лицей, меҳнат жамоалари).

Мұхит факторлари – бу инсонга бевосита ва бавосита таъсир этаётган барча омиллар ҳисобланади. Бу факторларга оила, болалар боғчаси, мактаб, лицей, колледж ва улардаги жамоалар, ўқитувчи шахси, норасмий ёшлар йиғинлари, оммавий ахборот воситалари, китоблар ва бошқалар киради.

Ижтимоийлаштириш жараёнида шахс ижтимоий муносабатларнинг субъекти ва обьекти сифатида кўринади. А.В.Петровский ижтимоийлашув жараёнида шахснинг уч тараққиёт даврини кўрсатади. Булар адаптация, индивидуализация ва интеграция даврлари.

Адаптация даври – бу болалик даври билан тұғри келади, инсон ижтимоий муносабатлар обьекти сифатида қўзга ташланади. Инсон ижтимоийлашувига катта бир күч қаратылған бўлиб, уларга ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар ва бошқа кишилар киради, булар боланинг атрофидаги яқин кишилар ҳисобланади. Бу давр боланинг инсоният дунёсига кириш даври ҳисобланади. Бола бу даврда инсоният яратган айрим белгилар тизимини, элементар меъёрларни ва хулқ-атвор қоидаларини, ижтимоий ролларни, оддий фаолият шаклларини эгаллаб боради. Бу давр инсонни шахс бўлишга ўргатиб бориш давридир.

Адаптация жараёнини ўтмаган ва ижтимоий ҳаёт асосларини ўзлаштирунган бола кейинчалик бу жараённи ўзлаштира олмайди. Бу жараён катталарда бошқача бўлади, улар жамиятдан вақтинчалик узилиб қолсалар-да, орттирган билимларини, яъни босиб ўтган адаптация даврини яна тиклай оладилар. Адаптация жараёни ижтимоийлашишдаги энг муҳим ҳолат ҳисобланиб, болалик даврида уни ўзлаштирунган оқибатларга олиб келади.

Индивидуализация даврида индивидда ўзини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган алоҳидалик қўзга ташланади. Бу ерда шахс ижтимоий муносабатлар субъектидир. Мальум бир жамият-

нинг маданият меъёрларини ўзлаштирган киши янгиликлар яратиш орқали ўзини кайтарилмас индивид сифатида кўрсата олади. Индивидуализация кўп ҳолларда адаптация натижасида эгалланган натижалар ва ўзининг индивидуал хусусиятларини иложи борича кўпроқ сарф қилишга бўлган эҳтиёж ўртасидаги қарама-қаршиликлар билан белгиланади.

Интеграция – инсоннинг ижтимоийлашувидаги учинчи даврdir. Бу инсон ва жамият ўртасидаги маълум бир баланси, шахсни субъектив ва объектив муносабатларни социум билан интеграциясини белгилайди. Нихоят, инсон ҳаёт фаолиятининг оптималь вариантини топади, бу унинг жамиятда ўзини кўрсата олиши учун имкониятлар яратади. Ушбу жараён жуда мураккаб, чунки ҳозирги жамият ўзининг таракқиётида кўплаб қарама-қарши тенденцияларга эгадир. Лекин ҳаёт фаолиятининг оптималь имкониятлари ҳам борки, бу конкрет инсоннинг мослашишига олиб келади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, инсоннинг ижтимоийлашиб бориши жараёнида индивиднинг суст-фаол ҳолати динамикаси рӯёбга чиқади. Суст – бу инсоннинг меъёрларни ўзлаштириб бориши ва ижтимоий муносабат обьекти бўлиб хизмат қилишидир. Фаол – бу инсоннинг ижтимоий малака ишлаб чиқиши ва ижтимоий муносабатларни субъекти сифатида бўлишидир. Фаол-суст – бу субъект-объект муносабатларини интеграция қилиш қобилиятидир. Бу учта жараён ҳаёт давомида кўп маротаба қайтарилиши мумкин.

Бундан ташқари, шахснинг ижтимоийлашувини тушунтириб берувчи бошқа фикрлар ҳам бор. Дейлик, француз социал психологи Г.Тард шахснинг ижтимоийлашувидаги асосий томон унинг таклид қилмоғи, эргашиши деб тушунтиради. Америкалик олим У.Бракфепбрепер эса, шахс ижтимоийлашувнинг механизми, деб аккомедацияни (мослашишни) ҳисоблайди. У ўсиб бораётган фаол инсонни ўзи яшаётган ва ўзгариб бораётган жамиятга мослашишини асосий омил, деб кўрсатади. В.С.Мухина эса, шахсдаги алоҳидаликнинг идентификацияси-

ни кўрсатади. Шахс ижтимоийлашувига таъсири этувчи барча кўрсатилган омиллар уни тарбиялаш ва билим бериш орқали юзага келади. Шахснинг ижтимоийлашуви, кўриниб турибдики, боланинг туғилган макони, бу макондаги маданият, унинг атрофидаги яқин кишилари ва уларнинг таъсири, ўзидаги дунёқарааш ва ўзлигини англаш каби кўплаб факторларга боғлик бўлади. Бола тарбияси ва таълими унинг ижтимоийлашуви асосини ташкил қиласди.

Ижтимоий тарбияни назорат қилинувчиларни ижтимоийлашувчи жараён, деб қараш мумкин. Бу маҳсус ташкил қилинган тарбияловчи муассасалар бўлиб, улар инсоннинг имкониятларини ривожлантиришга ёрдам беради, яъни унинг қобилиятларини, билимини, хулқ-авторини, қадриятларини, жамиятга керакли бўлган ижобий томонларини шакллантиради ва тараққий эттиради.

Буни, бошқача айтганда, ижтимоий инсонни, нисбатан мақсадга йўналтирилган ижобий ва маънавий қадриятларга йўналтирилган инсонни етиштириб беради. Бу шароитлар индивидуал ва гурӯҳий субъектларнинг ўзаро таъсири асосидаги учта ўзаро муносабатдаги ва шунинг билан нисбатан моҳияти, шакли, таъсири этиш услуги жиҳатидан мустақил бўлган жараёнларда: ижтимоий малакани ташкил этишда, таълим олишда ва индивидуал ёрдамда кўзга ташланади.

Ижтимоий малакани ташкил этиш қуйидагиларда содир бўлади:

- расмий гурух (коллектив)ларнинг ҳаёт фаолияти ва турмушини ташкил қилишда;
- ўзаро таъсиirlарни ташкил этишда ва унга ўргатишда;
- расмий гурухларнинг ўз фаолиятларини ташкил қилишни рағбатлантириш ва бунинг норасмий гурухларга таъсири.

Ижтимоий малака – кенг маънода уддалаш ва маҳорат, билиш ва тафаккур қилиш усули, хулқ-автор стереотипи ва меъёрлари, ўрнатилган қадриятлар, таъсиirlантирган сезги ва ҳис-туйгулар, одамлар билан бўладиган ўзаро таъсири бўйича

орттирилган малакалар, мослашиш ва алохидә бўлиш малака-си, шунингдек, ўзини билиш, хаётдаги ўз ўрнини белгилаш, ўзини мақсадга йўналтириш ва ўзлигини кўрсатиш демакдир.

Таълим ўзига қўйидагиларни қамраб олади:

- ҳар доим бериб бориладиган таълим (расмий таълим, асосий ва қўшимча таълим);
- маориф, яъни маданият тарқатиш ва тарғиб қилиш (но-расмий таълим);
- ўзини тарбиялаб боришни рағбатлантириш.

Инсонга индивидуал ёрдам бериш қўйидагича бўлади:

- муаммони ечишда ёрдам бериш;
- тарбияловчи муассасаларда маҳсус ҳаёт фаолияти билан боғлик ҳолатларни юзага келтириш, бунда киши ўзини кўрса-тиши ва ўз имкониятларини очиб бериши учун шароит ярати-лиши ва инсон ўзини кўрсата олиши, бунда инсоннинг имко-ниятлари мустаҳкамланади, ўз имкониятларини очиб беради;
- инсондаги ижобий ўзгаришларни рағбатлантириш.

Индивидуал ёрдам – бу онгли тарзда кишига ёрдам бериш, яъни ўзининг ижобий эҳтиёжларини ва манфаатларини қонди-ришга, шунингдек, бошқаларнинг худди шу каби томонларини ҳам ҳисобга олиш, шахсга билимларни ўзлаштириш, уддалаш ва маҳоратга эга бўлишга ёрдам бериш; ўз қадриятларини, кў-никма ва уддалашларини, ўзини англашни ривожлантириш; ўз йўлини топа олиш, ўз имкониятларини кўрсата олиш, ҳаётда ўз ўрнини топа олиш, ўзига ва бошқаларга бўлган муносабатни тушуниш, англаш ва идрок эта олиш, ижтимоий муаммоларга, гурӯҳ ва социумга тегишли эканлигини ҳис этишни ривожлан-тириш кабилар киради.

Инсонни ижтимоий тарбиялаш – бу унинг ilk дунёга ке-лиши билан бошланади. Инсон дунёга келибдики, у гўдакли-гидан бошлаб инстинктларига суюнган ҳолда атроф-мухитга мослашиб боради. Инсоннинг табиат ва жамият қоидаларига мослашиши, ижтимоийлашиб бориши ёшлигиданоқ ўргатиш-лар орқали юз беради. Ижтимоийлашув давомида инсон ўз

эҳтиёжларини аввал инстинктлар асосида, кейинчалик бунинг табиий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш тарзида, улардан қоникиш асосида амалга оширади.

Тарбияланиб бораётган бола атрофга мослашиб боради. Мослашиш бўйсуниш тарзида амалга ошади. Бола ўзини бошқалардан изоляция қилингандигини маълум бир ўзига нисбатан кагтароқ бўлган жараёнларга қўшилиш билан, шу бир бутуннинг бўлаги сифатида унга ўзини таққослаш орқали бўйсундириши, мослашишини кўрамиз. Шуни айтиш керакки, бўйсундириш ва хукмронлик қилиш ҳеч вақт қоникиш ҳиссини келтириб чиқармайди. Чунки, ҳар қандай бўйсуниш ва хукмронлик қилиш инсонга, болага етарли даражадаги мослашиш ва ўзига хосликни бера олмайди. Бу жараёнлар эса, боланинг бутун ҳаёти давомида юз беребориб, ўз ҳаётидан қоникмасликка олиб келади. Ўсиб бораётган болага нисбатан олиб борилаётган таълимда, унинг ижтимоийлашувида ўз эҳтиёжларини тўғри англашни тарбиялаб бориш унга мослашишни енгиллаштиради. Бу жараёнда фақат битта ҳис унинг эҳтиёжларини ва манфаатларини қондириши ва дунё билан бирлигини таъминлаши мумкин – бу унинг севгиси, муҳаббатидир. XX асрнинг йирик олимларидан бўлган Фромм шундай деб ёзади: «Севги – бу ўзининг «Мен»лигини бир бутун ҳолда, алоҳидаликда сақлаган ҳолда ким биландир ёки нима биландир қўшилиб кетишдир»<sup>1</sup>. Севги, муҳаббат инсоний ҳамдардлик, ҳамфирлиликда бўлиш ҳисси бўлиб, унинг универсум (умумийлик) билан бирлигини кўрсатади. Демак, психологик соглом ҳаётнинг зарур шарти – бу инсоннинг қандайдир шаклда мослашиши бўлиб, унинг натижаси севги, муҳаббат ҳисобланади. Муҳаббат инсонни яқин инсонлари билан бирлигини ва, шу билан бирга, унинг ўзига хослигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Бола тарбияланиш давомида унга берилаётган билимларни ўқитувчи, ота-она ва бошқа яқинлар томонидан уни бўйсундириш ва хукмини ўтказиш орқали амалга оширади.

<sup>1</sup> Фромм Э. Искусство любить. – М.: «AST Publishers», 1996.

экан, боладаги яқынларига бұлған меҳр ва мұхаббат уларни бу үргатилаётган амалларни үзлаштиришга, билишга, уддалашга олиб келади.

Шахснинг атроф-мухиттегі мослашиши унинг ижтимоий мавжудот бұлиб етишишини ривожлантиради. Ижтимоийлашиб бораётган инсон нафақат мослашиб боради, балки үзининг алохидә томонларини ҳам сақлаб қолишиңа эхтиёж сезади. Мослашиш – бу субъекттинг ва ижтимоий мұхиттинг бир-бирига нисбатан қарама-қарши фаоллигининг натижаси ва жараёнлари ҳисобланади (Ж.Пиаже, Р.Мертон). Бу инсонға нисбатан ижтимоий мұхиттинг талаби ва натижаларини күтиш ҳисобланади. Мослашиш реал мавжуд бұлған ижтимоий мұхит билан инсоннинг үзігі берган баһоси ва талабини үзаро келишишиңа олиб келдиган жараён ҳисобланади. Шундай қилиб, айтиш мүмкінки, мослашиш – бу индивидтің ижтимоий мавжудот бұлиб етишишининг натижаси ва жараёндір.

Шахс ижтимоийлашиб бориши давомида нафақат мослашиб боради, балки бир бутуннинг алохидә томони бұлиб колишиңа эхтиёж ҳам сезади. Алохидалиги – бу инсонни жамиятта автономлашиш жараёны ҳисобланади. Бу жараённинг натижаси – инсоннинг үз қарашларига зәға бұлиши ва қадриятларининг автоном бұлишиңа эхтиёжи; атрофдагиларга боғлиқ бұлмаган ҳолда үз меҳрига зәға бұлиш эхтиёжи (эмоционал автономия), унға тегишли бұлған масалаларни үзи мустақил равища ҳал қила олишиңа бұлған эхтиёжи, унинг ҳаёттій жараёнларига түсқинлик қылувчи ҳодисаларни, яғни үзини күрсата олишиңа, үз имкониятларидан тұла фойдалана олишиңа, үз ҳаётини үзи белгилашға түсқинлик қылувчи жараёнларга қарши кураша олиш қобиляти (хулқ-атвор автономиясы) киради. Шундай қилиб, инсоннинг алохидаликка интилиши – бу инсоннинг индивидуал бұлиши билан боғлиқ натижасы да жараёндір.

Шахснинг ижтимоийлашуви – бу унинг мослашиш йүли, инсонни тарбиялаш өткізу таълим бериш орқали уни жамият тарабларига мослаштириш жараёндір. Инсоннинг көнг маъ-

нода ижтимоийлашуви – бу индивиднинг хулқ-атвор намуналарини, ижтимоий меъёрлари ва қадриятларини жамиятда яшашлари учун зарур бўлган ўзлаштиришларидир.

Инсонни тарбиялаш, энг аввало, уни маълум бир хулқ-атворларга, жамиятда қабул қилинган меъёрларга, қадриятларга ўргатиш, билим беришдир. Хўш, ўргатиш нима ва у ўқитишдан нимаси билан фарқланади?

Ўргатиш бу индивидуал тажрибани ўзлаштириш ва унинг натижаларини эгаллаш жараёнидир. Ўргатиш масаласини биринчи маротаба америкалик олим Э.Л.Торндайк ва бошқалар фанга киритганлар. Ўргатиш ўқитишдан фарқли ўлароқ, инсон ўз хаёт фаолиятида тажрибаларни ўзлаштириши бўлиб, бунда у максадга йўналтирилган ва англашга қаратилган мотивлардир. Инсон ўргатиш орқали ҳар қандай тажриба, яъни билим, уддалаш, кўнишка, малакаларни ўзлаштиради. Ҳар қандай тажрибани ўзлаштириш каби ўргатиш материални англанмаган ҳолда тушунишиш ва уни мустаҳкамлаш (ихтиёrsиз хотира) жараёнидир.

Инсонда ўргатишнинг роли ва аҳамияти онтогенез жараёнида ўзгариб боради. Мактабгача даврда ўргатиш тажриба ортиришнинг асосий усули ҳисобланади, кейинчалик у иккинчи планга ўтади ва ўз ўрнини ўкишга, ўкув фаолиятига бўшатиб беради. Шу билан бирга, ўзининг аҳамиятини йўқотмайди.

Ўргатиш назарияси К.Ховланд ва унинг ходимлари томонидан ўрганилган. Бу назарияга асосан йўл-йўриқ худди бошқа одатлар каби ўрганилади. Одамлар ҳар хил муносабатлар ҳакидаги маълумот ва факторларни билиб борадилар. Улар, шунингдек, шу омиллар асосида ҳиссиётлар ва қадриятлар ҳакида ҳам билиб борадилар. Масалан, бола ҳар доим уйида кўрадиган тирик жоноворни ит деб аталишини ва у яхшилигини билиб боради. Охир-оқибат бола итни яхши кўриб келади. Бундан кўриш мумкинки, бола билимни, ҳиссиётни йўл-йўриқ орқали ўрганади. Бола, – дейди муаллиф, – уни билишга

хос бўлган механизм ва жараёнлар орқали ўрганиб боради. Бу шуни кўрсатадики, ўргатишнинг асосий жараёни йўл-йўрикни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак. Биз маълумотларни ва ҳиссиётни ассоциациялар орқали ўзлаштирамиз.

Одамлар бошқаларни хулқ-атворларини кузатиш орқали ҳам ўрганишлари мумкин. Бу бошқалар у ёки бу йўл-йўрикни ўз хатти-ҳаракатлари орқали кўрсатиши, индивид томонидан қабул қилиниши мумкин. Агарда буни ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар орқали кўриб чиқсан, бунда болалар ота-оналарнинг хулқ-атворларини кузатиш орқали уларга тақлид қиласидилар. Бу эса, уларни жазолаш ёки хулқ-атворларини мустаҳкамлашга олиб келади. Инсонлар имитация орқали ҳам кўп нарсаларни ўрганиб борадилар. Демак, одамлар ўрганишни ассоциациялар, мустаҳкамлашлар ёки имитациялар орқали ўзлаштириб борадилар.

Шахснинг ижтимоий шаклланиб бориши унинг онги, билими, малакаси, дунёқараши, ўзлигини таниши ва унга таъсир этадиган ташқи объектив омиллар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, бойиб ёки пессимизмга берилишига олиб келиши мумкин.

Дунёга инсон боласи биологик организм сифатида келади. Маълум вакт ўтгандан кейин у ўз эҳтиёжларига, манфаатларига, қизиқишларига, интилишларига, қадриятларига, мақсадларига ва бошқа инсонларга нисбатан муносабатларига эга одамга айланади. Инсон бу ҳолатларга ижтимоийлашув жараёни орқали эришади.

Ижтимоийлашув шундай ҳодисаки, бунда ўз «Мен»ини шакллантираётган индивид ўзига тегишли бўлган гуруҳнинг нормаларини ўзлаштириб бориб, ўзига хос қайтарилиш индивид сифатидаги шахсга айланади.

Инсоннинг ижтимоий шаклланиши мураккаб, серқирра ҳодиса бўлиб, ташқи муҳит таъсирида, шунингдек, маҳсус ташкил қилинган ва онгли тарзда йўналтириб туриладиган тарбиявий ишлар таъсирида амалга оширилади.

Инсоннинг ижтимоий шаклланиши, биринчидан, инсоният яратган маданиятни ўзлаштиришда, иккинчидан, ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда шахснинг шаклланишида, учинчидан, инсонлар билан нормал мулоқот килишида, тўртингидан, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом бўлишида амалга ошади.

Инсоннинг ижтимоий шаклланишида муҳитнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, бола тўғри тарбияланишида, ўз имкониятларини кўрсата олишида, гурухга тегишли бўлган қадриятларни ва меросларни ўзлаштиришида якқол кўзга ташланади.

Инсоннинг ижтимоийлашиб боришида муҳитнинг аҳамияти каттадир. Инсоннинг маълум бир муҳитда тарбияланиб бориши унинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади. Худди дарахтни эккандан кейин унга парвариш бериш каби, дунёга келган фарзандни тарбиялаш, билим бериш ва буларга шароит яратиб бериш, тўғри йўл-йўриклар орқали жамият учун, инсонни ўзи учун фойдали бўлган амалларни бажариш – бу ота-онанинг, тарбияловчи муассасаларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда, муҳитга шундай тушунча берамиз. Муҳит – бу индивиднинг шахс бўлиб бориши жараёнида унга ўз таъсирини кўрсата оладиган ва унинг шаклланиши учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқ бўлган омиллар бирлигидир. Инсоннинг ижтимоийлашувида унга таъсир этувчи ижтимоий омилларни ижтимоий муҳит деб юритилади. Ижтимоий муҳит – инсоннинг шаклланиши, яшаши ва ишлаши учун уни ўраб турган мөддий, маънавий ва ижтимоий шарт-шароитлар<sup>1</sup> ҳисобланади. Бу шароит инсоннинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ижтимоий муҳитни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода – бу макромуҳит бўлиб, унга умуман ижтимоий-иктисодий тизим, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий муносабатлар ва институтлар мажмуи, ижтимоий онг, жамият маданияти capability киради. Тор маънода эса, бу микромуҳит ҳисобланади.

<sup>1</sup> Фалсафа: комусий лугат. – Т.: «Шарқ», 2004. – 149-бет.

Микромухитга, бевосита, инсонни қуршаб турган оила, құни-қүшнилар, тенгдошлар, яқын қариндошлар, тарбия масканла-ри, меңнат жамоалари ва бошқа гурухлар киради. Макромухит ва микромухит үзаро таъсирда бўлади, үзгариб туради.

Мухит ҳақидаги фикрлар XVIII асрда француз олимни К.А. Гельвеций таълимотидан бошланган. Унинг таълимомтига кўра, ҳамма одамлар ақли ва ахлоқий тараққиёт учун туғилишиданоқ мутлақо бир хил табиий имкониятларга эга бўлганлар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ фақатгина мухит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, инсоннинг ижтимоийлашувида мухитнинг ўрни каттадир. Мухит – бу инсоннинг нерв-физиологик томонига ҳам боғликдир. Инсоннинг нерв-психологик томонлари унинг тузилиши ва мухитга мослашиши ҳам ҳар хиллигани кўрсатади. Инсонга керакли бўлган шароитларни яратсак-да, унинг нерв-психологик ҳолатлари шунга мос бўлмаса, яратилган шароитлар уни билимли, ахлоқли, малакали инсон бўлишига имкон бермайди. Шаркнинг буюк мутафаккирларидан бири Саъдий Шерозий шундай ёзади: «Бир вазирнинг тақасалтанг ўғли бор эди. Вазир ўғлини бир донишманднинг ҳузурига элтиб: «Шуни тарбия қил, шояд, ақли кириб, одам бўлса», деди. Донишманд вазирзодани узок муддат тарбия қилди, фойдаси бўлмади. Боланинг отасига бир одам орқали: «Ўғлинг одам бўлмади, мени ҳам ақлдан оздирди», – деб хабар қилди»<sup>2</sup>. Демак, айтиш керакки, инсонга берилаётган шароитлар унинг жисмоний, ақлий тараққиёт дарражасига, нерв-психологик тузилиши ва ривожланганлик дарражасига ҳам боғликдир.

Инсоннинг ижтимоий шаклланишида микросоциумнинг аҳамияти ва ўрни ўзгачадир. Микросоциум ижтимоийлашув

<sup>1</sup> В.А.Крутенский. Педагогик психология асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 1976. – 34-бет.

<sup>2</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. – Т.: Фаур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – 143-бет.

жараёнининг муҳим тушунчаларидан биридир. Микросоциумни белгилаш ҳар доим осон бўлмайди. Қишлоқ жойларида, кичик шаҳарларда унинг майдони шу жойнинг майдони билан белгиланади. Лекин ўрта ва катта шаҳарларда микросоциумни белгилаш анча қийин кечади.

Микросоциумнинг таъсир майдони шаҳарда – бу агар кичик бола бўлса, унинг яшаётган ҳовлиси, қўни-қўшилари, кўчаси билан белгиланади; кичик мактаб ёшидагилар учун маҳалла, мавзе билан, каттароқ ўшдаги болаларга микрорайон билан белгиланади. Одатда, микрорайон микросоциум сифатида қаралади.

Микросоциум – бу маълум бир майдонда таъсирга эга бўлиб, у ўзига оилани, тенгдошлар гурухини, ҳар хил ижтимоий, давлат, диний, хусусий, тарбияловчи ва назорат қилувчи органларни қамраб олувчи жараён ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг ҳар хил расмий бўлмаган гуруҳлари ҳам киради.

Микросоциум бир қанча характеристикага эга. Аниқ бир микросоциумнинг маконий харкатеристикаси – бу шаҳарда, шаҳарнинг у ёки бу чеккасида ёки унинг марказида жойлашган микрорайон ҳисобланади. Улар бир-бири билан ўзаро алоқада ва боғлиқликда бўлади. Микросоциумнинг архитектура – лойиҳалаш хусусияти: бунда унинг тарихий таркиб топганлиги, индустриал қурилишларнинг боғлиқлиги: биноларнинг кўп қаватлилиги ёки кам қаватлилиги, очиқ ва ёпик, биққиқлиги, сони, архитектурага хос қурилиши ва унинг миқдори кабилар ташкил этади. Бу таснифлардан микросоциумнинг функционал тизими, яъни болалар ва ўсмирларнинг ўйнаши билан боғлиқ бўлган ўйин майдонларининг борлиги ёки йўқлиги, у ёки бу гуруҳларнинг бўш вақтларини ўtkазишлари учун яратилган шароитлар.

Микросоциумнинг муҳим томонларидан бири – бу уйларнинг яхши таъмирланганлиги ва бу майдондаги коммунал ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги, сифати ва миқдори ҳисобланади.

Инсоннинг ижтимоийлашувига микросоциумнинг таъсири унинг маданий-маърифий имкониятлари, ўқув-тарбиявий мусассасаларнинг борлиги ва унинг яхши йўлга қўйилганлиги, сифати, яъни кинотеатрлар, клублар, спорт заллари, стадионлар, бассейнлар, кутубхоналар мавжудлиги ҳисобланади.

Инсоннинг ижтимоийлашувида педагогик социология ўрганадиган муҳим тушунчалардан бири – бу микромухит ҳисобланади. Буни биз юқорида таҳлил қилган кўпгина тушунчалар ёрдамида ҳам билиб олдик. Микромухит ўзининг тизимиға эга тушунчадир. Инсоннинг ижтимоийлашувига, тарбияланиб боришига энг яқин таъсир этувчи омил – бу микромухит ҳисобланади. Микромухит тизимнинг энг муҳим омили – бу бола тарбияланадиган оиласидир.

Оила – бу никоҳга ёки қон-қариндошчилик ришталарига асосланган (ота-она ва болалар), умумий турмуш тарзига эга бўлган, ўзаро ахлоқий жавобгарликка ва ўзаро ёрдамга асосланган кичик гуруҳдир. Шуни таъкидлаш жоизки, оила бу икки жинснинг ўзаро эмоционал кечинмаларидан келиб чиқсан ҳолда табиий эҳтиёжларни қондириш асосида янги бир авлодни вужудга келтирадиган ва ҳукуқий асосга, албатта, эга бўлиши керак бўлган, келажак авлодни тарбиялаб бориш давомида жамиятга фойдали бўлган янги бир инсонни тарбиялаш ўчоги ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдик, оила инсоннинг ижтимоийлашви шаклланишига таъсир этувчи микромухитнинг асосий тушунчаси ҳисобланади. Оила ижтимоий зарурат. Оила ва никоҳнинг моҳияти – бу авлод қолдиришдир. Оила – бу кишиларнинг табиий – биологик, иқтисодий, ҳукуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиқдир. Оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, ўзаро иқтисодий, мулкий, ҳукуқий, ахлоқий, эстетик, психологик ва ҳоказо алоқаларда бўлади.

Ҳозирги вақтда оиланинг бир қанча параллел кўринишлари мавжуд. Бу патриархат ёки анъанавий, болаларни марказга

қўйувчи ёки ҳозирги замон оиласи ва Ғарбдаги бошка оилалар кўриниши. Оила билан боғлик ҳозирги Ғарб мамлакатларида кўпгина муаммолар мавжуд. Булар шуни кўрсатадики, оилавий муносабатлар ҳозирда сусайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, инсоннинг ривожланишида салбий роль ўйнайди.

Ҳозирда инсоннинг ижтимоийлашувида оила, ўз уйи тушунчалари педагогик социологияда муҳим манба ҳисобланади. Оиланинг муҳим вазифаларидан бири – бу ўз уйи тушунчаси бўлиб, бунда ота-оналар томонидан болага яратиб бериладиган қулайликлар, улар томонидан бериладиган меҳр ва уларни яхши кўриш ҳисобланади. Оиланинг яшаш жойи бола учун энг қулай ва ўзини ҳимояланган деб билиш масканидир. Бола ўзи учун оилада қулайликлар борлигини ҳис этиши, эмоционал жараёнларда ўзини шу жойда ҳимояланганлигини сезиши, уни ҳеч ким безовта қилмаслиги, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама қулайлиги боланинг ўз уйига боғланиб боришига, доимо унга талпинишига олиб келади.

Бизга маълумки, оиладаги ҳар бир инсон учун керакли шароитлар яратилади. Дейлик, ҳар бир оила аъзосининг ўзига ажратилган – овқатланадиган, дам оладиган алоҳида хонаси, ўтирадиган ўрни, хуллас, ҳамма алоҳида томони бўлади. Бу эса, бола ўзи якка колгиси келганда ёки ўзига тегишли нарсаларни алоҳида ажратиб қўя оладиган маскани борлиги билан кўзга ташланади. Бу боланинг ўз уйи, ўз ўрни, ўзига тегишли бўлган алоҳида жойи борлигини кўрсатади. Оилада боланинг ўз эҳтиёжларини қондириш билан боғлик бўлган талаблари тўла қондирилади. Болада қониқиш, хурсанд бўлиш ҳисси кўзга ташланади. Бола оиласида бошқа ерларга қараганда ўзини жуда қулай сезади. Бу қулайлик унда ўз уйи тушунчаси шакланишига сабаб бўлади.

Микромуҳит таркибига оила, ўз уйи тушунчаларидан ташқари қўни-қўшничилик ҳам киради. Қўни-қўшничилик – бу майдон жиҳатидан яқин жойда яшовчи кишилар гуруҳи

хисобланади, дейлик, кўп қаватли уйларда бир подъездда, маҳаллаларда ёнма-ён яшовчи, индивидуал қурилган уйларда истиқомат қилаётган қишилар хисобланади.

Бу жамоанинг маълум бир шахслараро муносабатлар, ўзи яшаётган жойга нисбатан муносабат (ўзининг ва бошқаларнинг майдонига нисбатан), баъзан умумий мақсад ва биргалиқдаги фаолият (тартибга эътибор бериш, уй атрофидаги жойларни тозалашга биргаликда жавоб бериш ва ш.к.) билан характерланади.

Бу мавзуда тадқиқот ишларини олиб борган тадқиқотчилар қўшни – бу «энг яқин бегонадир»; маконий яқин, маънавий узок; у дўст ҳам эмас, қаринош ҳам эмас, деб баҳо берадилар. Бу жараён катта ёшдаги одамларга нисбатан олинган. Умуман олганда, қўшнилар ўртасида яхши дўстлар ҳам топилади. Болаларга нисбатан қўни-қўшни – бу унинг тенгдошлари орқали бўлади. Қўни-қўшнилар ўртасида яхши муносабат яқин дўстлар, ака-укалар тарзида, ҳатто севимлилар, яъни оила қуришга олиб келувчи ҳолатлар ҳам содир бўлади. Кўриниб турибдикি, қўни-қўшничилик инсоннинг ижтимоийлашувида у ёки бу даражада катта роль ўйнайди.

Инсоннинг ижтимоийлашувида тенгдошлар гурухи ҳам катта таъсирга эга бўлиб, микромухитнинг энг асосий тушунчаларидан хисобланади. Тенгдошлар бу ёши жиҳатидан тенг бўлган ёшлар гурухи, деб тушунилади. Албатта, бундай бўлиш керакдек хисобланади. Лекин бу тушунча ижтимоий ҳаётда бундан кўра бошқачароқ бўлади. Тенгдошлар гурухи – бу, албатта, тенг ёшдагилар бўлиши шарт эмас. Бу гурухга ёши жиҳатидан ҳар хил бўлган, лекин қизиқишлари, қадриятлари бир бўлган, шунингдек, маълум бир ҳолатларда ҳам ўз дунёқарашлари билан мос келадиган ва ўзининг «МЕН» лиги билан бошқалардан ажralиб турадиган гурухлар киради. Педагогик социология тенгдошлар тушунчаси орқали боланинг ўсиб бораётган мухитини, унинг даражасини, тенгдошларнинг бола

тарбияланишига. боладаги ўзига хосликни ва унга тенгдошли-  
ри орқали таъсир эта олиш каби кўплаб масалаларни текши-  
риб боради.

Инсон ижтимоийлашувига, юқорида айтиб ўтганимиздек, тенгдошлар, кўни-кўшнилар, оила, мактаб ва бошқа микро-  
муҳит каби дин ҳам ўзининг таъсирини ўтказади. Дин инсо-  
ният тарихий тараққиёти давомида ҳар доим инсон билан ён-  
ма-ён мавжуд бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётида ўз таъсирига  
эга бўлган. Диний муҳит ҳам инсон тарбиясига ўз таъсирини  
ҳар доим ўтказиб турган. Дин бу инсон онгининг шаклларидан  
бири бўлиб, ижтимоий онг, ижтимоий гурух, шахс ёрдамида  
реал борлик билан муносабатда бўлади ва инсоннинг ижтимо-  
ийлашувидаги муҳит сифатида унга таъсир этади.

Инсоннинг ижтимоийлашиб боришида диний билимлар, кўникма, малакалар оиласи, тенгдошлари, кўни-кўшнилари ва бошқа ижтимоий гурухлар орқали ўз таъсирини ўтказиб тура-  
ди. Бу орттирилган билимлар бола тарбиясида, унинг шакл-  
ланишида ўз таъсирини ўтказади. Диний муҳит боланинг ке-  
лажакда қандай бўлиб шаклланишига таъсир этувчи асосий  
омиллардан бири ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ижтимоийлашувда оммавий ахборот воситаларининг ўрни  
ва аҳамияти жуда катта бўлиб, уни инсоннинг ижтимоийла-  
шувида муҳитга таъсири ўзига хос даражада эканлиги кўзга  
ташланади. Оммавий ахборот воситалари – бу матбуот, телерадио,  
интернет ва ҳоказолар бўлиб, бола шаклланишидаги  
ижтимоий фикрга, ижтимоий-психологик иклимга ўз таъсири-  
ни кўрсатиб, бола ривожланаётган иклимининг қандай бўлиши-  
ни белгилаб беради.

Инсоннинг ижтимоийлашувида педагогик социологиянинг  
яна бир тушунчаси – «тарбия макони» муҳим аҳамиятга эга.  
Тарбия макони – бу унинг ўрганаётган, малака олаётган, би-

<sup>1</sup> Карап: Абдураҳмонов Ф.Р., Абдураҳмонова З.А. Дин психологияси. – Т.:  
ЎзФА Фалсафа ва хукуқ институти, 2011.

лимли бўлиб бораётган, меҳнат килаётган макони ҳисобланади. Инсон тарақкий қилиб ўзгариб боргани сари уни тарбияловчи маконлар кўпайиб боради. Тарбия макони – бу оила, мактабгача тарбия масканлари, мактаб, лицей, колледж, олийгоҳ ва бошқалар ҳисобланади.

Педагогик социологияда «муҳитни педагоглаштириш» тушунчаси ҳам мавжуддир. Муҳитни педагоглаштириш, деганда биз инсонни тарбияловчи тарбия маконини тушунамиз, яъни бола тарбия топаётган маконни педагогик жараёнлар билан тўлдириб боришни англаймиз. Педагогикага хос масалалар муҳит билан боғлиқ ҳолда мавжуддир. Болага маълум бир шарт-шароит яратиш орқали унинг хулк-авторини, ўзлаштириб бораётган малакаларини, билимларини бошқариш, ўзининг шаклланишида тарбиявий ишларни амалга оширишини мақсад қилиб кўяди. Бола ҳар бир хатти-харакатини бошқараётганда тарбияга хос бўлган муҳитни яратиш юқорида санаб ўтилган микромуҳитга кирувчи жараёнларнинг асосий фаллияти ҳисобланади.

Муҳитни педагоглаштириш тушунчаси – бу тарбияловчи омилларнинг, яъни ота-она ва бошқаларнинг педагогика асосларини яхши билишлари билан боғлиқдир. Ота-она ўз боласини тўғри тарбиялаши учун ўзлари бу соҳада саводли бўлишлари зарур, яъни ўзларидан олдин ўтган буюк педагогларнинг билимларидан, урф-одатлардан, анъаналардан хабардор бўлишлари ва унга амал қилишлари зарурдир.

Таълим ва тарбия ҳақида Ўзбекистоннинг машҳур философларидан бири, академик Э. Юсупов шундай деб таъриф беради: «Тарбия – инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимиdir. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга ҳунар ўргатиш, билим беришдир»<sup>1</sup>. Ота-она ўз оиласида катта бўлиб бораётган фарзандларини тарбиялашга

<sup>1</sup> Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет» 1998. – 118-бет.

керак бўлган оилавий мухитни яратиб, жамият ва ўзлари учун яхши бўлган инсонни тарбиялаб борадилар. Яхши инсон – бу ўз-ўзидан шаклланмайди, балки ҳаётй малакалар, оиласадаги яхши мухит, яшаш давомида тарбияловчи муассасаларнинг таъсирида вужудга келади.

Ўзбекистонда ёшларни тўгри тарбиялаш, уларга керак бўлган шароитни яратиб бериш билан боғлиқ кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг педагогика фани шаклланишига кенг йўл очилди, мустақил ўзбек халқи педагогикаси шаклланиб келмоқда. Мустақиллик даврида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ўзликни англаш, ўз маънавий-маърифий қадриятларини чуқур идрок этиш ва халққа етказиш, ёшларни Ватанга, халққа муҳаббат руҳида тарбиялашда улкан ишлар амалга оширилди ва ошириб келинмоқда.

Халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда, давлат томонидан узоқни мўлжаллаб ишлаб чиқилган маҳсус дастурлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши узлуксиз таълим тизими ни шаклланитиришда мухим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда педагогика фани шаклланиши учун керак бўлган жуда кўп амалий ва назарий имкониятлар етилиб келди. Авлодлардан қолган меросларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз бунга тарихий шароитни яратиб берган бўлса, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар унинг янада тарақкий этиши учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Ҳамма тарбия ва таълим билан bogлиқ ишлар шу ўлкада яшаётган инсонларнинг ўзлигини нечоғлиқ англаганида кўзга ташланади. Маълумки, «Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг таҳминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни ташкил этади»<sup>1</sup>. Кўриниб туриб-

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизни модеринизация килиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – 163-бет.

дики, таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимзининг тақдирини ҳал қиласиган куч ёшлардир. Бу ёшларнинг тарбияси учун барча имкониятлар эшиги очиб қўйилган. Уларнинг тўғри тарбияланишлари ва имонли бўлиб шаклланишлари ўз қўлларида ҳисобланади.

1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги Конун (янги таҳрирда) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан сўнг республикамиз бутун таълим тизимида тубдан ислоҳ қилишнинг аниқ стратегик дастурига эга бўлди. Педагогикани ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш ҳақида Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004–2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши, 2004 йил 21 майда «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши миллий таълим ривожида янги тарихий босқични бошлаб берди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-хунарга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда<sup>1</sup>. Ўзбекистонда педагогика фанини ривожлантириш учун барча имкониятлар вужудга келтирилмоқда. Куйида узлуксиз таълим тизими акс эттирилган схемани кўришимиз мумкин.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаронлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 48-бет.



Кўйида ҳозирги вақтда касб-хунар коллекларида ва академик лицейларда таҳсил олаётган талабалар сони кўрсатилган, уларни тарбиялаш учун керак бўлган жами педагогик асослар яратилган.

Касб-хунар коллеклари	Академик лицейлар
1394 та	142 та
1 миллион 517 минг 266 нафар ўкувчи таҳсил олмоқда	109 минг 871 нафар ўкувчи таҳсил олмоқда

Ҳозирда бу коллек ва академик лицейларда педагогика билан шугулланаётган ўқитувчиларнинг сони кўйидагича: умумий педагоглар сони 113 431 нафар, улардан олий маълумотлари 103 812 нафар, ўрта маҳсус маълумотлари 9 619 нафар. 2010–2011-ўкув йили учун ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун чоп этилган дарсликлар ва ўкув қўлланмалар 327

номда, 464 877 нусхада чоп этилган. Буларнинг ҳаммаси педагогика фани амалий жиҳатдан тараккий этишига шароит яратиб берадиган асосий омиллар ҳисобланади.

Педагогик социология фани педагогларнинг сони билан бирга уларни тайёрлаш даражасининг сифати билан, педагогларни тайёрлашга берилаётган эътиборлар билан ҳам қизиқиб боради. Бизга маълумки, жамият педагогларни тайёрлашда барча имкониятларни бериб келмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, педагогларнинг ўзларини англаганлик даражалари ва ўз касбига содиқлиги каби ҳолатлар ҳам таълим ва тарбияга ўз таъсирини кўрсатади. Ўқитувчилар малакаларини ошириш билан боғлиқ институтлар ва уларда яратилаётган шароитлар ҳам уларнинг сифатини ўстиришга хизмат қилиб келмоқда.

## **ОИЛА ПЕДАГОГИК СОЦИОЛОГИЯНИ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА**

Социология оилани муҳим ижтимоий институт сифатида ўрганади. Бу жамиятнинг энг қадимий институтларидан бири ҳисобланади. Социология оилани никоҳга асосланган ва маълум бир функцияларни бажарувчи ижтимоий институт сифатида таҳдил қиласди. Оила ва никоҳ социологияси оила-га тегишли бўлган ижтимоий муносабатларни ўрганади. Оила социологияси қуйидагиларни ўз ичига олади: оиланинг тузилиши ва сонини белгиловчи омиллар; оиланинг ижтимоий ҳаёт тармоқлари ва бошқа ижтимоий жамоалар билан алоқаси; оиланинг ижтимоий институт ва психологик гурухлар сифатидаги ижтимоий вазифалари ва хусусиятлари; никоҳ ва ажралишнинг сабаблари; оилани ривожлантиришнинг ижтимоий ва психологик омиллари; оилада пайдо бўладиган ва олдини олиш мумкин бўлган зиддиятлар; оила интеграцияси ва де-зинтеграцияси; оила-никоҳ муносабатларининг тарихий шакл ва кўринишлари; оиланинг келажаги ва тараққиётини. Оила

ҳакида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай дейди: «Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиласиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади»<sup>1</sup>.

Оила – ижтимоий заруратдир. Оила жамиятнинг шакллашиши билан ижтимоий институт сифатида пайдо бўлган. Борлиқдаги барча тирик мавжудот борки, улар жуфтликда яшапи ҳаётий қонуниятдир. Оиланинг энг асосий вазифаси – бу авлод қолдириш ҳисобланади. Оилага қисқача таъриф берсак – бу кишиларнинг табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиқдир. Оила ўз тизими жиҳатидан бир-биридан фарқланиб турувчи ижтимоий жараёндир. Оила никоҳга нисбатан мураккаброқ муносабат тизими бўлиб, унда эр ва хотиндан ташқари уларнинг болаларини, яқин қариндошларини бирлаштиради. Никоҳ – бу эркак билан аёлнинг тарихан таркиб топган, жамият томонидан муайян тартибга солинган ўзаро муносабатлари шаклидир.

Фан тарихида оила масаласи билан кўплаб инсонлар шуғулланишган. Оила жамиятнинг асоси, кичик гурӯҳ сифатида жамиятдаги ижтимоий институт, деб белгиланади. Лекин, педагогик социологияда оила биргалиқдаги ҳаёт кечириш асосида болалар тарбиясига таъсир этувчи муҳитни яратувчи омил сифатида олинади. Оилага социологик, педагогик, психологик, фалсафий ва бошқа йўсиндаги ёндашибилар мавжуд. Оилага педагогик социологияга асосланган таъриф берадиган бўлсак, уни куйидагича белгилаш мумкин бўлади. Оила – бу бирга-

<sup>1</sup> «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёргу келажагимизнинг асосий омилидир». Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси:// Халқ сўзи. 2013 йил 7 декабрь.

ликдаги ҳаёт кечириш билан боғлиқ бўлган макон бўлиб, унда фарзандлар тараккиёти учун керак бўлган муҳит, шароитлар имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда яратилувчи ижтимоий жараёндир.

Оиласа оила психологи бўлган Г.Навайтис шундай таъриф беради: «Оила – бу оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондирувчи ўзига хос гуруҳдир». Педагогик социология ҳам оилани ўрганиш давомида унинг аъзоларини ўз эҳтиёжларини қондира бориб, ўз ривожанишлари учун имконият яратиб берувчи макон, деб ҳисоблайди.

Психолог В.Дружинин оилани таҳлил қилишни икки шарт асосида ёндашган ҳолда амалга ошириш мумкин, деб кўрсатади:

1. Меъёрдаги ва аномал оилалар.
2. Идеал ва реал оилалар.

Меъёрдаги оила – бу бола тарбиясига, оиладаги ҳаёт жараёнига яхши имкониятлар яратиб беришга асосланган оила кўринишидир. Бу ерда оиласа ота жавоб беради ва жавобгардир. Бундан ташқари, кўринишга эга бўлган оила турларини В.Дружинин аномал оилалар деб ҳисоблаган.

«Идеал оила» – бу оиланинг нормаларга асосланган кўриниши бўлиб, унда маданият ва, асосан, диний нормалар ва кўпчилик томонидан қабул қилинган қадриятларга асосланган оила типи, деб қаралади. Реал оила – бу ҳозирда мавжуд бўлган ва тадқиқотлар олиб бориш мумкин бўлган оила тури ҳисобланади. Педагогик социология ўз тадқиқотларида оиланинг айнан шу томонларига эътибор беради. Оиладаги муҳитнинг яратилишида мана шу типдаги оилаларнинг роли каттадир.

Ота-она ва болалардан ҳамда болалар ота-онанинг қарамоғида бўлган оилани нуклеар оила деб аталади. Кенг қонқариндошлиқ оиласи (бобоси ва бувиси, ота-она, ака-укалар ва опа-сингиллар, набиралар ва ш.к.) биргалиқда ҳаёт кечиришлари билан боғлиқ. Ота-онадан бирортаси йўқ бўлган оила – **тўлиқсиз оила** ҳисобланади. Оила яна қуйидаги-

ча кўринишларга эга бўлади. Эр ва хотиндан иборат оила – бу моногам оила, агарда эркакнинг бир қанча хотинлари бўлса, бундай оилани – полигин оила, аксинча, аёлнинг бир қанча эрлари бўлса – полиандр оила деб юритилади.

Деярли барча жамиятларда оила қуриш ўзига хос синовларда, текширишларда бўлади. Оила қуришга жиддий тайёргарлик кўриш – бу оила қурувчиларни келажакда биргаликда хўжалик ишлари ва болалар тарбиясини олиб боришлари билан боғлиқ ҳисобланади. Оилани ижтимоий маъқулланган хулқатвор намунаси сифатида икки кишининг бирлигини кўрсатувчи оила сифатида белгилаш мумкин. Оила қуриш – бу фақат болаларни дунёга келтириш эмас, балки унинг бошқа жуда кўп мажбуриятлари ҳам борлигини эсдан чиқармаслик керак бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир жамият ўзининг хусусий хулқатвор намуналаридан келиб чиқсан ҳолда оила муносабатларини шакллантиради ва бу унинг ижтимоий-тарихий тараққиётидан келиб чиқсан ҳолда юз беради.

Оила қуришнинг малакаларидан кўплаб қирраларини на-муна сифатида кўрсатиш мумкин. Дейлик, айрим давлатларда оила қураётган кишилар келишилган ҳолда, бир-бирларини кўрмасдан оила қуришлари одат қилинган. Уларнинг бир-бирига ёқиши ёки уларнинг ҳиссиётлари билан ҳеч ким қизиқмайди ҳам. Бизнинг жамиятда турмуш қурувчилар романтик кечин-малар асосида, яъни ўзаро севги туфайли турмуш қурадилар. Лекин Хитойда ва Японияда ота-онанинг розилигисиз турмушга чиқиши ғалати ҳодиса ҳисобланади, Ўзбекистонда ҳам шундай. Лекин Ғарбнинг таъсири остида бу ерда ҳам шундай воқеалар бўлиб туради. Бундай ҳолатларни ўзбошимча, анъана-наларга, урф-одатларга бўйсунмаган ёшлар қиласи. Шарқда ҳам севги мавжуд, лекин бу севги Ғарбдаги севгидан тубдан фарқ қиласи. Бу ерда севги ўзига хос бўлиб, очик-ошкора севги изҳор қилинмайди ва севишини одамларга маълум қилишга андиша қилишади. Ғарбдагидек ҳамманинг олдида севишини кўрсатмайди. Севигига нисбатан Шарқ халқларида масъулият

юқори бўлиб, бу унинг урф-одатларида ва анъаналарида, ички масъулиятли жавобгарлигига кўзга ташланади. Иффатли ва уятли бўлган ва шу аснода тарбияланган ёшлар ўзларини шарманда бўлиб қолишдан сактайтилар. Лекин, ҳозирда Ғарбнинг Шарққа ноодатий маданияти кириб келиши ёшларни улардан ўрнак олишларига хизмат қилмоқда. Эндиликда ёшлар Ғарб ёшлари каби кўча-кўйда, ҳамманинг кўз ўнгидаги қучоқлашиб, ўпишиб ўз севгисини изҳор қилмоқдалар ва турмуш қургандан кейин тезда ажралишиб ҳам кетмоқдалар. Севги – бу икки ёшнинг бир-бирига ишончи, олдига қўйган масъулияти, ота ва она ниятларининг рӯёбга чиқиши, ўз орзу ва умидлари, шунингдек, ота ва оналарининг фарзандларидан кўрадиган оқибати, умиди ҳисобланади. Кўриниб турибдики, ота-она ўз фарзандларини умид билан катта қилиб, улардан яхши инсонларни тарбиялаб, эл-юргида раҳмат сўзини эшитишни ният қилади.

Ўзбек халқини қадимдан оила қуриш билан боғлиқ урф одат ва анъаналари мавжудки, инсонлар йиллар давомида унга амал қилиб келмоқдалар. Оиласидаги тарбия ўсиб келаётган ёшларга катта масъулиятни юклайди. Уларни шу анъаналарга риоя қилишини талаб қилади. Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Оила қуришнинг ўзига хос тартиб ва қонунлари ҳар бир жамиятда ўзгача кўринишга эга. Дейлик, оила қуришнинг экзогамия кўриниши. Ҳар бир жамият оила қуришда ўз жуфтими кичик гуруҳдан эмас, балки кенгроқ ҳолатга суюнган ҳолда танлаши мумкин. Бизнинг жамиятда қон-қариндошлар ўргасидаги никоҳ ман қилинади, яъни ўз синглисига ёки яқинроқ қариндошига уйланиш мумкин эмас. Ҳаётда эса, бунга қарши ҳолатлар ҳам учраб туради, яъни ўзига яқин бўлган гуруҳ аъзоларига уйланиш. Дейлик, амакисининг, холасининг, тоғасининг қизига. Булардан туғиладиган фарзандлар қон яқинлиги учун носоғлом туғилиши мумкин. Бундай оиласаларни эндоғамия, деб юритилади.

Бундан ташқари, оила қуришнинг моногам ва полигам кўринишлари ҳам мавжуд. Бунда битта эркак иккинчи аёлга уйланиши назарда тутилади ва улар бошқа эр ва хотинга эга бўлмайдилар. Бу моногам оила ҳисобланади. Бундан ташқари, полигам оилалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг кўриниши қўйидагичадир. Бир эркак ёки аёл бир қанча эркакка ва аёлга уйланиши назарда тутилади. Назарий жихатдан полигам оиланинг учта кўриниши мавжуд. Биринчиси гурухий турмуш, бунда бир қанча эркак ва бир қанча аёл биргаликда оила қуриши. Ҳозирда бундай оилалар Маркиз оролларида учрайди ва бунинг акси бир аёл бир қанча эркак билан оила қурса, полияндрия оиласи ҳисобланади. Бундай оилалар Ҳиндистон ва Тибетда учрайди. Бунинг сабаби, у ерда аёлларга нисбатан эркакларнинг жуда кўплиги ҳисобланади. Полигам оилаларнинг кўпроқ учрайдиган кўриниши полигин оилалар ҳисобланади, яъни битта эркак бир қанча аёлга уйланиши мумкин. Ҳозирда айрим давлатларда бундай уйланишга рухсат ҳам берилган. Дунёнинг ривожланиб бориши одамларда ўзига хос тарзда оилаларнинг ўзгаришига, эркак ва аёлларнинг ўрни ўзгаришига ҳам олиб келмоқда. Инсонлардаги ижтимоий муносабатлар, уларнинг тарбияланishiiga таъсир этаётган мухит, оиладаги ва инсонга берилган эркинлик Ғарб мамлакатларида оиланинг бузғунчилик билан bogliq kўrinishlari юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу бир жинсли кишиларнинг ўзаро оила қуриши ҳисобланади. Уларда бола кўриш асосий эҳтиёж бўлмай, балки ўз жинсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган муносабатлар ётади. Бу, албатта, инсоният олдида турган жуда катта талафот ҳисобланиб, бунга имконият берәётган давлатлар эса, нотуғри хатти-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Инсоннинг табиатан икки жинсга бўлиниши – бу уларнинг ўз вазифаларини адо этишлари билан bogliq жараёндир. Врач-психолог Фрейд айтганидек, инсондаги жинсий оғиш уларнинг девиант ҳолатини кўрсатади. Биз бунга дунё миқёсида жуда кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Булар

оила эмас, балки инсониятни иикирозга олиб борувчи, унинг тугашига сабаб бўлувчи ҳолат ҳисобланади. Инсоният бунинг сабабини ўрганиши ва ҳар бир жинсдан ўзига хос бўлган ролларни ўнаши кераклигини тарбиялаб бориши зарур. Шарқда оила куриш билан боғлиқ тадқиқот ишларини Абу Райхон Беруний ўз асрларида, Ибн Сино эса тиббиётга хос томонларини кўрсатиб берганлар. Оилада шахс тарбияланиб борар экан, тўгри тарбияга яшаётган мухит жуда катта таъсирга эга. Шунинг учун ҳам Шарқнинг тарбия билимлари ўзининг кучлилиги билан ажралиб туради. Ўғил болалар ва қиз болалар тарбияси Шарқда ўзига хос тарзда олиб борилган. Буни биз «Авесто»да ҳам учратамиз. Оиланинг ўзига хос вазифалари болаларни тўғри тарбиялашга ва ундаги мухитни яратишга имконият беради. Чунки, болалар оилада тарбия топар эканлар, уларга бериладиган биринчи малака, билимлар айнан оилада, унинг вазифалари шаклида берилади.

Оиланинг қуйидаги вазифалари мавжуд:

- репродуктив, фарзанд кўриш билан боғлиқ;
- тарбияловчи, оиласа хос бўлган хусусият, шахснинг ижтимоийлашуви;
- иқтисодий-хўжалик – бу уй хўжалиги ишлари, иқтисод килган ҳолда таъминлаш, хусусий мулкни йигиши ва уларни авлодларга қолдириш қабиларни қамраб олади;
- бўш вақтни ўtkазиш – бу жараёнда маънавий ва эмоционал-психологик мулоқотдан қониқиши ҳосил қилиниши;
- бошқариш ва биринчи ижтимоий назорат;
- ижтимоий статуслик;
- ишлаб чиқариш, бу касбий гурухларга ўтади.

Оила масаласи билан бир неча фанлар шуғулланади ҳамда унга социологияда кўпгина таърифлар ва таҳлиллар берилган.

Хозирги замон социологияси тараққиётининг асосий хусусияти – бу социологик плюрализм ҳисобланади, яъни жуда кўп йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу йўналишлар ўртасида аҳамиятли бўлган мактаблар бу неопозитивистик

функционализм, конфликт назарияси, феминизм ва символли интеракционализм ҳисобланади. Биз шу йұналишларда оила социологиясінің күришінде қаралат қыламыз.

Тизимли – функционал йұналиш социология назариясіда етакчи үрин әгаллады. Бу О.Конт, Э.Дюркгейм ва М.Вебер классик позитивизминиң үзіда сингдирған йұналиштар. Функционализмнинг етакчи намояндалари – бу П.Сарокин, Р.Мертон, Т.Парсонслар ҳисобланади. Функционализм тарафдорлари оиланы унинг функцияларидан ёки ижтимоий әхтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қыладылар. Функционалистик оила назариясіда асосий ақамият оила функциясынинг охирги иккі юз иили ичидеги үзгаришларга қаратылады. Шу үтгандардың ишида оила саноат ишлаб чиқариши тараққиеті билан боғлық ҳолда биргаликта мәхнат қилиши кооперативлігидан бегоналашганини улар күрсатып үтадылар. Оила аъзолары уйдан ташқарыда мәхнат қила бошладылар. Бунда оиланың статусы үйқолиб борди. Оммавий таълим олишнинг татбиқ қилиниши оиласы боланинг ижтимоийлашуви вазифасини үзгартырды. Оила билан биргә боланинг ижтимоийлаштириш агентлары сони күпайды.

Функционализм нұқтаи назаридан оила – бу жамияттің үзгартымас, мустақам элементтері. Үзининг вазифалары билан бир бутун ҳолда жамият билан боғлық жараёндір.

Т.Парсонс ижтимоий тизим, шунингдек, оила ҳам тұртта асосий вазифаны үтайды, дейді. Биринчisi – адаптация (мослашиш). Ҳар қандай тизим ташқи ёки ички үзгаришларға мослашады. Иккінчи – умумий вазифа мақсаднан әгаллаш билан боғлық. Тизим құйилған мақсаднан белгилайды ва үнга эришады. Бу функция тизими үз-үзининг ривожини таъминлады. Учинчі интеграцион вазифа – бунда у үзининг барча компонентларини ва вазифаларини үзаро боғлады. Охирги тұрттың вазифа – бу намунани сақлаб қолиш ҳисобланади. Ҳар қандай ижтимоий қодисаларнинг үзгаришлари ҳам жамиятта бор бўлган меросларни сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун үзини

сақлаш ва хулқ-атвор намуналари, маданият принциплари ва кадриягларини келажак авлодга етказиши мухим ҳисобланади. Бу вазифа оилани маданият аньаналари, урф-одатларини авлоддан-авлодга етказиб берувчи ва уларнинг онгига сингдирувчи агент қилиб қўяди. Оилани ижтимоий тизим сифатида шундай ташкил қилиш керакки, у бошқа тизимлар билан кўшилиб кетиши лозим. Т. Парсонснинг классификацияси схемасига асосан, биринчи ўринда, қон-қариндошликтлик тизими, жинсий муносабатлардаги назорат ва ижтимоийлашув туради.

Қон-қариндошилик феномени – бу универсал ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. У биологик қон-қариндошилик муносабатлари бўлиб, жинсига, ёшига қараб характерланади. Қон-қариндошилик универсал, ўзгармас боғлиқликда ва жинсий муносабатларни тартибга солувчи, болалар ҳақида ғамхўрлик қилувчи бирлиқдир. Қон-қариндошилик муносабатлари ўзгармайди ва узоқ давом этадиган характерга эгадир.

Зиддиятлар назарияси тарафдорлари кўпроқ оила аъзолари, оила ва жамият ўртасидаги конфликтларни ўрганишга эътибор беради. Оилада ички муносабатларда, моддий бойликларни тақсимлашда манфаатлар тўкнашуви вужудга келади. Зиддиятлар назариясига асосан, оила курашлар майдонига айланади. Оиладаги моддий воситаларни тақсимлашда, шунингдек, уй-хўжалик ишларини тақсимлашда ва болаларни тарбиялашда шундай зиддиятлар келиб чиқади. Зиддиятлар назарияси намояндаларининг фикрича, зиддиятлар – бу интеграциянинг ўзгармас акс томонидир. Улардан қочиш мумкин эмас. Келишмовчиликни шундай ҳал қилиш керакки, натижада тизим бузилмаслигига олиб келиш керак. Оилавий зиддиятларни еча олишлик – оилавий иттифоқнинг ҳаётий имкониятларини кўрсатади. Акс ҳолда, зиддият оиладаги тинчлик бузилишига, охир-оқибат ажralишга олиб келади.

Оила ўзини зиддиятлар баланси орқали кўрсатади. Зиддият назарияси оила социологиясига оиладаги хукмронлик тушунчасини киритади. Оилада хукмронлик қилиш механизмини

тахлил қилиш Э. Фромм томонидан ишлаб чиқилган шахснинг авторитар концепциясига асосланади. Оилада агрессивлик ҳисснинг кўпайиб бориши, уни қоникишини ўз хукмронлиги туфайли вужудга келтиради. Бундай оила аъзоларидан бир кишининг хукмронлиги, бошқаларнинг устидан тўла хукмронликни вужудга келтиради ва ўз иродасини уларга ўтказади. Шуни ҳам айтиш жойзки, бир киши оиласи бошқаришига йўл қўймаслик, керак бўлса, ўз иродасини қўрсатмаслик ҳам оилада парокандаликни, ўзбилармонликни вужудга келтиради. Бундай оилалар ҳам йўқ эмас. Бундай оилаларнинг бўлиши оиладаги оила бошлиғи бўлмаслиги, ҳар бир оила аъзосининг ўзича бўлишига ва тарбияланишига йўл ҳам қўймайди. Оиладаги ҳукмронлик ҳам, оиладаги моддий бойликларни тақсимлаш ҳам, оиладаги маънавий муносабатлар ҳам Шарқ оиласида меъёрларга асосланади. Меъёр йўқ жойда оилаларда парокандалик ўзбошимчалик содир бўлади. Шунинг учун ҳам ёшлар оила қуришда икки томон ҳам ўз олдидаги масъулиятни сезиши, ўз вазифаларини тўла адо этиши, меъёрий муносабатларга роия қилиши зарур ҳисобланади.

Бундай оилавий зиддиятларни ўрганиш оила социологиясинг жинсий ролларни ўрганишига олиб келади. Бундан кўпгина феминистик жинс назарияси келиб чиқади. Феминистик парадигма – бу эркак ва аёлларнинг имкониятларини тенг кўради. Феминистика биологик ва ижтимоий жинсни ажратади. Биологик жинс – бу эркаклар ва аёлларнинг биологик фарқини кўрсатади. Организмнинг вазифалари эркакларда ва аёлларда деярли бир хил бўлади. Бу репродуктив вазифалардан кескин фарқ қиласи.

Ижтимоий жинс эркак ва аёлнинг хулқ-атвор нормаларининг ижтимоий роллари ва ижтимоий статусидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади. Ижтимоий жинс тарихий ўзгарувчан ва мадданий муҳит билан боғлиқ ҳолда фарқланади. Феминизмнинг асосий гояси – аёлнинг ижтимоий статусини янгилаш зарурати билан bogлиқdir. Тенгсизликка асосланган жамиятнинг йўқо-

лишини, эркакларнинг хокимлик қилувчи монополияси йўқо лиши керак, деб кўрсатади. Бу феминизмга тегишли кўплаб муаммоларни кўриб чиқиш мумкин. Лекин ҳаётда учрайдиган кўплаб воқеалар борки, аёллар ўз вазифаларини бажариб, эркаклар билан тенг ва ўз хукуқларининг эгалари бўлиб бормоқдалар. Айрим ҳолларда, эркаклардан ҳам устунлик қилишга эришган аёллар мавжудdir. Ҳаётда меъёрлар асосида олиб борилган муносабатлар ҳар доим икки жинснинг тенглигини асослаб берган.

Тўртингчى йўналиш – бу символлик инракционизм бўлиб, у шахснинг хулқ-авторини ўрганади. Интеракция – бу ўзаро таъсир ҳисобланади ва у социология ва педагогик социологиянинг муҳим тушунчасидир. Интеракционизм назариясининг асосчиси Герберт Мид жамиятни ва унинг компонентларини инсонларнинг хулқ-авторлари орқали ўрганилса бўлади, деб кўрсатади.

Шахснинг ҳар қандай ҳаракати жамиятда кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатда қабул қилинган символлар, белгилар асосида юз беради. Инсон ҳар доим символлар «Ойнасига» қараб туради. Аниқ символлар бўлган баҳолаш, ахлоқий қадриятлар, хулқ-автор актини белгилайди. Интеракционизм – бу аслида социологик назария бўлиб, унинг асосчиси Жорж Герберт Мид ҳисобланади. Унинг қарашлари таъсирида Теодор Сарбиннинг роллар назарияси, Г.Хайман ва Роберт Мертоннинг референт групкалар назарияси, Ф.Гофманнинг ижтимоий драматургия назариялари шаклланди. Символлик интеракционизм назариясининг тарихи Д.Г.Мид ишлаб чиқкан рефлексслик тушунчаси билан боғлиқ. Символлик интеракционизм – бу ўзлик ва жамият ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этишдир. Демак, оиласвий муносабатларда ҳам бу назариянинг аҳамияти ва ўрни катта ҳисобланади. Символлик интеракционизм на-мояндлари турли ижтимоий шароитлардаги хулқ-авторларни тушунтириш орқали шахс ижтимоий психологик сифатларининг сабабларини топишга ҳаракат қилади. Ҳар бир шахс дои-

мо ижтимоий ўзаро таъсир тизимида мавжуд бўладики, унда у тўгри харакатланиш учун ўзгаларни тушунишга харакат қилиши. ўзгалар ролини кабул килишга тайёр бўлиши лозим. Лекин ўзгалар ролини тўгри қабул килиш учун унда «умумлаштирилган ўзга» образи бўлиши лозимки, бу образ шахслараро мулоқот жараёнида, ҳар бир шахс учун ибратли бўлган кишилар гурухи билан мулоқотда бўлиш жараёнида шаклланади. Яъни, шахс фаоллиги тан олинади. Бу санаб ўтилган йўналишлар оилани социологик ўрганиш, таҳлил қилиш натижалари асосида шакллангандир. Бизга маълумки, оиланинг шаклланишига жуда кўп омиллар таъсир этади. Жамиятни, шахсни ва оилани ўрганиш орқали инсоннинг ижтимоийлашиб боришининг ўзига хос томонларини ҳам ўрганиш мумкин бўлади.

Бола ижтимоийлашувида ва тарбияланишида микрофактор сифатида оиланинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Айниқса, оиласидаги ижтимоий-психологик мухит, ижтимоий-педагогик ҳолат бола шаклланишига, тарбияланишига, таълим олишига, касб танлашига, жамиятда ўз ўрнини топа олишига катта таъсир этади.

Оила – бу ижтимоий институт, жамиятнинг асоси, кичик гурух сифатида қон-қариндошларнинг биргаликдаги яшаши ва турмуши ҳисобланади. Лекин оилани тушунишга психологик ёндашиш (дейлик, социологик, иқтисодий ёндашишларга) нисбатан ўзига хослиги билан ажralиб туради. Бундай ёндашиш оиланинг қон-қариндошлик муносабатларида бўлувчи ва унинг ичida ўзига хос маҳсус эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган маконда биргаликда ҳаёт фаялиятини кечириши сифатида қарапади. Бу оила макони ўзига хос мураккаб тузилишга эга бўлган ҳар хил элементлар (роллар, позициялар ва б. ш.к.) ва унинг аъзолари ўргасида юз берадиган мулоқотлардан иборатдир. Оилани психологик жараён сифатида таҳлил қилган айрим психологлар унга кичик гурух сифатида ёндашишни тавсия этадилар.

Оила – бу ўз аъзолари эҳтиёжларини қондирувчи гурух. Эҳтиёжлар аниқ инсонларнинг ўзига хос мулоқотлари асосида қондирилади. Оилавий мулоқотнинг ўзига хос томони ҳар хил эҳтиёжларни қондириш ҳисобланади.

Бу эҳтиёжлар ўзига хос ҳолда, нобёб тарзда муваффакиятли қондирилади. Оиладаги асосий ўзига хос ўзаро муносабатларнинг хусусияти – ҳар хил эҳтиёжларни бирлаштирган ҳолда қондиришдир.

1. Оила билан боғлик бўлган эҳтиёжларни қондириш учун оиладаги ўйналадиган ролларнинг тизими тузилади.

2. Оила тизими ва оила вазифалари қонуний тарзда ривожланади.

3. Оилага бериладиган психологияк маслаҳатлар эҳтиёжларнинг келишилган ҳолда қондирилишига ёрдам беради.

Оила – бу эҳтиёжларни қондириш билан боғлик бўлган ижтимоий-психологияк жараёндир. Оилада мавжуд бўлган энг муҳим муносабатлар оила аъзоларининг ўз эҳтиёжларини қондиришда юз берадиган ўзаро мулоқот ва унинг натижалари ҳисобланади. Оиладаги ижтимоий-психологияк ҳолат ва жараёнларга оиладан ташқарида ва унинг ичидаги содир бўлаётган ҳодисалар ўз таъсирини кўрсатади.

Оилада бола ижтимоийлашувига ва тарбияланишига таъсир этадиган психологик жараён – бу оила ичидаги содир бўладиган ўзаро муносабат ҳисобланади. Оилада содир бўладиган ички мулоқот – бу, авваламбор, турмуш ўртоқлар ўртасидаги ўзаро йўлга қўйилган мулоқот ҳисобланади. Турмуш ўртоқлар ўртасида ўзаро тушунишга асосланган мулоқот келажак авлод бўлган болаларнинг ижтимоийлашувига ва тарбияланишига яхши таъсир этади. Биз биламизки, оилада мавжуд бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, ахлоқий, эстетик муносабатлар ҳам бола тарбиясига ўз таъсирини ўтказади ва оилада қулай ижтимоий-психологияк ҳолатни вужудга келтиради. Оиладаги ўзаро мулоқотда қулай ижтимоий-психологияк ҳолатдан ташқари оила да юз берувчи ҳар хил зиддиятли, стресс ҳолатлари ҳам содир

бұлиб туради. Бу зиддиятлар юқорида айтиб үтилганидек, инсоннинг эхтиёжлари ва манфаатлари асосида вужудга келадиган жараён ҳисобланади.

Оила – бу кичик гурух сифатида ҳар хил эхтиёжларни қондиришга интилаётган, үз манфаатларига эга бўлган шахслар бирлиги ҳисобланади ва у ердаги психологик, ижтимоий-психологик шароитлар боланинг ижтимоийлашувига ва тарбиялашишига таъсир этади. Оилани ижтимоий-психологик жараён сифатида психология фани кенг ўрганади ва ўзига хос хуносалар қиласди.

Оиланинг тузилиши ва унинг аъзолари ҳар бир халқда ўзига хос тарзда бўлади ва шаклланади. Оила бу урф-одатлар, анъаналар, диний тарбияга мос ва хос ҳолда шаклланади. Шунинг учун Фарб оиласи ва ундаги психологик жараёнлар, Шарқ оиласи ва ундаги психологик жараёнлар бир-биридан фарқланади. Бу оиладаги ўзаро муносабатларда, ота-онага бўлган муносабатларда, ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабатларда, улар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, оқибат, манфаатларни қондиришда, мол-мулкка бўлган муносабатларда, бу муносабатлардаги инсонга хос характеристнинг намоён бўлишида, ўзига хос темпераментлар кўзга ташланишини кўрамиз. Оилада инсоннинг ижтимоийлашви ва тарбиясида унга хос бўлган анатомик-физиологик тузилиш ва оиладаги муносабат, берилаётган таълим-тарбиядан келиб чиқсан ҳолда болада маълум рухий-психологик жараёнлар ривож топиб боради. Оила ижтимоий-психологик жараёнлар асосида шаклланиб, бола тарбияси учун керакли бўлган муҳитни яратиб бериши мумкин бўлган жараён ҳисобланади. Оиладаги ижтимоий-психологик муҳит тарбияланыётган шахсга ўз таъсирини кўрсатиб, уни келажакда қандай инсон бўлишини белгилаб беради. Бу жараённи оиладаги ижтимоий педагогик тарбиясиз тушуниб ҳам бўлмайди. Бу икки жараён бир-бирини тўлдирган ҳолда боланинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсатади.

Оилани ижтимоий педагогик тарбиянинг асоси, деб кўрсатсанак хато бўлмайди. Чунки оилада бола тарбияси, унинг ижтимоийлашиб бориши учун керак бўлган шароитлар яратилиши, педагогикага хос амалий ишларнинг олиб борилиши оиланинг бола тарбиясидаги асосий звенолардан бири эканлигини кўрсатади.

Оиланинг инсон тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти тұғрисида Президент И.А.Каримов алоҳида тұхталиб, қуидаги фикрларни айтган эди: «Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайтуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялашга интилиш бизнинг миллий хусусиятимизdir.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг баҳту саодати, фазлу камолотини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила мухитида яшайди. Оиласа хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар боланинг зуваласини шакллантиради.

Энг мухими, фарзанд оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис қилади»<sup>1</sup>.

Бу фикрлардан кўриниб турибдики, фарзандларга яхши тарбия бериш оилада ота-онанинг бурчи, уларнинг савобли ишлари ортиб, охиратларини обод қилувчи омилдир. Оилада инсон тарбияланиб борар экан, унга урф-одатлар, анъаналар, мерослар асосида таълим ва тарбия бериб борилади. Ота-она ўз боласига тарбия беришда педагогикага хос бўлган барча усуллардан фойдаланади ва уларнинг жамиятга хос бўлган инсон сифатида ижтимоийлашиб боришига имконият яратиб беради. Оилада ота-она педагогик дидактикага хос бўлган усуллардан фойдаланади, яъни уларга тушунтиради, уларда тарбияга хос билимларни ўзлаштиришлари учун кўникмалар, малакалар ҳосил қилади, уларнинг дунёқараашларини, қобилияtlарини шакллантириш учун ҳар хил усуллардан: ҳикоялар, эртаклар, сұхбатлар, биргаликда меҳнат қилиш, рағбатлантириш, тушун-

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Баркамол авлод орзузи. – Т.: «Шарқ», 2000. – 8-бет.

тириш, огохлантириш, назорат қилиш, керак бўлса, жазолаш орқали тарбиялаб боради. Ота-она биргаликда ўз фарзандларини эзгу ниятлар ва яхшиликлар тилаб тарбиялайди. Ота-оналар ва авлодларимизнинг эзгу нияти барча даврларда ҳам фарзандларига яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касб-хунарли қилиш, ўглини уйлаб, кизини куёвга чиқариб, уйли-жойли қилиш, уларнинг тарбиясидан, ахлоқ ва одобидан келадиган мақтovлардан фаҳрланиш туйгусини сезиш ҳисобланади. Кўриниб турибдики, оила бу ижтимоий педагогик ҳодиса ҳам ҳисобланади. У жамият билан боғланган ҳолда жамият талабларига жавоб бера оладиган ёшларни тарбиялаб боради. Оилада ижтимоий педагогик муҳитни яратиш ва болага таълим-тарбия бериш оиланинг асосини ташкил этувчи ота-оналар зиммасидаги вазифалар қаторига киради.

Оиладаги ижтимоий педагогик жараёнларда ахлоқий-психологик ва хўжалик турмуши йўналишлари ҳам муҳим жараён ҳисобланади. Оилада болалар тарбиясига берилаётган билимлар ахлоқий психологик хусусиятларга ҳам эга. Ёшларга ахлоқ, одоб ҳақида билимлар бериб бориб, уларни умумахлоқий ва миллатга хос бўлган ахлоқ-одоб ҳам ўргатиб борилади. Ахлоқнинг психологик жараёнлардан ажратиб бўлмайди. Чунки инсоннинг ҳар бир ҳаракати – бу руҳий ҳолатлар билан bogлиқ бўлади.

Инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида ахлоқий меъёrlарни синовлардан ўтказган ҳолда ўз ҳаёт жараёнига татбиқ килиб келган. Ахлоқ – бу арабча сўз бўлиб, хулқнинг кўплиги, деган маънони билдиради, юонончада эса *у moralis* – яъни хулқ-автор маъносида ишлатилади. Ахлоқ – бу кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-автори, юриш-туришининг, ижтимоий шахсий ҳаётидаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. Ахлоқ жамиятда турли вазифаларни бажаради: 1) кишилар орасидаги турли муносабатларни

мувофиқлаштиради; 2) кишилар фаолиятининг инсонпарвар қадриялари ва мўлжалларини белгилаб беради; 3) шахсни ижтимоийлаштиради. Ушбу вазифаларни бажаар экан, ахлоқ зарурийлик, ақлига мувофиқлик ва умуминсонийлик намуналарини намоён этади<sup>1</sup>.

Ахлоқий меъёрлар узоқ тарихий тажрибалар асосида шаклланиб, инсонлар ўртасидаги муносабатларни муштараклаштириб, тартибга солиб туради. Шуни ҳам айтиш керакки, даврлар ўтиши билан ахлоқий фазилатларнинг муайян кўринишларига бўлган муносабатлар ҳам ўзгариб боради. Ўз даврида катта аҳамиятга эга бўлган, янги шароитларда ҳам инсон камолотига, жамият тараққиётига ижобий таъсир эта оладиган ахлоқ нормаларигина қадрият бўла олади. Барча даврларда инсонлар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва психологик мезонлар асосида бошқарилган. Шарқ ҳалқларида, жумладан, ўзбекларда инсоний муносабатлар асосида, биринчи навбатда, ахлоқ ётади. Кишилар жамият ҳаётидаги барча муносабатларда муайян ахлоқий қадриятларга ёндашадилар. Иймон, инсоф, ҳалоллик, ҳаромдан, бироннинг ҳақидан қўрқиши, меҳр-муруватлилик, раҳм-шафқатлилик, оқибатлилик, андишалик, шарм-ҳаёлилик, дўстлик каби ахлоқий жараёнлар, биринчи навбатда, ахлоқий-психологик қадриятлардир.

Ўзбекнинг уйига бегона киши келса, у бирданига айрим ҳалқлардагидек, нима учун келганини эмас, балки ҳол-аҳволини, бола-чақасининг тинчлигини сўраб, уйнинг тўрига ўтқазиб, кўлига бир пиёла чой беради, шундан кейингина нима учун келганини ўзига хос тарзда иффат билан сўрайди. Бу ҳам ўзига хос ўзбекона ахлоқнинг бир кўринишидир. Ахлоқ инсоннинг аниқ бир шароитда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил ижтимоий-психологик баҳо бериши, уларга нисбатан ўз психологик кечинмаларидан келиб чиқиб муносабат билдиришидир. Ахлоқ йўқ жойда инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат етук ахлоқ заминидагина инсонларда ҳаётнинг

<sup>1</sup> Фалсафа: қомусий лугат. – Т.: «Шарқ», 2004. – 40-бет.

мазмунни, мақсади, жамият олдидаги бурчи, масъулияти, баҳт, диёнат. яхшилик, ёмонлик, ёвузлик, ҳақлик ва ноҳақлик нисбатан муайян муносабат шаклланади. Шуни ҳам белгилаш керакки, кундалик ҳаётда ахлоқ қонунларига риоя қилиш – бу одобдир. Одоб ахлоқий фазилатлар инсоннинг кундалик фаолиятига сингиб бораётганлигини кўрсатувчи мезондир. Демак, одоб – бу жамият қабул қиласан ахлоқ нормаларини инсон фаолиятида, хатти-ҳаракатида, муомала ва мулоқотида намоён бўлишидир.

Ахлоқда инсон психологияси ўз аксини топади. Ахлоқи яхши бўлган инсон ҳеч вақт ёмонлик қила олмайди, чунки унинг руҳиятидаги меъёрлар бунга йўл қўймади. Шундай бўлганда ҳам унинг қалбини жуда қаттиқ ўқинч, алам ва қайгу босади. Охир-оқибат у ўзининг хатосини тан олиб, бош эгиб боради. Шундай бўлмаслиги учун инсон ҳар доим ўзининг тўғрилиги, имонлилигини сақлашга интилади. Бу жараён инсон ахлоқий руҳиятининг асосий мезони бўлиб туради, яъни имони сифатида кўзга ташланади.

Бизга маълумки, оилада бу муносабатлардан ташқари, хўжалик ишлари ҳам мавжудки, бу жараёнда оила аъзоларининг ҳаммаси иштирок этадилар. Бу жараён ҳам оиланинг қайси миллатга тааллуклилигидан келиб чиқсан ҳолда юз беради. Оилада унинг ҳар бир аъзосининг ўзига хос ва мос тарзда вазифалари тақсимланади ва уни бажариш шарт қилиб қўйилади. Оилада аёлларга хос бўлган ишларни кўпроқ аёллар бажаради ва эркакларга хос бўлган ишларни эса эркаклар бажаради. Шунга қарамай, ҳозирда оиладаги меҳнатнинг тақсимланишида ўзига хос бўлган меҳнат тақсимланишлари ҳам мавжуддир. Оиладаги меҳнат тақсимоти ҳам ахлоқий муносабатлар билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Оиладаги ахлоқ ва одоб хатти-ҳаракатлари, меҳнат тақсимоти, уй хўжалик ишлари, уларни бажариш даражалари билан чамбарчас боғлиқ жараёндир. Айрим оилаларда бунга бўлган муносабатлар ҳам ўзига хос тарзда содир бўлади. Бу ўринда бир мисол келтирамиз. «1979

Йилда Тошкентга Москвадан таникли бир олим келган эди, – деб баён этади академик Э. Юсупов. – У биринчи куниёк кў болали ўзбек оиласидаги ҳаётни кўришга қизиқаётганини айтди. Олдиндан огоҳлантирмай, кўп фарзандли бир дўстимнинг уйига бордик. Болалари дарров қўл ювгани сув олиб келди, бири чой келтирди, бири дўконга кетди. Ҳамма болалар бир иш билан банд эди. Фарзандлари отасини қанчалик хурмат киляётганини, гапига қулоқ солаётганини кўриб, меҳмон хайрон бўлиб қолди. «Менинг бир набирам бор, унга тўрт киши қараймиз. Шундай инжиқки, битта гапимизни ҳам қулоғига олмайди, бизга ўз сўзини ўтказишга харакат қилади»<sup>1</sup>, – деди у. Албатта, бу ерда болага нотуғри тарбия берганлик унинг асосий сабаби ҳисобланади. Лекин Европа ҳалқларида болаларни тарбиялашда жуда кўп эркинликлар бериб юборилгани, уларни тарбиялашда ёмон ахлоқлар вужудга келишига сабаб бўлган. Бу оиласарда ота-онага бўлган муносабат боланинг ёшлигиданоқ ўзгача эканлигини, катта бўлганда эса, уларга бўлган муносабатларда кўзга ташланадиган кўплаб носоғлом, ахлоққа зид жараёнларни ҳам кузатиш мумкин. Дейлик, қариган чоғида ота-онасини ташлаб кетиш, уларнинг ҳолидан хабар олмаслик, ўз ҳаётини ўзи қурган ҳолда, ота-она билан ҳисоблашмаслик каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ғарб оиласи ўзининг тузилиши жиҳатидан Шарқ оиласидан фарқ қилади. Ғарбда оиласинг таназзулга учраши билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Оиладаги ижтимоий ахлоқий, ахлоқий-психологик муносабатлар ҳақида гап кетганда Ғарб мамлакатларида оила институтининг инқирозини кўрсатиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Ғарб ўзидаги номақбул ахлоқий ҳаракатлари туфайли бошка мамлакатлар маънавиятига ҳам ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларида Ғарб мамлакатларида содир бўлган маданий инқироз эр, хотин ва болаларни оила-

<sup>1</sup> Э. Юсупов., У. Юсупов. Оила – маънавият булоги. – Т.: «ЎАЖБНТ» маркази 2003. – 65-бет.

вий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оиласа бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чикарди. Бундай вазият вужудга келишида ўтган асрнинг бошларида аксарият Ғарб мамлакатларида шаклланган ва бугунги кунга келиб гоят кучли ижтимоий ҳаракатга айланган феминизмнинг «хизмати» катта бўлган<sup>1</sup>. Ғарбдаги оила институтининг инқирози инсоннинг ижтимоийлашувига ва тарбиясига жуда катта зиён етказиб келмоқда. Оиладаги ахлоқий муносабатлар ҳар бир оила аъзосининг асрлар давомида синалиб келган қадриятлари билан, авлодларнинг келажак авлодларга тўғри муносабатларини амалга ошириш учун берган билимлари билан боғлиқдир. Оила – бу жамиятнинг биринчи ғиштчаси, унинг асосини ташкил этувчи мухим таркибий қисми ҳисобланади. Оилада келажак авлодлар тарбияланади. Оилани бу қадар бузишга интилиш инсониятта, унинг қадриятларига хиёнат килиш ҳисобланади. Ҳамма фанлар учун методологик фан ҳисобланган фалсафа инсон ҳаётида ҳам меъёр бўлишини, акс ҳолда, бу муносабатларнинг бузилиши инсоният учун катта талафотлар келтиришини кўрсатиб беради.

Оила – бу муқаддас ва уни бузишга бўлган ҳаракат, у қандай кўринишига эга бўлмасин, инсониятта ва келажак авлодга ёмонлик тилаш ҳисобланади. Оиладаги ахлоқий психологик жараёнларда мутаносиблик бўлмас экан, бундай жамиятда инқироз бўлиши аниқ ҳисобланади. Оиладаги эр ва хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги ахлоқий психологик жараёнларда меъёрий муносабатлар бўлмас экан, бундай оилалар ҳам ҳар доим зиддиятларга тўла оила бўлиб қолади.

Оилада бола тарбияси билан шуғулланишда инсонга жуда кўплаб ўзига хос бўлган иқтидор керак бўлади. Шулардан бири – бу унинг ақли ҳисобланади. Ақл ахлоқ ва одоб билан диалектик бирлиқда бўлгандагина инсон боласининг ижтимоийлашуви ва тарбияси яхши кечади.

<sup>1</sup> Б. Умаров, Ш. Жабборов. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. – Т., 2011. – 143-бет.

Оилада юз берадиган муносабатлар ўзига хос ҳолда «горизонтал» ва «вертикал» ҳолда бўлади. Бу, авваламбор, ота-она ўртасидаги ҳар хил кўринишдаги муносабатлар бўлиб, уни горизонтал муносабат сифатида кўриш мумкин. Оиладаги бундай муносабат ўзининг аҳамияти жиҳатидан оиланинг асосини ташкил этувчиларнинг муносабати ҳисобланади. Бу муносабат бола ижтимоийлашувига таъсир этувчи мухитнинг асосини ташкил этади. Ота-она ўртасидаги тўғри йўлга қўйилган ва ўзаро ҳурмат асосидаги муносабат оилада бола тарбиясига яратиладиган яхши шароитнинг асосини ташкил этиб, педагогик социология ўрганадиган мухитнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ота-она оиланинг асоси, унинг устуни ҳисобланади. Тарбияланаётган фарзандлар ҳар доим ўз ота-оналарига қараб турадилар ва улар ўртасидаги муносабатдан келиб чиқиб, ўз муносабатларини шакллантирадилар. Яна шуни ҳам айтиш керакки, шарқона оила билан ғарбона оила ўртасида маълум фарқлар мавжуддир.

Оиладаги «вертикал» муносабатлар эса, бу ота-она ва фарзандлар ўртасидаги, шунингдек, фарзандларнинг ўзаро муносабатларини, мураккаб оилаларда эса, катта авлод билан кичик авлод ўртасидаги муносабатларни ўзига қамраб олади. Вертикал – бу ота-она томонидан болага таъсир этувчи авлодлар ва ота-онанинг болаларга, уларнинг, яъни болаларнинг ўзаро бўладиган мулоқотлари ҳисобланади. «Вертикал» ва «горизонтал» муносабатлар оиласидан мухит яратилишига ўз таъсирини кўрсатади.

Бизга маълумки, оилада содир бўладиган муносабатлар ўзига хос ҳолда юз беради. Бу оилаларда турлича бўлади. Дейлик, оилада содир бўлувчи муносабатларнинг қуидагича томонларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ҳамкорлик, тенг ҳукуклилик, мусобақа, рақобат кабиларга ажратилиши мумкин. Оиладаги бу каби томонларни кўпгина психолог олимлар ўргангандар. Улар бу мавзуни ўзларича ёндашган ҳолда тушунтириб берганлар.

Оилавий тарбиянинг муҳим шарти – бу ота-она ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги ўзига хос ёндашишлар ҳисобланади. Бундай оилавий ўзаро муносабатларнинг еттига ёндашувини В.И.Андреев кўрсатиб беради. Буларга куйидаги-лар киради:

1. Биргаликдаги ижод – ўзаро муносабатларнинг идеал ва-рианти, бунда аҳамиятга эга бўлган оилавий масалаларни ўза-ро муҳокама қилиб, биргаликда ижодий ҳал қилиш назарда тутилади.

2. Ҳамкорлик – бундай ўзаро муносабатга ўзаро ёрдам ва ўзаро бир-бирини кўллаш киради.

3. Тенг ҳукуқлилик, яъни оиланинг ҳамма аъзоларининг манфаатларига мос бўлган тенглик.

4. Боглиқ бўлмаган ўзаро муносабат – бунда оиланинг ҳар бир аъзоси бошқасига боғлиқ бўлмаган ва уларни ҳурмат қил-ган ҳолда содир этадиган хатти-харакат.

5. Рақобат – бунда оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан им-кониятларнинг кўпроқ бўлишига интилиш.

6. Зиддиятли – оилавий муносабатлардаги ҳар қандай қабул қилинган қарор зиддиятларга олиб келади.

7. Авторитар – бу ота-она ва болалар ўртасидаги муносабат-ларда ота-онанинг бола иродасини ўзига бўйсундиришга қара-тилган ўзаро муносабат.

Бу юқорида кўрсатилган тасниф бошқа олимлар томонидан ҳам таърифлаб берилган. Ҳақиқатан ҳам, ота-она ва болалар ўртасида содир бўладиган муносабат ўзига хос ҳолда ҳар бир оилада қайтарилемас жараён сифатида юз беради. Айниқса, бу бозор муносабатларига ўтиш даврида ўзига хос жараён сифа-тида такрорланиб боради. Шундай оилалар борки, улар фақат тижорат ва пул топиш илинжида ўз фарзандларининг тар-биясига умуман қарамай қўйганлар. Бойлиқ ҳамма нарсани ҳал қиласи, дегувчилар ҳам топилади. Бола тарбияси ё кўча билан, ё бирор инсоннинг таъсири билан боғланиб қолади. Бо-лага керак бўлган ота-она меҳри эса, болаларга берилмайди.

Булар кейинчалик ўз ота-оналарига меҳрсиз, оқибатсиз бўлиб катта бўладилар. Оиладаги юқорида санаб ўтилган муносабатлар эса, боланинг тарбияланишига жуда катта таъсири этувчи муҳитни вужудга келтиради. Педагогик социология фани айнан оиладаги шундай муҳитни ўрганиш орқали бола тарбиясига унинг таъсирини таҳлил қилиб боради.

Оиладаги муносабатларда яна бир муҳим жараён – бу боланинг эмансипацияси хисобланади. Эмансипация – озодлик, қутулиш деган маънони билдиради. Шуни айтиш керакки, мактабни ижтимоийлаштирувчи функциясига эмансипация киради. Боладаги эмансипация функцияси ота-она ва қавму қариндошлар таъсиридан озод бўлиш хисобланади. Бу вазифа болани шахсларро муносабат тизимиға кириб қолиши билан ва бунда унга мустақил бўлишидаги талабларнинг ошиб бориши билан шаклланади. Бола эмансипациясининг юз бериши жуда кўп омиллар билан боғлиқ бўлади. Булар, энг аввало, унинг кузатишлари, малакалари ва билим олишлари орқали дунёқарашининг бойиб бориши, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларининг кенгайиши; ижтимоий муносабатларда, яъни оиладаги, мактабдаги, маҳалла ва дўстлари ўртасидаги муносабатларда ўз мустақил фикрига, дунёқарашига эга бўлишга интилишида; ўсиб бориши билан ундаги физиологик ўзгаришларнинг содир бўлиши ва ўзини катталар билан таққослаш, ўзини катталардек тутишга интилиши билан; оиласда буюрилган ишларни ва мактабдаги амалий ишларни бажаришда ўз билимларига суюниши, орттирган малакаларини синаб бориши билан ҳам боғлиқдир. Болада бир маротаба мустақил бажарилган иш уни янада бошқа ишларни бажаришга ва ўз эҳтиёж, манфатларини қондиришга бўлган талабнинг ортиб боришига олиб келади. Бола ўз мустақиллигини англайди ва мустақил бўлиш, мустақил фикрлаш, мустақил қарорлар қабул қилиш, ҳаётда ота-онасидан алоҳида мустақил равишда амалий ишларни бажариш учун интилади. Боладаги ўз мустақиллигини ажратиб олиш ва шу билан бирга ота-она ҳурматини сақлаш, ўзини

катта одамлардек тутиш ва бошқаларни ҳам унга худди катталардек муносабат қилишини хоҳлаши унинг учун жуда зарур бўлган жараён ҳисобланади. У оиласадаги мухит унга шундай имкониятни бериши учун курашади.

Бола ўз ота-онасининг иссиқ бағрида бўлиш билан бирга, унга мустакил бўлган инсонга нисбатан қилинадиган муносабатда бўлишларини хоҳлайди. Боладаги эмансипация – бу оиласдан кечиб кетиш эмас, балки уни катта инсондек кўришларини, унга маслаҳат билан мурожаат қилишларини, унинг фикрлари билан ҳисоблашишларини хоҳлашдан келиб чиқади. Бу холатда болада руҳий-психологик жараёнлар ўзгаради, ўзини катталардек тутиб, оиласий масалалар ҳал қилинаётганда унинг фикрига ҳам эътибор беришларини талаб қилиб боради.

Оиланинг яна бир мухим жиҳати – бу ота-онанинг биргаликдаги обрўси ва улар ўртасида юз берадиган ўзаро алоқа ҳисобланади. Бола тарбиясида бу жараён бола учун шароит, мухитни ташкил этади. Яхши намунали оиласдан, албатта, яхши тарбия топган шахс ўсиб чиқади. Бунга, албатта, ота-она намуна бўлади ва улар орттирган обрў тарбия учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Биз биламизки, обрў кишининг тутган иши ва яхши хислатлари туфайли жамоатчилик қошида топган эътибори, ҳурмати, нуфузи ҳисобланади. Ота-она ҳам жамоа эътиборига тушган ҳолда, оиласи обрўйини кўтариш учун, оиласининг шаъни ва ҳурматини сақлаш учун биргаликда хизмат қиласиди. Бу эса, оиланинг ҳар бир аъзосидан, айниқса, ота-оналардан масъулият талаб қиласиди. Оилаларнинг тузилишидан келиб чиқсан ҳолда оила аъзолари ўз меҳнат жойларида, маҳалла ва ўз яшаш жойида атрофдагиларнинг эътиборига тушадилар.

Ота-она орттирган обрў, ўз навбатида, фарзандлар тарбиясига, таълимига таъсир ўтказиши аниқ бир жараёндир. Шу билан бирга, ота-онанинг ёмон хулқлари атрофдагиларга ўз таъсирини ўтказиш билан улар ҳақида ёмон таассурот ҳам қолдиради. Бу эса, бола тарбиясига ўз таъсирини ўтказади. Ҳаёт жараёни

давомида ҳозирги вактда инсонлар ўргасида обрўга, хурматга эътибор бермайдиган. фақат ўзим бўлай дейдиган оиласалар ҳам йўқ эмас. Бундай инсонларда на фарзанд тарбиясига, на фарзанд тақдирига эътибор берилади. Ўз навбатида, бундай оиласаларда тарбия топган фарзандлар учун ахлоқий нормалар, бирорвга нисбатан ҳурмат ҳам йўқолади. Бундай тарбия топгандлар учун фақат ўзи ва ўз ҳурмати бўлиши керак. Шундай инсонлар ҳақида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор Э. Юсупов шундай ёзади: «Айрим ҳолларда ёш болаларни ота-онасига ташлаб, майшат, молу дунё излаб бошқа юртларга кетиб қолган, ёш гўдакларни она меҳридан жудо килаётган аёллар ҳам кам эмас. Бундайларни инсон қиёфасини йўқотган, ҳайвонлардан ҳам тубанлашиб кетган кишилар деб аташ мумкин»<sup>1</sup>. Мисол сифатида олим фаргоналик Нилуфар исмли қизчанинг Андижонга дайдиб бориб қолганини, милиция ходимлари унинг онасига, бувисига хабар берсалар ҳам, олиб кетгани келмаганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, эркалатиб ўстирилган, эътибордан четда қолган, оиласаглом муҳитда катта бўлган, яхши тарбия олмаган, енгил ҳаётга ўрганиб қолган, жиноят йўлига кирган, касб-хунарни ўзлаштирумай ўз ҳолича, ўз билганича яшаётган фарзандлар бундай жараёнларга мисол бўла олади.

Шуни ҳам айтиш зарурий ҳолат деб ўйлаймизки, яхши хулқли ва ўзлигини англаган, ҳар доим яхши инсонлардан на-муна оладиган, малака ва билимларни ўзлаштириб бораётган фарзандлар борки, улар ҳақида фақат яхши фикрлар айтиш мумкин. Бундай фарзандлар учун ота-онасиининг обрўсиға путур етказиш жуда аянчли ҳодиса ҳисобланади. Ота-онасиининг обрўси унинг учун ишонч, имконият, қилган меҳнатлари учун бериладиган обрў ҳисобланади. Яхши ном чиқарган оиласалардан яхши инсонлар етишиб чиқади ва улар ҳар қандай бўлмағур гояларга, ярамас ишларга, ахлоқий бузғунчиликлар-

<sup>1</sup> Э. Юсупов., У. Юсупов. Оила – маънавият булоғи. – Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2003. – 49-бет.

га кўшилмайдилар. Чунки уларнинг ўзлари танлаб олган, ота-оналарининг обрўси билан боғлиқ томонлари бўлади.

Ота-она обрўси бола учун жуда катта имкониятлар яратиб беради. Булар унинг тараққиёти учун ижтимоий-психологик мухит яратилишига, ўз хаётларини куриш давомида ишонч пайдо бўлишига, ўз психологик тараққиётларида намуна бўла оладиган шахслар ўсишига, атрофдаги тенгдошлари, қавму қариндошлар, маҳалла олдидаги обрўлари кўтарилишига олиб келади.

Болалар табияси учун ота-она хурмати ўрнак бўлиши боланинг мактабдаги ҳаёти, иш фаолияти, ўз ҳаётини қуриш давомида кўзга ташланади. Биламизки, инсон ўз ота-онаси, уларнинг обрўси, намунавий хулқ-атворлари, меҳнатлари ортирган хурматлари, маънавий бой бўлишилари билан ғурурланади. Демак, айтишимиз мумкинки, ота-она ва унинг обрўси фарзандлар учун ҳар доим намуна бўлиб келган. Ота-она обрўси ва иззат-хурмати ҳақида жуда кўплаб фикрлар жаҳоннинг буюк инсонлари томонидан айтилган. Дейлик, О.Бальзак шундай дейди: «Иzzat-хурмат ота-онани, шунингдек, болаларни ҳам кўриклаб турувчи посбондир; у ота-онани қулфат ва ғамдан, болаларни эса, виждан азобидан куткаради»<sup>1</sup>. Инсон обрўси ҳақида Муиниддин Жувайнин шундай ёзади:

Обрўйинг зиёда бўлсин десанг сен,  
Содик кишиларга иш буюр ҳар дам!  
Ҳар кимса ишонса ўзбилармонга,  
Эл аро шарафи кетиб бўлар кам!<sup>2</sup>

Оила ўзбек миллий урф-одатларида муқаддас, энг олий қадрият сифатида қабул қилинган. Бунда ота-она ва унинг обрўси

<sup>1</sup> В. Воронцов. Тафаккур гулшани. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 421-бет.

<sup>2</sup> Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Махмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: «Фан», 1994. – 125-бет.

жуда юксакликка кўтарилиган. Ота-она айтган сўз фарзандлар томонидан қонун, деб қаралган. Улар буюрган иш фарзанд учун бажарилиши зарур бир муқаддас, қайтариб бўлмас вазифа, деб қабул қилинган. Фарзанд ва ота-она ўртасидаги бурч ҳамда вазифалар ислом динининг муқаддас китоби бўлган Куръони каримда ҳамда ҳадисларда шарҳлаб ўтилган. Фарзанд ҳеч маҳал ота-онанинг гапини икки қиласлиги, унинг тўғри маслаҳатларига қулоқ солиши таъкидлаб ўтилади.

Ўзбек оилалари асрлар давомида мустаҳкам, аҳил жамоа, маънавият ва тарбия ўчоғи бўлиб келган. Оиладаги муҳит, турмуш қуриш борасидаги анъаналар соғлом, маънавиятли авлодни тарбиялашга хизмат қилган. Оилада болаларни меҳнат-севарликка, баъзан оилавий анъаналар бўйича касб-хунарга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга, ота-онани, қўни-қўшиларни, кексаларни, жамоатчиликни ҳурмат қилишга ўргатилган. Ота-онанинг ҳурматини жойига кўйиш, обрусини баланд кўтариш миллий қадриятларимиздан бири хисобланади. Ота-она обруси фарзандлар меҳнатида ўз аксини топади. Фарзанднинг савобли ва хайрли амали учун «отангга раҳмат» деган олқиши олиш ота-она ва фарзанд учун жуда катта обру ва ҳурмат саналган.

Оиладаги тотувлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ҳам ота-онанинг обрусини оширади. Эр ва хотиннинг тотувлик билан яшашлари бутун оила аъзоларига баҳт-саодат келтиради, оила аъзоларига роҳат ва фароғат эшигини очади. Оиладаги ота ва она ўртасидаги муносабат, бу муносабатда юз берувчи ҳолатлар болалар тарбиясига, уларнинг келажагига ўз таъсирини ўтказади. Агар ота-она тарбияли, одобли, бир-бирларига хушмуомала бўлсалар, оиладаги фарзандлар ҳам улардан намуна олиб, шундай тарбияли бўлиб ўсадилар. Ўзбек оиласидаги муомала, кўпинча, ҳадисларда кўрсатилган тарбия асосида бўлади. Оиладаги ҳар бир инсон ўз ўрнига ва вазифаларига эга бўлиб, уни биз ҳадислардан, ахлоқий тарбиялардан ўзлаштириб борамиз. Оилада эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар

билин бөглиқ барча саволларга жавобларни, ислом асослари бүлган ҳадисларда аник килиб ёзиб қўйилган. Булар эса, қонун сифатида қабул қилинган ва ахлоққа сингдирилгандир. Ҳозирги замонавий оиласларда содир этилаётган муроқот ўзига хос бўлган маданият асосида юз бермоқда. Бу, албатта, инсонларнинг дунёқарашларидан, мақсад ва манфаатларидан келиб чиқмоқда. Яхши, намунали оиласлар ва шу билан бирга маълум бир нуқсонга эга бўлган оиласларни ҳозирда ҳам учратиш мумкин.

Оиласда юз бераётган ўзаро алоқалар ҳам боладаги шакллашибнишга ўз таъсирини ўтказади. Болалар оиласда юз бераётган муносабатлар таъсирида тарбияланадилар. Оиласдаги ўзаро муносабатларнинг бир неча типи мавжуд. Буларга «демократик», «авторитар», «либерал» каби тоифаларни киритиш мумкин. Шунингдек, ҳозирги замон оила муҳитида муносабатларнинг «диффуз», «аномал» тоифаларини кўрсатиш мумкин.

Оиласдаги ўзаро алоқанинг «демократик» услуби – бу оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари ҳар бир шахсни иззат, ҳурмат қилиш асосига курилган ўзаро оқилона талабчанлик, қатъиятлилик руҳи асосида юз берадиган жараён ҳисобланади. Оила бошлиғи ҳисобланган ота-оналарнинг асосий эътибори миллий ва умумисоний қоидаларни ўз фарзандларига ўргатиш, уларда ижобий шахс фазилатларини тарбиялаш орқали содир этилади. Бундай типдаги оиласларда ўзаро муносабатлар, мунозаралар, мулоҳазалар, ўзаро тенглик, ўзаро ҳурмат руҳи содир этилади. Бунда фарзандлар ўртасида ишонч, ҳурмат, бир-бирини кўллаш, ўз меҳнатини аямаслик, ўзаро қадрлаш каби томонлар ривож топади. Улар ёшлар улғайиб, алоҳида яшаганларида ҳам шу психологик жараён давом этади.

Педагогик социологияда бу демократик алоқа усули оиласдаги яхши муҳитни яратишда жуда катта ижобий роль ўйнашини кўришимиз мумкин. Педагогик социология оиласий шароитларни ўрганар экан, боланинг ўз ички дунёсини кўрсата олишда ва билишда бу усул яхши аҳамиятга эга эканлиги кўзга

ташланади. Бола тарбиясида мактаб ва олийгохлардаги муносабатларда ота-она ўз фарзандлари билан демократик тарзда муносабатда бўлар экан, уларнинг дунёкарашлари, қизиқишилари, максад ва манфаатларини билиб боради. Бу эса, ўз навбатида, оиласидаги шароитни яхшилашга, тарбияланиб бораётган фарзандни тўғри тарбиялаш учун яхши мухитни яратишга олиб келади.

Оилавий алоқаларнинг яна бир кўриниши бу «авторитар» алоқа услуби ҳисобланаб, унда ота ва онанинг обрўси ҳал қилувчи аҳамият кашф этади. Бунда бола тарбиясида ота-она обрўси асосий мезон ҳисобланади. Болалар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлиликни йўқота бошлайди, эркин ҳатти-ҳаракат қилиш, ташаббускорлик ўз аҳамиятини ота-онанинг обрўсига зарап етказмасликка қаратилади. Оила аъзоларининг юриш-туриши, ҳатти-ҳаракати кўпинча чеклаб қўйилади. Ота-она томонидан тарбиялашнинг асосий усули – бу жазолаш ҳисобланади. Шу билан бирга, баъзан рағбатлантиришда ҳам фақат ота-она обрўси ҳисобга олинади. Бу эса, болада ва оила аъзолари ўргасида мухит ёмонлашишига, оқибатда болани ота-онадан, катталардан «бегоналашувига» олиб келади. Оиласидаги шахслараро муносабат уларни қониқтирумай қўяди, натижада одамови, ичимдагини топ, хавотирлик, ташвишлилик ҳолати, ижтимоий меъёрлар ва қоидаларни бажаришда қийинчиликлар олиб келади ва мослашиш жуда қийин бўлади. Оқибатда, оила аъзолари ўргасида, уларнинг руҳий дунёсида ўзаро ишонч йўқолади, самимилик, хайриҳоҳлик каби юксак туйғулар жуда юзаки тус олади.

Оилавий алоқалар тизимида «диффуз», аралаш ёки қоришиқ кўринишида бола шахсини шакллантириш муайян педагогик мухит мавжуд эмаслигини кўрсатади. Оила аъзолари ўргасида бўладиган алоқа, муносабат аксарият ҳолларда ўгит ва насиҳатга, ахлоқий йўл-йўриқка боғланиб кетади. Бу эса, ҳар доим бола тарбиясига тўғри таъсир этавермайди. Ота-она ва фарзандлар ўргасидаги мулоқот услуги фақат панд-насиҳатга

асосланган бўлса, у ҳолда улар ўртасидаги мулоқотда эрк ва ботиниб фикр билдириш, ҳазил-хузул каби томонларни чеклаб қўяди. Бунда ўз-ўзини қўлга олмаслик, масъулиятсизлик, стресс, ақлий зўриқиши, шахсларо муносабат етарли даражада бўлмаслигига олиб келади.

Шунингдек, ижтимоий муносабатларда ҳозирда кўпроқ учраб турган аномал оиласлар ҳам етарлидир. Улар болани тарбиялашга, унга етарли бўлган муҳитни, шароитни яратса бера олмайдиган, ичкиликка ружу қўйган, наркоман (гиёхванд, нашаванд) оиласлар ҳисобланади. Бу оила аъзоларининг ўзаро муносабати оила муҳитини ларзага келтиради. Бундай оиласлар педагогик социологияда тарбияга ва бола ахлоқига зарар келтирувчи, жамиятдаги аномал оиласлар ҳисобланниб, жамият бундай оиласларга ҳуқуқий чора-тадбирлар кўради. Бу оиласларда катта бўлган фарзандларда, албатта, салбий жиҳатлар мавжуд бўлади. Психологик нуктаи назардан бундай оиласларда катта бўлган фарзандлар ўзига хос ҳолда аномал жараёнларни юзага келтирадиган бўлиб етишади. Педагогик социология эса, бундай оиласлар сони камайишини, уларни ўзига хос тарбиялаш, ҳуқуқий, ахлоқий талаблар асосида назорат қилиб турилиши зарурий жараён, деб ҳисблайди. Бундай оиласларда носоғлом инсон етишиб чиқади. Шунинг учун бундай оиласлардан фарзандларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш асосида давлат уларни ўз қармоғига олади.

Оилавий муносабат стилида «либерал» тоифага тегишли ҳолатлар ҳам учраб туради. Оилада муросасизлик, кўнгил-чанлик, бўшлик, ташки кўринишидан илик психологик муҳит ҳукумдордек кўринади. Оиладаги муросасизлик ҳар қандай вазиятни «умумий тил» топиш асосида ҳал қилишга, принципиалликдан узоклашишга, субутсизликка олиб келади. Отоналарнинг ўз фарзандлари билан бундай муносабатда бўлишлари салбий оқибатларга олиб келади ва фарзандлар руҳий дуњёсида қатъийлик, мустақиллик, дадиллик сингари иродавий сифатлар йўқолади. Муросасизлик таъсирида ўсиб кела-

ётган авлодда мунофиқлик, иккюзламачилик, келишувчанлик каби иллатлар таркиб топади.

Педагогик социология ёш авлоднинг шахс сифатида шақланишида, педагогик таъсирни ошириш орқали уларда қатьйлилик, мустақил фикрлаш, жамият ва инсонлар манфаатлари йўлида тўгри меҳнат қилиш каби томонлар ривожланишига шароит яратишни талаб қиласди. Оиладаги муҳит тарбияланашётган инсоннинг жамиятга фойдали бўлишини, ундан ўзи ва атрофдаги замондошларига жуда катта фойдалар бўлиши зарур эканлигини эслатиб туради. Педагогик социология оила ва унда содир бўлувчи жараёнларни ўрганиши орқали бола тарбиясига таъсир этаётган муҳитни, яратилаётган шарт-шароитларни ҳисобга олади ва педагогларга бу шароитларда бола тарбияси қанчалик оғир ва машаққатли бўлишини кўрсатиб беради. Педагог ўз тарбиясини беришда болага яратилаётган бундай шароитларни билиши ва унга қарши амалий ишларни олиб бора олиши кераклигини педагогик социология ўз илмий изланишларида кўрсатиб беради.

Педагогик социология яна оилада юз берувчи ҳаётй этап циклларини ҳам ўрганади. Чунки оиладаги ҳар бир ҳаёт цикли ўзига хос ҳолда инсон ҳаётига таъсир этади. Бунда яаш шароитидан келиб чиқсан ҳолда инсонга шароит яратилади. Педагогик социология эса, бу шароитларни ўрганиш орқали ўсиб келаётган шахсга оиладаги муҳит қанчалик таъсир этишини кўрсатиб беради.

Оиладаги ҳаётнинг кечиши, ҳаёт тарзи, оила ҳаёт цикли кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Оила ҳаётидаги ўзига хос ўзгаришлар, оила аъзоларининг ёш жиҳатлари, иқтисодий имкониятлари, оилада юз берувчи муносабатлар, оиладаги ота-оналарнинг укувлари, билимлари, малакалари каби томонлар билан узвий боғлиқ бўлади. Оиладаги ҳаёт цикли ҳақида кўплаб олимлар изланишлар олиб борганлар. Шулар қаторида социолог В.Сатир ўз изланишларида бола тарбиясига ва манфаатларига оиладаги ҳаёт цикллари ўз таъсирини ўтказишини

күрсатиб ўтади. Шунга асосан, кўпчилик олимлар оила қурилгунча бўлган даврни, икки жинс ўртасидаги муносабатларни ўргангандар. Бунда келажак оиласи ва унинг оилавий мухити дуниёга келадиган фарзандларни тарбиялаш учун тайёрми, оилада пайдо бўладиган янги бир инсон учун шароитлар яратиб бера оладиларми, деган кўплаб масалалар айнан педагогик социологиянинг асосий ўрганиш объекти ҳисобланади. Бу, албатта, оилавий ҳаёт циклининг биринчи босқичи ҳисобланади.

Оилавий ҳаёт циклининг иккинчи босқичи – бу икки ёшнинг интим қовушиши оқибатида зурриёт пайдо бўлиши, янги ҳаёт бошланиши билан боялиқ ҳисобланади. Янги авлоднинг пайдо бўлиши эр ва хотиннинг асл муносабатларини синовдан ўтказади ва улар ўзига хос янгича муносабатлар даврини бошдан кечира бошлайдилар. Бу даврда асосий мазмун ва маъно берувчи мухим воқеа – бу эр ва хотинга ҳаёт давомида берилган янги роллар ва уларни ижро этиш ҳисобланади. Бола тарбиясида ота-онанинг масъулияти катта бўлади. Шунинг учун ота-оналар ўз авлодлари ўргатган ва уларнинг тарбиясида сингиб борган тарбиявий билимларини ўз авлодига ўргатиши, бола тарбиясида бир ёқадан бош чикариб, тўғри тарбия беришга эътибор беришлари керак. Педагогик социология, энг аввало, ота-оналарнинг педагогика ва тарбияга хос билимларини ўрганиш орқали, келажак маҳсули бўлган болага бера оладиган тарбияларини ўрганади ва уларга ўз маслаҳатларини ҳам бера олиши мумкин бўлади. Айнан педагогик социология ота-оналарга маслаҳатлар бериш давомида бола тарбияси учун қандай мухит яратишлари кераклигини асослаб бера оладиган фан ҳисобланади.

Оила ҳаётининг учинчи босқичи – бу бола тарбиясида таъсир этувчи оиладан ташқаридаги ижтимоий институтлар – мактабгача таълим муассасалари, айниқса, узлуксиз таълимнинг бошланғич ўчоги ҳисобланган мактабга бориш ҳисобланади. Мактаб шундай масканки, у ерда ҳар бир боланинг қай даражада ва қандай ижтимоийлашиб бораётгани синовдан ўтказила-

ди. Чунки бола энди нафақат ўз тенгқурлари билан, балки каталар, бегоналар, күчадаги турли тоифадаги инсонлар билан муомалага кириша бошлайди. Бу муносабатларда ва мулокот жараёнида унинг қанчалик ҳаётга тайёрлиги, оиласида қандай ахлоқий ва маънавий ўгитларни олганлиги, кимнинг боласи эканлиги, оилавий муҳити қандайлиги билина бошлайди. Бу босқичнинг энг муҳим томони – мактабга келгач, боланинг ақлий ва интеллектуал салоҳияти ошиб боради, шунингдек, улар синовдан ҳам ўтади. Бу даврда ота-оналар кучли стресс даврини бошидан ўтказадилар. Уларнинг болага берадиган имкониятлари, яратиб берадиган муҳитлари, шароитлари ота-онага бериладиган баҳоларга сабаб бўлади.

Бу ҳаёт босқичида ота-оналарнинг жавобгарлиги ошади. Энди улар ота-оналаридан олган ахлоқий билимлари, халқ меросларидан фойдаланиш каби имкониятларни кўпроқ билишлари керак бўлади. Бу даврда болага бўлган муносабатлар ўзига хос ҳолда ўзгариб боради. Гоҳида мажбур қилиш, гоҳида уларни эркалаш ва рағбатлантириш орқали қўйилган мақсадга ўргатилади. Педагогик социология бу давр учун характерли бўлган кўплаб шароитларни ўрганиш орқали бола тарбиясига таъсир этувчи самарадор тарбия бериш йўлларини ўрганади. Бу давр педагогик социологиянинг муҳим ўрганиш даврларидан ҳисобланиб, уни ўрганища, таҳлил қилишда бошқа фанларнинг ютуқларидан ҳам кенг фойдаланишга интилади. Мактабга чиққан болада янги бир ҳолат юз беради. У янги шароитга мослашиши, янги одамлар билан мулокотда бўлиши, бу жараёнда ўзини тўғри тутиши, ўзи учун керакли бўлган жараёнларни ўзлаштириши зарур бўлиб қолади. Бу янгиликлар эса, боланинг шароитга мослашишини талаб қиласи. Ота-она эса, бундай жараёнларни тушуниши ва болага ёрдам бериши керак бўлади.

Оила ҳаётининг тўртинчи даври ёки босқичи бу боланинг ўсмирлик даври билан боғлиқ бўлади. Бу даврда бола ўзидағи ва ақлий ўзгаришлар туфайли мустақил бўлишга, ўзини ота-

онасидан алоҳида эканлигини, мустақил қарорлар қабул қилишга интилишини, катталарга хос томонлари борлигини кўрсатишга зарурат сезади. Бу даврда ота-онанинг обруси маълум даражада пастлай бошлайди. Бола қайсар бўлиб колади, ўзининг ўзгарганини кўрсатгиси келади. Бу даврга келиб ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан муносабатларини ўзгартиришга мажбур бўладилар, чунки болада янгича талаб ва истаклар. Янгича фикрлаш, урф-одатлар, турли хил гурухлар ва мулоқотга киришиш пайдо бўлади.

Педагогик социология – бу давр болаларини ўрганиш ва уларга тўғри йўналишлар беришга интилади. Ота-оналар учун зарур бўлган маслаҳатлар бериш учун таҳлилий изланишлар олиб боради. Бу давр учун ота-оналарга керакли бўлган кўплаб маслаҳатлар, албатта, буюк педагоглар томонидан берилган. Шунингдек, шаркона тарбиянинг ўзига хос қонун-коидалари ҳам болага ўргатиб борилиши унинг тўғри тарбияланишига ўз таъсирини ўтказадаи. Бу давр ота-оналар учун бир синов даври бўлиб, ота-оналардан жуда ҳам сабр-тоқатли бўлишни талаб қиласди. Ушбу даврга хос мисоллар Шарқ педагоглари ҳикояларида жуда кўплаб берилгандир.

Оиладаги ҳаётнинг кечиши, ҳаёт тарзининг яна бир кўриниши, бу бешинчи босқич бўлиб, бунда болалар катта бўлиб қолиши, балогат ёшига етиши билан, ўқишларни битириб, мустақил касб-хунарларни эгаллаш босқичига қадам босган даври билан боғлик бўлади. Шу даврга келиб, «бала – ота-она» муносабатлари деярли тугайди. Бундай муносабат Европа халқларига мос, балогат ёшига етгач, деярли барча ҳаётий масалаларни ёшлар ўзларича, ўз билганларича ҳал қиласдилар. Ота-оналар уларни хато қилиб қўйишларидан хавотир олмай кўядилар. Шарқ халқларида эса, бу ҳолат ўзига хос бошқача тарзда юз беради. Ота-оналар фарзандлари касб-хунарли бўлсалар ҳам, ўз мустақил касбий йўлларини эгаллаган бўлсалар ҳам, уларнинг келажаги, оиласи, молиявий аҳволи, болалари, шу болаларининг келажаги ҳақида ҳам ғам чекадилар. Уй-

лантириш, турмуш ўртоғи танлаш масалаларида ҳам қиз ва ўғилнинг ихтиёри уларнинг қўлида бўлади. Бу масалада Ғарб халқларида ихтиёр ўзларида бўлиб, ота-она учун нотаниш бўлган кизни: «Танишинг, бу менинг бўлгуси қаллигим, турмуш ўртогим», – деб танишириш орқали кутилмагандан кўрсатиб қўядилар, айрим ҳолларда умуман ота-онасига буни кейинроқ айтадилар. Шарқ халқларида бундай ҳолат урф-одатларнинг бузилиши, деб қабул қилинади. Жамоатчилик томонидан бундай хатти-харакат қораланади. Педагогик социология бу давр ҳаётини ўрганиш орқали етилиб келаётган ёшларга берилаётган шарт-шароитларни ўрганади. Уларнинг келажакда қандай инсон бўлиши, қандай оила қуриши учун асослар яратилади. Бу давр оила қуриш учун керакли бўлган билимларни, малакаларни орттириш, оила ҳақида билимларни эгаллаш даврн ҳам десак бўлади. Чунки бу даврда бола жисмонан ўзгариб бориш орқали катталар сафига кўшилади. Уни тарбияламасдан туриб келажаги ҳақида ўйлаш қийин бўлади. Педагогик социология бу даврдаги ўзгаришлар, ёшларнинг ўсиб ва тарбияланиб бориши учун яратилаётган шароитлар, оила ҳақидаги тасаввурларни ўзларида мужассамлаштиришлари учун керак бўладиган билимларни ўргатишларига йўл-йўриқлар бериб боришлари зарур бўлади. Албатта, бу соҳада педагог социологлар, психологлар, педагоглар, ахлоқшунослар, врачлар ва бошқа соҳа эгалари билан биргаликда амалий ишларни олиб боришлари зарур бўлади. Ўсиб келаётган ёшлар оила ҳақида кузатишлар, эшитишлар, ўқишлиар, иштирок этиш каби ижтимоий тушунчалар орқали билиб боради. Педагог социологлар, психологлар ёшларга ҳозирда оила ҳақида маҳсус курслар орқали маълумотлар беришни, уларни оила қуришга йўналтиришни тавсия этадилар. Бу даврда пайдо бўлган муҳаббат, севги каби эмоционал ҳисларни тұғри тарбиялаш – бу қелажак оиласи мустаҳкам бўлишига олиб келади. Бу туйғу нафақат ўз оиласига, балки Ватанга, халқига, миллатига, қавму қариндошларига бўлган ижобий туйғуни, яъни муҳаббат шаклланишига олиб келади.

Оилавий ҳаётнинг олтинчи босқичи – бу кексаликнинг дастлабки белгилари билан боғлиқ давр хисобланади. Бу даврда инсон танасида кексалик аломатлари, климактерик ҳолатлар келиб чиқиши бошланади. Инсон қалби қаримаса-да, айрим жисмоний қувватсизликлар пайдо бўла бошлайди. Бу даврга келиб инсон нафақага чиқади, ўзи танлаган, суйган касбидан, машғулотидан кетади, дўстлар сафи тораяди, унинг ҳаётдаги ўрни ўзгаради. Бундан келиб чиқсан ҳолда, унинг руҳий-психологик ҳолати ҳам ўзгаради. Энди у ўзини яккаланиб қолган, ҳеч кимга керак эмас, деб тасаввур қила бошлайди. Пессимистик ҳолатлар кўпаяди.

Инсон бундай ҳолат билан келиша олмайди. Шунинг учун у ўзининг кераклилигини кўрсатгиси, ҳали кучга тўла эканлиги ва ақлий етилганлигини билдиригиси келади. Албатта, бу даврда инсон яхшигина малакага эга бўлади, лекин ундан тўгри фойдалана олинсагина. Оилавий шароитда кексайиб бораётган инсонга бўлган муносабат ҳам ўзгириб боради. Болалар етилган, ўзларига мустакил, энди уларга камроқ маслаҳат билан мурожаат киласидар. Кўриниб турибдики, оиласда кекса авлоднинг ўрни илгариги ҳолатдан ўзгаради. Албатта, бу уларнинг психологик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатиб боради. Кексалар, айниқса, Шарқда невараларининг келажаги ҳақида ўйлай бошлайдилар. Уларга тарбия беришга интиладилар. Бу ҳолат оиласарда турлича содир бўлади. Айримлар бунга йўл қўймасалар, айримлар бундан хурсанд бўладилар. Инсон учун кексалик шундай жараёнки, уни худди кутмагандек қабул киласидар. Шунинг учун кексалар ўзларини илгаридек, ёш даврдагидек тутгилари келади. Лекин жисмоний ҳолат, ақлий жараёнлардаги айрим ўзгаришлар уларнинг ўрни йўқолиб бораётганини кўрсатади. Педагогик социология бу даврдаги ҳолатларни ўрганар экан, ёшларга яратиладиган шароитда кексаларнинг ўрни ва таъсири қандайлигини ўрганади. Бу эса, ҳар бир миллатда ундаги урф-одатларга асосан ҳар хил кечишни кўрсатади.

Кексалик ва унинг натижалари инсонни ҳар доим ўйлантириб келган. Инсон бу даврда ўзининг кераклиигини, ҳали яшашга интилишини, имкониятлари мавжудлигини ўйлади. Бу даврда кексалар иложи борича ўзларини бўш кўймасликка, қолган умрларидан фойдаланиб қолишга интиладилар. Буни Умар Хайём тўртлигидаги шеър орқали янада ифодали айтиш мумкин:

Маст булбул йўл олди гулистон томон.  
Унда топди бода ҳам гули хандон.  
Юрак тили билан шивирлаб айтди:  
«Бўш кўйма, ўтган умр қайтмас ҳеч қачон!»<sup>1</sup>

Шунинг учун кекса авлод ўзи ҳақида невараларига эслаликлар қолдиришга, улар тарбиясига ўзига хос яхши томонларни сингдиришга – вақтдан унумли фойдаланишга интиладилар.

Ҳаётнинг қизиқ бир томони бор. Ота-она қарийди, фарзандларнинг ёши ҳам улгаяди, улар оила қуради, бола-чақали бўлади. Лекин ота-она назарида фарзандлари ҳар доим уларнинг ёрдамига, йўл-йўрикларига муҳтождек бўлиб кўринади. Бу ҳам оиласарда ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Шаркона оиласарда ўз ота-оналарни ранжитмаслик учун фарзандлар уларга қулоқ соладилар, уларнинг насиҳатларига риоя қиладилар. Гарбда эса, ўз ҳолича, мустақилман, деган фикр асосида хатти-харакат қилинади.

Оилавий ҳаётнинг еттинчи босқичи – бу эр-хотинлардан бирининг ўлими билан бошланади. Эр ёки хотиннинг бева бўлиб қолган бўлаги янгича роллар тизимиға киради. Бу давр кекса ота-она учун жуда қийин кечадиган давр ҳисобланади. Тирик қолгани ўз ўлимини кутиб яшайди. Ҳаётдан ўтган давларини набираларига сўзлаб беришга, ўтган давларда қилган ишлари билан фахрланишга, энди ўзининг қаридан қолганини, ҳеч кимга

<sup>1</sup> Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: «Ўзбекистон», 1976. – 19-бет.

көрек эмаслигини, ҳатто ўз фарзандлари учун ҳам ортиқча юк бўлаётганини айтиб ўксинади. Ўз ҳолатидан куюнади. Бундай ҳолат, албатта, набираларга ўз таъсирини ўтказади, уларнинг кейинги ҳаёт жараёни ҳақида маълумотлар беради. Улар жуда кўплаб саволлар билан, албатта, бувиларига ёки буваларига мурожаат қиласидилар. Улар ўз набираларига яхши хулқ ва одоб ҳақида ўргатсалар, билим берсалар, китоблар ва яхши ҳикоялар билан йўл-йўрик кўрсатсалар ўсиб келаётган авлодга кўплаб ёрдам берган бўладилар. Педагогик социология айнан бу даврдаги оилавий шароитларни ўрганиш орқали, бола тарбиясига таъсир этаётган объектларни чуқурроқ ўрганишлари мумкин бўлади. Албатта, бу соҳа педагогик социология учун жуда ўрганиш қийин ва зарур бўлган жараён ҳисобланади.

Биз юқорида оилаға хос бўлган ҳаётий давр босқичлари билан танишиб чиқдик. Шуни айтиш керакки, педагогик социология бу соҳаларни ўрганишда кўплаб фанлар билан ҳамкорликда олдига қўйган масалаларни еча олади.

Педагогик социология оиладаги шароитлардан келиб чиқкан ҳолда оиланинг фикрлаш даражасини, ҳаёт кечириш тарзини, оила тизимини ва оиладаги шароитларни ҳам ўрганиб боради. Оилада болани тарбиялаш ва оиладаги имкониятлар масаласи ҳам педагогик социологиянинг таҳлил қилиш объектларидан бирини ташкил этади.

Ўзбекистонда оила ва унинг масалалари билан боғлиқ кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда.

## **БОЛАНИНГ ҲАЁТ ФАОЛИЯТИДА МИКРОМУХИТ – МИКРОРАЙОН**

Боланинг ҳаёт фаолиятида микромухитнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Бола яшаётган микрорайон ва унда жойлашган объектлар, тарбия билан боғлиқ масканлар, махалла, кўча, қўни-кўшнилар, тенгдошлилар ўзига хос микромухитни ташкил

этади. Боланинг таълим ва тарбиясида мактабнинг, коллеж ва лицейларнинг ўрни бекиёс бўлиши билан бирга, унинг ўзгариб боришига мактабдан ташқаридаги муҳитнинг ўрни ҳам ўзгача таъсир этади. Микромуҳит – бу шу микрорайоннинг тузилиши, унда аҳолининг жойлашиши ва аҳоли яшаш даражаси, имкониятлари, маҳаллалардаги аҳолининг бирдамлик даражаси, аҳиллиги, бир-бирини билиш ва ўзаро ёрдамга келиш, ўзаро қўллаш, биргаликда маҳалла учун меҳнат қилиш имконияти, ташкилотчилиги, шунингдек, микрорайонда жойлашган тарбия билан боғлиқ ташкилотлар, аҳолининг дам олиши учун яратилган қулайликлар (парклар, сайдгоҳлар, боғлар, болалар ўйингоҳи, болалар майдончалари, спорт билан боғлиқ комплекслар, маданият ва маънавият билан боғлиқ ташкилотлар: кутубхона, кинотеатр, театр, Интернет-кафе кабилар), шунингдек, микрорайоннинг архитектура билан боғлиқ курилишлари (тарихий бинолар, аҳоли яшаётган хонадонлар ва уларнинг кўриниши, майдончаларнинг жойлашиши, фонтанлар борлиги, ёдгорликларнинг, ариқларнинг, кўлларнинг мавжудлиги ва имкониятлари) каби кўплаб томонлар киради.

Боланинг ҳаёт фаолияти ҳақида гапирганда шуни айтиш жоизки, у мактабдан ташқари кўпроқ вақтини бошқа, яъни мактабдан ташқаридаги жойларда – уйида, кўчада, тарбия билан боғлиқ қўшимча жойларда (музиқа мактабида, хунар билан боғлиқ тўгаракларда, спорт комплексларида, сув ҳавзаларида,), тенгдошлари орасида ва шу каби жойларда ўтказади. Ҳозирда эса кўпроқ Интернет-кафеларда бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, боланинг қундалик турмушини аниқ уюштириб, тартибга солиб туриш зарур, яъни мактабдан ташқарida бола қаерда бўлади, ким билан ўйнайди ёки алоқада бўлади, кимлардан ўрнак олади, руҳиятида, дунёқарашида қандай ўзгаришлар бўлмоқда ва нима учун. Булар боланинг тўғри йўлдан ривожланишиб бораётганини, ўзига хос билимлар олаётганини назорат қилишга асосланиши керак. Бизга маълумки, мактабдан ташқаридаги содир бўлувчи жараёнларда одамлар ўртасидаги

мулоқотларда ҳар хил салбий ва ижобий шахслар ҳам иштирок этади. Назорат қилиш эса, уларни интизомга, тартибга, эркин ва мустақил бўлишларига шароитлар яратади. Албатта, бунда боланинг ҳар бир ишига аралашмасдан, ўз ҳолига қўйган ҳолда, мустақил фикрлаши учун имконият яратиб, уларнинг фикрлари билан келишган ва хурмат қилган ҳолда ёндашиш орқали бу жараён содир этилиши зарурдир.

Педагогик социология бола тарбиясида мактабдан ташқари қандай омиллар унинг тарбиясига ўз таъсирини ўтказишини ўрганиш билан бирга, болага хос бўлган қўшимча маълумотларни ҳам бера олади. Педагогик социология ўз маълумотлари орқали болага таъсир этувчи муҳитни, шароитни таҳлил қилиб боради. Биз биламизки, психология, педагогик социология одамдаги психик хусусиятлар ва уларнинг тараққиёти инсон ҳаёти давомида, яъни онтогенетик тарзда юзага келади, деб тушунтиради. Инсондаги бу хусусиятларнинг таркиб топиши ва шаклланиши одамнинг ижтимоий тажрибаси, унинг ҳаёт ва фаолият шароитлари, берилётган таълим ва тарбия асосий ҳал қилувчи муҳим ролни ўйнайди. Булар, албатта, инсонга яратилаётган муҳит билан узвий боғлиқдир. Шулардан келиб чиқкан ҳолда муҳит (кенг маънода) – маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия азалдан берилган, генетик жиҳатдан қатъий белгиланган ниманидир намоён бўлиши учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтирувчи жараёндир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамият таълабларига жавоб берувчи муайян шахсий сифатларни таркиб топтириш мақсадида катта авлод ёш авлодни онгли, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёни таълим-тарбия орқали ва унга яратилаётган муҳит таъсирида амалга оширилади. Биз таълим-тарбияда муҳит асосий ўрин эгаллайди, деб фикр билдиromoқчи эмасмиз, балки муҳит инсон томонидан фаол қабул қилиниб, инсон ва муҳит орасидаги ўзаро алоқа туфайли тарбиялашпнинг ўзига хос таъсири кўпаяди, деб кўрсатмоқчимиз. Бу ерда инсоннинг муҳит билан ўзаро фаол таъсири ўзига хос

ёрдамчи таъсирни кўрсатади. Яратилган шароит эса, ўз навбатида, бола ривожланишига ижобий таъсир ўтказади.

Шахс яшаётган ва унга таъсир этайдан микромуҳитни – микрайонни ҳар доим белгилаш осон эмас. Микрорайон қишлоқ жойларида, кичик шаҳарчаларда аниқ яшаётган жойи билан белгиланади. Лекин ўрта ва катта шаҳарларда буни аниқлаш муаммоли ҳисобланади.

Шаҳарда микромуҳитни яшаётган жойи билан белгилаш мумкин, агарда кичик ёшдаги болалар ҳақида гап борса, кичик мактаб ёшидаги болалар учун у яшаётган даҳа (квартал)ни кўрсатиш мумкин. Каттароқ ёшдаги болалар учун эса, у яшаётган микрорайонни кўрсатиш мумкин бўлади. Амалда микрорайонни микромуҳит сифатида қаралади. Бу ердаги мухит, албатта, ҳар бир инсоннинг ҳаёт жараёнига ўз таъсирини кўрсатади.

Айрим меъёрий ўлчамларда олганда микромуҳит – бу, дейлик, маълум бир қишлоқ яшаш жойлари ва кичик шаҳарлар ҳисобланса, катта ва ўрта бўлган шаҳарларда шу шаҳарнинг маълум бир тумани ҳисобланади. Микромуҳит – бу маълум бир майдонда яшаб, таъсир этиш кучига эга бўлган жамоа бўлиб, у ўзига оиласи, тенгдошлар гурухини, ҳар хил ижтимоий, давлат, диний, хусусий, тарбияловчи ва аниқ ташкилотлар, шунингдек, шу ерда яшовчиларнинг расмий бўлмаган гуруҳлари ҳисобланади. Микромуҳитда қўни-қўшнилар, майдон жихатидан яқин яшаётган инсонлар (дейлик, кўп қаватли уйда яшовчилар, участкаларда яқин яшаётган инсонлар) киради. Бу жамоани ўzlари яшаётган майдондаги масалаларни биргаликда, бир мақсад асосида ўзаро мулоқотлар қилиш орқали ҳал этишини характерлаб беради.

Микромуҳитда қўни-қўшнилар ўртасидаги мулоқот мухим ҳисобланади. Чунки бола мактабдан ташқарида маҳалласида ёки кўп қаватли уйларнинг олдидағи болалар майдончаларида ҳар хил даражадаги инсонлар билан мулоқотда бўлади, уларни кузатади.

Күшни бу «жуда яқин бегона» хисобланади. Улар жуда яқин майдонда яшовчи, маңнавий жиҳатдан бир-биридан фарқла-нувчи инсонлардир. Лекин улар яқин дўст ҳам эмас, қавму қариндош ҳам эмас. Аммо, ҳар доим ёрдам беришга, қўл-лаб-куватлашга интиувчи шахслардир. Халқимиз күшни ва улар билан бўладиган муомлада қўни-кўшничиликни қадрлаш, улар билан яхши муносабатда бўлиш тўғрисида кўплаб фикрлар айтганлар. Булар халқ мақолларида, афоризмларида, хикоя ва эртакларида жуда яхши ёритиб берилган. Дейлик, «Ховли олма, кўшни ол», «Бир болага етти кўшни ота-она», «Узоқдағи қариндошдан, яқиндаги кўшнинг яхши» каби кўплаб фикрлар айнан қўни-кўшнилар ҳақида гаприлган. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг халқимиз ўз кўшниларига меҳрибон. Шу билан қўни-кўшниличиликда ҳар бир оила ва унинг ўзаро мулоқоти ҳам кўшнилар томонидан назорат қилиб турилади. Бу бериладиган баҳо оиласидаги муносабатларга миллий қадриятлар асосида берилиб, улардан қадриятлардан чиқиб кетмасликни талаб қиласди. Кўшнилар илгаритдан бир-бирига ёрдам қўлини чўзиб келганлар. Ўзаро муносабатларда бир-бирларини тартибга, интизомга, яхшиликка, ахлоқийликка, гўзалликка тортувчи урф-одатларни, анъаналарни, қадриятларни амалда бажаришга чорлаганлар. Албатта, ҳозирда бу соҳада қўпчилик жойларда, айниқса, катта шаҳарларда ахлоқий муносабатлар бузилаётгандигини кўришимиз мумкин. Болалар тарбиясида ҳам бирор гап айтилса, унга нисбатан ўзига хос жавоблар ҳам қайтарилади. Бу эса, ўсиб келаётган болалар тарбиясига ўзимиз нотўғри муносабатда бўлаётгандигимизни кўрсатади. Бундай мухитда катта бўлаётган болаларни тарбиячилар ҳам, педагоглар ҳам тарбиялаши қийин бўлади. Тарбия масаласи факат ўқитувчиларнинг масаласи бўлмай, балки қўни-кўшниларнинг ҳам вазифаси қаторига киради. Ҳаётдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дейлик, маҳаллага янги тушган келинчак қўни-кўшниларга ўз саломини бериб, улар билан танишиши, уларни билиши зарур хисобланади. Бу келинчаклар кеча қай-

сидир хонадондан бошқа хонадонга келин бўлиб тушади. Ундан олдин эса, ўз оиласида, таълим ва тарбия масканларида, қўни-кўшилар таъсирида ахлоқий қонунларга ўрганади. Қолаверса, ислом ахлоқида ҳам саломлашиб юриш фарз ҳисобланади. Лекин айрим келинчаклар қўшиларга салом бериш тутгул, уларни менсимасликларини кўрсатишга интиладилар. Бу уларнинг ахлоқизликларидан, тарбиясизликларидан далолат беради. Булар келажакда ўз болаларини ҳам шундай тарбияламайди, деб ким кафолат беради. Тарбиясиз ота-оналардан, албатта, тарбиясиз фарзандлар вояга етади. Азобини эса қўни-кўшилар кўради. Бу уларнинг хулқ-атворларида, ўзларини тутишларида, психологияк ва маънавий қашшоқликларида кўринади.

Педагогик социология бола тарбиясига, унинг ижтимоий-лашувига қўни-кўшиларни микромухит сифатида таъсирини ўрганиш орқали ўзига хос бўлган тавсияларни беради. Бу тавсиялар, уларга амал қилиш боланинг ижтимоийлашувига, таълим ва тарбия олишига ўз таъсирини кўрсатади. Педагогик социология олиб борадиган тадқиқотлар ўзининг долзарблиги билан нафақат бола тарбиясига, балки ижтимоий таракқиётга хос қирраларни асослаб беради. Таълим ва тарбия берувчи педагог эса, бу тавсиялардан ўз фаолиятини қуришда, ишларини режалашда, бола таълимига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

Ёшлар таълим ва тарбиясига таъсир этувчи микромухит ўзига хос бўлган бир қанча характеристири томонлар билан фарқланаб туради. Бола тарбиялананаётган аниқ бир микромухитнинг маконий характеристикаси ўзига хос кўпгина томонлар билан боғлиқ бўлади. Дейлик, бола таълим ва тарбия олаётган микрорайон – микромухит катта шаҳардаги марказий туманни ёки унинг чеккасида жойлашган чекка туманни ташкил этиши мумкин. Қишлоқ жойларида эса, бу муҳит ўзгача, яъни марказдан, алоқа қилишдан анча узоқда жойлашган бўлиши мумкин. Булардан кўриш мумкинки, бу муҳитда бир-биридан фарқ

килувчи имкониятлар мавжуддир. Шаҳар марказида кўпроқ маънавий марказлар мавжуд бўлса, қишлоқ жойларида табиий манзара ва ўзига хос миллий тарбияга эътибор катта бўлади. Булар эса, уларнинг тарбиясида ўзига хос томонлар шаклланишига, фарқланишига олиб келади. Педагог эса, таълим бераётганда бу томонларини ҳисобга олиши зарур бўлади.

Микромухит бу ўзининг архитектураси билан, қурилиш ва режалаштирилган архитектура хусусиятлари билан, яъни тарихий ташкил топғанлиги ёки корхоналарнинг кўплиги, уйларнинг қурилиши ва уларнинг сони, баланд-пастлиги, кўп қаватлилиги, буларни бикиқ ёки кенг жойлашганлиги ва шу қабилар билан фарқланиб туради. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Тошкент, Бухоро, Самарқанд тарихий ташкил топған қадимги шаҳарлар. Бу ерлар тарҳида ва ҳозирда ўзига хос тарихий жараёнлар кечган, инсоният тарҳида буюк ўрин олган азим шаҳарлар қаторига киради. Бу шаҳарларда тарихий архитектура ёдгорликлари кўп. Сайёҳлар бу шаҳарларни гўзал, афсонавий шаҳарлар, деб тушунадилар. Бу шаҳарлар дунё маданиятининг марказлари, инсоният тарихининг дурдоналари деб баҳоланади.

Ўзбекистон майдонида инсоният маданиятига кўплаб хисса кўшган шаҳарлар кўп. Бу шаҳарларда яшаётган ва ўсиб келаётган авлодлар унинг архитектурага тегишли бўлган ёдгорликларига, янги қурилишларига ўзига хос ёндашадилар. Бу шаҳарларнинг шундай архитектура қурилишлари, тарихий ёдгорликлар ёнида таваллуд топған фарзандларимизнинг дунёқарали ва уларга бериладиган таълим ҳам ўзгача бўлади. Бу муҳит бола тарбияси билан уйғунлашиб кетади. Унда ўзига хос бўлган руҳий жараёнларнинг шаклланишига олиб келади. Педагог бундай ютуқлардан фойдаланган ҳолда бола таълим ва тарбиясига шу муҳитдан келиб чиқсан ҳолда ёндашиши тарбияга ва тарбияланувчининг онгига таъсир этиши жуда ўринли бўлади. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида жойлашган кўплаб шаҳарлар ҳам ўзига яраша тарихий ўрин тутади.

Уларда ҳам тарбияланаётган фарзандларимиз дунёқараашлари-га архитектура курилишлари ҳам ўз таъсирини ўтказиб, шахс сифатида тараккий этишларига муҳит яратади. Ҳар бир инсон ўзи яшаган, ёшлиги ўтган жойларни завқ билан эслайди. Бу ерларда яратилган муҳит ҳамда бу муҳит ўйнайдиган вазифалар ҳар доим уларнинг ёдида туради. «Мен. – деб эслайди атоқли журналистлардан бир Раҳимжон Рӯзиевич Абдураҳмонов, – ёшлигим ўтган жой – Тошкент шаҳрининг чекка жойларида бўлиб, ўзига яраша жозибали ва завқли манзаралардан иборат эди. Кенг далалар, илон изи йўллар, пахта экилган пахтазорлар, кенг боғлар, олмазорлар, узумзорлар. У ерда жойлашган жамоанинг трактор, машина гаражлари, жамоа хўжалиги идораси, магазинлар, мактаблар, одамлар яшайдиган хонадонлар, уларнинг кетма-кетлиги – булар менинг ёдимда жуда каттиқ муҳрланиб қолган. Мактабдалигимиизда болалар биргаликда театрлар сахналаштирав, биргаликда роллар ўйнар эдик. Корасув дарёси деб аталувчи сув ҳавзаси жуда кенг, бу томонида турган киши унинг у томонидан қирғонини кўра олмас эди. Кенг ва сувлари тўлиб оқувчи бу дарё айнан биз яшаган тумандаги кўзга ташланиб турадиган жозибали манзарани берувчи гўзал масканлардан эди. Унинг ирмоклари учга бўлиниб, аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондирап эди. Бу далаларда қилган меҳнатларим менда бир дунё завқ келтирап эди». Кейинчалик, бу инсон ўз ҳалол меҳнатлари билан Ўзбекистон журналистикасида етук мутахассис сифатида танилди. Ўз устида ишлаши давомида бир қанча тилларни ўзлаштириди ва журналист сифатида ўзига хос ютуқларга эга бўлди. Ўзидан кейин кўплаб шогирдлар колдирди. Бу айтилган фикрлар шуни кўрсатадики, инсон яшаётган ва унинг тарбияланишига таъсир этаётган муҳит таълим ва тарбияни шакллантиради.

Болалар тарбиясига таъсир этадиган муҳит вазифаларининг тизимли таъсири ҳам мавжуддир. Булар болалар ва ўсмирлар учун ўйинлар ташкил этиш билан боғлиқ жойларнинг сони ва қулалиги, сифати, шу ерда яшовчи инсонларнинг дам олиш-

лари, бүш вақтларини ўтказишлари учун яратилган шароитлар билан ҳам боғлиқдир.

Микромухитнинг инсон ижтимоийлашувига таъсир этиши кўпроқ унинг маданий билимлар, имкониятлар, яъни микромухитда жойлашган ўкув-тарбиявий корхоналар сони ва сифати, кинотеатр, клуб, спорт заллари, стадионлар, бассейн, музей, театр, библиотека ва шу кабилар билан боғлиқ. Бу ташкилотлар инсоннинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсатади. Педагогик социология бу каби мухитни ташкил этувчи шароитларни ўрганиб, уларни ёшларнинг ҳаёт фаолиятида ўйнайдиган имкониятларини очиб беради. Педагогик социология инсон ҳаётига ўзининг таъсир этувчи омиллари билан мухитни яратувчи бу каби шароитларни ўрганараК экан, уларни болалар тарбиясига, айниқса, мактабдан кейинги ҳаётидаги ўрнини ҳам кўрсатиб бера олади.

Микромухитнинг инсон ижтимоийлашувининг муҳим омили сифатида таъсирга эга бўлган шароити – бу демографик тузилиш ҳисобланади. Бола тарбияланадиган мухит қандай миллатлар ва элатлардан ташкил топганлиги, шунингдек, уларнинг сони ва тузилиши муҳим ҳисобланади. Яшаётган аҳолининг тузилиши жиҳатидан бир хиллиги ёки кўп миллатли эканлиги, унинг дифференциаллашганлиги, жинсий жиҳатдан тузилиши (бу ерда эркаклар ва аёллар сони, уларнинг нисбати), пенсionерларнинг борлиги, сони ёки уларнинг йўқлиги, оила-нинг тузилиши кабилар билан ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Микромухитнинг болалар, ўсмирлар, қизларнинг ижтимоийлашишига таъсири, микромухитнинг объектив характеристикиси, атрофдагиларнинг таъсиридан, шунингдек, инсоннинг субъектив характеристикасидан келиб чиқади. Микромухит ёшларнинг ривожланишига таъсир этувчи жуда катта омил ҳисобланиб, унда бериладиган имкониятлар болаларнинг тўғри тараққий этишига ижобий таъсир этиши зарурдир.

Ижтимоий педагогикада жамоа тушунчаси ўзига хос муҳим масалалардан ҳисобланади. Болаларнинг ўзига хос бўлган жа-

моавий муносабатларда бўлиши уларнинг ижтимоий педагогикада муҳим бўлган малака ва тушунчаси ҳисобланади. Тарбия учун унинг аҳамияти жуда каттадир. Атрофдаги инсонлар билан муносабатда бўлиш, уларнинг тарбиясига таъсири, мақсадлари, манфаатларини англаб олишдаги ўзига хос томонлари педагогик социологияни ҳам бефарқ қолдирмайди. Болалар тарбиясида ижтимоий муҳитни ташкил этувчи жамоа етарли равишда ўрганиш зарур бўлган жараён ҳисобланади.

Жамоа – бу туркизабон халкларда, жумладан, ўзбекларда кадимдан ижтимоий бирлик – жамоани англатиб келган. Жамоа биргаликда маълум манфаатларни қондириш учун ижтимоий муносабатларга киришувчи инсонлар бирлиги ҳисобланиб келган. Инсонларнинг жамоа бўлиб яшashi заруратини кўпгина машхур инсонлар ўргангандар. Булар қаторига Суқрот, Платон, Аристотель, Шарқда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий кабиларни кўрсатиш мумкин. Улар ўз асарларида жамоа бўлиб яшаш табиийлик, инсон турмуш тарзининг мазмунини ташкил этишини кўрсатиб ўтганлар. Форобий бу ҳақда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилган: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмок учун кўп нарсаларга муҳтоҷ бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун одамлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришиши учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахси кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашди, натижада инсон жамоаси вужудга келди»<sup>1</sup>. Шуни айтиш керакки, жамоа – бу инсонлар

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. – 186-бет.

эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда, мақсад ва манфаатларининг умумийлиги, ўзаро ҳамкорлик килишлари зарурлиги. меҳнат ва майший ҳаётий фаолиятлари йўналганлиги заминида ўзаро биргаликда ҳаракат килишларини тақозо этишдан келиб чиқадиган жараёндир.

Жамоа ҳакида жуда кўплаб фикрлар билдирилган. Дейлик, инсоннинг жамоадаги ўрни ҳакида И.Гёте шундай дейди: «Факат одамлар орасидагина киши ўз-ўзини англашга қодир». Л.Фейербах эса: «Мулокот кишини гўзаллаштириб, унга улуғворлик бахш этади; жамоат ичида одам ҳар қандай сохта-гарчиликни йиғишириб кўйиб, ўзини беихтиёр бошқача тутади», деб кўрсатади. Жамоа ҳакида машҳур педагог В.А.Сухомлинский ўз фикрларини билдириб, шундай дейди: «Жамоа – бу қандайдир нотайин тўда эмас. У ўз шахсиятига эга бўлган кишиларни бирлаштирган бой ҳазинадир»<sup>1</sup>.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жамоада ва жамоа орқали тарбиялаб бориш тарбиянинг асосий принципларидан биридир. Инсон илк ёшлик давридаёқ маълум бир гурухда бўлади. Бу, биринчи навбатда, ўз оиласи, боғчаси, мактаб, коллеж ёки лицей, ўқиш билан боғлиқ гуруҳлар, меҳнат жамоаси, маҳалла ва шу каби бошқа жамоалар ҳисобланади. Инсон шу жамоаларда шаклланиб боради. Бу ерда инсонга хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, ахлоқий меъёrlар, малакаларни ўзлаштириб боради.

Ёш авлодни жамоавий руҳда тарбиялаб бориш, педагогиканинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Болада шаклланаётган муносабатлар жамоада бўлганда ўзига хос ҳолда вужудга келади ва мустаҳкамланади. Жамоа билан бўладиган муносабатларда бола тўғри гапиришга, ёлғондан қочишига, интизомлилик, меҳнаткашлик туфайли ютуқларга эга бўлиб, ўзини тута билишда меъёrlарга риоя қилишни ўрганиб боради.

<sup>1</sup> В. Воронцов. Тафаккур гулшани. – Т.: Ф.Үулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 141–147-бетлар.

Жамоа ҳақида рус педагоги А.С.Макаренко ўзига хос бўлган қарашларни олдинга сурган. Жамоа ва жамоа орқали тарбиялаш – Макаренко педагогика системасининг марказий гояси бўлиб, бу унинг педагогик фаолияти ва барча педагогик фикрларида бошдан-оёқ ўз аксини топган. А.С.Макаренко жамоа, деганда тасодифий йигилган одамлар тўдасини эмас, балки маълум ваколат ва жавобгарлик системаси бўлган, бир-бирига алоқадор ва бир-бирига боғлиқ ҳолда биргаликда ишлаётган одамларнинг умумий меҳнатда умумий мақсадларга эришиш учун бирлашган ўюнмасини тушунади. «Жамоа, – деб таъкидлайди у, – жамиятнинг бир қисмидир, унинг олдида мамалакат учун хизмат қилиш вазифаси туради, «унинг ҳар бир аъзоси жамоа орқали жамиятни ташкил этади». «Фақат ягона мактаб жамоасини яратибгина болалар онгига тарбиявий факторларни тартибга солувчи ва интизомли қилувчи ижтимоий фанларнинг курдатли кучини уйготиш мумкин», – деб ёзди Макаренко.

А.С.Макаренко жамоанинг муҳим қонунларидан бири – колективнинг ҳаракатланиш қонунидир, деб ҳисоблайди. Агар жамоа ўз олдига кўйган мақсадга эришган бўлса-ю, ўз олдига янги мақсадлар кўймаса, у ҳолда хотиржамлик бошланиб, жамоа аъзоларини илҳомлантирадиган бошқа интилиш қолмайди, демак, унинг келажаги ҳам бўлмайди. Жамоа ҳамма вақт қизғин ҳаёт кечириши ва муайян мақсадга интилиб бориши зарур. Шунга мувофик, Макаренко педагогикада биринчи ма-ротаба муҳим принцип ишлаб чиқди, бу принцип «истиқболли йўналишлар тизими», деб юритилди. Макаренко бу принципни куйидаги сўзлар билан таърифлайди: «Агар одам ўз келажагида биронта ҳам қувончли нарсани кўрмаса, унинг учун дунёда яшашнинг қизғи қолмайди. Эртанги қувонч инсон ҳаётининг ҳақиқий омилидир. Одамдаги хислатларнинг энг муҳими ва, одатда, ҳамма қадрлайдигани – куч ва гўзалликдир. Одамдаги куч ҳам, гўзаллик ҳам унинг фақат ўз истиқболига муносабати

билан, яъни келгусида қандай одам бўлишига интилиши билан белгиланади... Одамни тарбиялаш – унинг истиқбол йўлларини тарбиялаш демакдир, одамнинг келгуси кувончи ана шу белгили истиқбол йўллари бўлади», – деб ёзди Макаренко ўзининг «Педагогик поэма»сида.

Болалар жамоасининг ўсib бориши, Макаренко тили билан айтганда, ҳамиша содир бўлиши лозим; болалар жамоаси ва унинг такомиллаштуви учун ижодий йўллар изловчи педагоглар жамоаси томонидан етакланиши ва йўлга солиниши зарур бўлган жараёндир. Макаренко болалар жамоаси ҳаётида турли ўйинлар мухим роль ўйнашига ўз дикқатини каратди. Болалар ҳаёт фаолиятида ва тарбияланишида меҳнатнинг роли ва унда чиникиш мухим жараён эканлиги ҳам Макаренконинг диккатаida бўлган.

Ўкувчилар жамоаси бу мактаб ёшидаги болаларнинг мактабга кириши ва маълум бир синфларга бўлиниши орқали юз беради. Ўзига нотаниш бўлган болалар ўйин фаолиятида бир-бирлари билан танишадилар. Макаренко айтганидек, уларнинг фаолиятида ўйинларнинг ўрни ва аҳамияти кўп бўлади. Шундай ҳолатларда болалар бир-бирлари билан танишадилар. Кичик мактаб ёшидан бошлаб, улар ҳар йили жамоага хос бўлган янги кирраларни ўзлаштириб бориб, тенгдошларига, ўқитувчилар жамоасига мослашадилар. Йилдан-йилга улар ўртасидаги муносабат такомиллашиб боради ва жамоага хос бўлган талаблар амалга ошади.

Колективга тегишли жуда кўплаб изланишлар олиб борилган. Жамоа бўлиш учун қайси томонларга эътибор бериш зарурлигини кўрсатиб бера оладиган таълимотлар ҳам мавжуддир. Шундай таълимотлардан бири – бу Л.И.Уманский томонидан жамоанинг таҳлилига тегишли бўлган фикрлардир. Жамоа бўлиш учун гурухларнинг тузилиши ва уларнинг куйидаги томонларини кўриш мумкин. Жамоа ривожланишининг дараҷалари қуйидаги кўринишларда шаклланади: конгломерат

(аралаш), ассоциациялы (бөгланиш), кооператив, автоном ва жамоавий гурухлар.

Жамоа томон ўсиб борувчи бу гурухлар ўзига хос босқичларни босиб ўтади. Конгломерат (аралаш) гурух – бу нотаниш кишиларни, болаларни гурух сифатида биргаликда ривожланиб бориши билан боғлиқ кўринишdir. Бир-бирига нотаниш бўлган кишиларни маълум бир максадлар асосида гурух сифатида шаклланиши илмий тилда конгломерат деб юритилар экан. Мисол сифатида биринчи синфга борган болаларни, ҳар хил мактабларни битирган болаларни коллежларда, лицейларда ўқиши давом эттириш учун тўпланиши ва гурухларнинг ташкил этилиши, олийгоҳларда маълум малака, касб эгаллаш асосида кириш имтиҳонларини топширган ва ундан ўта олган ўсмирларнинг биргаликдаги гурухларини, меҳнат жамоалари кабиларни кўрсатиш мумкин. Кейинчалик, бу гурухларнинг икки томони ривожланиши мумкин. Бири жамоа бўлиб, умумий гурухий қадриятларни яратиб бориши асосида юқорилаб борувчи гурух бўлса, иккинчиси жамиятга қарши бўлган ёки жамоага қарши бўлган гурухлар ҳисобланади. Гурухларнинг юқори нуқталарга етишиб бориши кооперация ва автономлашиш даражасида содир бўлади. Бундан ташқари, кооперация даражасига етгунча гурухнинг ўтиш жараёнларини: номинал гурух ва ассоциатив гурухларга ажратиш мумкин. Номинал гурух – бу ташқи мақсад ва тизимга эга бўлган формал гурухdir. Ассоциатив гурух – бу гурух аъзоларининг ички мақсад, фаoliyatlарининг турлари ва усуллари асосида шахсларо интеграциясининг биринчи кўриниши ҳисобланади.


Кооператив гурухда ишбилиармонлик тизими яхши ривожланган бўлади. Гурух аъзолари мақсадлари билан боғлиқ масалаларни ечишда ҳамкорлик қилишга асосланадилар.

Автоном гурух – бу аллақачон маъноли кечинмаларга асосланган гурух ҳисобланади. Унда гурухга хос меъёрлар ва эътиқодлар «биз» ҳисси асосида шакллангандир.

Жамоа гурӯҳ – бу юкори даражадаги ривожланишни акс этириб, бошка ижтимоий гурӯҳлар билан кенг кооперацияга кириша олади ва унда ички бирлик мавжуд бўлади. Жамоадаги бу каби даражаларнинг бўлиши уларни қандай даражада уюшганликларини кўрсатади. Педагогик социология бу каби жамоалар ташкил топишини ўрганиш оркали бола тарбиясига таъсир этаётган муҳитни, унинг тарбиясига таъсирни ўрганиб боради. Маълумки, жамоада ўз лидерлари ва унга таъсир этувчи шахслар бўлади. Уларнинг гурӯҳ аъзоларига таъсири катта бўлади. Оила эса, айнан шундай жамоа бўлиб, ундаги жараёнлар оиласидаги ҳар хил масалалар, уларни ҳал қилиш даражалари болага ўз таъсирини ўтказади. Яхши фикрлар асосида ахлоқий тўғри талқин қилинган жараёнлар болаларга тўғри ўсишларида ўз таъсирини ўтказиб, келажакда унинг қандай инсон бўлишини белгилаб беради. Оилада бўладиган муносабатларда нопок йўл билан топилган маблағлар тўғрисидаги фикрлар, бола ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб боради. Катта бўлганда ўша кўрганларини кайтаришга интилади. Муҳит болага ёмон таъсир этганини кўрган инсонлар ўз қилмишларидан эмас, балки айбни бошка томондан кидирадилар. Ваҳоланки, ёшлигига бўлган тарбияга таъсир этувчи муҳитни унутадилар. Уларни ўзларича яхши тарбиялаган бўлиб чиқадилар.

Жамоа яхши ташкил этилиб, ўз мақсадларига тўғри ёндашсалар, болалар тарбиясига таъсири ҳам яхши бўлади. Кўриниб турибдики, муҳит бола тарбиясига таъсир этувчи ўзига хос кучли томонни ташкил этади. Шунинг учун бу болалар гурӯхини ўрганиш ва уни тўғри таҳлил қилиш педагогик социология учун муҳим жараён ҳисобланади.

Болалар жамоасида, гурӯхнинг шаклланишида, уларнинг ўзаро муносабатлари муҳим роль йўнайди. Болалар гурӯхларини ўрганишнинг ўзига хос бўлган усувлардан бири – бу американски олим Ж.Моренонинг социометрик усули ҳисобланади. Бу усул нафакат меҳнат жамоаларини, балки болалар ўргасидаги гурӯҳ шаклланишини ўрганувчи услугуб ҳам ҳисобланади.




Ж. Морено бўйича социограмма

Социометрик методнинг моҳияти инсонни гуруҳнинг у ёки бу критериялари асосида танлаш имкониятини ўрганиш ҳисобланади (дейлик, дам олиш чоғида, меҳнат қилишда, таълим олишда ва ш.к.). Танланган гуруҳлар асосида инсонни шу гуруҳдаги ижтимоий муносабатларда қандай ўринни эгаллашини ўрганиш мумкин бўлади. Юқоридаги болалар гуруҳлари ни Ж.Морено бўйича бир-биридан ажralиб турганини кўриш мумкин. Улар ўзаро гуруҳлар билан муносабатда бўлишини, ўз лидерларига, гурухда ўринларига эга бўлишини кўриш мумкин.

Я. Л. Коломинский бўйича социометрик ўлчамда синф ёки маълум бир гуруҳдаги қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги муносабат ҳамда унинг натижаси бўлган мухит катта ўрин олишини кўришимиз мумкин бўлади. Болалар жамоасида ўзига хос ҳолда ўзгаришлар бўлиб туради. Гурух лидери ўзгариши ёки ўзига хос ролларни ўйнаб туриши ҳам мумкин. Болалардаги бу томонларни ўқитувчи ҳар доим кузатиб

бориши ва шунга асосан муносабатларни ўрнатиши зарур бўлади. Ўқитувчи таълим ва тарбия бериш орқали болаларга ўз таъсирини ўtkазиб туради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи болаларни ўрганиш давомида у ердаги муҳитни яхши билиши ва ўрганиб бориши зарур бўлади. Педагогик социология болалар жамоасини ўрганишда айнан шу социометрик методдан фойдаланади. Педагогик социология болалар жамоасидаги ўзаро муносабатларни, гуруҳдаги лидерни, жамоада бўладиган ўзаро зиддиятлар, келишмовчиликлар, гуруҳ аъзоларининг аҳиллиги, биргаликдаги амалий ишлари ва бошқа шу каби масалаларни ўрганиб бориш натижасида жамоадаги социал-психологик муҳитнинг шу ҳодисаларга таъсирини ҳам кенг ўрганиб боради.



Я. Л. Коломинский бўйича социограмма

Болалар жамоаси ўсиг боргани сари ўзига хос бўлган томонлари билан шаклланиб боради. Булар ҳакида А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинский, А.Авлоний каби педагоглар кўплаб фикрлар билдирганлар. Ўсмирлик даражасида болалар жамоаси болалик давридаги, яъни кичик мактаб ёшидаги жамоадан ўзининг тузилиши, талаблари, муносабатлари билан фарқланади. Ёши катталашгани сари болалар мустақилликка эга бўлиб борадилар, ўзларини англаған ҳолда ўзлари учун нималар керак, қандай ҳуқуқларга эгаликлари, ўзларининг мақсадлари ва манфаатларини билиб борадилар. Булар ҳакида педагогик психологияда кўплаб мисоллар мавжуд. Шунинг учун бу даврда болаларга бўлган муносабатлар ҳам ўзгача бўлади. Энди улар касб танлашга, шу касбнинг эгаси бўлишга, келажаклари ҳақида ўйлай бошлайдилар. Керак бўлса ўз ўқитувчилари билан мулоқотга киришиб, улардан катта инсонлардек маслаҳатлар сўрайдилар.

Педагогик социология учун бу даврни ўрганишнинг ўзига хос қизиқишлари мавжуд бўлиб, бу даврдаги жамоаларнинг ўзига хос томонларини очиб беришга интилади. Болалар болалик давридан катталик даврига ўтаётганлигини ва улар ўзларига нисбатан катталардек муносабат қилишларини талаб қилиб борадилар. Педагогик социология бу даврни ўргангандек ҳолда ўзига хос бўлган хulosалар килиб бериши керак бўлади.

## ПЕДАГОГИК ЖАМОАНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Таълим ва тарбия масалаларида педагог – ўқитувчиларнинг жамоаси энг зарурый ва мухим жараён ҳисобланади. Бу ерда ўқитувчилар жамоасини шакллантириш, уларнинг педагоглик маҳоратини доимо ошириб бориш, болалар ва таълим олувчилар билан улар ўртасида юз берадиган мулоқотни яхши томонларга қаратиш, болаларга бўлган муносабатларда уларни севиб дарс бера олиш каби кўплаб жиҳатларини тараққий эттириш

муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи ва мураббийлар ҳакида Юртбосимиз И.А.Каримов шундай дейди: «Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл, аввало, таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебахо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз катори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини хурмат билан тилга оламиз»<sup>1</sup>.

Ўқитувчи – бу мактабдаги таълим-тарбия процессининг асосий ташкилотчиси. Ўқитувчи таълим-тарбия ишида, ўкув жараёнини такомиллаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш – унинг маънавиятини, дунёқарашини, илмга бўлган муҳаббатини шакллантириш, илмий техника соҳасидаги ижодий меҳнат қобилиятини ўстириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсига, илгор дунёқарашига педагогик маҳоратига боғлик бўлади. Ўқитувчилик фаолиятининг ўзига хослиги унинг болаларга, ўсмир ва ёшларга мунтазам равишда тарбиявий таъсирда намоён бўлади. Бунда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, мақсад ва қизиқишлирини, маънавий дунёсига алоҳида муносабатда бўлиш талаб этилади.

Ўқитувчилар жамоасини шакллантириш – бу таълим ва тарбиянинг муҳим ва зарурий талаби бўлиб, ёшларни тарбиялашда, таълим беришда ўзига хос бўлган мураккаб фаолият ҳисобланади. Ўқитувчилар жамоаси ёшларга таълим ва тарбия беришда ўзаро келишган ва жамият мақсадларини чукур билган, таълим ва тарбия ишларида бир ёқадан бош чиқарган ҳолда фаолият кўрсатувчи олий даражадаги инсонлар ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг биргаликдаги педагогик фаолиятининг ўзига хос томони шундан иборатки, уларнинг ўқувчиларга берадётган билим ва фазилатларнинг ҳаммасига, аввало, ўзлари эга бўлишлари лозим, бундан ташқари, педагог болаларга шундай таъсир ўтказиши керакки, болалар ўз ўқитувчиларнинг бе-

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: «Маънавият», 2008. – 130-бет.

раётган билимларини ўзларига ўзлаштириб ва сингдириб ол-синлар. Бунинг учун ўқитувчи ҳам ўқитиши, ҳам тарбиялаши, ҳам ўзи ўқиши, тинмай изланишда бўлиши, ўз устида ишлаши лозим бўлади.

Ёшларнинг билимларни ўзлаштириб олиши хамиша ҳам осон бўлмайди. Ўзлаштиришга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар мавжуд. Дарснинг ўзлаштирилишининг объектив томони – бу таълим жараёнига таъсир этаётган муҳит ва яратилаётган шароит ҳисобланади. Агарда жамият учун зарур бўлган мутахассисни тарбиялаш унинг ўзи билан боғлиқ бўлгая томонларга қаратилмаса, бундай мутахассисни тарбиялаш кийин бўлади. Жамият бунинг учун ўқитувчилар жамоасининг олиб бораётган фаолияти, ижодий ишларини рағбатлантирумаса, ўқитувчининг ўзида ижодий ёндашиш бўғилади. Олиб борилаётган фаолиятга ҳам ўзига хос тўғри баҳо берилмаса, мукофотларни ҳам бошқача йўл билан олиб, ўзини фидойи кўрсатиб юрилса, бундай рағбат ҳам ижобий таъсир этмайди. Рағбат ҳамманинг кўз ўнгидага, ўқитувчининг меҳнатини кўрсатиб берилса, у бошқаларга ҳам ижобий таъсир этади.

Баъзан бирон нарсани ўрганиш, уни бажариш инсон учун кийинчиликлар тугдиради. Бошқаларни талаб қилинган ишларни бажаришга мажбур қилиш янада қийин ва мураккаб ҳисобланади. Педагог бундай болаларнинг биттасига эмас, ҳозирда кўпроқ бир кисмига дуч келмоқда. Педагогни бундай болаларни ишлашга мажбур қила олиши, интизомли бўлишга эришиши улар олдида обрў олишига олиб келади.

Ўқитувчи жамоада ўзига нисбатан ҳар хил ёшдаги инсонлар билан ишлаши, уларнинг малакаларидан ва билимларидан фойдалана олиши зарурдир. Шунингдек, ўқитувчи турли ёшдаги ўқувчилар билан ишлайди. Педагоглик маҳоратидан фойдаланган ҳолда уларнинг ёшларига яраша муносабат қилиш керак бўлади. Турли ёшдаги болаларнинг ўзига хос даврий психологияси мавжудки, педагог жамоаси уларни ҳам ҳисобга олиши зарур бўлади. Баъзи кишилар ўқувчилар тўғрисида

уларни худди ўзларидек билиб фикр юритадилар, буни бошқа-ча изоҳлаганда ўкувчиларни «ўз андозалари билан» ўлчамоқчи бўладилар.

Ўқитувчилар жамоасининг яна бир муҳим характерли бел-гиларидан бири – бу ўқитувчининг жамият олдида турган маънавий масъулияти ҳисобланади. Антик давр файласуфи Платон шундай фикрни айтган эди, агар кавушдўз ёмон уста бўлса, давлат бундан унчалик кўп зарар кўрмайди – фукаролар бирмунча ёмонрок кийиниб юрадилар, холос, аммо болаларни тарбияловчи киши ўз вазифаларини ёмон бажарса, мамлакатда нодон ва ёмон одамларнинг бутун бир авлоди вужудга келади. Бундан кўриниб турибдики, инсонни тарбиялаш, уни жамият манфаатларига мос тарзда шакллантириб бориш жуда зарур жараён ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчиларга бўлган муносабат хар доим юксак бўлиши зарур.

Ҳақиқатан ҳам, жамият педагог қўлига ёш авлодни, жамиятнинг келажаги бўлган инсонларни ишониб топшириб қўйибди. Ёшларни келажакда кандай инсон бўлиб ўсиши, уларнинг баҳтли ҳаёти, ўз ҳаётларини тўғри қура олишлари, энг аввало, уларнинг олаётган таълимида ва тарбиясида акс этади. Бу эса ўқитувчилар жамоасининг иш фаолиятининг сифати ва дунёқарашларининг кенглиги билан узвий bogлиқdir. Ўқитувчилар жамоасининг муҳим жиҳати – бу болаларни севиш ва ўз касбига меҳр қўйиш ҳисобланади. Педагог болаларни севиш билан бирга уларнинг олган билимини тўғри аниқлаш ва баҳолашда бошқаларнинг аралашувисиз холисона йўл тутиши лозим. Кўпинча, ёшларни баҳолашда кимларнингдир кўшилиши, якини бўлган ёшларнинг баҳосини кўтариб қўйишга ўқитувчини мажбурлаши охир-оқибатда кўргина ноxуш жараёнларга олиб келади. Бизга эса ҳалол йўл орқали тўғри билим олган инсонлар зарурдир. Бундай одамлар келажакда ўз билимларига ишонган ҳолда тўғри ишларни амалга оширишга интилиб, жамият тараккиёти учун ҳалол меҳнат қиладилар.

Ўқитувчилар жамоаси ўқувчилар жамоасини шактлантириш орқали уларда ўзига хос бўлган хислатларни тарбиялаб, билимларга асосланган миллий ва умуминсоний қадриятларга хос бўлган малакаларни сингдириб боришлари зарур. Ўқитувчилар жамоаси биргаликда ўқувчиларни ахлокий ва эстетик билимларни ўзлаштириб, бойитиб боришларини, ўз миллатига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, мерослар, қадриятларни ўзлаштирган, амалда уларга роия қиласидан килиб тарбиялашлари муҳим вазифа ҳисобланади. Ўқувчилар жамоаси ташкил этилишининг илк давридан бошлаб ўз устозларига, уларнинг бераётган билимларига дикқат билан қарайдилар ва уларга асосланадилар. Чунки мактабга илк келган бола ўқитувчи нимани ўргатса, шуни ўзлаштириб бориб, келажакда шу билимларга асосланади. Педагогик социология болалар жамоаси ва ўқитувчилар жамоаси ўртасида бўладиган мулоқотни ўрганиб бориб, у ердаги муҳитнинг тарбияга таъсирини, ўқитувчини ўқувчи жамоасидаги ўрнини ва унинг ташкилий ролини ўрганиб ҳам боради. Педагогик социология – бу масалаларни ҳал қилишда кўпгина услуг ва фанларга асосланади, бу фанлар билан бўладиган ўзаро мулоқот педагогик социологиянинг кўпгина муҳим масалаларини ечишда кўл келади.

Жаҳоннинг кўпгина мутафаккирлари педагог ва педагогика ҳақида қизиқарли фикрларини айтиб ўтганлар. Дейлик, Д.И.Менделеев шундай дейди: «Ўқитувчилар, илмнинг маҳаллий машъаллари бўлганлари ҳолда, ўз ихтисослари бўйича замонавий фаннинг юксак чўққиларида турмоқлари зарур». «Тарбиячи бирорни ҳаётта тайёрламоги учун, аввало, ўзи ҳаётни чукур билмоги лозим», – деб ўз фикрини билдиради Л.Н.Толстой. Немис шоири, мутафаккири И.В.Гёте шундай ёзади: «Бизга таълим бераётганлар ҳақли равишда бизнинг ўқитувчиларимиз, деб аталадилар, аммо бизни ўқитаётганларнинг ҳар бири ҳам бу номга лойик эмас». Француз психологи, педагоги Ж.Ж.Руссо: «Тарбиядаги энг катта хато, ўта шошқа-

локликдир». – деб айтади. Буюк немис файласуфи И. Кант: «Болаларга ўқитилаётган дарслар уларнинг ёшига мувофиқ келмоғи лозим, акс ҳолда, уларда ўзбилармонлик, ўзига бино кўйиш, мағурланиш касали хавфи туғилади», – деб айтади. Шарқнинг буюк мутафаккири Саъдий шундай фикр айтади: «Истамай мутолаа қилаётган талаба – қанотсиз күшдир». Бу каби кўплаб фикрларни дунёнинг буюклари айтиб ўтганлар<sup>1</sup>. Форобий педагог масъулияти ва маҳорати ҳакида ўз фикрини билдириб, шундай дейди: «... Муаллим шогирдга нисбатан ўта ҳокимликка ҳам, бўшликка ҳам йўл қўймаслиги лозим, чунки ўта ҳокимлик шогирдда муаллимга нисбатан нафрат уйготади, агарда шогирд муаллимнинг бўшлигини сезса, унда муаллимга ва унинг ўқитаётган илмига нисбатан совиш ва менсимаслик пайдо бўлади»<sup>2</sup>. Форобийнинг фикрларидан кўриш мумкинки, педагог бола тарбиясида ўта каттиқкўл ҳам, шунингдек, бўш ҳам бўлмаслиги керак экан. Бу педагогик тактнинг, педагогни шароитдан келиб чишиб муносабат қилиши ва болага ўрнак бўлиши кераклигини кўрсатади. Дунёнинг кўплаб буюк педагоглари бизга ўчмас бир мерос қолдириш билан бу билимларни ўрганиш кераклигини ҳам уқтириб ўтганлар. Устозлар ўзларидан кейин яхши педагоглар қолишини орзу қилганлар. Келажак педагоглари халқ ва жамият учун етук шогирдларни тайёрлаб беришлари, инсоният учун олий даражадаги илм соҳибларини шакллантиришлари уларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Устозлар, яъни ўқитувчиларнинг тарбияланувчилар хаётидаги ўрни ҳакида жуда кўплаб фикрлар мавжуд, яъни уларнинг бирида шундай дейилади:

«Бир куни Искандардан:

– Сен устозингни отангдан кўра яхширок хурмат қиласан эмишсан, шу ростми? – деб сўрадилар.

<sup>1</sup> В. Воронцов. Тафаккур гулшани. – Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти, 1981. – 171–176-бетлар.

<sup>2</sup> М. Хайруллаев. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тұтрасыда. – Т.: «Ўқитувчи», 1967. – 68-бет.

— Ҳа, — деб жавоб берди Искандар, — отам мени йўклик осмонидан олиб тушди, устозим эса. ердан кўкка кўтарди!» («Фавоких ал - жуласо»дан)<sup>1</sup>.

Болани тарбиялашга интилаётган педагогни ўз касбининг устаси сифатида шахсий позицияси мавжуд бўлади. Яъни бу унинг дунёқарашидан келиб чиқади. Буни ўрганиш ва педагогни таълим беришдаги ўз дунёқарашидан, билимларни эгаллаганлик даражасидан, педагог учун хос бўлган талабларни бажара олишидан келиб чиқади. Педагоглик фаолияти жуда мураккаб ва машаққатли ишдир. Шунинг учун ҳам қадимдан педагогларга катта хурмат ва эҳтиром билан қаралган. Педагоглар меҳнати бу жамият келажаги бўлган фарзандларимизнинг келажаги, эгаллаб борадиган малакалари, билимлари ҳисобланади. Педагоглар барча жамиятларда хурматга эга бўлган, шоғирдлари келажагини яратиб бера олган инсонлардир. Шуни айтиш керакки, ўқитувчи болаларга, ўз педагогик меҳнатига меҳр қўйиши, болалар жамоаси билан ишлаши ва улар билан бирга бўлишга интилиши, уларга таълим-тарбия беришга кепрак бўлган билимларга эга бўлиши мутлақо зарур ва шартдир. Қадимданоқ педагогликка қўйиладиган талаблар ўрганилган. Дейлик, олимлар ўргасидаги сұхбатда бир олим иккинчисига шундай дейди: «Уч хил қўринишдаги одамлар ўзаро фойда қўради: билим берәётган (у бунинг учун ҳақ олади), ўкиётган (у билим олади), шу жараёнда иштирок этаётган (у эсга тушибади). Лекин ўзини биламан деб қўрсатиб ўқитишига ҳаракат қилаётган ҳеч маҳал фойда келтирмайди»<sup>2</sup>. Қўриниб турибдик, педагоглик маҳорати, педагогнинг дунёқараши, болалар психологиясини билиш, уларга бериладиган билимларни яхши ўзлаштириш икки томонга ҳам фойда келтиради. Бири билим олиб ўз йўлинни топиб боради, иккинчиси яхши шогирд тарбиялаб бориш орқали ўз тирикчилиги учун ҳалол маблағ топади.

<sup>1</sup> Одоб бўstonи ва аҳлоқ гулистони. – Т.: «Фан», 1994. – 19-бет.

<sup>2</sup> Абул-Фарадж. Кинига занимательных историй. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1957. – С. 81.

Педагогнинг дунёкараши кенг бўлиши унинг янги билим бериш усулларини кашф килиши ва ўз касбига ижодий ёндашишига олиб келади.

## ПЕДАГОГИК УСУЛ

Бир ўқитувчи ўзини ўқувчисининг жавобларидан қандайдир янгиликни билётгандек тутди. Шунда ундан сўрадилар:

– Бу каби кишилар сени бирор-бир нарсага ўргатишлари мумкинми?

Шунда у жавоб берди:

– Албатта, мен бу саволга жавобни унга нисбатан яхши биламан. Лекин мен ундан бошқаларни ўқитишга бўлган ҳавасни, интилишини қониқишни ўз бошидан ўтказишини истайман. Бу унда ўқишга бўлган ҳавас янада яхшироқ бўлишига олиб келади<sup>1</sup>.

Педагог болани тарбияловчи шахс сифатида ўз касбига нисбатан бўлган муносабатини ўрганиш – бу педагогик социологиянинг муҳим масалаларидан хисобланади. Педагог ўзи эгаллаб бораётган касбига, унинг ўзига хос, яъни қийинчилиги, меҳнати, завқ берадиган томонларига, бошқа соҳалардан ажраби турадиган ютуқларидан хабардор бўлиши, ундан талаб қилинадиган масъулиятларга жавоб бера олиши шарт бўлади. Бўлгуси педагог ёки катта педагогик тажрибага эга бўлган педагог ўз касбини қанчалик билиши, болаларга бераётган таълими, унга таъсир этаётган муҳит ва шу муҳитда ўзини тутиши каби кўплаб масалалар борки, бу, албатта, педагогик социология томонидан ўрганилиши зарур бўлади. Инсон ҳаёти шуни қўрсатадики, ҳамма ҳам педагог бўла олмайди. Педагог бўлиши инсондан жуда кўп масъулиятни талаб қиласди. Шунинг учун

<sup>1</sup> Абул-Фараадж. Книга занимательных историй. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1957. – С. 82.

хам педагогнинг ўз касбига бўлган муносабати ўрганиш керак бўлган мухим масалалардан бири ҳисобланади.

Педагогнинг энг катта масъулияти – бу ўзи тарбиялаётган ўкувчиларини, болаларни севиш, ўз муҳаббатини уларга бера олиш ҳисобланади. Ўз устозининг уларга бераётган муҳаббатини болалар билиб борадилар. Уларнинг шўхлигини, ўзига хос муносабатларини кечирувчи устоз – бу ота-онадек улуглигини кўрсатади. Бизга аждодлардан инсонни севиш, уларни эҳтиётлаш, ўзида бор бўлган муҳаббатни уларга бера олиш каби қадриятлар мерос бўлиб қолган. XX асрнинг кўзга кўринган файласуф олими Эрих Фромм ўзининг «Искусство любить» деб аталувчи асарида севгининг кўплаб турларини кўрсатиб, уларга шарҳлар берган. Шу билан айтиш керакки, педагог муҳаббати – бу ота-онанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббатидек ҳисобланади. Педагог ўз қалбини болага бериб уни тарбиялашга, билим беришга бағишлади. Болани оқ ва қорани ажратишига ўргатади. Шунинг учун инсон катта бўлиб борган сари, қандай мансабни эгалламасин, ўз устози берган билимларга суюнади, билимларини ошириб боради. Устоз меҳнатини юзага чиқарди. Яхши ном қолдиради.

Педагог шахси – бу инсонни тарбиялашга, таълим беришга ўзида ҳаваси, интилиши бўлган инсондир. Бу жараёнда педагог ўз шахсини такомиллаштириб бориш борасида доимо ижод қилувчи бўлиши керак. Шундан келиб чиқсан ҳолда педагог шахсига қўйиладиган талаблар мавжуддир. Бу талабларни ўрганишга кўплаб психологлар, педагоглар, социологлар, файласуфлар ўз дикқатларини қаратганлар. Педагогик социология таълим ва тарбия соҳасининг асосий соҳиби – бу ўқитувчи, педагог эканлигини ва тарбия соҳасидаги муҳитни ташкил этувчи шахс сифатида педагогларни ўрганишга катта эътибор беради. Педагог болани илк мактабга чиқсан вақтдан бошлаб уни бошқарувчи, таълим ва тарбия беришда муҳитни яратувчи шахс ҳисобланади. Болалар уйида ота-онасининг гапларига кулоқ солсалар, мактабда устозлари чизган чизикдан чиқмайди-

лар. Боланинг онги оппок коғозга ўхшайди, унинг атрофидагилар бу қоғозга ўз таъсирлари билан маълум бир билимларни ёзиб борадилар. Бола атрофидаги шароит яхши бўлса, ундан маълум бир жамият учун фойдали инсон етишиб чикади, акси бўлса. албатта, бу муҳит уни ўзига хос бўлган шахс бўлиб етишишига олиб келади. Кўриниб турибдики, бола ёшлигиданоқ қандай муҳитда ўсган бўлса, шу муҳит таъсирида вояга етади. Шарқнинг буюк мутафаккирлари бола тарбиясида муҳитнинг ўрнини кўрсатувчи кўплаб фикрларни айтиб ўтганлар. Дейлик, Саъдийнинг «Гулистон» асарида қароқчилар тўдаси ичida ўсган ҳали жуда ёш бўлган болани подшо ўлимга маҳкум қилганда, унинг вазири шу болани сақлаб қолишни ва унинг жуда ёшлигини айтиб ўтади. Подшо вазирга бола шу ёшгача кўпгина ёмонликларнинг ичida бўлганини, унинг кўзи шуларни кўрганини, бу боладан яхши бола чиқмаслигини, у яхши муҳитда катта бўлмаганини айтганда ҳам уни сўраб олади. Уни келажакда яхши инсон қилиб тарбиялаб, подшога кўрсатишини айтади. Йиллар ўтиб бола катта бўлади ва вазир берган тарбия асосида кўп нарсани биладиган саводи чиқсан инсон бўлиб етишади. Буни подшога кўрсатган вазир боладан яхши инсон етишганини намойиш қиласди. Лекин, орадан бироз вақт ўтгандан кейин, бола маҳалладаги ярамас болаларни атрофига тўплаб, вазирнинг уйини талайди, болаларини ўлдириб, ўзи ўша босқинчилар маконига қочиб кетади<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, бола қандай муҳитда биринчи тарбияни олар экан, унинг онгига шу ҳолат муҳрланиб қолади. Боланинг тарбиясига яна ўзини англаш ҳам таъсир қиласди. Ўзининг ҳаёт йўлини куришда ўзлигини англаш ва бу йўлда фаолият кўрсатиш ҳам ўз натижасини беради. Лекин бунда, албатта, муҳит ўз таъсирини ўтказади.

Педагогнинг таълим ва тарбия беришида унинг дунёқараши, жамият ва борлиққа бўлган муносабати ҳам муҳим роль

<sup>1</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – 26–27-бетлар.

ўйнайди. Педагог ўз дунёқараши билан келажак инсони қандай бўлишини белгилаб беришда иштирок этади. Умуман олганда, дунёқарааш деганда нимани тушунамиз, деган савол туғилади. Дунёқарааш тушунчаси – бу фалсафанинг энг муҳим тушунчаларидан бири ҳисобланади. Дунёқарааш тушунчасини турлича изоҳлаш, тушунтириш мумкин. Дунёқарааш – бу, аввалио, инсон ўзини ва дунёни зарурий равища англаши, тушуниши, билиши ва баҳолаши натижасида юзага келган хуносалари билимлари асосида шаклланган умумлашмалар тизимиdir. Бу жиҳатдан олганда дунёқарааш дунёning инсон онгидаги ўзига хос инъикоси бўлиб, инсон ўз-ўзини ва дунёни англашининг алоҳида шаклиdir. Дунёқарааш, шу билан бирга, инсоннинг ўзига ва уни қуршаб турган борликқа бўлган муносабатларини ифодалайдиган муайян кўнималари, малакалари, билимлари ҳамда дунёни амалий ва назарий ўзлаштириш ҳамdir. Умуман олганда, дунёқарааш – бу инсоннинг дунёни сезиши, идрок этиши, уни тасаввур қилиши, бу дунёни тушунишдан тортиб, унда ўзининг ўрнини ва ролини белгилаши, ўзини ва дунёни ўзгартиришнинг умумий маънавий заминлари ҳамdir<sup>1</sup>.

Педагогнинг ўзига яраша дунёқараши унинг касби ва маънавиятининг бойлиги билан боялиқ бўлади. Уларнинг ўз устиларида ишлашлари жиҳатидан кучли, ўртаҳол ва фаолиятини энди бошлиётган педагогларга ажратиш мумкин. Педагогик социология – бу педагогикага хос мутахассисларни таърифлар экан, уларнинг касб маҳоратларини, ортириб бораётган билимларини, бу билимларнинг кенглигини ва уларни бу билимлардан амалиётда қанчалик фойдалана олишини ҳисобга олган ҳолда таърифлашларини кўришимиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам, малакаси кўп, билимлари бой бўлган педагогдан ёшлар мустаҳкам ва кўп билимларни оладилар.

Педагогнинг дунёқараши бола тарбиясида, таълимида қайтарилмас ўзига хос шахс тарбиялашнинг муҳим омили ҳисоб-

<sup>1</sup> Қаранг: Фалсафа: комусий луғат. – Т.: «Шарю», 2004. – 115-бет; Фалсафа (ўкув қўлланма). Академик Э. Ю. Юсупов таҳрири остида. – Т., 1999. – 8–11-бетлар.

ланади. Бунда педагогнинг ўз касбига бўлган эътибори, бу касбнинг жамият томонидан қадрланиши, иктисодий ва ижтимоий химояланганлиги каби томонлар ҳам жуда катта омил ҳисобланади. Педагогнинг дунёқараши уни ўз меҳнатига ташқаридан бўлган эътиборни сезишдан бошлаб, педагоглик тафаккуригача бўлган жамики муносабатларни идрок этиш билан боғлиқ бўлади. Унинг ҳалол меҳнатини қадрлаш, ўз вақтида рағбатлантириш ундаги руҳиятнинг кўтарилишига ва уни яна-да кўпроқ меҳнат қилиб, жамиятга керакли бўлган инсонларни тарбиялаб беришга ундан туришини социологлар ҳар доим таъкидлаб келадилар. Яна шуни кўрсатиш мумкинки, ҳар бир педагогнинг дунёқараши унинг характеристи, темпераменти, бу педагогнинг юриш-туриши, фикрлари, атрофдаги воқеаларга бўлган муносабати кабиларда ҳам намоён бўлади. Педагогнинг дунёқараши унинг онгининг шаклланиши, олаётган билимлари, яшаётган мухити, ўзлигини англаганлик даражаси, жамият манфаатларига мос бўлган фаолияти кабилар билан боғлиқ бўлади.

Ватаннинг келажаги бўлган ёшларни тарбиялашда, билим беришда педагогларнинг ўрни жуда каттаки, буни дунёнинг кўпгина машхур педагоглари ўз асаларида таъкидлаб ўтганлар. К.Д.Ушинский шундай деб кўрсатади: «Тарбиячи шахснинг ёш қалбга бўлган таъсири шундай бир тарбиявий кучдиреки, дарсликлар ҳам, ахлоқ тўғрисидаги насиҳатлар ва рағбатлантириш системаси ҳам бу кучнинг ўрнини боса олмайди»<sup>1</sup>. Бу педагогнинг болаларга, айниқса, мактаб ёшидаги кичик болаларга таъсири жуда катталигини кўрсатади. Биринчи ўқитувчи, айниқса, бунинг устига яхши тарбиячи бўлса, одам бундай ўқитувчини умрбод эсдан чикармайди. Ўз ўқитувчиси ва унинг таъсири ҳақида ёзувчилардан бири шундай эслайди. «Ўқитувчимнинг ўзига хос тўлқинлантирувчи гўзал хислатлари гоят кўплиги, ўrnak бўлувчи томонлари мени унинг уйи атрофида айланиб юришимга сабаб бўлиб, унинг учун ўлишга ҳам ўзим-

<sup>1</sup> К. Д. Ушинский. Собр. соч. Т. 2. Изд. АПН РСФСР, 1948. – С. 29.

ни тайёр, деб билганман. Ўқитувчи бўлишдек улуғ бахтга эришиш ва болалар орасида ўша муаллимам каби яхши ва севимли бўлиб яшаш ўша вақтдаги ҳаётимнинг идеали бўлиб колган эди». Бу каби фикрлар педагогдан нечогли масъулиятли касб эгаси эканлигини, ундан дунёқарашини ҳар доим кенгайтириб боришни ва болалар тарбиясининг етакчиси сифатида бўлишни талаб килади. Болалар ўзи учун ўрнак бўлаётган устозга ҳар доим тақлид қилиб борадилар. А.С.Макаренко айтганидек, педагог болаларга ўзини ташки ва ички томондан гўзал инсон сифатида намоён қилиши ва ота-оналар олдида ҳурматга сазовор бўлиши керак. Ўқитувчи ўзининг мактабдаги ҳалол фаолияти ва меҳнати билан болалар олдида намуна бўлиши, касбдошлири олдида ҳурматга ва ишончга эга бўлиши муҳим ҳисобланди. Ўқитувчилик бу улуғ бир касб, у болани ҳаётга етаклайдиган, оқни қорадан ажратишга, болада чин инсон бўлишга бўлган ҳавасни яратиб берувчи касбdir. Педагогнинг дунёқараши ҳар доим илгор гоялар асосида шаклланган бўлиб, болага асосли билим беришни ва кенг дунёқарашини уларда шакллантиришини ўз олдига мақсад қилиб олган бўлиши муҳим томонлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш жараёнининг муҳим томонларидан бири – бу ўқитувчининг дунёқарашини янада кенгайтириш, уларда келажак авлодга таълим-тарбия беришда керак бўлган базани яратиш ҳисобланади. Бу эса, ўқитувчини ўз дунёқарашини кенгайтириб бориш, кўплаб маълумотларга ва манбаларга эга бўлишга ундан туради. Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан келиб чиқсан ҳолда ўқитувчи ўз касби билан боғлиқ бўлган хислатларни шакллантириб бориши зарур бўлади. Ўқитувчи дунёқарашининг энг муҳим хислати – бу унинг ўз Ватанига содиклиги, болаларни севиши, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ўз юрти, она тили, ўз ҳалқининг келажаги ва яшаётган даври учун қуюниш каби кўплаб хислатларни ўзида шакллантириш ҳам ҳисобланади. Педагогикага қизиқиши

бўлмаган киши ундан бошқачарок йўлда фойдаланишга интилади. Ҳақиқий педагог эса, ўз касбига, унинг ўзига хос бўлган томонларига кизиқади ва бу йўлда юқорида санаб ўтилган хислатларни ҳар доим эсида сақлайди. Шогирдларга педагогдан бой ва улуғ инсон бўлмайди. Чунки, айнан қайси касбда фаолият кўрсатаётган бўлишидан қатъи назар, педагог раҳбарлигига шу ютукларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам педагог шогирди учун энг улуг, энг мўътабар инсон бўлиб қолаверади. Педагог бу инсонларга зиё таркатаётган, касб ўргатаётган, малака бераётган, тўғри йўлни кўрсатиб бераётган, ҳалқни севишни ўргатаётган буюк шахс, жамиятнинг тарбиячиси хисобланади. Дунёнинг буюк инсонлари ҳам, энг аввало, ўз устозларидан ўрганганлар, уларнинг дунёқараашларига суюнганлар, кейин эса, ўзига хос ҳолда ўз дунёқараашларини илгари сурганлар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор Эркин Юсупов бу ҳақда шундай ёзади: «... Ўзимизга қанчалик бино кўймайлик, барча билим ва малакаларни устозлардан ўрганамиз. Кейинчалик, катта мансабларга, илмий даражаларга эришмайлик, бизга биринчи марта алифбони, ахлоқ ва одобни ўргатган мураббийларимизни ҳурмат билан тилга олишимиз зарур. Улар бизни бир вақтлар тўғри йўлга етаклаганлар, ҳаётга ишонч, умид уйғотганлар»<sup>1</sup>. Илгор дунёқараашга эга бўлган педагог ўз қараашлари билан кўпларга устоз хисобланади. Шогирдлар устоздан олган билимларидан фойдаланиб, ўз ҳаётларини курадилар. Устозлардан шогирдларга моддий бойлик эмас, балки маънавий бойлик мерос бўлиб қолади. Бу – бир умрлик бойлик бўлиб, молу дунёдан ҳам, юксак мансаблардан ҳам афзалдир.

Кенг дунёқараашга ва чукур билимга эга, ёшларни жамият манфаатлари учун тарбиялаб бераётган педагог-устоз ҳақида академик Э.Юсупов шундай дейди: «Устозлик – инсонпарварлиқdir, бир шахс камолотини эмас, балки бутун жамият тараққиётини ўйлашдир. Устоз, биринчи навбатда, маъна-

<sup>1</sup> Э. Юсупов. Фидойи инсонлардан бири. – Т.: «Университет», 2000. – 9-бет.

вий баркамол инсон бўлмоги керак. Устоз шогирдини ўзининг билими, малакаси билангина эмас, балки ахлоқи, одоби, юриш-туриши, жамиятдаги мавқеи, бошқаларга, оиласига, фарзандларига муносабати билан ҳам тарбиялади. Ҳакиқий устоз шогирдини олим сифатидагина эмас, балки инсон сифатида шакллантиради<sup>1</sup>. Устозлар хақида қадимдан кўплаб фикрлар айтилган. Қадимги «Авесто»да ҳам шундай фикрлар мавжуд «Яхши устозлар соғлом ақл-хушли фарзандларни, жасур, доно ва турли тилларни биладиган ўғил-қизларни, элни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларни, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равshan кўз билан қўра оладиган авлодни тарбиялади»<sup>2</sup>. Тарихда кўпгина мутафаккирлар устоз ва унинг давомчиси бўлган шогирд хақида кўплаб ҳикоялар яратганлар. Устознинг дунёқараши, унинг ўз шогирдига ва унга берадиган билимига қанчалик таъсир этишини ҳаётий мисоллар ҳам тасдиқлайди. Мир Алишер Навоийнинг кичик ёшида ўз устозига берган шеърига бўлган устозининг муносабати Алишер Навоийнинг келажагига устозининг муносабатини ҳам ифодалайди. Дунёқараши кенг бўлган устоз шогирдининг ижодига етарли, тўғри баҳо бера олганлигини, бу баҳо жамиятга буюк бир даҳони берәётганини кўрсата олган. Худди шунингдек, ҳозирги давр болалари ўртасида устоз ва шогирд муносабатини ривожлантириш шогирднинг устозга бўлган меҳридан, вафосидан, устознинг шогирдига бўлган ҳурмати, талабчанлиги, намунасидан келиб чикади. Бу педагогга хос бўлган хусусиятлар билан боғлиқ жараёндир. Болаларга, педагогик меҳнат фаолиятига меҳр кўйиш, болалар гуруҳи билан ишлаш, улар билан бирга бўлишга мойиллик муваффақиятли таълим-тарбия ишининг мутлақо зарур шарти ва педагог дунёқарашининг асосидир. Педагогнинг ўзига хос профессиограммаси унинг дунёқараши, малака ва билимлари билан узвий боғлиқ бўлади. Психология фанлари доктори, профессор М.Г.Давлетшин

<sup>1</sup> Э. Юсупов. Фидойи инсонлардан бири. – Т.: «Университет», 2000. – 10-бет.

<sup>2</sup> Ҳамиджон Ҳамидий. Авестодан Шоҳномагача. -- Т.: «Шарқ», 2007. – 70-бет.

рахбарлигига ёзилган ўкув қўлланмада педагогга хос бўлган жиҳатлар баён этилган бўлиб, унда педагог дунёқарашидан ке-либ чиқадиган хусусиятлар кўрсатилган. Булар қуйидагиларни ташкил этади:

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

- болаларни яхши кўриш, уларни севиш;
- амалий- психолого-акл-фаросатлилик;
- меҳнатсеварлик;
- жамоат ишларida фаоллик;
- меҳрибонлик;
- камтарлик;
- одамийлик, дилкашлик;
- уддабуронлик, мустаҳкам характерга эга бўлиш;
- ўз билимларини оширишга интилиш.

2. Касбига хос билимлари:

- таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсади ва вазифаларини тушуниш;
- психология асослари, ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиш;
- этнопсихологик билимларни эгаллаш;
- ҳозирги замон педагогикаси асосларини билиш;
- ҳозирги замон педагогикасининг методик асосларини эгаллаганлиги;
- мактаб ёшидаги болаларнинг психологик-педагогик хусусиятларини тушуниш;
- ўз фани методикасини билиш;
- ўкувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлиги-ни билиш;
- ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиш.

3. Ўз касбига хос хислатлари:

- миллий қайта қуриш мафкураси билан мустақил давлат мафкурасини тушуниш;

– замонавий мактабда олиб бориладиган ўкув-тарбия жа-раёнида умуминсоний бойликлар, миллий анъаналар ва урф одатларнинг аҳамиятини тушуниш;

– ўқитувчининг кузатувчанлиги;

– ўз дикқат-эътиборини тақсимлай олиши;

– педагогик фантазия (хаёл)нинг ривожланиши;

– ўзига танқидий муносабатда бўла олиш;

– ўзини қўлга ола билиш, ўзини тута олиш;

– педагогик тakt;

– нутқнинг эмоционал ифодаланиши

#### 4. Шахсий-педагогик уддабуронлиги:

– дарс машғулотлари учун зарур материалларни танлай билиш;

– ўкувчиларнинг билим олиш фаолиятини бошқара олиш;

– таълим ва тарбия жараёнида ўкувчилар онгининг тараккӣ этиб боришини истиқболли равишда режалаштира олиш;

– педагогик вазифаларни шакллантириш ва тарбиявий ишларни режалаштиришни билиш;

– болалар жамоасига раҳбарлик қилишда ўз фаолиятини режалаштиришни билиш;

– ўкув мақсадларини режалаштира олиш.

#### 5. Ташибилотчилик малакалари:

– болалар жамоасини уюштира билиш;

– турли шароит ва вазиятларда болалар жамоасини бошқара олиш;

– болаларни бирор нарсага қизиктириб, уларни фаоллаштира олиш;

– амалий масалаларни ҳал этишда ўзининг билим ва тажри-баларини усталик билан тез қўллай олиш.

#### 6. Коммуникатив малакалари:

– болаларни ўзига жалб этишни билиш;

– болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиш;

– болаларни жамоалараро ва жамоа ичидага үзаро муносабатларини тартибга солишни билиш;

– болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиш.

#### 7. Гностик малакалари:

– болаларни асаб-психик тараккиёти даражасини аниқлай билиш;

– ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолияти натижаларини ўрганиб, ундан назарий ва амалий томондан тўғри хуласа чиқара олиши;

– психологик ва педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиш;

#### 8. Ижодий хислатлари:

– педагогик маҳоратни такомиллаштиришга интилиш;

– ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти;

– ўзини ўқувчига педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиш<sup>1</sup>.

Педагогнинг таълим ва тарбия беришдаги энг муҳим томони бу ундаги педагогик қобилият ҳисобланади. Албатта, инсонда ўзи қизиқсан малакага қобилият ўсиб бориб, қизиқиши орқали у ўзи эгаллаши керак бўлган малакани тез ва осон билб боради. Чунки унда бу соҳага қизикиш жуда катта бўлади. Кўриниб турибдики, қобилият бу кишини бирор-бир фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни осон, муваффақиятли амалга оширишидир.

Педагогик қобилият – бу қобилият турларидан бири бўлиб, шахснинг педагогик фаолиятга яроқлилигини, шу фаолият билан муваффақиятли шугуллана олишини аниқлаб беради. Педагогик қобилиятнинг ўзига хос тузилиши мавжуд бўлиб, унда педагогик дунёқарашнинг шаклланиши, тараккий этиши, бойиб бориши зарурый шарт ҳисобланади. Педагогик қобили-

<sup>1</sup> Карапанг: М. Г. Давлетшин ва бошқ. Ёш даврлар ва педагогик психология./ Ўқув кўлланма. – Т.: ТДПУ, 2009. – 114–115-бетлар.

ятда педагогикага хос бўлган конуниятлар кўзга ташланади. Педагогик қобилиятнинг муҳим томонларидан бири – бу дидактик қобилият ҳисобланди.

**Дидактик қобилият** – бу педагогни ўқув материалларини болаларга аник ва тушунарли, равшан ва содда қилиб тушунириб бериш, уларнинг ўзлаштиришларини осонлаштириш, фан ва ҳаётга қизиқиш уйғотиб, уларни мустақил, фаол фикрлашларини тарбиялаш ва шундай қобилиятларни уларда шакллантириш ҳисобланади. Ҳозирда ўқитишда компьютерларнинг кириб келиши, педагогларнинг дидактик қобилиягини янада кенгроқ ва чукурроқ ўзлаштиришларини талаб қилиб бормоқда. Бунда педагог дидактик қобилиятга янада бошқачароқ ёндашишлари ва ундан унумли фойдалана олиш қобилиятларини ўзларида кашф қилишларини талаб қилмоқда. Дидактик қобилият педагогнинг ўрнини мустаҳкамловчи ва ўқитувчи ўрнини алмаштириб бўлмаслигини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Педагогнинг ўрни ҳам айнан бола тушуна олмайдиган жараёнларни содда тилда баён этиб, унинг онгига етказиб бериш ҳисобланади.

**Академик қобилият** – бу педагогнинг математика, физика, биология, она тили, тарих ва бошқа фанларга хос бўлган қобилиятидир. Қобилиятли педагог ўз фанини фақат ҳажм томондан эмас, балки атрофлича, кенг, чукур билиб, бу соҳада эршилган ютуқлар, кашфиёт ва янгиликларни доимий равишда кузатиб бориб, болаларда шу фанга нисбатан қизиқиш уйғота олиши зарур. Академик қобилият педагогни илмий изланишларга ҳам жалб қилиб туради. Болалар билан ишлаш даврида уларда ўзига хос бўлган амалий ишларни бажришларига имкониятлар ҳам яратади. Ўқув жараёнини компьютерлаштириш жараёни болаларга фан тўғрисида кўплаб билимларни бериш имкониятларини яратиб келмоқда. Бунда педагогнинг академик қобилияти жуда яққол кўзга ташланади. Педагог болаларга компьютерлардан фойдаланган ҳолда фанга хос кўплаб материалларни бериши мумкин бўлади.

**Перцептив қобилият** – бу ўкувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўкувчины вактингчалик психология билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билиш ҳисобланади. Қобилиятли педагог ўкувчининг ҳар қандай майда-чуйда хатти-харакатларини, ёркин ифодаланадиган айрим ташки ҳолатларда хамда уларнинг ички дунёсида юзага кела-диган ўзгаришларни сездирмасдан билиб олади. Уларга муомала қилганда бундай ҳолатлардан унумли фойдалана олишга интилади.

**Нутқ қобилияти** – бу педагогнинг энг муҳим хислатларидан бири ҳисобланади. Нутқ қобилияти педагог учун керак бўлган муомала, билим бериш, тарбиялаш, таъсир этиш, бошқариш, йўналтириш ва ҳоказолар учун зарур бўлган қобилиятни кўрсатувчи хусусият ҳисобланади. Педагогнинг нутқ маданияти ўзига хос бой ва нутқ қонунларига амал қилган бўлиши зарурдир. Ўқитувчи ўз жумлаларида мураккаб оғзаки изоҳларни, қийин атамаларни ва зарурати бўлмаса, турли таърифларни ишлатмаслиги лозимдир. Қобилиятли педагогнинг нутқи жонли, аниқ-равshan ва ифодали, ҳис-туйғуга бой, дона-дона бўлиб, бунда услубий ва грамматик хатолар мутлақо бўлмаслиги лозим.

**Ташкилотчилик қобилияти** – бу ўкувчилар жамоасини уюштира билиш, бунда жамоани жипслаштира олиш ва ўз шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир.

**Авторитар қобилият** – бу ўкувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиб, уларда ўзига нисбатан обру орттиришдан иборат. Педагог бунга ўз фанини мукаммал билиши, сезирлиги ва хушмуомалалиги асосида қозонади.

**Коммуникатив қобилият** – бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўкувчиларга ёндашиш учун тўғри йўл топа билишга, улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга, педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

**Педагогик хаёл** – бу кишининг ўкувчилар шахсини тарбиявий томондан лойҳалаштиришда ўз иш-харакатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган кобилиятдир.

**Диккатни тақсимлай олиш қобилияти** – бу қобилият бир вақтнинг ўзида диккатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Педагогик социология педагогик хусусиятларни ўрганиш орқали ўқитувчиларга хос бўлган жараёнларни ўкувчилар жамоасига таъсирини, тарбия сифати ва таълим тизимини қуришнинг ўзига хос томонларини ўрганиб боради. Педагогик социология ўқитувчиларга хос хусусиятларни улар томонидан ўзлаштирилиши, шакллантирилиши, амалга оширилиши таълим тизимини янада ривожлантириш масаласини ҳам ўрганади. Педагогик социология ўқитувчилар жамоасидаги психологолик иқлимини ҳам ўрганиб уни мактаб муҳитига ва таълим тизимида тегишли томонларини ҳам ўрганади. Педагоглар жамоасидаги психологик иқлим педагогларнинг биргаликдаги иш фаолияти яхши бўлишига олиб келади.

Педагогик жамоаларни ўрганар эканмиз, уларда юз берувчи иқлим нима ва бу иқлим деганда унинг таълимга таъсири қандай деган қатор саволлар туғилади. Шуни айтиш керакки, педагогик жамоадаги психологик иқлим, энг аввало, педагогларнинг бир-бирларини ўзаро тушунишлари асосида юз беради.

**Психологик иқлим** – бу гуруҳдаги инсонларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқувчи кайфиятлари, психологик ҳолатларининг йигиндиси ҳисобланади. Психологик иқлимнинг кўплаб кўринишлари мавжуд, лекин уларни икки гуруҳга бўлиб кўrsatiш мумкин. Булар қулай ва нокулай психологик иқлиmlар ҳисобланади. Жамоадаги иқлим қуйидаги характерли томонлари билан фарқланади. Жамоадаги шахсларни ўз меҳнатидан, жамоадаги инсонлар билан бўладиган мулоқотдан, раҳбарият билан бўладиган муносабат ва бошқарувдан, ҳамкаслари билан бўладиган мулоқотдаги руҳий кечинма-

лардан, меҳнат килиш учун яратилган шароитлардан, ўз би-димларини етказиб беришдаги имкониятлардан, олаётган иш ҳакидан, жамоадаги ўрнидан, ҳамкасларининг муносабатларидан ўзида коникиш вужудга келиши билан боғлиқ бўлади. Аксинча, кўрсатилган томонлардан қоникмаса, у ҳолда қоникиш бўлмаслиги ва жамоадаги психологик иқлимнинг бузилишига олиб келади. Бунда гурух аъзолари ўртасида ифво, бир-бирини кўролмаслик, ичиқоралик, бошқача йўллар билан мукофотланишга уриниш, ўзини юқори баҳолаш, бошқаларни менсимаслик, бошқа гурух аъзоларини раҳбариятга ёмонлаш, ўзбилармонлик, бошқаларнинг меҳнатини менсимаслик ва шу каби ёмон хислатлар пайдо бўлиб, томир отади. Жамоадаги яхши психологик иқлим таълим ва тарбия ишига сифатли ва натижали таъсир кўрсатса, ёмон психологик иқлим эса, жамоа бузилишига олиб келади.

Педагогик социология ўқитувчилар жамоасини ўрганар экан, жамоадаги ижобий психологик иқлим вужудга келиши билан боғлиқ жараёнларни ҳам таҳлил қилиб боради. Педагогик социология педагоглар жамоасини ва уларда юз берадиган мулоқот асосидаги психологик иқлимни болалар гурухига, уларга бериладиган таълим-тарбияга таъсирини ўрганиб, ўзига яраша хулосалар ва тавсиялар бериб боради. Албатта, бу соҳа инсондан кузатувчанликни, зийракликни, ўз вақтида камчиликларни сезишни, ҳар бир инсонга тегишли психологик ҳолатлар ва жараёнларни ўзаро мулоқотларга таъсирини ҳам ўрганиб боришни талаб қиласди. Педагоглар жамоасини бошқарадиган унинг раҳбаридан ҳам жуда катта масъулият талаб қилинади. Қилинган меҳнатни, ижодий ёндашишни, ютуқларни раҳбар дикқат билан кузатиб бориши, унга тўғри баҳо беришни зарурый жараён қилиб қўяди.

Таълим ва тарбия масалаларини амалга оширишда Ўзбекистонда кўплаб амалий ишлар ҳаётга татбиқ этиб борилмоқда. Жамиятимиз миқёсида таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига чиқариш, фан

соҳасидаги янгиликларни амалий хаётга татбик этиш мухим масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ёшларда фан асосларига нисбатан кўникма, малака, билимларни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан хисобланади. «Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш максадига катта аҳамият бериб келинмоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасидаги таълим беришнинг узлуксиз жараёнининг ҳуқуқий асослари «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топган. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги» Қонун ҳисобланади. Бунда ўсиб келаётган ёш авлодга, таълим ва тарбия соҳасида изланаётган мамлакат аҳолисига етказиб бериладиган таълим, тарбия, касб-хунар, олий таълим билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва талаблар ўз аксини топган. «Таълим тўғрисидаги» Қонун асосида таълим педагогикасига хос бўлган ҳуқуқий жараёнлар, уларга амал қилиш меъёрлари, олий таълимнинг моҳияти ва мазмuni ўз аксини топган. «Таълим тўғрисидаги» Қонун ўзида таълим тўғрисидаги умумий қоидаларни, таълим тизими ва турларини, таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилишни, таълим тизимини бошқаришни, якунловчи қоидаларни мужассамлаштиргандир. Демак, кўриниб турибдики, дунёга келган ёш авлодни туғилганидан то умрининг охиригача бўлган даврда таълим-тарбия беришнинг асосий қонунлари, ҳуқуклари, ахлоқий ва эстетик томонлари бу қонунда қамраб олинган. Бу келажак ёш авлод ичидан узлуксиз таълим ва тарбия бериб бориш орқали олий даражадаги мутахассис ва жамият учун керак

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1998. – 5-бет.

бүлдиган кадрларни тайёрлашга қаратылған олий таълим педагогикасидир.

Таълим соҳасида ёшларга замонавий ва жамият учун зарур бўлган малакаларни ва билимларни беришда янги педагогик технологияларни жорий этиш, ўкув фаолиятини ташкиллаштириш, самарадорлигини ошириш асосий мақсад ҳисобланади. Таълим-тарбия ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шундай дейди: «Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнациинг энг асосий шарти ва гарови деб билган»<sup>1</sup>. Жамият тараққиёти – бу келажак авлодларни тарбиялаш ва таълим бериш, малакали қилиш, касбга эга қилиш, ахлоқли, одобли ва ватанпарвар қилиб тарбиялашдан иборатdir. Ота-боболаримиз айнан жамиятга фойдали бўлган инсонларни тарбиялаш ҳақида бош қотирганлар.

Ҳозирда жамиятнинг 64 фоизини ташкил этувчи ёшларни тарбиялашни давлатимиз, ота-оналар, устозлар ўз олдиларига асосий мақсад сифатида қўйганлар. Бу соҳада кўплаб амалий ва назарий ишлар ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Болалар соғлигини яхшилаш максадида 2010 йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган<sup>2</sup>. Болаларнинг соғлиги жамият келажаги эканлиги, бу соҳада давлат кўплаб амалий ишлар қилиб бораётганлигини кўрсатади.

Болаларнинг таълим-тарбиясига яратилаётган шароитлар ҳам жамиятни келажак авлодларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларни билимли, бақувват, кўплаб касб-хунарларнинг эгаси бўлишлари учун имкониятлар яратгаётганидан дарак беради. Кадрлар тайёрлаш мишлий дастури ва Мактаб таълим мини

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 60-бет.

<sup>2</sup> И. А. Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фарновонлигини оширишга хизмат қиласди» маърузасини ўрганиш бўйича ўкув-услубий мажмуя. – Т.: «Иктиносидёт», 2011. – 154-бет.

ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунаий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди<sup>1</sup>.

Таълим ва тарбия масалаларини амалга оширишда Ўзбекистонда 2010 йили 560 та етакчи кластер мактаби қиймати қарийб 6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўкув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1, 5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди<sup>2</sup>.

Ёш авлодни соглом ўсишини, уни келажакда жамият манфаатлари учун хизмат қила олишини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан кўплаб спорт иншоотлари қурилди. Мустақиллик йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд болаларнинг спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди. Бундай шароитларни ёшлар тарбияси ривожи учун яратилиши улар орасидан кўплаб жаҳон чемпионларини вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистонда таълим ва тарбия соҳасида яратилаётган шароитлар келажак авлодни билимли, малакали, иқтидорли, қизиқувчан қилиб тарбияланиб бориши учун ҳамма имкониятларни яратмоқда. Педагогик социология бу жамиятдаги болалар таълим ва тарбиясига, унга яратилаётган имкониятларга, шароитларга, болалар таълим ва тарбиясига таъсир этаётган

<sup>1</sup> И. А. Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи» маъruzасини ўрганиш бўйича ўкув-услубий мажмua. – Т.: «Иктисолиёт», 2011. – 154-бет.

<sup>2</sup> Ўзакитоб.

муҳитга қизиқиши билан қаровчи муҳим фан ҳисобланади. Бу масалаларни ўрганиш, энг аввало, фалсафий масалалар ҳисобланиб, жамият тарақкиётига, жамиятнинг тараққиёт билан боғлик конуниятларини ўрганишга йўл очади. Педагогик социология фанини ўрганиш масалаларига давлат, халқ, инсоният қизикади ва бу йўлда доимо назорат қилиш, кузатиш ишларини олиб боради. Бола тарбиясидаги маълум бир етишмовчиликлар жамият ривожига прогрессв эмас, балки регрессив таъсир этади. Шунинг учун ҳам барча даврларда, барча мамлакатларда бола тарбияси энг муҳим вазифалар қаторига кирган.

Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ болалар тарбиясига, уларга берилаётган таълимга катта эътибор берган ва бериб келмоқда. Ҳар бир йилнинг номланиши айнан болалар келажаги, уларнинг соғлиғи мустаҳкамлигиги янада яхшилашга қаратилгандир. Дейлик, бу йил, яъни 2014 йил «Соғлом бола» йили деб аталиб, давлатимиз томонидан болалар учун қўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда. Президентимиз болалар тарбиясига, уларнинг соғлиғига эътибор берган ҳолда шундай дейди: «Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайтуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг баҳту саодати, фазлу камолотини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди<sup>1</sup>. Бола тарбияси – бу муқаддас бурч ҳисоблниб, унга, биринчи навбатда, ота-она, мураббий, ўқитувчи, маҳалла, қавму қариндошлар, якин дўстлар, мактаб, давлат, жамият жавобгар ҳисобланади. Яхши тарбия топган ва мақтовга сазовор болалар жамиятга, одамларга, халқига фақат яхшиликлар олиб келади. Болага илк тарбия бериш оиласдан бошланади. Ота-она болага ахлоқ ва одобни ўргатади. Боланинг кўнглига эзгулик, яхшилик, меҳр-оқибат, ор-номус каби тушунчаларни сингдиради.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тарақкиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1998. – 4-бет.

Бундан ташқари, болага таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар бола онгини билим, малака, руҳий поклик, инсонни севищ, ватанга ва жамиятга хизмат қилиш, имонли, инсофли бўлиш, ҳар қандай ишни амалга оширишда ақл-тафаккурга суюниш кабиларни ўргатадилар. Атрофдаги омиллар асосида нотўғри тарбияланган инсон яхшилик уругини эмас, ёмонлик уругини тарқатади. Ёмонлик асосида катта бўлган инсонда одамларга бўлган салбий хислатлар шаклланади. Тарбия соҳасида ҳам яхши инсонни шакллантириш – бу муқаддас бурч, вазифадир. Бу эса, бола атрофидаги инсонлардан масъулият ва жавобгарликни талаб қиласи.

## ХУЛОСА

Инсоният ҳаётини ўз ҳаёти давомида амалда орттирган билимлар, малакаларсиз тасавур қилиб бўлмайди. Инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида кўплаб амалий ва назарий билимларни кашф қилди ва қилиб келмоқда. Ҳар бир авлод ўзидан аввалги билимларни ўзлаштирган ҳолда янги билимларни кашф қилиб келмоқда. Бу авлоддан-авлодга қоладиган билимлар, кўникмалар, малакалар бўлиб, инсон ўзидан кейинги авлодга бериш орқали жамиятнинг яшаши, ҳаёт кечириши учун шароитлар яратади. Инсониятга хос бўлган кўплаб фаолият турларини кўрсатиш ва янги пайдо бўлаётган йўналишларни санаб ўтиш мумкин. Булар эса, ёш авлодга таълим ва тарбия орқали ўтади. Бундай ҳолат бўлмаса жамият инқизозга учрайди ва йўк бўлиб кетади. Ҳар бир халқнинг ўз яшаш шароитидан келиб чиқсан ҳолда турли касблар ривож топган. Урф-одатлар, анъаналар, мерос, қадриятлар асосида улғайтан инсон шу халққа хос бўлган руҳиятни ўзида олиб юради. Булар таълим ва тарбияда ҳам ўз аксини топади. Илғор ғояларга ва ютуқларга эга бўлган халқ ривожланиш орқали бошқа халқлардан илгарилаб кетади. Айримларда бундай шароит бўлмаганлиги учун ривожланишдан орқада қолади ёки ўртаҳол мамлакатларга айланади. Булар ҳам айнан таълим ва тарбия билан узвий боғлиқ жараёнлар ҳисобланади.

Бола тарбияси ва унга яратилаётган шароитлар, муҳит масаласи социология фанининг педагогик социология йўналиши билан узвий боғлиқдир. Бу соҳада жаҳоннинг кўплаб мутафаккирлари бош қотиришган. Улар ўз тавсия ва асарларида булар ҳақида фикрлар билдиришган. Ривожланган мамлакатларни ўрганар эканмиз, улардаги таълим тизими, улар шуғулланаёт-

ган масалалар жамият учун керакли бўлган зарурий масалалар эканлигини кўрамиз. Ҳар бир халк ўз авлодларини яхши таълим ва тарбияга эга бўлишлари учун интилади. Ўзбекистонда ҳам ёшларга жаҳон стандартларига мос бўлган кадр сифатида таълим ва тарбия беришга шароитлар яратиб берилаётганини кўриш мумкин.

Бу соҳада таълим тизимини ислоҳ қилиш, янги ва зарур бўлган билимларни олиш, ёшларни жаҳоннинг етакчи мамлакатларида берилаётган билимлар билан таништириш, янгича ўйлайдиган авлодни тарбиялаш каби кўплаб масалалар турибди. Бу соҳаларни ўрганишни педагогик социологиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Педагогик социология жамиятдаги масалаларни социология ва унинг ўрганиш масалаларига суяянган ҳолда таҳлил қилиб боради. Жамият тараққиёти бу халқ фаровонлиги билан боғлик. Жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлодга бериладиган таълим ва тарбия билан узвий боғлик. Боланинг илк тарбияси оиласда бошланиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов шундай ёзади: «Боланинг характеристини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир»<sup>1</sup>.

Педагогик социология фан сифатида жамиятдаги таълим ва тарбия масалаларини ўрганишда унга яратилаётган шароитлар, муҳит каби масалаларни чукур ўрганиб боради. Бунда педагогик социология оиласи, гуруҳларни, давлатни, жамиятни ва унда яратилаётган шароит ва муҳитни таҳлил қиласди. Ўз тавсиялари ва йўналишлари билан маълум бир йўл-йўриқлар беради. Кўриниб турибдики, педагогик социология педагогикага хос бўлган кўплаб масалаларни ҳал қилишда

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 52-бет.

фаол иштирок этиб боради. Педагогик социология фани олдига құйилған вазифалар таълим ва тарбия масалалари билан боғлиқ бұлар экан, демак, жамиятдаги барча педагогикага хос масалаларни ҳал қилишда унинг аҳамияти ва долзарбилиги ошиб бораверади.

## ИЛОВА

### Ўқитувчилар жамоасининг ижтимоий-психологик мухитини баҳолаш тести

Йўриқнома: куйидаги мулоҳазалар билан танишиб, ўз ҳам-  
касларингизнинг қанча кисми ушбу мулоҳазаларга мос бўл-  
ган хулқ-автор ва муносабатни намоён қилишини баҳоланг.  
Куйида жавоб варианtlари мавжуд:

- «барчаси» – 6 балл;
- «деярли барчаси» – 5 балл;
- «кўпчилиги» – 4 балл;
- «ярми» – 3 балл;
- «озчилик» – 2 балл;
- «деярли ҳеч ким» – 1 балл;
- «ҳеч ким» – 0 балл;

1. Сўз ва иш бирлигига эга.
2. Индивидуалликни намоён қилишга.
3. Тўлиқ эътиқодли.
4. Бир-бирининг ютуқларидан қувонадилар.
5. Янги ходимларга ва бошқа жамоа аъзоларига ёрдам қўли-  
ни чўзадилар.
6. Бир-бири билан ўзаро мохирона алоқа қилишади.
7. Жамоанинг олдидағи вазифани биладилар.
8. Бир-бирига нисбатан талабчан.
9. Ҳамма вазифаларни умумий ҳал этадилар
10. Жамоа олдидағи муаммони бираадамликда баҳолайди-  
лар.
11. Бир-бирларига ишонадилар.

12. Янги ишга кирғанлар ва бошқа малакали жамоа аъзола-ри билан тажриба алмашадилар.
13. Мажбуриятларни ўзаро низосиз тақсимлайдилар.
14. Жамоа ишлари якунларини билдиради.
15. Ҳеч қачон ҳеч нарсада хато қилмайдилар.
16. Ютуқ ва муваффакиятсизликларни ҳаққоний баҳолай-дилар.
17. Шахсий манфаатлари жамоат манфаати билан уйғун-лашган.
18. Бўш вактларини биргалиқда ўтказадилар.
19. Бир-бирларини ҳимоя қиласидилар.
20. Янги келғанлар ва бошқа бўлим вакиллари манфаатла-рини ҳисобга оладилар.
21. Бир-бирларини ўзаро тўлдирадилар.
22. Жамоанинг ижобий ва салбий жиҳатларини яхши била-дилар.
23. Муаммо ва топшириқлар устида тўлиқ куч билан ишлай-дилар.
24. Жамоа манфаатларида тўқнашувга дуч келсалар бефарқ эмаслар.
25. Масъулиятларнинг тўғри тақсимотини бир хилда баҳо-лайдилар.
26. Бир-бирларини кўллаб-кувватлайдилар.
27. Жамоанинг янги ва кекса аъзоларига бир хилда адолатли ёндашадилар.
28. Ишдаги камчиликларни мустақил кўрсата оладилар ва тузатадилар.
29. Жамоадаги хулқ-атвор қоидаларини биладилар.
30. Ҳеч қачон ва ҳеч нарсадан шубҳаланмайдилар.
31. Боштаган ишларини ярим йўлга ташлаб кўймайдилар.
32. Жамоадаги хулқ-атвор меъёлларини қабул қилишда орт-да қолмайдилар.
33. Жамоа манфаатларини бир хилда баҳолайдилар.

34. Жамоа муваффакиятсизликларидан қалдан азобланадилар.
35. Жамоадаги кекса ва ёшларни ҳамда бошқа бўлим вакиллари ишини ҳақоний бир хил баҳолайдилар.
36. Жамоа вазифаларини ҳал этишдаги ўзаро ҳамкорлик шароитида юзага келадиган низолар ва зиддиятларни тез ҳал этадилар.
37. Мажбуриятларини яхши биладилар.
38. Тартиб-интизомга онгли бўйсунадилар.
39. Ўз жамоаларига ишонадилар.
40. Жамоа муваффакиятсизликларини бир хил баҳолайдилар.
41. Бир-бирларига муносабатларида ўзларини камтарона тутадилар.
42. Ёшлар ва бошқа жамоа вакиллари олдида ўзларининг устун томонларини намоён қилмайдилар.
43. Ўзаро тез тил топишадилар.
44. Ҳамкорликда ишлаш усул ва амалларини яхши биладилар.
45. Доимо ва ҳаммасида ҳақ.
46. Жамоа манфаатларини шахсий манфаатлардан устун кўядилар.
47. Гуруҳ учун аҳамиятли жиҳатларни қўллаб-қувватлайдилар.
48. Ахлоқий меъёрлар ҳақида бир хил тасаввурга эгалар.
49. Бир-бирларига хайриҳоҳлар.
50. Ёшлар ва бошқа гуруҳ аъзолари билан оқилона муносабат ўрнатадилар.
51. Талаб этилганда ўзига жамоа етакчилигини танлай биладилар.
52. Жамоадошларининг ишини яхши биладилар.
53. Жамоа мулкига хўжайин сифатида ёндашадилар.
54. Жамоа анъаналарини қўллаб-қувватлайдилар.

55. Шахснинг ижтимоий сифатларига бир хилда баҳадирилар.

56. Бир-бирларини ҳурмат қиласидилар.

57. Ёшлар ва жамоанинг бошқа аъзолари билан ҳамкорлик қиласидилар.

58. Зарурат бўлганда жамоанинг бошқа аъзолари масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

59. Бир-бирларининг хислатларини биладилар.

60. Ҳамма ўз ишининг устаси ҳисобланади.

61. Ҳар қандай топширикни масъулият билан бажарадилар.

62. Жамоани бузишга ҳаракат қилган кучларга фаол қаршилик кўрсатадилар.

63. Рағбатлантириш тақсимоти тўғрилигини бир хил баҳолайдилар.

64. Оғир дамларда бир-бирларини қўллаб-кувватлайдилар.

65. Ёшлар ва бошқа жамоа вакиллари ютуқларидан қувона-дилар.

66. Мурракаб шароитларда уюшган ҳолда ҳаракат қиласидилар.

67. Бир-бирларининг одат ва лаёқатларини яхши биладилар.

68. Жамоат ишларида фаол иштирок этадилар.

69. Жамоа ютуқларига доимо ғамхўрлар.

70. Адолагли жазолашни бир хил баҳолайдилар.

71. Бир-бирларига нисбатан хушмуомаладирлар.

72. Ёшлар ва бошқа жамоа аъзоларининг муваффакиятсизликларига дилдан шерикдирлар.

73. Барчага бир хил масъулият юклай оладилар.

74. Ишни бир-бирига ўтишини биладилар.

Бу саволларга жавоб бериш орқали жамоадаги ижтимоий психологик ҳолат юзага чиқади ва жамоанинг устида ишлаш масалалари кўзга ташланади. Жамоадаги ижтимоий-психологик ҳолат яхши бўлса тарбиялаш жараёни ҳам яхши кечади. Жамоа аъзолари бир-бирига тўғри муносабат қилсалар, улар

Үртасида ғаламисона жараёнлар бўлмаса. бола тарбияси ҳам яхши бўлади. Малакаси юксак бўлган педагоглар ўз тажрибаларини бошқа ўқитувчиларга дўстона бера олсалар ва уларнинг тажрибаларини бошқалар ҳам тўғри қабул қиласалар бу жамоа яхши ва ижодкор жамоа бўлади. Сен эмас мен, деб ўзини устун қўядиган бўлсалар, бундай жамоада ижтимоий-психологик иқлим яхши бўлмайди. Жамоада ўзаро муносабатларни тўғрилаш, ўзаро тўғри ҳамкорликни вужудга келтириш зарур ҳисобланади. Болалар ўртасидаги муносабатларда буларнинг таъсири ҳам бўлади.

### **Педагог шахсининг қасбий йўналганлигини баҳолаш**

Йўриқнома: ушбу сўровномада сизнинг шахсингизга тегишли бўлган хусусиятлар келтирилган. Улар икки хил мезонга кўра баҳоланади:

- а) ушбу хусусиятлар менинг хулқ-атворимга мос келади.
- б) ушбу хусусиятлар менинг хулқ-атворимга тўғри келмайди.

Берилган саволлардан ўзингизга мос келганини танлаб олинг. Текширишлар орқали ўзингиздаги ижобий ва салбий томонларни ажратиб олинг. Булар сизнинг қасбингизга мослих даражангизни ёки ўз устингизда ишлаш кераклигини кўрсатади.

1. Мен болаларни ёқтираман.
2. Мен одамлардан узокда ёлғиз яшашим мумкин.
3. Мен ўқитаётган фан чукур билим беради ва инсонларнинг яшашларини енгиллаштиради, деб ўйлайман.
4. Одамлар ахлоқий қоидаларга амал қилишлари зарур, деб ўйлайман.

5. Ҳозирда қандай йўл билан бўлса-да, бойлик орттириш керак, деб ўйлайман.
6. Бойлик яшаш учун зарур жараёндири.
7. Китоблар менинг учун жуда қадрли ва кераклидир.
8. Мен ҳар доим ўз қасбимга тегишли бўлган китобларни ўқиб бораман.
9. Дарс жараёнида тўполон қилган болаларни ёқтирумайман.
10. Болаларга тушунтириш мен учун жуда азобли ҳолат.
11. Мехнатсиз ҳам пул топса бўлади.
12. Ахлоқ факат ўқувчиларга берилади.
13. Мактаб қоидалари менга жуда оғир тушади.
14. Менга осойишта иш шароити ёқади.
15. Атрофдагиларнинг айтишича, мен бажараётган ишларни кўнгилдагидек бажарар эканман.
16. Баъзан дарсга кечикиб келган ўқувчини уялтиришни ёқтираман.
17. Ўқувчига танбех бериб туриш зарур, деб ўйлайман.
18. Мен бошқаларнинг камчилигини кўрсам ҳам кўрмагандек юраман.
19. Мен болаларга меҳр бериш керак, деб ўйлайман.
20. Малакани ошириш зарур эмас, деб биламан.
21. Бошқаларнинг фикри менга зарур эмас, уларга эътибор бермайман.
22. Атрофдагилар мени кўп ўқийди ва кўп нарсаларни билади, дейдилар.
23. Менимча, болалар бу бизнинг келажагимиз, уларга кўп билим бериш керак, қасб-хунар олишларига ёрдамлашиш зарур.
24. Болаларни катта қилиш қийин, лекин қийинчиликсиз келажак йўқ.
25. Мен ўз меҳнатимдан завқланаман.
26. Қулоқсиз болаларни ҳар доим жазолаш керак.

27. Менимча, А.Авлоний болаларни тарбиялашга катта эътибор берган, менинг ҳам болаларга меҳрим бор.
28. Менимча, болаларга қўпроқ мажбурулаш орқали билим бериш керак.
29. Болаларнинг ўзлари билим оладилар, уларга эътибор бермаса ҳам бўлади.
30. Менга берилган маслаҳатни дарров ўзимга оламан.
31. Болаларга, меҳнат одамни улуғлайди, деб ўргатаман.
32. Ахлоқли бўлиш билим олишнинг асоси, деб биламан.
33. Мени мақташса мен янада қўпроқ меҳнат қиласман.
34. Менинг амалга ошираётган фаолиятим одамларга фойда келтирса.
35. Болаларга фан ютуқларидан завқланишни ўргатаман.
36. Мен ўз устимда яна ишлашим керак, деб ўйлайман.
37. Мен билағон болаларни яхши кўраман.
38. Болалар мендан маслаҳат сўрасалар, эринмай маслаҳат бераман.
39. Дунёдаги энг эъзозли касб, деб ўқитувчиликни биламан.
40. Мен ўз касбимни тўғри танлаганман, деб ўйлайман.

Бу саволларни яна давом эттириш мумкин. Инсон ўзини шу каби саволлар орқали билиб боради. Яхши педагог, энг аввалио, тарбияланаётган болаларни севади. Уларнинг шўхлигини, эркалигини кутаради. Уларни тарбиялаш учун ҳар хил усуллардан фойдаланади. Уларни факат мақтаб эмас, балки танбех бериб, керак бўлса, жазолаб ҳам тарбиялайди. Чунки болаларнинг руҳияти ҳар хил бўлади. Шароитдан келиб чиқсан ҳолда уни мақтаб, рағбатлантирилади ва керак бўлганда жазолаш ҳам тарбиялашга ёрдам беради. Ўз касбини яхши кўрган педагог ҳар доим болаларнинг орасида ва уларнинг севимли инсони бўлиб қолади. Улар катта бўлганларида ҳам ўз устозларини эслайдилар. Педагогик социология болаларга берилаётган таълим ва тарбиянинг олиб борилиши, шарт-шароитлари, яхши тарбия ёйилиши ва ўзгаларга таъсири, оиласдаги шароитлар,

махалладаги тенгқурлар, табиатнинг тарбияга таъсирини, хуллас, инсон тарбиясига таъсир этиб, унга шароит яратиб берадайтган барча томонларни ўрганиб боради.

Яхши педагог – бу ёш авлодни тарбиялаётган моҳир ва ўз касбининг устаси ҳисобланади. У ҳар доим шогирдларининг келажагини ўйлади. Ўз устида ишлаб, уларга янги билимлар бериш йўлларини излайди. Педагог – бу психолог, тарбиячи, билим берувчи ва, энг асосийси, келажак авлодларнинг устози, меҳнаткаш инсонидир. Шунинг учун ҳам ҳамма даврларда педагогларга жамият катта эътибор бериб, уларни энг улуғ касб эгаси, деб кўкларга кўтаради. Биз инсоният тарихидан ҳақиқий педагогларни кўплаб учратганимиз. Бегараз меҳнатлари билан эътибор кўрсатган педагогларни инсоният ҳар доим улуғлайди. Бизга эса, шундай улуғ педагоглар керак бўлиб, келажак авлодларнинг баҳти яшапи учун яхши кадрларни тайёрлаб беришини кутиб қоламиз.

### **Ота-оналарга ўз фарзандларини билишлари ва синашлари учун психологик тест саволлари**

#### **Сиз ўз болангизга қандай муносабатдасиз?**

Ҳар бир инсон ўз боласининг келажаги ҳақида кўп ўйлади. Уни келажакда ким бўлиши, қандай инсон бўлиб етишиши ота-оналарни ўйлантиради. Ота-оналар болалари билан қандай муносабат ўрнатишни, уларни қандай қилиб тарбиялашни ўйладилар. Қуйида сизнинг ўз болаларингиз билан қандай муносабатда эканлигингизга баҳо берувчи психологик тест саволлари берилган. Бу саволларга жавоб бериш орқали ўзингиз ва болангиз ўртасидаги муносабатларга тегишли бўлган маълумотлар оласиз.

1. Эрталаб болангизнинг кийинишига ёрдам берасизми?

2. Сиз унинг яхши кийинишига интиласизми?
3. Йўлни кесиб ўтаётганда сиз унинг кўлини ушлаб оласизми?
4. Сиз унга: «Ўсиб отангдек бўласан», деб кўп қайтарасизми?
5. Унга тенгдошлари орасида улардан яхшироқ бўлиш кераклигини ишонтириб айтасизми?
6. Болангиз олдида ўқитувчилари, тарбиячилари ҳақида ёмон фикрларни айтасизми?
7. Болалар ўргасидаги жанжал ва келишмовчиликларга қўшиласизми?
8. Болангиз билан бўлган мулоқотда сиз «бизнинг даврда бундай бўлган эди» каби сўзларни айтасизми?
9. Сиз ундан ким билан ўртоқлигини ва нима билан машгуллигини доим айтишини талаб қиласизми?
10. Бошқа ота-оналардан норози бўла туриб, сиз болангизга меҳмонга бормасдан, уларни ўз уйига таклиф қилишни тавсия киласизми?

Саволларга жавоблар «Ҳа», «Йўқ», «Гоҳида» тарзида бўлса, ҳар бир «Ҳа»га 3 балл, «Йўқ»га 1 балл, «Гоҳида»га 2 балл берилади.

### **10 дан 15 баллгача**

Сизга маълумки, болани ман қилишлар, ҳар доим ёнини олишлар, шунингдек, панд-насиҳатлар орқали тарбиялаб бўлмайди. Уни кўпроқ ўз олдингизда ишларни мустақил бажаришига кўмаклашинг. Яхши ишларини мақтаб, ёмон ишларига ўз тушуниришларингиз орқали тўғри йўлни кўрсатишга уриниб кўринг. Буни у сезмасин, худди маслаҳатлашаётгандек қилиб олиб боринг.

Сиз, албатта, ўз болангизнинг катта бўлаётганини тўғри тушунасиз уни мустақил бўлишини хоҳлайсиз ва бунга ёрдам берасиз, сизга бўлган ишончини йўқотмаслигини хоҳлайсиз.

### **16 дан 23 гача бўлган баллар**

Сиз қизингиз ва ўғлингизни ҳаётда ўз йўлини мустақил то-пишига йўл қўймайсиз, шунингдек, уларни сизнинг фикрингизга қарши фикрлар айтишларига ҳам йўл қўймайсиз. Мустақил бўлишлари учун уларга имконият ҳам бермайсиз. Мактаб – бу, сизнинг фикрингизча, оғир даҳмаза. Ўқитувчилар билан сизнинг фикрингиз ҳар доим мос тушавермайди. Шунинг учун улар билан ўзаро мулоқот қила олмайсиз. Сизнинг болангиз улгаяётганлигига, уни сизга боғлиқлиги камаяётганлигига қўнига олмайсиз ва бунга ишонгингиз келмайди. Маслаҳатимиз – унга озгина эркинлик беринг, бу унга ҳам, сизга ҳам жуда керак. Ўз йўлини топиши, мустақил фикрлаши, ўзига мос бўлган қарорлар қабул қилиши учун бу эркинлик зарур. Сиз эса, уни ташқаридан кузатиб, хато фикрларини тузатиш учун маслаҳатлар бериш орқали тўғри йўлга етакланг.

## 24 баллдан 30 баллгача

Сизга болангизнинг ўқитувчилари билан ҳам, унинг ўртоклари билан ҳам яхши муносабат ўрнатишга эришиш қийин бўлди ва бунга эриша олмадингиз ҳам. Бунинг сабаби сизни болангизга жуда ҳам қаттиқ ёпишиб олганлигингиздир. Сиз фақат унинг учун яшаяпсиз, унда сизнинг бирдан бир ҳаётингизнинг маъноси ётади. Шуни билиш керакки, бу болани тарбиялашнинг тўғри йўли эмас, чунки болани тўғри тарбиялаш учун оиласда тўғри муносабатлар ўрнатилган бўлиши керак. Сиз ўз тарбия услубингиздан тезда воз кечишингиз ва болани эркин нафас олиши учун имконият яратишингиз керак. Тез орада бунинг натижасини кўрасиз, болангиз анча бошқача бўлиб қолади. Сизнинг эса бўш вақтингиз, албатта, кўпаяди.

Инсоният, албатта, узоқ вақт давомида ўз авлодларини тарбиялаб боришга интилиб келган ва келади ҳам. Лекин инсоният тарақкиёти ҳар бир авлод тарбиясига ўз чизигини қўяди. Бу, энг аввало, жамият, инсоният, инсоннинг ўз эҳтиёжлари, манфаатлари ва қизиқишлиридан келиб чиқиб, мақсадлари сари интилиши билан боғлиқ ҳолда кечади. Бундан келиб чиққан

ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир авлоднинг ўзига хос бўлган томонлари шаклланиб, олдинги авлоддан нимаси биландир ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ёш авлод янгиликлар сари интилади, уларнинг дунёқараши шаклланиб, ўзига хос бўлган кўринишга эга бўлади. Ёш авлодни тарбиялашда эса, биз авлодлар яратган билимларга ва урф-одатларга, қадриятларга суюнамиз. Бундан келиб чиқиб, ота-оналарнинг болаларга бераётган тарбиясида айнан инсониятга хос бўлган қадриятларга суюнган ҳолда, эҳтиёткорлик билан билимлар бериб бориш зарур. Чунки боланинг мияси, онги худди оқ қоғозга ўхшайди, унга нима ёzsак, келажакда ана шуни бола ҳаётида кўрамиз.

### **Сизнинг болангиз билағонми?**

Психология фанидан маълумки, ҳар бир бола унга тегишли бўлган хислатларга эга бўлади. Бу хислатлар эса, илк болалик даврларидаёқ намоён бўлади. Бундай томонларни эса, ота-оналар эртароқ сезишлари керак. Болани тарбиялашда ота-оналар бу хусусиятлардан фойдаланиш ва уни янада ривожлантириш учун имкониятлар топишлари зарур. Ота-оналар боланинг келажаги учун ҳар доим жон куйдиралиган, унинг иқтидорини тарбиялаб, жамият учун фойдали ва уз келажагини куришига ёрдам берувчи биринчи устозлар ҳисобланади. Уларнинг болалардаги бу хислатларни билишлари кечикиб қолмаслиги учун, қуидаги тест саволларини тавсия қиласиз.

1. Сизнинг болангиз ўқишини б ёшга тўлмасдан, эрта ўрганиб олди: мустақил ҳолда ўрганди – 7 балл, кимнингдир ёрдамида ўрганди – 5 балл.
2. Кўп китоб ўқийди, шу билан бирга тез ўқийди – 2 балл.
3. Ўзи ёки кимнингдир ёрдами билан луғат ва энциклопедияни ўқий бошлади – 2 балл.
4. Ўқишини осон ўрганди, лекин ўқишига қийналади – 1 балл.

5. Эшикни беркитиб ўқииди, унинг ўртоқлари эса, ўзидан икки ёш катта – 2 балл.

6. Катталар билан teng гаплашишни ёқтиради – 2 балл.

7. Жуда кўп ҳар хил саволлар беради, бу саволлар кўп ҳолда катталарнинг бошини қотиради ва боши берк кўчага киритади – 1 балл.

8. Унда деярли барча саволларга жавоблар тайёр – 1 балл.

9. Болангиз айрим ҳолларда хаёли паришон ҳолда бўлади, лекин ҳар доим ҳайратомуз умумлаштиришлар қиласди, дейлик, кинофильмларни, телевидение орқали берилган кўрсатувлар ёки кимнингдир кузатуви орқали бундай умумлаштиришларни қиласди – 2 балл.

10. Болангиз ўзини ўраб турган дунёга эҳтирос билан муносабат кўрсатади ва мулоқотга киришади, бу дунё ҳақида ўзининг баҳосини беради – 1 балл.

11. Бир хил кечадиган ишларга зерикарли муносабатда бўлади. Полни ювиш, идиш-товоқларни ювиш, ўкув машкларини бажариш, катта куч талаб қилмайдиган ишлар унинг учун зерикарли бўлади – 1 балл.

12. У ҳар қандай ноҳақликка, ҳаттоки, бу унга тегишли бўлмаса ҳам қаршидир – 2 балл.

13. Ҳазиллашишни яхши кўради – 2 балл.

14. Унинг луғат билими бой ва мулоқотга кўрқмасдан ҳар хил терминларни ишлатади, ўзининг фикрлаши билан атрофдагиларни ҳаяжонга солади – 2 балл .

15. Мураккаб шахмат ва шу каби ўлашга мажбур қилувчи ўйинларни ўнашни ёқтиради – 2 балл.

16. Унинг ўзи энди мактабга боради, лекин катта синфдагилар нима дарс ўтиши билан кизиқади – 1 балл.

17. Ҳар хил машғулот билан шуғулланишни ёқтиради, лекин уларни ўзи мустакил ечишни хоҳлайди – 2 балл.

18. Коинот масалалари, инсоннинг дунёга келиши ва тарихи билан қизиқади – 2 балл.

**19. Мактабга боради, ортиқча күч сарфламай үқийди, ҳам-масини тез үзлаштиради ва шу билан бирга күп саволларга ўзининг фикри бор – 2 балл.**

**20. У мусиқага, халқ санъатига, табиатга қизиқади ва уларда уйғунликни ҳис этади – 2 балл.**

Агар жавоб йўқ деб берилса, у ҳолда – 0 балл бўлади.

### **0 дан 10 баллгача**

Сиз ўз болангизга, унинг ривожланишига эътибор беришингиз керак. Бунинг учун уни мактаб психологига кўрсатиб, педагог билан маслаҳатлашган ҳолда, маълум бир индивидуал машқларни олиб боришингиз керак бўлади. Боланинг ривожланиши – бу уни ўраб турган одамлар билан, уларнинг амалий тажрибалари билан ҳам боғлиқ бўлади. Бола дунёқарашининг ривожланиши унинг ота-онасининг дунёқараши билан, унга берилаётган эътибор билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун сиз ўз болангизга кўпроқ эътибор беринг, деб маслаҳат берамиз.

### **10 дан 13 баллгача**

Агар тўпланган баллар 10 дан 13 гача бўлса, у ҳолда сизнинг болангиз маълум бир қобилиятга эга эканлиги кўзга ташланади. Сиз бу ҳолларда болангиздаги қайси қобилият тараққий этганлигини билиб олишингиз, бу қобилиятни ижобий ҳолда ривожлантиришингиз керак бўлади. Бунинг учун мактаб психологига мурожаат қилиш ва уни ривожлантириш керак бўлган томонларини аниқлаб олишингиз зарур. Ундаги қобилият сўнмаслиги, аксинча, уни ривожлантириш учун нималар қилиш кераклигини билиб олиш керак бўлади.

### **14 ва ундан ортиқ балл**

Агар тўпланган балл 14 дан ортиқ бўлса, у ҳолда сизнинг болангиз жуда ҳам қобилиятилигидан далолат беради. Сиз энди ўз болангизга қандай таълим бериш кераклиги ҳақида ўйлаб кўришингиз ва уни ташкил этишингиз зарур бўлади. Бунинг учун яна мактаб психологига мурожаат қилган ҳолда, педагог билан маслаҳатлашиб, ишни давом эттиринг.

## **Болаларингиз билан муносабатингиз қандай?**

Инсон хар доим мuloқотда бўлади. У, айникса, ўз яқинлари билан мuloқотда бўлганида уларни тушуниши, ўз ички кечинмаларини уларнинг қалбидан ўтаётган кечинмалар билан мослигини билгиси келади. Оиладаги муносабатлар, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги аҳиллик кўп жихатдан оиланинг баркамол бўлишига имконият яратади. Ўзаро муносабатларда болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги бир-бирини тушуниш оиласда яхши муносабатлар шаклланиши учун, оила тинч ва тотув бўлиши учун, кўпгина муаммолар ечилиши учун имкониятлар яратади. Бу масалаларни билиш учун биз куйида ўзингизни синаш учун психологик тест саволларини бердик.

1. Оилангизда болалар билан ўзаро тушуниш бор, деб ҳисоблайсизми?
2. Болалар сиз билан қалбдан гаплашадими, шахсий ишлари бўйича маслаҳатлашадими?
3. Улар сизнинг ишингиз билан қизиқишадими?
4. Сиз болаларингизнинг ўртоқларини биласизми?
5. Фарзандингизнинг ўртоқлари сизникида бўлиб турадими?
6. Болалар сиз билан бирга хўжалик ишларида иштирок этадими?
7. Сиз уларни қандай ўқишини текшириб кўрасизми?
8. Сизни улар билан биргаликда банд бўладиган умумий машғулотингиз борми?
9. Болалар оила байрамларига тайёргарликда биргаликда иштирок қиласидиларми?
10. Болалар байрамларда сиз билан биргаликда бўлишни хоҳлайдиларми ёки, аксинча, катталарнинг иштирокисиз бўлишни истайдиларми?
11. Сиз болалар билан ўқилган китобни муҳокама қиласизми?

12. Телевизордаги фильмларни-чи?
13. Сиз улар билан биргаликда театрларда, музейларда, концертларда бўласизми?
14. Болалар билан бирга сайлларда бўласизми?
15. Болаларингиз билан биргаликда таътилингизни ўтказишни хоҳлайсизми ёки йўқми?

### **Тест қалити**

Бу ерда тасдиқловчи жавобга 2 балл, «агарда», «гоҳида», «айрим пайтларда» жавоби бўлса, у ҳолда 1 балл, саволларга жавоб йўқ бўлса 0 балл.

Агарда сиз 20 ва ундан ортиқ балл йигдан бўлсангиз, демак, сизнинг болангиз билан муносабатингиз муваффақиятлидир. Агарда 10 баллдан 20 баллгача бўлса, у ҳолда сизнинг болангиз билан муносабатингиз қониқарлидир. Сиз тўплаган балл 10 дан кам бўлса, у ҳолда сиз болангиз билан бўлган муносабатингизни яна бир бор кўриб чиқишингиз зарур бўлади. Сизга маслаҳат – болангизни яхшилаб ўрганинг, унинг дунёсига киришга, унинг учун намуна бўлишга интилинг. Болангизни ишончини қондирган ҳолда унга энг яхши дўст бўлиб қолинг.

### **Виз қандай ота-оналармиз?**

Биз, кўпинча, болаларимиз билан муносабатда бўлиб, ўзимизни қандай ота-она эканлигимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ваҳоланки, биз уларнинг биринчي тарбиячиси, ахлоқ, одоб ва билим олишга ундовчи устозимиз. Бизнинг тарбиячилик вазифамиз тўғри бажарилаяптими ёки йўқми, деб ҳам ўйламаймиз.

Сиз ота-оналар бу соҳада ўзингизни бир текшириб кўринг. Куйида психологик тестлар берилган. Ҳар бир ижобий жавобга 2 балл ва инкор этувчи жавобга 0 балл, «гоҳида», «айрим пайтларда», деб жавоб берилганда 1 балл берилади.

1. Журналларда, телевидениеда ва радиода бериладиган тарбия мавзусидаги эшиттиришларни эшитиб борасизми? Шу мавзуга тегишли бўлган адабиётларни ҳам ўқиб турасизми?
  2. Сизнинг болангиз гуноҳ иш қилиб қўйди. Сиз буни ўзингиз берган тарбиянинг натижаси, деб ўйлаб кўрасизми?
  3. Сиз ўзингизни турмуш ўртоғингиз билан барча масалаларда ҳамфирмисиз?
  4. Агар болангиз сизга ўзининг ёрдамини таклиф қилса, сиз бажараётган иш секинлашса ёки умуман тўхтаб қолса ҳам, унинг ёрдамини қабул қиласидингиз?
  5. Сиз ман қилувчи ёки буйруқ берувчи сўзларни фақат керак бўлгандағина ишлатасизми?
  6. Сиз кетма-кетликни педагогик тарбиянинг асосий принципларидан бири, деб ўйлайсизми?
  7. Болани ўраб турувчи муҳит унга қаттиқ таъсир қилади, деб ҳисоблайсизми?
  8. Спорт ва жисмоний тарбия боланинг гармоник ривожига катта таъсир қилишига ишонасизми?
  9. Сиз болангизга бирор нарсани қил, деб буйруқ бермасдан, ундан шуни қилишни илтимос қила оласизми?
  10. Сиз боланинг бирор юмушига ёрдам беришдан қутулиш учун қуидаги сўздан фойдаланасизми: «Менинг вақтим йўқ», ёки «тўхтаб тур, мен ишимни бажариб олай».
- 6 балл тўплаган бўлсангиз**
- Сиз тарбия тўғрисида жуда оз маълумотга эга экансиз. Сизга маслаҳатимиз – бу соҳадаги билимларингизни кўпайтириб, тезда ўз устингизда ишлашга киришинг. Ҳозирги замон педагогикиси ва Шарқнинг буюк инсонлари колдирган қадриятларни ўзлаштириб бориб, нафақат ўзингиз, балки, энг аввало, болаларингиз учун ҳам ўrnak бўла оласиз. Сиз ўз болаларингизни кузатиш орқали уларнинг тарбияси ва уларга етишмаётган қирраларни билиб оласиз ва бола тарбиясига хос бўлган қонуниятларни ҳам ўзлаштирасиз. Болангизга бераётган тар-

биянгиз – бу сизнинг уларга берадиган меҳрингиз билан уйғунлашиб кетади. Сиз уларни тұғри тарбиялаш орқали нафақат уларни, балки ўзингизни ҳам тарбиялаб борасиз. Бу эса, сизнинг ютуғингиз ҳисобланади. Чунки сиз таълим-тарбия билан узвий машғул бўлган кўплаб педагогларни, Farb ва Шарқ мутафаккирларининг ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган китобларини ўқиб чиқиб, ўз малакангизни ва дунёқарашингизни кенгайтириб борасиз. Ўзингиз севган болаларингиз учун ҳар доим ҳамма нарсага тайёр турасиз.

### **7 баллдан 14 баллгача**

Сиз бу соҳада катта хатолар қиласиз, лекин шунга қарамасдан ўзингизни, бу соҳадаги ишларингизни бир сарҳисоб қилиб кўрсангиз ёмон бўлмайди. Ҳозирги яқин кунлардаги дам олиш кунингизни болаларингизга бағишлиб, ўз ишларингизни унудишига эътибор беринг. Болалар бу ишнингиз учун сизни тақдирлашади. Бунга, албатта, ишонинг. Сиз кўпроқ ўз болаларингиз билан, уларнинг тарбияси билан шугулланинг. Кўпроқ тарбияга хос бўлган адабиётлар билан танишинг. Улардан фарзандларингизнинг тарбияси учун керакли бўлган билимларни олиб, уларга амал қилишга интилинг. Маслаҳатимиз болаларингизга бефарқ бўлманг.

### **15 баллдан юқори балл тўплаганлар учун**

Сиз ўз ота-оналик бурчингизни тўлиқ бажарасиз. Болаларингизнинг тарбияси билан ҳар доим қизиқасиз. Улар билан ўйинлар ўтказасиз, дам олиш вақтларини улар билан ўтказишга интиласиз. Атрофдаги инсонлар сизнинг болангиз тўғрисида яхши фикрлар билдиришига ишонасиз. Шу билан бирга, сиз ўз устингизда ишлашни ва болалар билан мулоқотни яна-да кучайтилинг. Балки сизнинг болангиз ўзига хос ноёб инсон бўлиб, шаклланиши мумкиндир. Улар сизга мурожаат қилганда, албатта, қўйган масаласини ечишга интилинг ва уларни кўпроқ масалаларни мустақил ечишига ўргатиб боринг. Бу

юқорида берилган барча маслаҳатлар, энг аввало, болангиз ва унинг тарбиясига қаратилган.

Бу психологияга тегишли тест саволлари ҳар кандай ота-онани бефарқ қолдирмаса керак. Тарбиянинг биринчи қадамлари ота-она томонидан бошланади. Бола катта бўлганида ота-онанинг гаплари унинг учун қонун бўлиши ва у буларга сўзсиз бўйсуниши керак бўлади. Ота-она ўз фарзандининг ютуқларидан фаҳрланишга интилади. Бунинг учун улар биргаликда меҳнат қилишлари зарурдир. Ўз фарзанди учун ота-она биринчи устоздир.

Педагогик социология оиласларни ва уларда яратилган шароитни ўрганар экан, бола тарбиясига таъсир этаётган шароитларни таҳлил қилиб боради. Оиладаги психологик шароит, бола учун яратилаётган имконият, оиладаги яқин инсонларнинг болага таъсири каби педагогик социологиянинг муҳим томонларини ўрганиш ҳисобланади. Бу психологик тестлар эса, шундай ўрганишга ўз ёрдамини беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1997.
2. *Каримов И.А.* Юкас маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
3. *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим түғрисида»ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т., 1997.
5. *Каримов И.А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008.
6. *Каримов И.А.* «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди» маъруzasини ўрганиш бўйича ўкув-услубий мажмуа. – Т.: «Иктисолёт», 2011.
7. Олий таълим. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар тўплами. 1–2-қисм. – Т., 2013.
8. *Абу Носир Форобий.* Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
9. *Абу Али Ибн Сино.* Ҳикматлар. – Т.: «Ўзбекистон», 1980.
10. *Абдулла Авлоний.* Туркий гулистон ёхуд ахлок. – Т.: «Ўқитувчи», 1992.
11. *Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғаззалий.* Бухоро. – Т.: «Ўқитувчи», 1992.
12. *Азизхонов А.Т., Ефимов Л.П.* Теория и практика строительства демократического общества. – Т.: «Университет», 2005.
13. *Абдурауф Фитрат.* Оила. – Т.: «Маънавият», 1998.
14. *Абул-Фарадж.* Книга занимательных историй. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1957.
15. *Абдураҳмонов Ф.Р., Сайдходжсаев Х.Б.* Социология. – Т.: ИИВ Академияси, 2000.
16. *Абдураҳмонов Ф.Р., Абдураҳмонова З.Э.* Дин психологияси. – Т.: ЎзФА Фалсафа ва хуқуқ институти, 2011.

17. Абдураҳмонов Ф. Р. Қадимги Шарқда психологияк фикрлар тарақ-киёти. – Т.: «Ношир», 2012.
18. Абдураҳмонов Ф.Р., Абдураҳмонова З.Э. Үзингни бил. Үзингни англа. – Т.: «Ношир», 2013.
19. Абдураҳмонов Ф.Р. Олий таълим педагогикаси. – Т.: ТТЕСИ, 2014.
20. Бехтерев В. М. Коллективная рефлексология. – Петроград, 1921.
21. Баркамол авлод орзуси. – Т., 2000.
22. Воронцов В. Тафаккур гулшани. – Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
23. Горелов А.А. Социология. – М.: ЭКСМО, 2006.
24. Дюргейм Э. Метод социологии. – Киев: Харьков, 1899.
25. Дағлетшин М.Г. ва бошқ. Ёш давлар ва педагогик психология. Үқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2009.
26. Долимов У. Миллый уйғониш педагогикаси. – Т.: «Ношир», 2012.
27. Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Истиқлол», 1994.
28. Крутецкий В.А. Педагогик психология асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 1976.
29. Крысько В.Г. Социальная психология. – М.: «Мысл», 2010.
30. Мудрик А.В. Социализация человека. – М.: «Академия», 2000.
31. Мардахаев Л.В. Социальная педагогика. – М.: «Гордорико», 2005.
32. Мустаева Ф.А. Основы социальной педагогики. – М.: «Академический проект», 2001.
33. Одаб бўстони ва ахлок гулистони. – Т.: «Фан», 1994.
34. Парыгин Б.Д. Основы социально-психологической теории. – М.: Полиздат, 1971.
35. Психоанализ и культура. – М., 1996.
36. Сайфназаров Н., Никитченко Г., Қосимов А. Илмий ижод методологияси. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004.
37. Саъдий. Гулистон. – Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968.
38. Умар Хайём. Рубойилар. – Т.: «Ўзбекистон», 1976.
39. Ушинский К.Д. Собрание. Сочинение. Т. 2. изд АПН. РСФСР 1948.
40. Умаров Б., Жабборов Ш. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. – Т.: «Академнашр», 2011.
41. Ўзбекистон этноконфессионал атласи. – Т.: «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси, 2011.
42. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: «Рус тили», 1981.

43. Ҳомиджон Ҳомидий. Авестодан Шоҳномага. – Т.: «Шарқ», 2007.
44. Ҳайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: «Ўзбекистон», 1971.
45. Ҳайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тұғри-сіда. – Т.: «Ўқитувчи», 1967.
46. Чориев А. Инсон фалсафаси. (2-китоб). – Т.: «Chinor» ENK, 2002.
47. Гозиев Э.Ғ. Ижтимоий психология. Т.: «Ношир», 2009.
48. Гозиев Э.Ғ. Социал психология. – Т.: «Ношир», 2012.
49. Гозиев Э.Ғ. Касб психологияси. – Т.: ТДАУ, 2003.
50. Файзулаев О. Фалсафа ва фан методологияси. – Т.: Фалсафа ва хукуқ нашриёти, 2007.
51. Фалсафа: қомусий лугат. – Т.: «Шарқ», 2007.
52. Фалсафа: энциклопедик лугат. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопе-дияси» Давлат илмий нашриёти, 2010.
53. Энциклопедик лугат. – Т.: «Шарқ», 2001.
54. Юсупов Э., Юсупов У. Оила – маънавият булоғи. – Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2003.
55. Юсупов Э. Фидойи инсонлардан бири. – Т.: «Университет», 2000.
56. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Универ-ситет», 1998.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Педагогик социология илмий билишнинг йўналиши сифатида .....	6
Социологик-педагогик изланиш ва социал тарбия .....	23
Ижтимоийлашув – социал-педагогик ҳодиса сифатида .....	46
Шахснинг ижтимоийлашув омиллари .....	77
Педагогик социологиянинг муомаладаги тушунчалари .....	113
Оила педагогик социологияни ўрганиш объекти сифатида .....	142
Боланинг ҳаёт фаолиятида микромухит – микрорайон .....	179
Педагогик жамоани таҳдил қилиш .....	196
Педагогик усул .....	203
Хулоса .....	223
Илова .....	226
Фойдаланилган адабиётлар .....	244

**Фарҳод Раҳимжонович Абдураҳмонов**

**ПЕДАГОГИК  
СОЦИОЛОГИЯ**

**«NOSHIR»—ТОШКЕНТ—2015**

<b>Муҳаррир</b>	<i>Л. Игамова</i>
<b>Техник муҳаррир</b>	<i>Д. Мамадалиева</i>
<b>Бадиий муҳаррир</b>	<i>Ш. Одилов</i>
<b>Мусахҳих</b>	<i>С. Сафаева</i>
<b>Саҳифаловчи</b>	<i>А. Кўнишев</i>

---

Нашириёт лицензияси АI № 200, 28. 08. 2011-й.  
Босишга рухсат этилди 05. 02. 2015. Бичими 60 × 84 16"  
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет қоғози.  
Офсет босма усулида чоп этилди. Шартли б. т. 15,5.  
Адади 300 нусха. Буюртма № 1.

---

**«NOSHIR» Ўзбекистон—Германия қўшма  
корхонаси нашриёти.  
100020, Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.**

**«NOSHIR» Ўзбекистон—Германия қўшма  
корхонаси босмахонасида чоп этилди.  
100020, Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.**



Абдурахмонов Фарҳод Раҳимжонович – фалсафа фанлари доктори, профессор. 1955 йил 27 августда Тошкент шаҳрида тугилган. 1977 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг психология бўлимини тамомлаган. 1995 йилда “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик шароитида миллий манбаатлар муаммолари” мавзусида докторлик илмий даражасини ҳимоя қилган.

Илмий йўналишилари – бу ижтимоий фалсафа, ҳуқуқ фалсафаси, социология, психология тармоқлари ҳисобланади. Унинг бу йўналишиларда чоп этилган 200 га яқин илмий ишлари мавжуддир. “Мустақиллик ва миллий манбаатлар” (1994), “Миллий манбаатлар ва миллий бирлиқ түйгуси” (1993),

“Социология”. Матбузалар курси (2000), “Фалсафага янгича ёндошиш давр талаби” (1998), “Маънавий камолот – мустақил тараққиётимизнинг асосий омили” (1999) “Социология фан сифатида” (2007) “Социология”. Услубий қўлланма. (2008), “Ижтимоий бошқарув тизимининг тадрижси ва давлатнинг шакланиши” (2004) “Фалсафа”. Услубий қўлланма (2010), “Фалсафа фанидан семинар машгулотлари ўтказиш учун методик қўлланма” (2010), “Дин психологияси” (2011), “Фалсафа, миллий гоя ва фан методологияси”. Тадқиқотчилар учун методик қўлланма (2011), “Қадимги Шарқда психологик фикрлар тараққиёти” (2012), “Фалсафа, миллий гоя ва фан методологияси” (2012), “Ўзингни бил, ўзингни англа”.

Психологик тестлар тўплами (2013), “Олий таълим педагогикаси” (2014) ва шу каби кўплаб илмий, фалсафий, социологик ва психологик мавзудаги асарларни нашр эттирган.

ISBN 978-9943-446-62-5



9 789943 446625